

Отаназар Матякубов

# БУХОРО

ШАШМАҚОМИГА  
ЯНА БИР НАЗАР



ISBN: 978-99-53-27-244-8  
КЕК: 82.314(57)  
M-21

Отаназар Матякубов

# БУХОРО

## ШАШМАҚОМИГА ЯНА БИР НАЗАР



*Шокибев Сардор*  
*Махсум Матякубов*  
*Апрел 2014 й.*

ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2014

**УЎК: 7.072.5(092)**

**КБК: 85.314(5Ў)**

**М-31**

**Матякубов, Отаназар**

Бухоро Шашмақомига яна бир назар /О.Матякубов. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги; Ўзбекистон Давлат консерваторияси Ихтисослашган илмий-тадқиқот маркази; Тошкентдаги Гёте институти; Хоразм Маъмун академияси. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2014. – 296 б.

ISBN 978-9943-27-244-6

**УЎК: 7.072.5(092)**

**КБК: 85.314(5Ў)**

*Ушбу монография Ўзбекистон Давлат консерваторияси Илмий-услубий кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги 13-баённомасига асосан нашрга тавсия этилган*

**Тақризчилар:**

**С.Б.ҚОСИМХЎЖАЕВА,**

Ўзбекистон Давлат консерваторияси  
илмий ишлар бўйича проректори

**Ҳ.А.АМИНОВ,**

тарих фанлари номзоди

Китоб жаҳон мусиқий меросининг беназир намунаси бўлмиш мақомотнинг ўзак нави Бухоро Шашмақомининг узоқ ва яқин ўтмишида яратилган қўлёзма мусиқий рисоалар, Хоразм танбур чизиги нусхалари, замонавий тадқиқотлар, нота тўпламлари, овоз ёзувлари ҳамда бугунги барҳаёт удумларида ўз аксини топган илмий-назарий ва тарихий илдизларини ўрганишга бағишланади.

Мазкур монография консерватория, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг талабалари учун ўқув қўлланма, миллий мусиқий меросимиз ихлосмандларига билим манбаи сифатида мўлжалланган.

ISBN 978-9943-27-244-6

© Отаназар Матякубов, «Бухоро Шашмақомига яна бир назар». «Янги аср авлоди», 2014 й.

© Улуғбек Абдуллаев, 2014 й.

«Шашмақом» мулкига оид ушбу кичик рисола

Мўътабар Пири Устозларнинг муборак хотирасига,

шунингдек,

янги авлод вакиллари

Матназар Худойназаров, Отабой Холлиев,

Шавкат Мирзаев, Темур Маҳмудов,

Ўлмас Расулов,

Абдуҳошим Исмоилов, Маҳмуджон Тожибоев,

Рустам Болтаев, Раҳматжон Қурбонов,

Шуҳрат Раззоқов,

Раҳматилла Иноятов, Толибжон Темиров,

навқирон насл ниҳоллари

Устозода Аброр Зуфаров

ва шижоаткор Очил Матчоновларга

бағишланади.

Муаллиф

УЎК: 7.072.5(092)  
КЭК: 85.314(59)  
М-31

### УЛУҒЛАР ДУОСИДАН<sup>1</sup>

Нафас, илм, тану жон бердинг худованд,

Қилиб танларни жонлар бирла пайванд.

Айтувчи десаки бепарво: «тан», «тан»

Куй назмида у танлар айридир жондан.

Бежон танлар таги хок бўлса яхши,

Тириклар ундан пок бўлса яхши.

*Абдурахмон Жомий, «Рисолаи мусиқий».*

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,

Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.

Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай,

Улусқа майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса, назм қилгонни халойиқ,

Мукаррар айламак сендин не лойиқ!

*Алишер Навоий, «Фарҳод ва Ширин».*

<sup>1</sup> Китобдаги бирламчи манбалар ва қўлёзма рисолалардан олинган иқтибослар араб, форс тилларидан муаллиф таржимасида берилмоқда.

## ДОНОЛАР НАҚЛИДАН

Мусиқийнинг негизлари, баъзан ҳисоб илми (арифметика)дан келиб чиқади. Ваҳоланки, зул арбаъ, зул хамс ва бошқа бўъдларнинг чеккалари бир-бирига нисбат этилади. Баъзилари илми ҳандаса (геометрия)дан. Чунончи, деймизки, нағмаларнинг паст ва баландлиги, торнинг узун ва қисқалигига қараб ҳисоб этилади. Ва баъзан таъбият (руҳшунослик – психология) илмидан. Чунки, инсон иродасининг кучи унинг ҳис ва ҳаракатидан содир бўлади. Ва баъзилари мутаориф (урф-одат) илмидандир.

*Абдулқодир Мароғий, «Мақосид ул-алҳон»*

Бошқа нав – Куллиётдир. У ўн икки мақом, йигирма тўрт шўъба ва олти овозадан иборат жами адвори ан-нағам ҳамда жами адвори аз-зурубларни ўз ичига олади.

*Нажмиддин Кавкабий, «Рисолаи мусиқий»*

Мусиқий Шашмақом – бу олдин ўтган азиз ва мукаррам устозлардан қолган мўътабар меросдир.

*XIX аср Бухорода яратилган номаълум муаллиф рисоласи*

Шашмақом шундай мусиқий мўъжизаки, таърифлашга сўз ожиз. Унда илоҳий оҳанг қудрати бор. Созанда бўлиб туғилганлар учун у ибодат ва чексиз илҳом манбаи.

*Мутаваккил Бурҳонов (1916–2002).*

*Атоқли композитор,*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи.*

Мўсикийнинг тарихи ва асослари **СЎЗБОШИ** Мўсикийнинг тарихи ва асослари

Шашмақом бутун дунё маънавий хазинасининг мислсиз бойлиги. 2003 йилда у ЮНЕСКО Олий қароргоҳининг фармониға мувофиқ «Жаҳон номоддий мусиқий меросининг бебаҳо дурдонаси» сифатида эътироф этилди. Бирон бир халқ ёки минтақа мусиқий меросига бериладиган бундай юксак баҳо тарихда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Дарҳақиқат, Шашмақом кўп марта ана шундай юксак ном-нишонларга сазовор бўлиб келаётган воқеълик, барҳаёт мусиқий удум.

Мустақиллик даврининг илк пайтларидаёқ Ўзбекистонда қарор топган нуфузли анжуманлардан бири – «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалидир. У 1997 йилдан эътиборан ҳар икки йилда кўҳна Самарқанднинг муҳташам Регистон майдонида зўр иштиёқ ва тарона билан ўтказилиб келинмоқда. «Шарқ тароналари» мусиқий анжуманининг таърифу тавсифи алоҳида илмий ва ижодий масала. Ҳозир бизнинг учун энг муҳими кўҳна Шарқ заминида камол топган қадимий мусиқий қадриятларнинг бугунги кунда жаҳон миқёсига чиқиб, оламни қойил қолдираётганлигидир.

Яна бир жиҳати – «тарона» Шарқ мумтоз мусиқасининг азалий бир нишонаси, қолаверса, «Шашмақом» дейдиган улкан мусиқий тизимнинг ўқ томирларидан бири. Тарона – тараннум (иккаласи ҳам бир негиздан келиб чиқади) аслида «ҳаётбахш кўшиқ», бугунги тил билан айтилганда, «дунёвий кўшиқ» демақдик. Ҳазрат Навоий айтишларича, тарона олдинлари «дубайти» ёки «рубоий» ҳам дейилган экан<sup>1</sup>. Хуллас, Шашмақом денгиз эрса, унга ҳаёт бахш этиб келаётган дарёлардан бири – таронадир. Шунинг учун ҳам, XX аср охирига келиб «тарона» ўзбек заминида ўтказилаётган халқаро мусиқий анжуманлардан бирининг сарлавҳасига чиқарилиши бежиз эмас. Демак, бу замон талаби, давр тақозоси.

2005 йилдан эътиборан Тожикистонда 12 май – миллий байрам – «Шашмақом куни» деб эълон қилинган. Мумтоз мусиқий қадриятларга бундай эъзозу эътибор бу заминда ҳеч қачон бўлган эмас. Сўнгги ўн йилликлар давомида Ўзбекистон, Тожикистон ва хорижий давлатларда Шашмақомга оид нота китоблари ва илмий тадқиқотлар эълон қилиндики, уларнинг миқдор ва кўлами, замон та-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-т. – Т.: Бадиий адабиёт, 1967. – Б. 157

лаблари ва янгилашиш нишонларидан дарак бериб келмоқда<sup>1</sup>. Буларнинг ҳаммаси Шашмақом мулкининг кўргазмали тарафи.

Шашмақом илми борасида кўп улуғлар қалам тебратган. XX асрнинг шиддатли замонларида Абдурауф Фитратдек закий аллома «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» мавзусида илмий асар яратишга чоғланиб, бу муқаддас мероснинг асл сарчашмалари, пири устозлари Ота Жалол ва Ота Фиёслар бисотидаги билимларига таяниб, илмий мулоҳазалар юритишга интиланган ва кўп муваффақиятларга эришишга муяссар бўлган<sup>2</sup>. Бироқ, замона зайли бу ҳақиқатларни рўёбга чиқаришга қўймасдан, улар поймол этилган. Натижада, мақом илми вақтинча чекинишга мажбур бўлган.

XX аср ўрталарига келиб, Ўзбекистонда Исҳоқ Ражабов, Тожикистонда Фазлиддин Шаҳобов каби фидойилар майдонга чиқди ва Шашмақом борасида чинакам ҳаётий масалаларни кўтара бошладилар. Шу фурсатда Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар масаласига доир» китоби ва Фазлиддин Шаҳобовнинг «Тожик телевидениесида Шашмақом» мавзусидаги туркум кўрсатувлари пайдо бўлди. Исҳоқ Ражабовнинг илмий асосларга таянган ва гўзал бадиий тилда лутф қилинган асари чоп этилди ва бу ажойиб рисола ўз қийматини ҳанузгача сақлаб келмоқда. Бахтимизга устоз Фазлиддин Шаҳобов қўлёзмалари ҳам бизгача етиб келган<sup>3</sup>. Аммо, Фазлиддин Шаҳобов ва Исҳоқ Ражабовларнинг ижод нашидалари узоққа бормади. Надоматлар бўлсинки, бу мўътабар устозларнинг билим ва тажрибалари, ҳеч қандай сабабсиз кенг илмий муомалага киритилмади ва вақт гирдобидида, шунчаки, четга чиқиб кетди. Мақомчилар янги авлодининг кўпчилиги, том маънода, уларнинг жонли сабоқларидан бебаҳра қолдилар.

Бугунги кунда бизнинг бирламчи вазифамиз, бу муқаддас мусиқий мероснинг муборак пойи қадамлари, унинг чинакам ва ҳаётбахш илдишлари, илмий-назарий, амалий ва ижодий негизларини ўрганишдан иборатдир. Шу билан бирга ноҳақ топталган ва унутилган чинакам илмий қарашларни тиклаш ҳамда уларни замона толиблари, ёш созанда ва ижодкорларнинг диққатига ҳавола этишдир.

Шашмақом – бу чинакам илмий негизларга таянган улкан мажмуа – мусиқий санъат кошонаси. Унинг маъно ва мазмун негизларининг

<sup>1</sup> Аслиддин Низоми. Шашмақом. Тарих ва назария. – Душанбе, 2003; Отаназар Матякубов. Мақомот. – Тошкент, 2004; Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. – Тошкент, 2006; Шихоби мусиқий. – Душанбе, 2006; Юнус Ражабий. Шашмақом. – Тошкент, 2007; Фазлиддин Шаҳобов. Баёзи Шашмақом. – Душанбе, 2007; Der Shashmaqam aus Buchara uberliefert von den alten Meistern notiert von Ari Babakhanov. Angelika Jung (Hg). – Berlin, 2010.

<sup>2</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент-Самарқанд, 1927. Иккинчи нашри. – Тошкент, 1993.

<sup>3</sup> И. Ражабов. Мақомлар масаласига доир. – Тошкент, 1963; Ф. Шаҳобов. Баёзи Шашмақом. – Душанбе, 2007.



кўпи ҳали чинакам тадқиқ этилмаган. Очилган айрим қирралари эса етарли даражада, замон талабларига мос равишда ўрганилмай келинмоқда. Уларни изчил ўзлаштириш давр тақозоси ва бугунги кун эҳтиёжи ҳисобланади.

Шашмақом тарихи ва илмий асосларини мутолаа этиш талай муаммолар билан боғлиқ. Бир тарафдан, унинг назариясига оид бирламчи манбалар, яъни XIX аср Бухорода яратилган мусиқий рисола – баёзлар ҳали етарли даражада таҳлил этилмаган. Уларнинг негиздаги атама, тушунча ва назарий қарашлар замонавий илмий муомалага мувофиқ кенг жорий қилинмаган. Иккинчи томондан, Шашмақом бир шаклда қотиб қолган нарса эмас. Аксинча, мунтазам равишда жилоланиб турадиган барҳаёт удум, доимо ўзгариб борадиган жонли мусиқий тизим. Замон талаб ва эҳтиёжларига кўра, унинг янги нав кўринишлари юзага келаётганлиги мавжуд ҳақиқат. XX аср ўрталарида Душанбеда Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов ва Фазлиддин Шаҳобовлар раҳнамолигида «Тожик Шашмақоми», Тошкентда Юнус Ражабий бошчилигида «Ўзбек Шашмақоми» юзага келганлиги бунинг ёрқин мисоли, ҳаётий далили. Барҳаёт мусиқий жараённинг ана шу умрбахш сифати инобатга олинмасдан, Шашмақом мулкининг барча тарихий навларини бир қолипда кўриш эса мавжуд илмий ва ижодий ҳақиқатга зид оқимдир.

Шашмақомни давр талабига мос услубларда ўрганмоқ учун, энг аввало, унинг аслига, чинакам ҳаётий илдизларига мурожаат этиш зарур. Замона зайли билан бугунги кунда қарор топган муштарак мақомот тизими ҳамда унинг ўқ илдизи «Бухоро Шашмақоми» эканлигини эътироф этмоқ лозим. Мазкур икки калит тушунча «мақомот» ва «шашмақомни», азалдан шарқона мафкурага хос бўлган «кулл ва жуз» (бутун ва бўлак) таъбирида кўриш мақсадга мувофиқ. Демак, мақомот муайян тарихий навлардан, яъни Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Ўзбек Шашмақоми ва Тожик Шашмақомидан иборат муштарак тизим эканлигини эътиборга олмоғимиз керак. Шашмақомнинг янги навларининг юзага келиши эса олдингиларини инкор этмайди, аксинча, эндиликдаги бир бутун мақомот мусиқий тизимнинг ҳаётбахш кучи нақадар изчил ва мустаҳкам эканлигини намойиш этади ва унинг келажагига ишонч боғлашга даъват қилади.

Зикр этилганларга кўра, мазкур асаримизда кўзланаётган мақсадлардан бири, эътиборни, энг аввало, мақомот ўзагини ташкил этувчи Бухоро Шашмақомига қаратиб, унинг тарихий илдизлари, назарий ва амалий асослари ҳақида мавжуд бирламчи манбалар ва сўнгра, кейинчалик юзага келган қарашлар хусусида, ишончли далилларга таяниб холисона фикр юритишга интилишдан иборат. Шашмақом – туб маъно-моҳиятига кўра барҳаёт мусиқий удум. Унинг тарихий сарҳисоб нуқтаси қачондан бошланишини аниқ айтиш амри

маҳол. XIX аср Бухоро мусиқий рисола – баёзларини кўп мутолаа қилган ажойиб мақомшунос устоз Исҳоқ Ражабов, қўлёзмаларнинг ички мазмунидан келиб чиқиб, яъни «Шашмақом» (мажмуанинг асл номи «Мусиқий Шашмақом») у пайтда барқарор шаклланган воқелик эканлигини инобатга олган ҳолда, унинг муайян мусиқий нав сифатида юзага келиш вақтини, ишчи гипотеза сифатида тахминан XVIII асрнинг иккинчи ярми деб белгилаган эдилар.

Масалага чуқурроқ назар соладиган бўлсак, мажмуанинг умумий номи «Мусиқий Шашмақом» дейилиши бежиз эмас, албатта. Бундаги икки сўзнинг ҳам ўзига яраша маъно юки бор. Лекин, «Мусиқий Шашмақом» ворисийлиги оғзаки удумларга таянганлиги туфайли, кейинги авлод устозлари тушунчани оддийлаштириб, «Шашмақом» деб юрита бошлаганлар. Лекин, аслига қайтсак, «мусиқий», мазкур фаннинг илмий негизларидан дарак берувчи устувор атама. Буюк салафлар – Хоразмий, Форобий ва Ибн Сино асарларида бу иборани сарлавҳага чиқарилиши бежиз эмас: «Китоб ал-мусиқий ал-кабир», «Жавомеъ илм ал-мусиқий», «Рисолаи мусиқий» ва бошқалар.

Айнан шу жиҳатига кўра «Мусиқий Шашмақом» тушунчасини истеъмолга қайтариш, бу мутаориф (урф этилган) мусиқий тизимнинг, таассуротларимиздан четда колган қадимий издизларини олдин ўтган Сафийуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий ва бошқа улуғлар меросидан ахтаришга замин бўлиши мумкин. Энг муҳими, шу заминнинг ўзида яшаб ижод этган буюк мусиқашунослар Нажмиддин Кавкабий (ваф. 1533), Дарвиш Али Чангий (XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII асрнинг 20-йиллари) ва бошқа номаълум муаллифларнинг рисолаларида таъриф этилган мумтоз мусиқа навларига ўхшаш сифатлари билан қиёслаш имкониятини беради.

XIX асрда мажмуа эҳтиёж гирдобига тушиб, табиий равишда тараққий топиб, барқарор шакл олган пайтда азизу мукаррам устозлар томонидан берилган асл ном «Мусиқий Шашмақом»ни тиклаш, бир тарафдан, мусиқий меросимизни холис ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим. Иккинчи томондан, «Мусиқий Шашмақом»дан олдин, мазкур тоифадаги мажмуалар қандай номлар билан юритилган?», деган савол ўринли эканлигини билдиради. Қолаверса, Мавлоно Кавкабий ва Дарвиш Алилар ўз даврининг беназир мусиқий алломалари. Уларнинг асарларидаги маълумотлар, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун ислом дунёси учун ниҳоятда қадрлидир. Шунинг учун, ўтган алломаларнинг мусиқий қарашларини, бугунги кундаги жонли мусиқий удумлар, айниқса, шу минтақанинг барҳаёт мероси билан қиёслаб ўрганиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

XVI асрдан эътиборан минтақамизда яратилган мусиқий манбаларни мутолаа қилар эканмиз, Мусиқий Шашмақом олдинлари бошқача ном билан юритилганлик эҳтимоли тобора аён бўлмоқда. Ана шу номлардан бири «Куллиёт»дир. Аслини олганда, «Куллиёт»нинг

музикий нав сифатидаги икки тури Абдулқодир Мароғийнинг «Мақосиду-л-алҳон» китобида тилга олинади<sup>1</sup>. Лекин, Кавкабий рисола-сида баён этилган кўп қисмли асарлар тоифасидаги куллиёт, мазмунан Музикий Шашмақомга яқин нав, яъни амалдаги парда (мақом, овоз, шўъба) ва усул тузилмалари умумлаштирилган мажмуа сифатида қайд этилади<sup>2</sup>. Кейинчалик, Дарвиш Али рисоласида замондошларини ҳайратга солган беназир мажмуа «Куллиёт» ижодкори Кавкабий эканлиги таъкидланади ва унинг изидан бориб, бу соҳада муҳташам асарлар яратган устозлар номи тилга олинади<sup>3</sup>.

Ва ниҳоят, XIX аср Бухоро музикий рисола – баёзларни (бундан кейин ихчамлаб рисола – баёз ёки музикий баёз деб юритилади) вақт талабидан, бизга маълум бўлишича, илк нусхаси 1847 йилда яратилган рўйхат. У икки қисмли, муаллифи номаълум қўлёзма. Кичик ҳажмдаги насрий бўлагида, Мавлоно Кавкабий Бухорийнинг илми музикий борасидаги ўрни алоҳида таъкидланиб, бадиий ижодининг шоҳ асарларидан бири «Куллиёт» эканлиги эътироф этилилади. Ушбу асарнинг Кавкабий қаламига мансуб шеърий матни ҳам келтирилади. Шу ерда рисоланинг илмий қисми тамом бўлиб, «энди шашмақом» («акнун Шашмақом») деб, унинг шеърий – баёз бўлимига ўтилади<sup>4</sup>.

Ўтган асрнинг 40-йилларида таниқли шарқшунос А.А.Семёнов Бухоро рисола – баёзларида баён этилган «Музикий Шашмақом» ва Кавкабийнинг «Куллиёт»и ўртасида узвий алоқа мавжудлик ғоясини тикламоқчи бўлди. Аммо, музикий илмидан йироқда бўлган сиёсатдонлар фидокор олимнинг уринишларини «ғўрликда» айблаб, самарали фикрларини барбод этдилар. Сталинча сиёсатнинг қатағон йилларида кўплаб музикий рисолаларни форс тилидан рус тилига ўгирган устоз А.А.Семёнов бошига кўп таъна маломатлар ёғилди. Унинг фикр ва ғояларига илова қилиш, ҳаттоки, номини тилга олиш ман этилди. Шу сабабдан куллиёт ва Шашмақом муносабатлари масаласи ҳам илмий доирадан мажбурий равишда четга чиқарилди.

Миллий музикий меросимизнинг туб илдизлари билан боғлиқ бўлган масалаларни очик муҳокама этиш, топталган соғлом фикр ва мулоҳазаларни тиклаш пайти энди келди. Шу сабабдан, мақомот мулкининг пойдевори бўлмиш «Музикий Шашмақом»нинг чинакам манба ва ном-нишонларини аслига қайтариш вақти етди. Айни чоғда, мўътабар музикий мажмуанинг тарихий, илмий ва амалий асосларини ишончли ҳужжат ва далилларга таяниб атрофлича

<sup>1</sup> Абдулқодир Мароғий. Мақосиду-л-алҳон. – Техрон, 1344/1925.

<sup>2</sup> Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи музикий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, № 468/IV. – В. 706.

<sup>3</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи музикий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, № 468/I. – В. 116.

<sup>4</sup> Номаълум муаллиф рисоласи. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. Инв. № 1466/I. – В. 6а.

ўрганиш эса давр талаби ва кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида кўндаланг бўлиб майдонга чиқмоқда.

Шашмақомга, қайси бир тарихий кўриниши назарда тутилишидан қатъи назар, одатда, йиғма маънода «мажмуа» деб нисбат берилади. Лекин у, шунчаки, оддий кўп қисмли тузилма – таснифот эмас. Шашмақом сирасида, ҳаттоки, ҳар бир мақомнинг ичида, бир қанча мураккаб таснифотлар, турли туркумлардан иборат тузилмалар мужассамланган ва улар муштарак мусиқий иншоат-мажмуа сифатида тартиб этилган. Уларни бирлаштирувчи омил сифатида муайян мусиқий асос, куй ва усулларнинг мутаносиб равишда бири-бирига боғланиши назарда тутилади. Бу жиҳатдан, шашмақом мажмуаси жуда пухта ишланган, яъни риёзий услубларда ҳисоб-китоб этилган мусиқий тизим. Шунинг учун ҳам унга «Мусиқий Шашмақом» деб урғу берилиши ўринли ва асослидир.

Яна бир муҳим далил. Маълумки, XIX асрнинг бошларида маърифатпарвар Хоразм хонларининг кавшиши билан «Мусиқий Шашмақом» бу диёрда ўзлаштирила бошланган ва у авваллари Хоразмда ҳам «Мусиқий Шашмақом», аниқроғи «Хоразм Мусиқий Шашмақоми» деб юритилган<sup>1</sup>. Сўнгра, тахминан 1870 йилларда Хоразм Мусиқий Шашмақомининг янги қиёфаси шакллангандан кейин, Хон Феруз фармони ила унга ўзига хос «Олти ярим мақом» номи берилган. Амирлик ва хонликлар тугатилиб, янги даврга ўтиш пайтида, замона зайли билан «Мусиқий Шашмақом» атамаси оддийлаштирилиб, «Шашмақом» тусини олиб кетган ва бизга ҳам шу тушунча байроғи остида етиб келган.

«Мусиқий Шашмақом» ибораси зоҳир бўлгунга қадар, кўпқисмли мажмуалар Бухорода «куллиёт» номи билан юритилганлиги ҳақида сўз борган эди. Ундан олдинги даврларда, хусусан, Темурийлар замонида бу тоифадаги асарларнинг муайян тури «навбати мураттаб» (яъни «тартибланишган навба») дейилган. Навбати мураттабнинг куллиётдан фарқи шундаки, унинг ҳар бир қисми, туркумдаги аниқ ўрни, даражаси (рутбаси-мартабаси) ва муайян нав шакли билан хусусиятланади. Рисолаларда қайд этилишича, навбати мураттабнинг мумтоз шакли 4 қисмдан иборат бўлиб, улар: кор-амал, ғазал, тарона ва фурудошт деб юритилган. Абдулқодир Мароғий унга ўзи бешинчи – мустазод қисмини қўшганлиги ҳақида маълумот беради<sup>2</sup>.

Темурийлардан олдинги даврларда эса, амалиётда оддий навба (муайян туркумда қисмларнинг шунчаки изма-из келиши) нави кўпроқ тарқалган. Жумладан, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад осуда дамларда уд (датор)да навба чалиб, ором олганлиги ҳамда Султон

<sup>1</sup> Бундай дейилиши танбур чизиғи қўлёзмаларининг илк нусхаларида ҳам учрайди. Яна қаранг: Матякубов О. Болтаев Р. Аминов Ҳ. Хоразм танбур чизиғи. – Тошкент, 2010.

<sup>2</sup> Абдулқодир Мароғий. Мақосиду-л-алҳон. – Техрон, 1344.

Жалолиддин ҳар бир ғалаба шаънига созандаларга 15-20 қисмли навбалар ишлашни буюрганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>1</sup>. «Навба» – мусиқийнинг қадимий навларидан эканлигига Дарвиш Али рисоласида ҳам қайд этилади (бу ҳақда 28-29 ва 43-бетларга қаранг). Мусиқий Шашмақом истилоҳида ҳам «навба» (кўплик сони «нуб» шаклида) атамаси бир вақтлар қўлланилганлиги эҳтимоли бор. Жумладан, нуб ибораси Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобининг илк нашрида тилга олинади<sup>2</sup>.

Рисола-баёзлардаги маълумотларга кўра, Мусиқий Шашмақом ашула йўлларининг таянч сарахбор (улар мақом ёки муқаддима ҳам дейилган) ва насрлар орасида тарона, савт, талқин, чапандоз, суворий, нақш, соқийнома, муқаддима ва бошқа анвойи номлар билан юритиладиган эргашувчи қисмлар жойлаштирилган. Мусиқий баёзларда айрим сарахборларга 10-15 тадан ана шундай қисмлар уланганлиги қайд этилади. Шашмақомнинг шўро даврида ишланган андозаларида, хусусан, Фитратнинг зикр этилган «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобидан эътиборан кичик қисмчаларнинг ҳаммасини ёппасига умумлаштириб «тарона» дейиш одатга айланди.

Оқибатда, улар фақат биргина олдингисига эргашувчан қисм: «фалон Сарахбор ва унинг тароналари», «қайсидир Наср ва унинг тароналари», сифатида кўриладиган бўлди. Бу эса изчил мақом мажмуасининг ички мантиғига зид нарса. Ваҳоланки, олдинлари таянч мақом ва насрлар орасидаги кичик қисмлар икки хил вазифа бажариб келган. Олдингисига эргашиш ва кейингисини тайёрлаб бориш. Биринчиси – бошланғич таянч қисм ҳолатидан аста-секин чиқиш, қолганлари эса худди шу тарзда кейинги таянч қисмлар руҳиятига киришдан иборат бўлган.

Умуман олганда, Шашмақомнинг мусиқий тизим сифатида шаклланиши ва тараққий топишини бир сидра равон йўлдек тасаввур этиш ноўрин, албатта. Бу катта йўлда юксалиш ва пасайишлар бўлганлиги ҳам табиий. Ваҳоланки, мусиқа ижтимоий омил сифатида доим «эҳтиёж фарзанди» бўлиб келган. Ижтимоий эҳтиёж ошиши билан, у гуллаб-яшнашга юз тутган. Талаб пасайиши билан инқироз бошланган. Бизнинг мавзу доирасида ҳам ана шундай ёруғ ва қоронғи замонлар бўлган. Ҳозир уларнинг сабаб ва оқибатларига тўхталиб ўтириш имкониятига эга эмасмиз. Аммо, мусиқага муносабат ўзгариши билан, унинг ички дунёсида, истилоҳ ва йўналишларини кузатиш, мавзунинг истиқболи, кейинги тараққиёт йўллари ҳақида мулоҳаза юритиш учун далиллар мавжуд. Шунга эътиборан, Шашмақомни ўз манзил-мақонида қарор топиши жараёнини

<sup>1</sup> Бунядов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231). – Тошкент, 1998

<sup>2</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Ўзбекистон давлат нашриёти. – Самарқанд-Тошкент, 1927. – Б. 15.

فترت. ئۆزبېك قلاسىق موسيقا سى وه ئونك تەئريخى. سه مه رقه ند-تاشكانت. 1927.

шартли равишда тўрт бобга ажратиб, уларга қуйидагича сарлавҳалар беришни ўринли топдик: «Шашмақомнинг ботиний илдизлари ва Нажмиддин Кавкабий ҳамда Дарвиш Али рисоалари хусусида»; «Шашмақом тушунчаси зоҳир бўлишининг илк даври» (1847–1920 йиллар); «Муסיқий Шашмақомдан – Бухоро Шашмақомига», «Бухоро Шашмақомининг таркиботи».

Бизнинг мавзунинг бош тушунчаси доирасидаги Шашмақом, тахминан XVI аср бошларидан илдиз олади. Маълумки, бу Марказий Осиё тарихининг кескин бурилиш даври. XIV–XV асрлар давомида ривожланиш чўққиларига интилган Темурийлар тамаддуни инсоният тараққиётининг ёрқин даврларидан бири бўлиб тарихга битилди. Илми муסיқий бу тарихнинг бир фасли эканлиги, бизнинг учун ифтихор ва маъсулият. Миллатпарвар аллома Фитрат қайд этганидек, бу пайтда Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий раҳнамолиги ҳамда ҳомийлигида камол топган муҳит – ўзбек муסיқасининг «олтин даври» қурила бошланди<sup>1</sup>.

Темурийлар салтанати ўрнида Мовароуннаҳрда Шайбонийлар, Ҳиндистонда Бобурийлар, Эронда Сафавийлар давлатлари вужудга келгач, Ҳирот маданияти, жумладан, «олтин давр» муסיқий удумларининг салмоқли оқимлари Шайбонийлар пойтахти Бухорога талпинди. Нафис санъатлар ва шу қаторда муסיқа борасида Бухоро Ҳирот меросҳўри бўлиб майдонга чиқди. Аслида Бухоро Шашмақоми ана шу баланд нуқта маданиятидан озика олади. Бу, албатта, рамзий нуқта. Унинг «мағзига» XVI–XVII асрларда Бухорода яратилган муסיқий манбаларни ўрганиш йўли билангина яқинлашиш мумкин. Мазкур давр муסיқашуносларининг салафи эса Мавлоно Кавкабийдан бошланади.

Қизиғи шундаки, юқорида айтиб ўтилганидек, «Муסיқий Шашмақом» қарор топиш пайтида яратилган рисола – баёзларнинг бизга маълум бўлган илк нусхаси ҳам Мавлонога тасаннолар айтишдан ва Шашмақом тарихини Кавкабийнинг Куллиётига улаб кетишдан бошланади. Бу икки босқич ўртасида ворисийлик алоқалари изчил эканлиги бошқа маълумотлар билан ҳам тасдиқланади. Шунинг учун ҳам Кавкабий, Дарвиш Али мероси ва улардан кейин яратилган ёзма манбалар билан яқиндан танишмасдан Бухоро мумтоз муסיқаси ҳамда унинг бизгача барҳаёт анъана сифатида етиб келган намунаси – Шашмақом тарихи ҳақида асосли фикр юритиш қийин.

Фитратнинг ўзбек классик муסיқаси, айниқса, унинг назарий асослари ҳақидаги фикрлари кўпинча Бухоро Шашмақоми мисолида далилланади. Шу муносабат билан у пири устозлар Ота Жалол ва Ота Ғиёсдан олган маълумотларни таҳлил этиб, Шашмақомнинг умумий мундарижасини келтиради. Фитрат тузган бу жадвал миллий мафкура, илмий-назарий, манбашунослик ва амалий

<sup>1</sup> Фитрат. Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, 1993. – Б. 40.

тарафлардан беқиёс. Фитрат таълимотининг кўп жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилиб, кенг доирадаги илмий муомалага жорий этилмаган. Аллома қўйган туб муаммолар қаторида, бугунги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келаётган масалалар ҳам мавжуд. Масалан, Фитрат таклиф этган, эндиликдаги «лад» категориясига маънодош, «асос куй» тушунчасини олайлик. У ҳанузгача долзарблигини сақлаб, замонавий ўзбек мусиқашунослиги олдида тугун бўлиб турган нуқталардан бири.

XX аср ўрталарида яшаб ижод этган забардаст устозлар Фазлиддин Шаҳобов (Тожикистонда), Исҳоқ Ражабов (Ўзбекистонда) мақомшунослик илмини амалиёт эҳтиёжларига узвий боғлаган ҳолда олдинга суришга ҳаракат қилдилар. Бухорода туғилган ва шу ерда бошланғич мусиқий таълимни олган Фазлиддин Шаҳобов 60-йиллар бошида Тожикистон телевидениесида олиб борган туркум кўрсатувлари шашмақом илмининг аслига қайтишининг илк шабодалари бўлди. Бахтимизга бу кўрсатувларнинг сценарий матнлари сақланиб қолган ва улар бугунги кунда жуда муҳим маълумот сифатида эъзозланади<sup>1</sup>.

Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар масаласига доир» китоби, мақомшунослик шўро сиёсати гирдобидида қолган бир пайтда, ёруғ кунда чақнаган чақмоқдай нур сочди<sup>2</sup>. Ҳақиқат бошқа тарафда эканлигини гўзал лутф билан кўрсатиб берди. Чинакам ўзбек адабий тилида ёзилган бу асарни бугунги кунда қайта ўқир эканмиз, унинг негизидаги самимият ва мумтоз мусиқий меросимизга бўлган ихлос бизда ҳайрат уйғотади. Лекин, бу фидойилар ҳам кўп қийинчиликларга дуч келди. Қалбларидаги эзгу ниятларини тўла амалга ошира олмади.

Мустақиллик даврига келиб, миллий мусиқага бўлган эътибор тубдан ўзгара бошлади. Қайд этилганидек, ЮНЕСКО томонидан «Шашмақом жаҳон номоддий меросининг дурдонаси» деб тан олинди. Мазкур қарор муносабати билан ажратилган маблағга нота тўпламлари ва китоблар чоп этилди<sup>3</sup>.

Бухоро мақомчилар авлодининг вакили Ари Бобохоновнинг кўп йиллик ижодий изланишлари самараси бўлган «Бухоро Шашмақоми» нота тўплами ҳам Германияда нашр этилди<sup>4</sup>. Бу асарнинг маъно-мазмунни В.А.Успенскийнинг нота тўплами<sup>5</sup> ва Фитрат китобида келтирилган маълумотларни умумийлаштириб ҳамда уларни жонли

<sup>1</sup> Фазлиддин Шаҳобов. Баёзи Шашмақом. – Душанбе, 2007.

<sup>2</sup> Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. – Тошкент, 1963.

<sup>3</sup> Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. – Тошкент, 2006; Фазлиддин Шаҳобов. Шаҳоби мусиқий. – Душанбе, 2006; Фазлиддин Шаҳобов. Баёзи Шашмақом. – Душанбе, 2007; Юнус Ражабий. Шашмақом. – Тошкент, 2007; Аслиддин Низомов. Таърих ва назарияи Шашмақом. – Душанбе, 2006.

<sup>4</sup> Der Shashmaqam aus Buchara uberliefert von den alten Meistern notiert von Ari Babakhanov. Angelika Jung (Hg). – Berlin, 2010.

<sup>5</sup> Успенский В.А. Шашмақом. Шесть музыкальных поэм. – Москва, 1924.

урф-одатларга қиёслаган ҳолда Бухоро Шашмақомининг аслига яқин мусиқий ва шеърӣ матнларини тиклашга қаратилган. Бу асар Бухоро Шашмақомини хорижий мамлакатларда ўрганиш учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Юқорида Бухоро Шашмақоми ва Хоразм мақомларининг узвий алоқалари тўғрисида сўз юритган эдик. Шу йўсинда Хоразм мақомларининг асосларига оид калит манба Танбур чизигининг ноёб нусхасига бағишланган тадқиқотнинг чоп этилиши ҳам мақомшунослик борасидаги янги қадам бўлди<sup>1</sup>. Хоразм танбур чизиги XIX аср Бухоро мусиқий баёзларига замондош манба. Уларнинг бири-бирини тўлдирувчи ички мазмуни ҳам яқин. Ана шу жиҳатдан танбур чизигидаги матнлар мусиқий баёзлардаги маълумотлар билан қиёсий ўрганилиб, илмий ва амалий муомалага татбиқ этишда ҳам қўл келади.

Хуллас, бугунги кунда мақомот ва унинг тарихий навлари Бухоро Шашмақоми ва Хоразм мақомлари ҳақида янги-янги тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. Улар, бир тарафдан, мақомот мулкани замон талабларига мослаш давр эҳтиёжига айланганлигини намойиш этади. Иккинчи томондан, ҳали бу йўлда изчил ва чуқур тадқиқ этиладиган масалалар, хусусан, бирламчи қўлёзма манбаларни замонавий тилларга ўгириш ва илмий муомалага жадалроқ жорий этиш, мақомот илми ва амалиёти ўртасидаги қачонлардир узилган ёки заифлашган ришталарни тиклаш ва жонлантириш каби муаммолар ҳам талайгина эканлигини очиб беради.

Демак, бу мўтабар мерос ҳали тўлалигича юзага чиқарилган, дейиш қийин. Унинг бир бутунини мажозда ҳайбатли айсбергларга ўхшатиш мумкин. Шу маънодаки, улкан муз қояларининг фақат кичик қисмигина кўзга кўриниб туради. Жуда катта бўлаги эса сув остида нигоҳимиздан пинҳон ётади. Жонли мусиқий мерос ҳам шундай мўъжизаки, одатда унинг кўп сифатлари оддий қарашлардан ташқарида туради. Шунинг учун унга ақл-идрок йўли билан қанчалик чуқур ва самимий киришсак, у ўзининг меҳригиёсидан шунчалик кўп баҳраманд қилаверади. Ана шу ҳақиқатга интилган ҳолда мавзу тарихининг пастки нуқтасини, шартли равишда, Кавкабий таълимотидан бошлаб ва бугунги янги тадқиқотларга боғлаб ўрганишни мақсад қилдик.

<sup>1</sup> Матякубов О. Болтаев Р. Аминов Ҳ. Хоразм танбур чизиги. – Тошкент, 2010.



## I БОБ

### **ШАШМАҚОМНИНГ БОТИНИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА НАЖМИДДИН КАВКАБИЙ ҲАМДА ДАРВИШ АЛИ РИСОЛАЛАРИ ХУСУСИДА**

Бухоро – шарафли диёр. Азалдан турли динлар, қавму тиллар, илм ва маданиятлар туташган маскан. Кўп асрлар давомида Шарқ ва Ғарб дунёларини боғлаб келган «Буюк ипак йўли»даги мўътабар истеҳкомлардан бири. Жаҳон тамаддунига Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Баҳоуддун Нақшбанд каби зотларни тақдим этган илму маърифат ўчоғи. XVI асрда Темурийлар салтанати емирилиб, Мовароуннаҳрда Шайбонийлар давлати қарор топганда унинг пойтахти, айни чоғда Самарқанд ва Ҳиротнинг вориси сифатида олиму фузалоларга бағрини очган азим шаҳар Бухоро.

Бизнинг мавзу нуқтаи назаридан, мазкур бурилиш даврида Бухоро мусиқа маданиятининг 3 нуқтаси алоҳида аҳамият касб этади:

1) Бухорони жаҳоншумул Темурийлар салтанатининг пойтахтлари Самарқанд ва Ҳиротларнинг меросхўри бўлиб тарих майдонига чиққани;

2) ўз даврининг энг забардаст мусиқийшунослари Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чанги ва уларнинг муносиб шогирдларининг ҳаёти ва ижоди шу шаҳарда кечгани;

3) унда минтақамиздаги энг мухташам санъат мажмуаси Мусиқий Шашмақомнинг мумтоз нав сифатида шаклланиб қарор топганлиги ва шу қиёфада жонли урф-одат сифатида бизгача етиб келганлиги.

Бухоро, Самарқанд ва Ҳирот биродар шаҳарлар эканлиги кўп жиҳатларда намоён бўлади. Мусиқий мавзуга келадиган бўлсак, Шашмақом моҳиятан оғзаки аңана, яъни бутун бўй баста билан авлоддан-авлодга «жонли мерос» сифатида ўтиб келадиган удум. У вақт гирдобиди товланиб, авлодлар кашф этган шакл ва навларни ўз ичига олиб, тўлишиб келаверади. Гўё унсурларнинг қаймоғи Шашмақом мағзида қатлам-қатлам бўлиб жипслашиб бораверади. Бу нуқтага ҳали кўп мурожаат этамиз ва Мусиқий Шашмақом таркибидаги тарона, савт, пешрав, амал, уфар ва бошқа шаклларнинг илдишлари узоқ тарихлардан бошланганлигини исботлашга ҳаракат қиламиз.

Кавкабий ва Дарвиш Али мероси, Шарқ мусиқий маданиятининг алоҳида босқичи ва йўналишини ташкил қилади. Унинг ол-

динги Темурийлар даври мусиқийшунослигидан фарқи сезиларли. Айниқса, бизнинг мавзу учун зикр этилган олимларнинг асарлари устувор аҳамият касб этади. Лекин, бу мерос ҳали кенг кўламда ва етарли даражада ўрганилган эмас. Манбаларнинг аксарияти кўлөзма тарзида бўлганлиги сабабли, улар жаҳон олимлари назаридан анча йироқда қолиб келмоқда.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, Кавкабий ва Дарвиш Али гарчи бир-бирига яқин даврларда яшаб ижод этган ва ҳаттоки, ўзаро устоз-шогирд муносабатларида бўлсалар-да, уларнинг илмий қарашларида фарқли жиҳатлар оз эмас. Қисқаси, уларнинг ҳар бири ўз даврининг маҳсули ва замон талаби ҳамда эҳтиёжларига қараб иш тутишлари ҳам табиий.

Кавкабий Бухоро фарзанди, лекин Ҳиротда таҳсил топган. Жомий ва Навоий ҳазратлари назарига тушганлиги ҳам алоҳида эътиборга сазовор. У бир тарафдан «илми адвор» таълимотининг ёрқин намояндалари, Сафийуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий ва айниқса, Абдурахмон Жомий издоши. Иккинчи томондан, замон талабига кўра, Кавкабий ижодида мусиқа борасида диний эътиқод етакчи ўринга чиқа бошлаганлиги сезилиб туради.

Дарвиш Алини эса, илми мусиқийда улуғлар салафининг сўнгги вакили дейиш мумкин. Ундан кейин – то Фитратгача, бу соҳада ўзича йўл тутиб, мустақил фикр юритишга, амалий жараённи холис баҳолашга интилган мусиқий шахс бизга маълум эмас. Дарвиш Али яшаган давр (XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII асрнинг 20-йиллари) Бухорода нафис санъатларга бўлган эътибор жуда пасайиб, созанда аҳли бошпана ахтариб Ҳиндистонга, Бобурийлар саройларига талпинган замонларга тўғри келади.

Шу оқимда, Дарвиш Али рисоласи биринчи қарашда афсона ва ривоятлар, ҳукмдор ҳамда авлиёлар шаънига айтилган қасидалардан иборатдек туюлади. Бироқ асар билан яқинроқ танишиб, илмий-назарий масалалар баёнига чуқурроқ назар солар эканмиз, муаллифнинг Форобий, Ибн Сино, Сафийуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий каби улуғлар меросини нақадар изчил эгаллаганлигининг гувоҳи бўламиз. Мураккаб илмий қарашларнинг бевосита амалиётга боғлаб баён этилиши эса бу зот закий назариётчи ва айни чоғда етук созанда эканлиги маълум бўлади.

Масалани тўғри тушуниш учун бир нарсага алоҳида эътибор қаратмоғимиз даркор. Гап шундаки, Темурийлар давридан фарқли ўлароқ, Шайбонийлар ва ундан кейинги замонларга келиб, мусиқий мафкура тараққиётида, Мароғий ва Жомийларга ўхшаган алломалардан кўра, мусиқа илмидан хабардор, лекин амалиётни етакчи тутган устозлар олдинги қаторга чиқа бошлайди. Олдинлари илми адвор соҳибларига «хожа», «мавлоно» каби нисбатлар берилган бўлса (Хожа Абдулқодир Мароғий, Мавлоно Нажмиддин Кавкабий

ва бошқалар), кейинчалик олий даражадаги соз аҳли кўпроқ «устоз» дейиладиган бўлди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, XIX асрда яратилган «Ғиёсу-л-луғат»да «устоз» сўзи «китоб», «асос» маъноларидаги қадимий «устовад» сўзидан келиб чиққанлиги ҳақида сўз юритилади. Бугунги тушунчаларга қиёс қиладиган бўлсак, у «оғзаки китоб», хатга битилмаган қонун-қоидалар посбони, яъни жонли маънавий мерос ва унинг қонун-қоидалари тимсоли деган маъноларга тўғри келади. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам устоз шунга мос тушунча бўлиб гавдаланмоқда.

Кавкабий ва Дарвиш Али мерослари кам ўрганилганлигини бир неча марта тилга олинган эди. Лекин, масалага равшанлик киритиш учун бу соҳада фидойилик қилганларнинг номларини айтиб ўтиш ўринли. Бу мавзуга жиддий киришган биринчи олим А.А.Семёнов бўлди. У XX асрнинг 40-йилларида кўп мусиқий манбалар қаторида Кавкабий ва Дарвиш Али рисолаларини рус тилига таржима қилишни бошлади. Аммо, устоз таржималари қўлёзма ҳолида қолиб, биргина Дарвиш Али рисоласи мухтасар шаклда нашр этилди<sup>1</sup>.

Фикр юритилаётган соҳада XX асрнинг 50-70 йилларида самарали ижод этганлардан бири таниқли шарқшунос ва мақомшунос Исҳоқ Ражабов бўлди. Устознинг мавзуга оид рис тилида нашрга тайёрланган «Трактаты» номли йирик тадқиқоти, афсуски, қўлёзма аҳволида қолиб кетди. Лекин бошқа йирик асарларда, аллома, Кавкабий ва Дарвиш Али меросларидан унумли фойдаланиб, мақомшуносликни асл илдиларига қайтариб жонбозлик кўрсатганлари яққол сезилиб туради<sup>2</sup>.

Ниҳоят, ўз вақтида мазкур мавзу ривожланишига ҳисса қўшган шарқшунос ва мусиқашунослар қаторида Д.А.Рашидова, А.Ражабов ва А.Джумаевларнинг номларини ҳам айтиш зарур. Бу янги давр тадқиқотчилари Кавкабий ва Дарвиш Али асарларининг аҳамият доирасини кенгайтириш ва замонавий тилларга таржима этилишда кўп ишлар қилдилар<sup>3</sup>.

Кавкабийнинг бизгача иккита мусиқий рисоласи етиб келган. Биринчиси насрда баён этилган илмий-назарий йўналишдаги асар. Унда илми адвор таълимоти Бухоро шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда гўзал шаклда баён этилган. Тилининг оддий ва равонлиги ҳамда баён этиш услубига кўра унинг Абдурахмон Жомий-

<sup>1</sup> Семёнов А.А. Среднеазиатский «Трактат о музыке» Дервиш Али Чанги. – Ташкент, 1946.

<sup>2</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. – Тошкент, 1963; Ражабов И. Мақомлар. – Тошкент, 2006.

<sup>3</sup> Қаранг: Вызго Т.С., Рашидова Д.А. Музыкально-теоретическое наследие великих среднеазиатских мыслителей / Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. Выпуск 2. – Ташкент, 1962; Рашидова Д.А. Дарвиш Али Чанги и его трактат о музыке (Мавераннахр, XVI-XVII в.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Ташкент, 1981. – 135 с.

нинг «Рисолаи мусиқий»сига қиёслаш мумкин. Маълумки, бу асар ўз вақтида Алишер Навоийнинг илтифотига кўра маърифий мақсадларда яратилган эди. Умуман олганда, Кавкабийнинг насрий баёндаги илмий рисоласида Жомий йўл-йўриқларининг таъсири сезилиб туради.

Иккинчиси ҳам аслида илмий рисола. Лекин, у шеърий тилда тузилган. Илмий маълумотларни назмда изҳор этиш одати олдин ҳам бўлган. Бунга мисол сифатида тиб конунлари шеърда талқин этилган Ибн Синонинг машҳур «Уржуза»сини мисол келтириш мумкин. Кавкабийнинг «Ўн икки мақом ҳақида»ги шеърий рисоласи ҳам ана шу тоифадан. Бундай асарлардан мақсад мураккаб шаклдаги назарий илмларни оммалаштириш, амалиёт аҳлига содда қилиб тушунтириб бериш. Ўз навбатида, бу амал ҳам умумий мусиқий мафкуранинг ривожланишида назариётдан кўра амалиётнинг олдинги қаторга чиқиб олганлигидан далолат берувчи омилдир. Ҳар ҳолда, Кавкабийнинг насрий ва назмий асарлари бир-бирини тўлдириб, давр мусиқа илмини изчилроқ идроклашга ёрдам беради.

Шашмақом илдизлари ҳақида сўз юритар эканмиз, Кавкабийнинг ҳар иккала рисоласининг ички мазмуни билан сал батафсилроқ танишмоғимиз мақсадга мувофиқ.

Нажмиддин Кавкабийнинг «Рисолаи мусиқий» асари кириш, ўн икки мақом (яъни фасл) ва хотима қисмларидан иборат. Киришда хуш садо ва хайрли оҳанг Аллоҳнинг неъматини эканлиги баён этилади. Рисола дебوحасидан бир лавҳа: «Беҳад ҳамдлар мушқилларни осон қилувчи ҳикматли зотга бўлсинки, ушшоқ сози. Унинг саносининг навоси биландир. Беадад сано кароматли зотгаки, унинг учрашуви орзусида очиқ-равшан нақшларни гўзал яратувчиларига меҳрибондир. Ҳадсиз дурудлар, мақталган мақом соҳибига бўлсинки, анбиёлар пешрави ва софдиллар саҳнамосидир. Унинг саҳоба ва оилаларига (мақтовлар) бўлсинки, (улар) динни бузруг қилувчи ва ҳақиқат йўлида рост юрувчидирлар»<sup>1</sup>. Биргина шу қисқа лавҳанинг ичида умумий мафкура ва мусиқага алоқадор кўп сўзлар ишлатилган бўлиб, улар пурмаъно жололанади: соз, наво, мақом, нақш, пешрав, ушшоқ, бузруг, рост ва бошқалар. Уларнинг ҳар бирининг луғавий ҳамда истилоҳий мағизларини чақиш учун кўп изоҳлар талаб этилади. Бу эса, ҳозир биз кўзлаётган масаладан бўлак, алоҳида мавзу.

Кейинги жумлаларда, одатга кўра, мазкур рисолага буюртма берган ва унга ҳомийлик қилган шахсга – Бухоро амири Убайдуллоҳхонга миннатдорчиликлар билдирилади. «Бу яна шаҳаншоҳ, шаҳ-

<sup>1</sup> Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқий. Қўлёзма. ЎзР ФАШИ инв. № 468/IV. 63 б.



баландликдаги товуш бир-бирига яқин алоқадор бўлса-да, мустақил тушунчалар эканлигига эътибор қаратиш керак.

Учинчи мақом (фасл) «Нағма таърифида», деб номланган. «Билгинки, нағма (паст-баландлик ва вақт муносабатлари жиҳатидан) муайян чегарадаги хушсадо овоздир»<sup>1</sup>. Бунда мусиқий товуш нағманинг икки муштарак жиҳатдан, яъни илми таълиф ва илми ийқоъ тарафларидан идроклаш зарурлиги уқтирилади. Ундан кейин нағманинг мусиқадаги икки – табиийлик ва сунъийлик сифатлари таърифланади. «У икки хил бўлади: қавлий ва феълий. Қавлийси хонанда ва гўянданинг овози. Феълийси эса чанг, рубоб ва шунга ўхшашлар садоси»<sup>2</sup>.

Тўртинчи мақом (фасл) «Бўъд, жинс ва жамъ таърифида» деб номланган. «Паст ва баландлик сабабли ҳар хил бўлган икки нағма орасининг таълифи (боғланиши)га бўъд дейдилар. Аммо бўъддан мурод икки нағманинг ҳар хиллигидир, чунки икки нағманинг ораси мулойимат ёки мунофиратдир. Яъни, таъб икки нағмани эшитишдан лаззат олади, сабаби ана шу икки нағма бир-бирига муносиб бўлгани учун. Ёки таъб нохуш бўлади, сабаби ҳар бири иккинчисига нисбатан бошқача бўлгани учун. Агар орадаги нисбат мулойимат бўлса, уни «бўъди муттафиқа» дейдилар. Агар мунофират бўлса, уни «бўъди мутанофира» дейдилар. Агар бўъди муттафиқа ниҳоятда иттифоқ эрса, яъни икки нағмадан ҳар қайсиси бошқасининг ўрнига ўтаверадиган бўлса, лаҳний таърифда у «бўъди зил кулл» деб аталади. Ўз зотидаги бўъди муттафиқаларни бир жойга йиғиш мақсад қилинса, унга «жинс» дейилади. Жинс эса бирдан кўп бўлса, уни «жамъ» дейдилар»<sup>3</sup>.

Бешинчи мақом (фасл) «Аслий пардалар баёнида» деб аталган. Мана шу жойдан таълиф илмининг муҳим нуқтаси бошланади. Олдинги фаслларда мусиқанинг алоҳида унсурлари (ифода воситалари нағма, бўъд, жинс ва жамлар) хусусида фикр юритилган бўлса, энди мантиқан тугал ва нисбатан мустақил маъно касб этувчи мусиқий тузилмалар (мақом, овоз, шўъба ва мураккаботлар) ҳақида сўз боради. Уларнинг ўзаро ички муносабатларини тўғри тушуниш учун, энг аввало, асл (аслий) парда ва мақом ибораларининг мазмунини идроклашга тўғри келади. Бунда «парда» ва «мақом» атамалари маънодошлар ўрнида келади ва мумтоз мусиқанинг негизини ташкил этувчи мантиқий асос бирликлари вазифасини бажаради. Бугунги истилоҳдаги «лад» тушунчасига мос юради.

Асли эса, сал бошқачароқ кесимда аҳамият касб этади. «Асл» (кўплиги «усул») атамаси илми мусиқий ҳамда арузда илдиз, негиз, асос ва шунингдек, мукаммал, тўлиқ, бутун каби кўп маъноларда

<sup>1</sup> Ўша асар. – В. 65 а.

<sup>2</sup> Ўша асар. – В. 65 а.

<sup>3</sup> Ўша асар. – В. 65 а- 65 б.

ишлатилади. Сўнги икки маънода, одатда, муқобил жуфти билан келади. Масалан: асл – шўъба ва асл – жуз, асл – фасл, асл – фаръ, бутун – бўлак деганларни билдиради; аслий ва фаръий жуфт-лиги эса тана ҳамда шоха ўринларида ҳам ишлатилади.

Мазкур фасл «Билгинки, асл мақомлар ўн иккитадир: Ушшоқ, Наво, Бусалик, Рост, Ироқ, Исфаҳон, Зерафканни яна Кучак ҳам дейдилар, Бузрук, Зангулани яна Наҳованд ҳам дейдилар, Раҳовийни яна Раҳодий ҳам дейдилар, Ҳусайний ва Ҳижоз»<sup>1</sup> деб бошланади. Ундан кейин, пардалар мажмуини ихтиро қилган Фисоғурс ҳаким ҳақида сўз юритилиб, бу мўътабар пардаларнинг номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган афсона ва ривоятлар келтирилади.

Шундан сўнг, фасл қуйидаги сўзлар билан тугалланади: «Баъзи мақомларни шу хилда номлаш биз эшитганимиз (урф этилган одатларга – М.О.)га кўра зикр этилди. Зикр қилинганларни бошқача номлаш ҳам мумкин бўлади. Махфий қолмасинки, юзага чиққан бу номларни бошқача мулоҳазалар (исмлар – М.О.) билан ҳам аташ мумкин: «Из ли-кулли аҳадин ан йуссаммийа мо шоа би-мо шоа» («Чунки ҳар бирини хоҳлаганча номлаш мумкин»).

Баъзилар айтадиларки, ўша комил ҳаким чиқарган мақомлар булардир: Ушшоқ, Бусалик, Рост, Ироқ, Исфаҳон, Раҳовий, Ҳусайний, Ҳижоз. Қолган тўртта пардани ҳакимлар ушбу мақомлардан олганлар. Жумладан, Навони Ушшоқдан, Зангулани Ростдан, Бузрукни Ироқдан, Зерафканни Исфаҳондан»<sup>2</sup>.

Олтинчи мақом (фасл) овозлар ва шўъбалар нисбати ҳақида бўлиб, унда, жумладан, шундай дейилади: «Билгинки, асл ўн икки мақом юзага чиққандан кейин, ушбу санъат аҳли бир қанча пардаларни мазкур асл мақомлар (асл – бунда «негиз» маъносида – О.М.)дан чиқардилар. Улардан шохлаган бир қисми овоза деб, яна бир тоифаси шўъба деб аталган»<sup>3</sup>.

Фасл сўнгида хулоса тарзида берилган жумланинг маъноси бугунги мақомшуносликда чигал бўлган муаммоларни тўғри тушунишда муҳим аҳамият касб этгани сабабли, уни қайд этишни ўринли деб топдик. «Гарчанд баъзи устодлар ушбу нисбатни қабул қилмаган бўлсалар ҳам, улар айтишганки, баъзи асл (мақом)ларнинг нисбати икки ва учдан зиёда шўъба бўлиши мумкин. Ростга нисбатан тўртта шўъба мавжуд. Чунончи, Дугоҳ, Панжгоҳ, Нишобурак, Найриз. Баъзиларига мансублари эса иккитадан оздир. Жумладан, Навога мансуби Наврўзи Хоро бўлиб, биттагина бўлақдан холи эмас. Бироқ, бу тариқада фикр юритиш забт ва ҳифзга тўғри келмайди»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўша асар. – В. 65 б.

<sup>2</sup> Ўша асар. – В. 66 а.

<sup>3</sup> Ўша асар. – В. 66 а.

<sup>4</sup> Ўша асар. – В. 67 а.

67) Еттинчи мақом (фасл) «Мураккаботлар баёнида» деб номланган. Бу, Кавкабий таълимотининг бизнинг мавзу учун ўта муҳим бўлган масалаларидан бири. Тўғри, мураккабот тушунчаси олдинги мусиқийшунослар, жумладан, Абдулқодир Мароғий асарларида ҳам учрайди. Лекин, Кавкабийда мураккаботлар номма-ном келтирилиб батафсил таҳлил этилади. Бунинг устига, кейинчалик Мусиқий Шашмақом парда тизимининг қарор топишида мураккабот таълими муҳим сифатлардан бири бўлиб майдонга чиқади.

Мураккабот хусусиятини англаш учун олдинги фаслда таърифланган асл, яъни энг мукаммал, тўлақонли ва бутун ўн икки парда – мақом ҳамда улардан келиб чиққан, шохланган олти овоз, алоҳида шохача сифатида келадиган йигирма тўрт шўъба кабиларни эсга олмоқ зарур. Қисқаси, бу уч тоифа парда тузилмаларининг ҳар бири ўз хусусиятларига эга: асллар (усул) – бутун ва мукаммал, овоз – аслларнинг шохаланган икки бўлагидан таркиб топади, шўъба – аслларнинг алоҳида бир бўлагидан иборат. Мураккаботларда эса, ана шу уч сифат (бутун, бўлак ва шохаланиш) аралаш ҳолда келади.

Иқтибос: «Билгинки, бошқа бир тоифалар шохлаганларни (яъни овозаларни – М.О.) мураккабот деб атайдилар. Баъзи бир мураккаблар икки аслдан, баъзилари эса икки шўъбадан, бошқалари эса бир асл ва бир шўъбадан ҳосил қилинади. Уларнинг ҳаммаси ҳам мулоиматликда эканини айтиш керак. Улар йигирма тўрттадир. Исмлари эса мансубларини санаганда маълум бўлади. Жумладан, Зеркаши Ховарон шуки, Ҳусайнидан бунёд бўлиб, Раҳовийда қарор топган. Ҳижозии Мухолиф шуки, Ҳижоздан бунёд қилиниб, Ироқда қарор қилдирганлар. Гардунияи Бусалик шуки, Бусаликда бунёд қилиниб, Ростда қарор қилдирганлар. Бастаи Исфаҳон шуки, Исфаҳонда бунёд қилиниб, Ажамда қарор берадилар...»<sup>1</sup>.

Сал олдинроқ ўтиб эсда сақлаб қолайликки, Шашмақом туркумларининг парда асоси ҳам айнан шу тартибда таркиб топади. Энг бошда моҳиятан асл, яъни бутун парда тузилмасининг асосини ташкил этувчи дастлабки парда бирлиги жойлашади. Ундан кейин бош парда тузилмасига (Шашмақомда улар «мақом» деб юритилади: Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ) эргашган парда тузилмалари келади. Шашмақомда улар «наsr» (луғавий маъноси «ёрдамчи») деб юритилади. Ростда Ушшоқ ва Панжгоҳ, Бузрукда Насруллоҳий ва Уззол, Навода Баёт ва Ораз, Дугоҳда Чоргоҳ ва Ораз, Сегоҳда Ҳижоз ва Ажам, Ироқда Мухайяр ва Наврўзи Турк. Ва энг чеккада кичик парда тузилмалари келади: Ростда Наврўзи Сабо, Бузрукда Мухайяри Чоргоҳ (эндиги амалиётда «намуд» сифатида сақланган), Навода Ҳусайни Наво, Дугоҳда Ҳусайни Дугоҳ, Сегоҳда Наврўзи Хоро, Ироқда Шаҳноз (амалда «Зебо пари» авжи).

<sup>1</sup> Ушбу асар. – В. 67 а.



Демак, мураккабот тамойилини Шашмақом парда тизимининг ўзига хос «бобо шакли» дейиш мумкин.

Кейинги уч фасл ийкоч илимдан баён этади. Кавкабийнинг ийкоч таълимотининг маъзани тушуниш учун, аввало, унда қўлланган диган ибораларни бўлгани кунда ишлатилган атамаларга қиёс-лаб ўрганишга тўғри келади. Ана шундай дастлабки тушунарлардан бири нутқ. Гап шундаки, илими мусиқий салафлари: Форобий, Хоразмий ва Ибн Синолар мусиқий ва сўзлашишни ҳам алоқа во-ситаси – нутқ деб билганлар. Маъқур ўдумга кўра Кавкабий ҳам мусиқийни «тил» деб тушунади. Лекин, биз бўлган тил деганда сўз нутқини тушунишга одатландик. Аслида эса нутқ мусиқий ва сўз тилларини ўз ичига олувчи муштарак тушунча. Кавкабийда ҳам, тар-тибдан, бу ўринда «забон» сўзи ишлатилса-да, муштарак нутқ тушу-нилаётганлигини эътиборга олмаганимиз лозим.

Саккизинчи мақом (фасл) «Нақра таррифиди» деб аталган бўлиб, унда қуйидагилар ёзилган: «Билган эдикики, нафма сас экан. Тилда унинг чўзимни бўлгани учун, иложсиз унинг бошланishi ва тулаши бўлади.

Билгинки, нақр бу фаннинг истилоҳида бошланishi англата-ди. Нафма изма-из келадиган бўлса жамъ мартабасига етади. Нақ-ралар ҳосил бўлганда, бу бошланishiлар ўрнида икки ҳарф эшити-лади ва уни «нақра ҳарфлари» дейдилар. Улар саккизтадир: «те, ре, дол, лом, нун, хе, алиф, ёй». Аввалги бешта ҳарф «тартилан»дан таркиб топганларини «нақорат» дейдилар, охири учта ҳарфни эса «нақороти зойид» ва «асл нақраларни тўлдирувчи» деб атаганлар.<sup>1</sup> Бунда «нақра» (луғавий маъноси «чертмоқ», «қоқиш») – нутқ ҳаракатининг бошланishi нуктаси. Ҳарф – нутқнинг ёзув кўриниши (сабаб, ватад, фосиллар), товуш кўриниши фонетика. Жамъ – манти-қан туғалланган нақорат жумласи, зарб ҳам дейиллади. Арзуда бу ўрин-да руқн, жуз иборалари ишлатиллади. Нақороти зойид – аклда (ботин-да) мавжуд, лекки амалда (зоҳирда) эшитилмайдиган нақралар.

Тўққизинчи мақом (фасл) «Ийкоч таррифиди» деб номланган бўлиб, унда мана бу жумлаларни ўқишимиз мумкин:

«Шарафий» соҳиб айтилларки, ийкоч нақралар жамланishi бўлиб, унинг микторлари чегараланган замоналар оралиғидаги мав-жудликдир. Бу таррифдан билганидан нафма шўки, ийкоч ҳақиқатан ҳам шахсининг феъли, нақралар эса унинг мафъулдир. Феъл мафъ-улда мажозис ато қилинса тўғри бўлмайди. Уни ҳудудларда (кўрпук – О.М) ишлатиш жоиз эмас. Ҳаким Абу Нафр Форобий айтилларки, ийкоч нақралардаги кўчиб юришларини ва микторлари чегаралан-ган замоналар ҳам унда мавжуд. Ийкочларни айтиш заруратда тақ-симлаш нақралар орасидаги замоналарнинг баъодарлиги, кам ва ор-

тиқчалигига қараб амалга оширилади. Мен каминанинг устодининг устоди, ўзи Хожа Абдулқодир (Аллоҳ раҳмат қилсин)нинг шогирди бўлмиш Хожа Юсуф Бурҳон тилидан восита ила эшитган сўз борки, у айтган эканлар: бу адо қилишларнинг ҳар бири, мажозийдир»<sup>1</sup>.

Бунда тилга олинган «Шарафия» Сафийуддин Урмавийнинг иккита машҳур рисоласидан бирининг номи. Хожа Юсуф Бурҳон Хожа Абдулқодир Мароғийнинг шогирди, Алишер Навоийнинг мусиқий устози. Феъл ийқоънинг ақлда идрокланадиган ботиний томонини, мафъул эса унинг ижродаги, яъни амалдаги тарафини назарда тутди. Мажоз асл маъносидан ўзгартирилган демақдир. Бугун биз санъатдаги бадиий ифода, образ дейдиган тушунчаларга тўғри келади.

Фаслнинг охирида Мавлоно Кавкабий мақомот илмида муҳим нуқта ҳисобланадиган мусиқий ва шеърият муносабатларига тўхталиб, равшанлаштириб беради. Толиби илм учун матннинг шу жойини уқиб олиш мақсадга мувофиқ:

«Билгинки, шеър вазни ва ийқоъ орасида катта мутаносиблик бор. Шеър вазни сокин ва ҳаракатли ҳарфларнинг муайян миқдор ва тартибда тузилишидан пайдо бўлади. Ийқоъ ҳам нағмаларнинг маълум бир нисбат ҳамда тартибдаги нақралар орасида юзага келган вақтлар миқдорини инобатга олиб тузилганидан ҳосил бўлади. Нағмалар орасида юзага келадиган вақтларнинг нисбатларини топишга, фақат уларнинг миқдорини ўлчаш билан муяссар бўлинмайди. Балки, соғлом табиат ва тўғри зеҳнга буни тотиб кўриш хос қилинган, холос. Демак, ийқоъни идрок қилиш шеър вазнидан кўра нозикроқ экан. Шундан, кўпгина фозиллар дақиқ ун-назар бўлсалар ҳам, уни идрок қила олмайдилар. Аммо бунинг акси, яъни ийқоъни идрок қилиб, шеър вазнини идрок қила олмаслик маълум эмас. Аниқроғи ҳам шудир»<sup>2</sup>.

Ўнинчи мақом (фасл) «адвори зурублар ҳақида» бўлиб, бу масалада адвори зуруб (зарб доиралари) икки маънода ишлатилишига эътибор бериш лозим. Биринчиси мантиқан тугал ийқоъ тузилмаси, бир бутун усул маъносида. Иккинчиси унинг таркибий (аруздаги рукн ва жузларга ўхшаган) бўлақларини англатади. Шу йўсинда Дарвиш Али усулларни икки тоифага ажратиб, уларни «ката» ва «кичик» деб номлайди. Мақомотда иккита ҳиссадан иборат бўлган муайян усул «зарбул қадим» дейилади. Демак, уни энг кичик усулнинг амалдаги кўриниши дейишимиз мумкин.

«Билгинки, бу санъат арбоблари наздида зарб доиралари арабларда олтига бўлади, деганлар. Ажамлар олдида эса ўн бештадир. Сафийуддин Абдулмўъмин назарида эса ўн битта билан чегараланган. Камина шундай тўпламлардан кенг истеъмолда бўлган, ниҳоят-

<sup>1</sup> Ушбу асар. – В. 68 а.

<sup>2</sup> Ушбу асар. – В. 68 б.

да шуҳрат қозонган ва устозларнинг бу борадаги таснифлари ҳисобланган бир қанча зарбларни доира суратида (шаклида – М.О.) ёзиб чиқдим. Уларнинг сони ўн иккитадир. Ҳаракатли ҳарф аломати «мим», сукунли ҳарфниқига «алиф» қўйилди. Улар мана шулардир.

Ҳазаж: 8 нақра, 3 зарб – 2 сабаби ҳафиф, 1 фосилаи суғро  
ТаН ТаНаНаН ТаН

Уфар доираси: 6 нақра, 2 зарб – 1 сабаби ҳафиф, 1 фосилаи суғро

ТаН ТаНаНаН

Дуяк доираси: 8 нақра, 2 зарб – 2 фосилаи суғро

ТаНаНаН ТаНаНаН

Рамал доираси: 8 нақра, 3 зарб – 2 сабаби сақил, 1 фосилаи суғро

ТаНа ТаНаНаН ТаНа...»<sup>1</sup>.

Рисоланинг сўнги икки фасли таълиф ва ийқоъ илмларини умумлаштириб мусиқий асарларни навларга ажратиш ва шаклини тузиш масалаларига бағишланади. Бу мусиқа илмининг ижодиёт даражасига етган нуқталаридир. Унда баён этилган таснифот (композиция) турларини ўрганиш Мусиқий Шашмақом мажмуасига кирган нав ва шакллари тузилиш қонун-қоидаларини тушунишга ёрдам беради. Ўн биринчи фаслда яхлит бир қисмли асарлар ва ўн иккинчи фаслда бир-биридан ажралиб турадиган навлар ҳамда улардан таркиб топадиган кўп қисмли тузилмалар ҳақида сўз юритилади.

Ўн биринчи мақом (фасл) «Бир-бирларидан ажралиб туриш жиҳатидан синфларга тасниф қилиб тақсимлаш борасида» деб номланган. Унда баён этилган маълумотлардан айримлари қуйидагилар:

«Билгин, лаҳнлар уч навга бўлинади: жирмий, боситий, хаттий. Жирмий шуки, унда нағмалар, ийқоъ ва байтлар жамъ бўлади. Боситий шуки, бу учовидан фақат иккитаси жамъ бўлади. Хаттий шуки, бу учовидан биттасигина жамъ бўлади.

Булардан аввалги қисми икки навга бўлинади (жирмий, боситий – М.О.). Боситий лаҳнларга келсак, у нағма ва ийқоъдан таркиб топган вақтда, тасниф қилувчи бир қанча даврни таъйинлайди. Таркиб топганининг жузлари бу фаннинг истилоҳларидан бўлган икки сархона, миёнхона ва бозгуй билан чегараланиши билан шартланади. Муайян бўлганни ушбу истилоҳда пешрав дейдилар. Агар таснифнинг ҳаммаси бундай муайян доирада бўлмаса, балки баъзи жузлари гўянда ва созанданинг ихтиёрига қолдирилса, яъни у қандай хоҳласа, шундай таркиб қилинса, уни сарбанд дейдилар»<sup>2</sup>.

Бунда мусиқий асарлар ўз маъно-мазмунига кўра уч асосий навга ажратилади. Унинг негизида чуқур мантиқ ётади. Зеро, муси-

<sup>1</sup> Ушбу асар. – В. 68 б-69 а.

<sup>2</sup> Ушбу асар. – В. 69 б.

қий асар навларида унинг асосидаги уч омил – куй, усул ва шеърий байтнинг ўрни ва муносабатлари ётади. Гапнинг очиги, биз бундай тартибни улуғ салафлар бўлмиш Сафийуддин Урмавий ва Абдулқодир Мароғий асарларида учратмадик. Фикримизча, бу бизнинг минтақамизга хос мутаориф фикр бўлса ажаб эмас.

Жирмий (жирм – луғатда туянинг баланд ўркачи) куй, усул ва сўз матнини ўзида мужассамловчи маъносида туради. Хаттий (хат – луғавий маъноси чизиқ, биргина йўл) – энг оддий нав деганни англатади. Боситий (басит – ёйиқ) икки сифати аниқ намоён бўладиган нав. Амалдаги кўриниши пешрав. Дарҳақиқат, унинг икки жиҳати куй йўли ва усули бўлмоғи лозим. Пешрав Мусиқий Шашмақомнинг асосий омилларидан бири, унинг бутун бир соҳаси – мушкilotлари айнан шу пешрав услубида ишланган асарлардир.

Мусиқий шакл муносабати билан ишлатиладиган яна бир калит атама – давр ва унга маънодош жуз тушунчаларидир. Давр (европача «период» тушунчасига мос келади) ва жуз мусиқий шаклнинг мантиқан тугал бўлақларини англатади. Сарлавҳадаги синф (синфлар – тасониф) ҳам мусиқий шаклнинг таркибий бўлақлари маъносида юритилган. Бугунги амалиётда бу иборалар истеъмолдан қолиб кетган. Уларнинг ўрнига бошқа маънодош «хона» атамаси кўпроқ ишлатилади. Таркиб сўзи бугунги истеъмолдаги «структура» иборасига тўғри келади. Сарбанд (эркин усулдаги шакл) бизнинг мумтоз мусиқа, жумладан, Шашмақомга ҳам хос эмас.

«Биринчи қисм бўлмиш жирмий лаҳнларга келадиган бўлсак, у нағмалар, ийқоъ ва байтлардан таркиб топади. Тасниф қилувчи ушбу лаҳнларда бир қанча доиралар тайин қилмоқни хоҳласа-ю, унда муайян бўлмаган байтларни айтадиган бўлса, уни «нақш» дейдилар. Аммо унинг бошланиши байтлардан ўзга бўлмаслиги керак. Агар таснифга кириш байтлардан бўлса ва улар ҳам муайян эрса ва ҳаммаси битта сархонанинг икки ёки уч бора такрорланиши натижасида муайян этилса, уни савт деб номлаганлар. Бу ажаларнинг ихтиро қилганларидир. Арабларда учрамайди.

Агар бир қанча давр таркиб топса ва шу тайин қилинган доиралар сархона, миёнхона ва бозгуйлардан иборат бўлса ҳамда байтлари аниқ белгиланган бўлса, асарнинг бошланиши хоҳ байтлардан бўлсин, хоҳ нақрадан, байтлари форсий ёки туркий ёхуд арабий бўлишидан қатъи назар, уни «амал» дейдилар. Бироқ, агар унга кириш нақрадан бўлса, уни «амали мустаҳал» дейдилар. Агар байтлари ҳиндча бўлса, у «рехта» дейилади»<sup>1</sup>.

Учала воситани ҳам ўз ичига оладиган ашула йўллари бу ерда оддийдан мураккабга қараб тушунтирилган. Уларнинг энг оддийси, куйи маълуму, сўз матни тайин этилмагани «нақш» ҳисобланган.

<sup>1</sup> Ушбу асар. – В. 69 б-70 а.

Барча омиллари бўлса-ю, лекин биргина сархона куйи асосида кўп байтлар айтилса, «савт» бўлади. Омилларнинг барчаси муайян қилиниб, таркиби ҳам тўла сархона, миёнхона ва бозгўйлардан иборат бўлса, «амал» ҳисобланади. Бу шаклларнинг барчаси, гарчанд бошқача истилоҳлар билан ифодаланса-да, Мусиқий Шашмақомда кенг ишлатилади.

Ўн иккинчи мақом (фасл) «Усул жиҳатидан бир-биридан ажралиб турадигани қисмлар баёнида» деб аталган.

«Билгинки, жирмий лаҳнлардан ҳар тасниф сақил, хафиф ва нимсақил деб аталадиган авсат (ним сақил ва авсат маънодош – М.О.) доирасида юзага келиб, агар байтлари арабий бўлса, уни «қавл» дейдилар»<sup>1</sup>.

Бунда, биринчидан, усул ва доира атамалари тенг маънода ишлатилаётганига, иккинчидан, тасниф умуман мусиқий шакл – композиция ўрнида келаётганига, учинчидан, зикр этилаётган сақил, хафиф, нимсақил ва авсатлар усул номлари сифатида бугунги амалиётда ҳам мавжуд нарсалар эканига эътибор бермоқ лозим. Қавлда арабий шеърлар айтилгани ҳам алоҳида диққатга сазовор. Гап шундаки, Шашмақомнинг сарахбор ва Хоразм мақомларининг шу ўриндаги биринчи қисмига арабий байтларни киритиш удуми ҳанузгача сақланиб қолган. Масалан, Хоразм танбур чизиги воситасида бизгача етиб келган Олти ярим мақом мажмуасининг дастлабки Рост Мақоми Мунис Хоразмийнинг Ҳақ Таоло шаънига айтилган ҳамду сано билан бошланади. Унинг биринчи байти қуйидаги арабча – ўзбекча муламмадан иборат:

*Ё, вожиб ал-вужуд лакал ҳамду ва-с-сано!  
Оина-и вужудингга йўқ жавҳари фано!*

«Учта бошқа баҳрлар бўлмиш фохтазарб, чорзарб ва зарб ул-фатҳга келсак, ушбу доираларда ҳар қандай тасниф юзага келса, усулнинг номи билан атайдилар»<sup>2</sup>.

Бу нуқта ҳам мақомат тизими, айниқса, унинг иккита мумтоз шакли бўлмиш Бухоро Шашмақоми ва Хоразм Олти ярим мақомининг таркибий қисмларида деярли бошидан охиригача (тароналардан ташқари) айнан шу тартибда одат бўлиб қолган.

«Яна бошқаси навбатдир. У тўртта таснифдан таркиб топган бўлиб, учта баҳрдан (яъни бўлақдан – М.О.) ҳар бирида қавл<sup>3</sup> юзага кела-

<sup>1</sup> Ушбу асар. – В. 70 а.

<sup>2</sup> Ушбу асар. – В. 70 а.

<sup>3</sup> Аслида «қавл» (луғавий маъноси – «сўз») умумшарқ мусиқий истилоҳида хусусий, яъни арабий шеърлар билан айтиладиган ва кенг, умуман, ашула йўли маъноларида ишлатилади. Покистонда диний мавзулардаги гўяндлар «қаввол» дейилади. Қўлёзмада бу сўз хаттотнинг хатоси билан «қавл» деб берилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки кейинги жумлаларда «кор» деб берилади ва у мантиққа тўғри келади. Кор (иш; Навоий ва Бобур асарларида ўзбекча «иш» шаклида

ди. Унинг жузларининг тартиби шуки, биринчи кори «қавл» бўлади, иккинчи кори «ғазал» бўлади ва учинчи кори «тарона». Учинчи кордаги баъзи шеърлар рубоийдир. Ундан кейинги тўртинчи корни «фурудошт» дейдилар. Унда назм лозим тутилган эмас»<sup>1</sup>.

Баён этилган масала мавзумизнинг марказий нуқталаридан бири. Бунда Шарқ мумтоз мусиқасида кўп қисмли таснифотларнинг қадимий шакли «навба» ҳақида сўз боради. Бу нав борасида Абдулқодир Мароғий асарларида ҳам батафсил маълумот берилади. Лекин, бизнинг мақомот амалиётида навба тушунчаси жуда кам ишлатилган. Охириги марта у «нуб» (ўзбек ва тожикчада навбанинг кўплик шакли, арабчада «навобит» бўлади) тарзида Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» асарида тилга олинади<sup>2</sup>. Аслида навбанинг икки тури жорий этилган: оддий навба ва навбати мураттаб (тартиблашган навба). Оддийси қисмларни шунчаки «туркум», «қатор» шаклида бир-бирига эргашиб келиши. Мураттаби эса вазифаси белгиланган қисмларнинг яхлит силсила тарзида намоён бўлиши. Кавкабийда ҳам, гарчи «мураттаб» сўзи ишлатилмасида, айнан шу нав назарда тутилмоқда.

Шашмақом ва Олти ярим мақомларининг ашула йўлларида иборанинг ўзи ишлатилмасида, унинг тамойиллари яққол намоён бўлади. Улардаги сарахбор – тани мақом, наср, тарона ва уфар алоқалари, аслида қавл, ғазал, тарона ва фурудошт силсиласининг ўзидир. Бу муносабатларнинг ички ришталарини мутолаа этиш эса алоҳида илмий масала.

«Бошқа қисм миатайндир. Бу корнинг усул доираси 200 нақраи ўз ичига олган. Миатайн деб номланишининг сабаби шу»<sup>3</sup>.

«Миатайн»га ўхшаш шакл Шашмақом ва Олти ярим мақом таркибида ҳам мавжуд. Гап шундаки, бу мажмуаларнинг чолғу бўлимларида 148 нақрадан иборат «Се усул» деган қисм бор ва унинг намуналари Хоразм танбур чизиги орқали бизгача етиб келган. У бир-бирига бевосита уланган (силсила этилган) уч бўлақдан иборат. Таркибий бўлақларнинг усуллари эса, нимсақил, мухаммас ва зарафшон номлари билан юритилади. Абдулқодир Мароғий ва Дарвиш Али рисолаларда «Миатайн»га таъриф берилганда бу тасни-

келади) сўзи Шашмақом устозлари орасида ҳанузгача ишлатилади ва «ишлов берилган», «пухта ишланган» бадий асар маъносини англатади. Бухоро устозлари орасида «сер кор», яъни «пухта ишланган» ва «кам кор» демак «кам ишланган, оддий» маъноларидаги тушунчалар мавжуд.

<sup>1</sup> Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/IV. – В. 70 б.

<sup>2</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Илк нашри (араб алифбосида). Тошкент-Самарқанд, 1927. – Б. 15.

<sup>3</sup> Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/IV. – В. 70 б.

фот, ҳар бири 50 нақрадан иборат тўртта бўлақдан таркиб топганлиги ҳақида сўз юритилади. Бундан «Се усул» «Миатайн»нинг тўртдан уч бўлагига тенг тузилма эканлиги яққол намоён бўлади. Агар Се усулнинг бирон бир бўлаги «бозгўй» сифатида такрорланса, рисо- лаларда таърифланган «миатайн»нинг ўзгинаси бўлади.

«Бошқа қисм (нав – М.О.) – Куллиётдир. У ўн икки мақом, йи- гирма тўрт шўъба ва олти овозадан иборат жами адвори ан-нағам ҳамда жами адвори аз-зурубларни ўз ичига олади»<sup>1</sup>.

Бу Кавкабий мусиқий таълимотининг бугунги кун мақомшунос- лиги учун энг долзарб нуқтаси. Диққат билан разм соладиган бўлсак, «Куллиёт» амалда «Шашмақом» дейиш одат этилган муси- қий навнинг ўзи бўлиб чиқади. Зеро, Мавлоно рисоласининг сўнги икки бобида зикр этилган мусиқий навларнинг барчаси – пешрав, амал, нақш, савт, навба (қавл, ғалал, тарона, фуруъдошт) ва мийа- танлар барчаси Куллиётда мужассам бўлганидек, амалдаги Шаш- мақом ва Олти ярим мақом мажмуаларида ҳам ўз аксини топади.

XIX асрга келиб, аниқроғи, XVII аср бошларидан эътиборан, яъни Дарвиш Алидан кейин, Бухорода илми мусиқийнинг назарий жиҳати бир мунча пасайиб, устозлар бисотидаги амалий илмлар олдинги қаторга чиқиб олганига тарих гувоҳ. Ана шу муҳитда илмий «куллиёт» ибораси ўрнида оддий ва осонроқ «шашмақом» тушунчаси қарор то- пиб кетганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бу масалага келгусида янги манба ва маълумотларни жалб этган ҳолда аниқлик киритиш эса Шаш- мақом тарихининг энг чигал нуқталаридан бири, яъни унинг бошла- ниш даврини аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

Кавкабий меросини тўлароқ ва чуқурроқ идроклаш учун унинг иккинчи «Ўн икки мақом ва олти овоза исмлари баёнида» деб ном- ланувчи назмий рисоласи билан ҳам, қисқача бўлса-да, танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу оқимда тўғри йўл танлаш учун, энг аввало, насрий «Рисолаи мусиқий» ва назмий «Ўн икки мақом ва олти овоза исмлари баёнида» гилар, турли мақсадлар кўзланган мус- тақил асарлар эканлигини инобатга олмоғимиз зарур.

Насрийси том маънодаги илмий рисола ва бу ўринда Кавкабий номлари тилга олинган Форобий, Сафийуддин Урмавий, Абдулқо- дир Мароғий меросларининг янги муҳит ва шароитлардаги давом- чиси бўлиб майдонга чиқади. Назмийси эса давр талаб ва эҳтиёж- ларидан келиб чиққан ҳолда, устозлар бисотидаги амалий илмлар- ни назарий асослар билан бойитишга қаратилган. Шеърий шаклда ифодаланишининг асосий боиси ҳам шунда бўлса керак.

Чунки бу рисола, биринчидан, мақомшунос устозлар ёдлаб, Шаш- мақом матнларига киргизиб, мухлислар доирасида маърифат тар- қатиш учун қулай. Иккинчидан, унда илми мусиқий асослари оддий

<sup>1</sup> Ушбу асар. – В. 70 б.

мажозий тилда баён этилганлиги сабабли, мухлислар онгига тезроқ етиб бориши учун ҳам мос келади. Дарҳақиқат, Бухоро Шашмақомининг XX аср бошларигача амалда бўлган аслий матнларда, Кавкабий байтларида баён этилган маърифат уруғлари сочилганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Ўн икки мақом ва олти овоза исмлари баёнида»ги рисола ни тўла тафсир этиш алоҳида илмий-маърифий масала. Шу боисдан биз ундан фақат иккита иқтибос олиб, қисқа изоҳли таржима келтириш билан кифояланамиз. Биринчи лавҳа:

«Зи роҳи Рост гар оҳанг мекуни ба Ҳижоз,  
Зи Исфаҳон гузар-у жониби Ироқ андоз.

Ба-ноқои Зангула дар пардаи Раҳовий банд,  
Ба-Бусалик Ҳусайний сифат барор овоз.

Машав Бузрук зи рўи ниёз Кўчак бош,  
Дарин мақом ба-Ушшоқ бе-Наво пардоз.

Гавашту Мойа-ю Гардуния чу бар хоний,  
Навоз пардаи Наврўз-у Салмаку Шаҳноз.

Ба-гўшу жон шинав аз Кавкабийки кард адо,  
Ба-чор байт даҳу ду мақому шаш овоз.

*(Мазмуни: агар Рост йўлидан ҳижозга томон оҳанг қилсанг, Исфаҳондан ўтиб, Ироқ тарафга бор. Туя Зангуласига Раҳовий пардасини банд қилиб, Бусалик билан Ҳусайний каби овоз чиқар. Бузрук бўла кўрса, ниёз юзасидан Кўчак бўл. Ўша мақомда бе Наво Ушшоқ билан зийнатлан. Агар Гавашт, Мойа ва Гардунияни айтадиган бўлсанг, Наврўз, Салмак ва Шаҳноз пардасини созлаб ол. Тўрт байтда ўн икки мақом ва олти овозни Кавкабий қандай адо қилганини жону дилинг билан эшитгин).*

Иккинчи лавҳа:

Мақом андар адад бисту омад чаҳор,  
Ду шўъба ҳар мақоми рост<sup>1</sup> ночор...

Ду фаръ аз баҳри ҳар аслий баён ёфт,  
Куну ба тадбираш аён ёфт.

Хазизи ҳаст ба ҳар асли авжи,  
Чу дарёкаш бувад қаъри авжи.

<sup>1</sup> Бунда «рост» атамаси фақат муайян биринчи мақом эмас, балки умумий «ҳақ», «тўғри», «мукаммал» маъноларига ҳам эга. Яъни, мисрадан ҳар бир рост мақоми икки шўъба (бўлак)дан иборат деган фикр чиқади.



Хазини фаръи аввалро бувад жой, бадин тартиб то охир навиштам, бори бардор аз тухмики коштам.

(Мазмунни: ҳар бир мақомда илтирма турта шӯба бўлиб ке-  
лиши поэма... Ҳар бир асл уҳун икки фаръ баён этилди. Унинг  
табдир хулди шундай аён этилди. Ҳар бир аслнинг авжи бўл-  
ғандек, пасти ҳам бўлади. Чунончун, кемачига унинг қаръи (дарё туби)  
авжи бўлиб қолади. Аввали фаръ пастида жой олалиган бўлса,  
иккинчи фаръ авҷдан падох топади. Шубу тартибда охиригача  
ёзди, энди мен соҳан уруғдан ҳосил ол).

Кавқабий ва Дарвиш Али яшаган даврлар ўрғасида дээрли ярим  
аср фарқ бор. Шу давр Бухоро маданият тарихи уҳун сезиларли муд-  
дат. Гарчи бу икки буюк муסיқашунослар мероси устоз-шогирдлик  
муносабатларида бўлса-да, уларнинг ички мазмунни (маъноси, моҳи-  
яти) ва шакл тусилиши (сурати) анъа фарқ қилади. Агар Кавқабий  
рисолаида назарият бирламчи десақ, Дарвиш Али асариде тарих  
қаръига сингдирилган амалиёт олдинги сафта чиқарилган. Мазкур  
жиҳатлардан улар бир-бирини тўлдириб, шу заминда кейинроқ юза-  
га чиққан Шашмақом мулкининг назарий ва тарихий илтизларидан  
дарак берувчи мундирлар бўлиб хизмат қилади.

Қизилқарни томони шундаки, Кавқабий рисолаида Шашмақом  
илтизлари акс эттирилиши нуктаи назаридан қаралганда, унда маж-  
муа шаклланишига замин бўлган навба, миатайн ва қулиёт каби  
қул қисми навларнинг аҳамияти катта бўлганлиги ҳақида сўз юри-  
тилган эди. Дарвиш Али рисолаида эса бу навлар тилга олин-  
майдн. Бундан чиқадиган кичик бир хулоса шуки, сарой базмлари-  
да, ҳос мажлисларда навба, миатайн, қулиёт каби ҳашаматли нав-  
ларга бўлган эҳтиёж пасайиб, муסיқий мақкура ҳам бошқа томонга  
бурпила бошлаганидир.

Дарвиш Али қарашларининг афзаллиги шундаки, муסיқани ис-  
ломий эътиқодга боғлаш билан бир қаторда, унинг дунёвий санъат  
эканлиги эътироф этилиши ва шу муносабат билан назарий асос-  
ларга ҳам катта эътибор қаратилганидир. Донишманд устоз  
муסיқага оид қадимий афсона, ривоят ва созанда аҳли орасидаги  
нақлларни илмий қарашларга шундай хушилоҳом билан пайванд эта-  
дики, улар фақат ишонч ҳафта завқ уйғотади.

Шунинг уҳун ҳам унинг рисолаидаги фикр ва мулоҳазалар со-  
занда аҳли орасида кенг тарқалиб кетган. XIX асрда Шашмақом  
юзага чиққан пайтда Бухорода яратилган рисола-баёзлардаги му-  
лоҳаза ва нақлларнинг аксарияти айнан шу Дарвиш Али рисолаи-  
дан олинганлиги ҳам бежиз эмас. Бу эса ўз навбатида, Дарвиш  
Али мероси ва Муסיқий Шашмақом ўрғасида нуктур муносабатлар  
мавжуд эканлигини намойиш этади.

Энг нозик масалаларга келганда, матнга Куръони карим оятларини дарж этиш маҳорати эса, Устоз Дарвиш Алини, нафақат закий аллома, ўз соҳасининг «хоқони», балки буюклар қаторига арзигулик зот сифатида кўришга асос беради. Фикримизнинг далили сифатида рисоланинг салобатли кириш қисмидан лавҳалар келтирамиз ва унда мусиқага алоқадор сўз ҳамда атамаларнинг жилоланишига эътибор беришни муҳтарам китобхонлардан таманно қилурмиз:

«Беқиёс мақтов ва ҳамдлар Парвардигоргаки, Унинг ҳамду санои вужуд доирасида нағмалар тараннуми, қоп-қоронғу коинот эса фазовий кошона бўлди. Шўъбадонлар тилида эса Унинг яратувчилик мақомоти мавжуд. Унинг асл зотининг нағмасаролари латофатли пешравлари ила саодатманд (муборақ) қавлларни айтди.

Бахт келтирувчи дуруд ҳазратгаки, пайғамбарлигининг эгалик овозаси кўк гумбазда садо чиқарди. Ул сарварнинг маънавий хабарлари маъносидан ёрдам олиб, Унинг пурфутуҳ руҳидан хотиралари шикастланмади. Унга энг афзал саловот, энг мукаммал саломлар бўлсин!

У шундай саййидки, пайғамбарлик офтоби имоннинг чароғон ёғдулари ила залолат зулматларини «хува-л-лазий арсала расулаҳу би-л-худо ва дини-л-ҳаққи, ли-йузҳираҳу ъала-д-дини куллиҳи»<sup>1</sup> маъноси сабаби билан маҳв қилгандир.

Ва У шундай сарварки, қиёматли қоматига Воҳиб ал-маннон (Миннатсиз ато этувчи зот)нинг эҳсонхонасининг жомасидан «Инна арсалнока шоҳидан ва мубашширан ва назиран, ли-тумину биллоҳи ва расулиҳи»<sup>2</sup> оятининг иноятли халъатига мушарраф ва зийнатли қилгандир»<sup>3</sup>.

Ундан кейин, Чаҳорёрлар Ҳазрати Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Ҳайдарларга саловотлар айтилгандан сўнг, ўз наслнасабини: фақир, ҳақир, нуқсонни кўп ҳофиз Дарвиш Али Чангий Хоқоний ибн Мирзо Али Чангий ибн Абдулаҳи Қонуний ибн Амир Ҳошим Қонуний ибн Абдуллоҳ Марварид деб, рисоланинг юзага келиш сабабларидан баён этади. Хусусан, «У иззатли арз қилурки, бу риёзий ҳикматлар шўъбасидан бир шўъба бўлмиш мусиқий рисола таълиф қилиш сабаби шуки, ўз вужудининг талаби камолотидан аҳволлар бошланишида бу рисола муаллифи уд каби саъй (ҳаракат) идишчасида унинг оташ шавқидан куйган эди. Чанг мисолида иродат дасти ила номдор устодлар савти пайрави этагини ушлади ва бу

<sup>1</sup> «У ўз пайғамбари (Муҳаммад)ни ҳидоят ва ҳақ дин (Исломи) билан, у (дин)ни барча дин(лар)га голиб қилиши учун юборган зотдир» (Куръони карим, Фатҳ сураси, 28-оят).

<sup>2</sup> («Эй, Муҳаммад!) Ҳақиқатан Биз Сизни (қиёмат куни умматларга) гувоҳлик берувчи, (мўминларга) хушxabар элтувчи ва (кофирларни) огоҳлантирувчи қилиб юборгандирмиз. (Биз, Муҳаммадни) Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтиришларингиз учун (юбордик)» (Куръони карим, Фатҳ сураси, 8-9-оят).

<sup>3</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 1-б ва 2 а.

корхонада «Сориъу ило мағфиратин мин роббикум!»<sup>1</sup> нинг садо таронасидан ҳар бири амал ва қавлни лозим тутиб мустаҳкам қилди»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, рисола тарихи 980 ҳижрий (1572 – 1573 мелодий) йилда Абулғозий Абдуллоҳ Баҳодирхон замонида бошланганлиги қайд этилади.

Сўнгра, муаллифни камолат сари ундаган пиру устозлар тилга олинади. Уларнинг айримларининг сифатларидан воқиф бўлиш учун лавҳалар келтирамиз:

Дин йўлларининг солиги, яқин сирларни билувчиларнинг пешрави, нақлий ва ақлий илмларни жамловчиси, асл ва фаръий билимларнинг тўпловчиси Жаноби Мавлоно Ҳусайн Гурба ғалайхирраҳманинг устоз ва мавлоно сифатидаги ниҳоясиз лутфлари менга тушди.<sup>3</sup>

Асрнинг нодири, замонанинг яғонаси, қутблар қутби Хожаги Жаъфар Қонуний ғалайхирраҳма бўлиб, шарафли одамларга керакли бўлган зоҳирий ва ботиний илмлардан, гўзал хулқлар ва мақбул сифатлардан ушбу малаксифатли зот менга илтифот айлади.<sup>4</sup>

Яна бир устозим, валинеъматим, адвор илми ва мусиқийнинг мусаннифи, устоз Алидўст Нойий ғалайхирраҳма бўлиб, унинг олдидан адвор илми ва мусиқийда Фисоғурснинг қадри ва равнақи бўлмас эди... Мавлоно Ҳусайн Кавкабий қуддиса сирриху деганлар – ҳар устоз мусиқий роҳини нағма билан боғлай олса, ғамни ювади. Худо унга уч нарсани каромат қилган бўлса, жуда яхши: басталай олса, черта олса ва айта олса.<sup>5</sup>

Бошқа бир падар (маънавий ота – М.О.), олий устоз, фазилатли жаноб Мирзо Али Чангий бўлиб, адвор илмида замона ажойиботларидан (ғужуба-и рўзгор) эди.<sup>6</sup>

Ундан кейин, – «Мусиқий ва адвор достонининг бошланиши будур»<sup>7</sup> деб, асосий мавзуга ўтилади. Бу ўринда, муаллифнинг ўзи, рисолаи «достон» дейиши алоҳида диққатга сазовор. Маълумки, «достон» деганда ўтмиш воқеаларидан, афсона ва ривоятлардан ҳикоя этувчи алоҳида «ашулалар»дан тўқилган йирик шаклдаги «бутун» асар назарда тутилади. Мусиқий рисолага «достон» сифати берилиши эса унга, мавзуга оид назарий қарашлар билан бир қаторда, тарихий воқеалар ҳам киритилганидан, бутунликдан дарак беради. Бу эса ўз навбатида, юқорида, Дарвиш Али рисоласи, Кавка-

<sup>1</sup> Оят мазмуни: «Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга шошилингиз!» (Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 133- оят.

<sup>2</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 2 а-б.

<sup>3</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 5а.

<sup>4</sup> Шу асар. – В. 5 а.

<sup>5</sup> Шу асар. – В. 5 а-б.

<sup>6</sup> Шу асар. – В. 5 б.

<sup>7</sup> Шу асар. – В. 6 б.

<sup>4</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусикӣ. ҶАР ФАШИ қўлёмаси. № 468/1. – В. 7 б. сирлардан бир сир бор! Уни фақатгина авалиёларнинг хосларигина билурлар.

– В. 7 а. Ҳикматнинг маъмуни: Мусикӣи нағмаларидан ҳар бир нағмада илоҳий

<sup>3</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусикӣ. ҶАР ФАШИ қўлёмаси. № 468/1. Шу асар. – В. 7 а.

<sup>2</sup> Шу асар. – В. 7 а.

қилади. Боблар тафсири қуйидагича:

қўлами ҳақида олдидан муайян таассурот врататиш имконини ҳосил

изми жуфта қатъий эканлигидан далolat беради ва асарнинг бўлун

бини аниқ белгилаб кўрсатади. Бу ҳам Дарвиш Алнинг мантиқ

Қириш қисмининг хотимасида, муаллифининг ўзи рисола тарқи-

бир марнода<sup>4</sup>.

тафик (бир-бирига иттифоқи) нағмалардир. Алҳон, таҳин ва лаҳн

яъни мулоимот ҳолда вазнланган – замоналари ҷеғараланган мут-

номланган. Бу илмининг мавзуси алҳондир. Алҳон – доираларда,

лиф илми «деб аталади. Замоналарни идроклаш «ийқоч илми» деб

мак, «мусикӣи» тушунаси икки қисм бўлади. Лаҳнларни таниш «таъ-

бир-бирлари билан узун-қисқалик муносабатлари тушунилади. Де-

мунофират жиҳатлари ҳамда нағмалар замоналарнинг ҳолатлари

билан нағмаларнинг ҳолатлари бир-бирлари билан мулоимат ва

олинган ва унинг марноси алҳондир. Бу фаннинг истилоҳида эса у

таин қилиш ҳақида. Билгинки, «мусикӣи» сўзи лугатда юнончадан

Иккинчи мақом мусикӣи баёнида ва унинг мавзуси марноси

рифухо илмо хавосс ал-авлиё<sup>3</sup>.

ғамоти мусикӣийатин сиррун мин асодри илоҳийятин. Ло йаъ-

даги ҳикматли сўзлар қайд этилади: «Фий қулли нағматин мин на-

бошидаги рубойи келтирилади. Сўнгра, мақур рисоланинг охири-

шариф илм ва латиф санъатдир<sup>2</sup>. Шу ерда Кавкабий рисоласининг

мақом мусикӣи илмининг шарафи ҳақида. Дарҳақиқат, мусикӣи

Илми мусикӣи эса, икки мақом (даража)да кўрилади. Биринчи

си билан билатилар<sup>1</sup>.

Бирок, ҳақимлар илмий ривознинг камоли ва ботиний ҳис-туйғу-

дир, узлиб қолмайди. Инсоннинг идрокки уни эшитишга қодир эмас.

кат қилади. Ундан саро ва наво юзага чикади. Бу наво доимий-

қан сатҳига интилади. Ҳулки фалаклар бир-бирларига қараб ҳара-

парки, ҳар бир фалакнинг ички сатҳи бошқа фалакнинг түртуб чик-

оланлар. Ҳунончи, тўққиз фалакнинг шундай жойлашгани муқар-

ки, ҳақимлар бу мақомларни тартиблагани фалак айланшидан

дай таърифлар берилади. «Аъвор илми» шул жиҳатдан дейилади-

лади. Хусусан, икки устувор тушуна «аъвор» ва «мусикӣи»га шун-

ти шундаки, у мулоҳазани, одатда, тушунага таъриф беришдан бош-

Дарвиш Алнинг назарияси, уламо сифатида яна бир фазила-

асар деган фикримизга қўшимча далил бўлиб хизмат қилади.

«Билгинки, ушбу рисола беш бобни қамраб олади. Аввалги боб ўн икки мақом, йигирма тўрт шўъба ва олти овоза ҳамда уч ранг баёнидадир. Иккинчи боб ўн етти баҳр усули ва йигирма тўрт усул баёнида. Учинчи боб кор, қавл, амал, пешрав, савт, нақш, рехта, сажъ, зарбайнларни таниш баёнида. Тўртинчи боб танбура, чанг, най, қонун, уд, барбат, рубоб, қўбуз, ғижжак, шамома, найабнон, чағона, руҳафзо, кунгура, сетор, ишратангиз, руд, арғанун, чиний, муғанний созлари баёнида. Бешинчи боб бу подшоҳ ва соҳибқирон, мулки абадий бўлсиннинг даврида яшаган хушовоз ҳофизлар ва ушбу сара бўстоннинг устозлари баёнида. Уларни шуҳратига қараб зикр қилинур»<sup>1</sup>.

Тадқиқотимизнинг бош мавзуси талабларига кўра, биз асосан рисоланинг иккита бошланғич бобларига мурожаат қиламиз. Рисоланинг учинчи бобида кор, қавл, амал, пешрав, савт, нақш, рехта, сажъ, зарбайнлардан баён этилиб, Шашмақомга кўпроқ алоқадор бўлган навба, миатайн ва куллиётлар тилга олинмаслиги ҳам бизнинг учун эътиборли маълумот. Гап шундаки, Дарвиш Али замони Бухорода мусиқийнинг назарий жиҳатларига ва кўп қисмли мураккаб илмий-мантиқий асосларга таянган навларга эътибор бирмунча пасайиб, кўпроқ мутаорифий ҳис-туйғулар билан суғорилган шакллар олдинги қаторга чиқиб олганлиги билан хусусиятланади.

Шу муносабат билан навба, миатайн, куллиёт каби мураккаб навлар сояда қолганлиги сабабли, сарой ҳофизи ва мусиқийшуноси Дарвиш Али рисоласига киритилмаганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. XVIII асрнинг иккинчи ярмида манғитлар сулоласи Бухоро тахтига чиқиши билан, яна сарой кўрки миллат кўркига айланиб, нафосатли удумлар тикланиши ҳамда шу муносабат билан мураккаб мусиқий навлар мажмуаси «Шашмақом» байроғи остида тикланиши ҳам мантиққа тўғри келади.

Дарвиш Али рисоласининг зикр этилган икки бобига батафсил мурожаат этишдан олдин, яна бир муҳим масала. Юқорида айтиб ўтилганидек, Дарвиш Али рисоласи дostonсифат асар. Унда назарий ва тарихий қарашлар, илмий ва афсонавий мафкура, аниқ маълумотлар ва бадиийнамо тўқималар бир-бирига уйқашиб келади. Масалан, биринчи боб «илми адвор» таълимотининг асосчилари Сафийуддин Урмавий ва Абдулқодир Мароғий қарашларидан бошланиб, парда доираларининг мажозий илдизлари баён этиладиган афсона ва ривоятларига ўтиб кетилади. Бизнинг имкониятларимиз чегараланганлиги сабабли, таълиф ва ийқоъ илмлари баёнида афсонавий ривоятларни қисқартириб олишга ҳаракат қилдик.

«Аввалги мақом ўн икки мақом, йигирма тўрт шўъба ва олти овоза баёнидадир. Билгинки, Хожа Абдулқодир ибн Абдурахмон

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 7 б-8 а.

ва Хожа Сафийуддин Абдулмўмин айтадиларки, аввал етти мақом бўлган. Етти пайғамбардан қолган ва биттаси суфа аҳли<sup>1</sup> саҳобаларидан мерос.

Рост мақоми ҳазрат Одам Алайҳиссаломдан қолган. Момо Ҳаво висолидан жудоликка тушган вақтда унинг фироғида нола чеккан. У Рост мақомида эди. Рост мақоми ундандир...

Ушшоқ мақоми ҳазрат Нух Алайҳиссаломдан қолган. Билгинки, Нух «навҳа» сўзидандир. Асли номи Юшқар эди, кўп йиғлаганлиги учун «Нух» номи билан аталди. Йиғисининг сабаби шул эдики, бир куни йўлда кетаётган эдилар, бир итни кўриб қолдилар, ниҳоятда кир-ифлос бўлиб кетган экан. Олдига келиб, «Бунча ифлос ит экансан», дедилар. Ит нола қилди ва «Эй, ҳазрат Нух! Худой таборакнинг корхонасига дахл қилмоқдасиз, Худой таоло мени шундай қилиб яратган», деди. Ҳазрати Нух Алайҳиссалом бу гапни эшитиб, навҳа қила бошладилар. Ўша нола Ушшоқ мақомида бўлган. Шундай қилиб, Ушшоқ мақоми ул зотдан қолди.

Наво мақоми ҳазрат Довуд Алайҳиссаломдан қолган. Нақлдулки, қачон ҳазрат Довуд Алайҳиссалом лаҳн (алҳон, илҳон) қилсалар, муборак ҳалқумидан етмиш хил лаҳн чиқар эди. Қушлар, ваҳшийлар, йиртқичлар келур, беҳуш бўлар ва йиқилар эдилар. Ўша мақом Наво бўлган.

Ҳижоз мақоми ҳазрат Сулаймон Алайҳиссаломдан қолган. Нақлдулки, ҳазрат Довуд Алайҳиссалом вафот қилганларидан сўнг подшоҳлик ҳазрат Сулаймонга ўтди. Аллоҳ таоло айтган: «Ва вари-са Сулаймона Довуд», яъни Сулаймон Довуддан мерос олди. Ҳазрат Сулаймон Худой таолодан мулк талаб қилган эди, унга ер юзининг жами мулклари инъом қилинди. Сурур ва шодликдан Ҳижоз мақомида лаҳнлар қилдилар.

Ироқ мақоми ҳазрат Айюб Алайҳиссаломдан қолган. Ҳақ таоло ҳазрат Айюб Алайҳиссаломни қуртлар заҳматиға мубтало қилди. Ўн саккиз йил қуртлар меҳнатиға гирифтор бўлдилар. Ўн саккиз йилдан кейин тузала бошладилар. Бир қурт муборак баданидан ерга тушди, шунда уни олиб жойига қўйдилар. Қурт инсон баданини тишлаган эди, беихтиёр нола қилиб юбордилар. Рабб ал-арбобдан покиза хитоб келди: «Эй, Айюб! У бизнинг фармонимиз билан ерга тушган эди». Хуллас, унинг ўша фиғони Ироқ мақомида бўлган.

Ҳусайний мақоми Ҳазрат Яъқуб Алайҳиссаломдан қолган. Нақлдулки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳазрат Яъқуб Алайҳиссаломни саксон йил Ҳазрат Юсуфнинг фироғиға мубтало қилди... Ул Зотнинг ўша ноласи Ҳусайний мақомида бўлган.

<sup>1</sup> Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) масжидлари ёнидаги суфада бир қанча саҳобалар ётиб-туриб, ул зотдан доимий сабоқ олганлар. Уларни «Суфа аҳли» деб алоҳида ҳурмат қилишган.

Пайқамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг замонлари бўлганда, Қуръони карим нозил бўлди. Қуръонни Раҳовий мақомида ўқир эдилар. Раҳовий мақоми ул зотдан қолган.

Бусалик мақоми саҳобаларидан бири, яъни Бобо Умардан қолган. Туяни Бусалик мақомида ҳидо қилиб ҳайдар эдилар. Бусалик мақоми ундан қолган»<sup>1</sup>.

Ана шу саккизта бирламчи мақомларнинг илоҳий ришталарининг баёни тамом этилиб, бевосита ҳаётий негизларга ўтилади. Бунинг маъносини англаш учун исломий мафкурага ботиний ва зоҳирий ягона мавжудотнинг икки томони эканлигига эътибор бермоқ керак. Шу тариқа қадимий афсонавий тарихдан бевосита яқин замонлар тафсилотига ўтилади ва мақомлар силсиласи Темурийлар даврида яшаган ва илмий рисоалари бизгача етиб келган шахс Абдулқодир Мароғийга уланиб, давом эттирилади.

«Хожа Абдулқодир ибн Абдурраҳмон Мароғий разийаллоҳу анҳу замони бўлганда эса у ўзининг зоҳирий фаҳми ва ботиний идроки билан етти пайғамбардан қолган етти мақом ва бир нафар суфа саҳобаларидан қолган бир мақомни жам қилиб, уларнинг ёнига яна тўртта мақом қўшдилар. Уларга «Ўн икки мақом» деб ном қўйдилар. Бошқа ривоятга кўра, ушбу тўрт мақомни Султон Увайс Жалойир пайдо қилган, Хожа Абдулқодир эса йигирма тўрт шўъбани яратган»<sup>2</sup>.

Дарвиш Алининг бу мулоҳазалари ҳали ярим афсонавий – ярим илмий тарздаги фикрлар. Тўла илмий негизга мурожаат қиладиган бўлсак, «ўн икки мақом – олти овоз – йигирма тўрт шўъба» илми адвор таълимотига мансуб тушунчалар. Мусиқийда адвор илми асослари тўла-тўқис риёзий услубда ишланган бўлиб, умумий (универсал) аҳамият касб этади ҳамда унинг бунёдкори, бобнинг энг бошида тилга олинган Сафийуддин Абдулмўъмин Урмавийдир. Бу илмда маълум нарса. Ўн икки мақомни Султон Увайс Жалойир ва Абдулқодирга боғлашлар эса аҳли мусиқий орасида урф этилган оғзаки аъёнлардан келиб чиқувчи мулоҳазалардир.

Кейинги овоз ва шўъбаларнинг таркиб топиш масалаларида аниқ илмий негизларга ўтилади. Уларнинг тартиби ва номланишлари ҳам Кавкабий дастурларидан олинади. Бу борада ибратли намуна тариқасида Мавлоно ишлаган «Куллиёт» мисол келтирилиб, унинг назмий матни қайд этилади. Ҳаттоки сал пастроқда, асл ўн икки мақомни овоз ва шўъба тоифаларидан ажратиб турувчи бош омил сифатида, унинг парда тизимида соф муттафиқ бўъд (зул кулл, зул ҳамс ва зул арбаъ)ларнинг умумий миқдори нағмалар ададига тенг ёки улардан кўплик тамойили қайд этилади.

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 8 а ва 11 а.

<sup>2</sup> Шу асар. – В. 11 а.

Жумладан, «Рост макомини шул жихатдан рост дейдиларки, унинг (таркибидати) кўпчилик овозлар (асвот) бу парда (тизим)да түфри (муганосиб, яъни зул кул, зул хамс ва зул арбъ) бўлиб келади. Шу жихатдан ҳам уни «Умм ул-адвор» (Она доира) деб атайдилар». Ростта нисбатан «Умм ул-адвор» нисбати Сафийуддин Ур-мавий ва Абдилқодир Марофий рисолаларида ҳам мавжуд.

Рисоланинг илми таълиф бобига кичик бир хулоса тариқасида шуни алоҳида қайд этиш зарурки, моҳиятан назарий бўлган бу масаларга, дарвиш Али кенг тарихий қўламда ёндашади. Анқороги, соф назария дориси билан чекланмасдан, уни турли минтақаларда урф этилган амалий ўдумларга киёслатган ҳолда олиб боради. Мазкур рисолада баъзилар айтган нарсага шулардир. «Айтилган айримла-ри борасида эса бошқа сабаблар бўлиши мумкин. Баллоху аълам!»<sup>2</sup>. Жуда муҳим хулоса. Дарҳақиқат, мусикий қарашлар қотиб қолган нарса эмас. Замонлар, эътиқод ва қарашлар алмашинув билан, улар ҳам ўзгариб боравереди. Ушбу фикрни тасдиқлаш мақсадида бир қанча қадимий қарашларни мисол келтиради.

«Бошқа ўстозлардан баъзилари айтувларки, етти парда, етти маком етти юлдузга мувофиқдир»<sup>3</sup>. Бундай фазовий қарашлар ҳам турли халқларда жуда қадим замонлардан мавжуд.

Ёки Эрон заминиде бир вақтлар кенг тарқалган «бонт» назари-ясини олайлик. Бонт амалда назарий жинсга ўхшаган мантиқан турал бирламчи мусикий тузилма. Уларнинг жамланшидан бирик-роқ тузилмалар, жумладан, макомлар таркиб топади. Дарвиш Али бу мавзуга ҳам тўхталиб ўтади. Айрим «ўстозларнинг айтишига қара-ганда, мусикий илми ўн саккиз бондан зиёда эмас. Ушбу ўн сак-киз бондан ўн икки маком юзга келади: Рост пардаларида икки бонт ва ярим овоз бўлади; Хижозда икки бонт бўлади; Бузрукда бир ярим бонт; Ирокда икки бонт ва ярим; Бусалликда бир бонт ва ярим; Хусайнийда бир бонт; Исфахонда икки бонт ва ярим; Уш-шоқда бир бонт; Зангулада бир бонт; Кўчакда икки бонт. Устоз-ларнинг айтганлари мана шулардир»<sup>4</sup>.

Ундан сўнг, ўн икки маком юзга келиши ҳақида бошқа хулуд-ларда расм этилган қадимий афсоналар экир этилади. Дарвиш Али замоналарда Бухоро серқавм дийёр бўлган, унинг асосий қисмини суन्नий мусулмон миллати ташкил қилган. Шу билан бир қаторда унда шиша (эроний)лар, мусулмон хиндлар ва яхудиийлар яшаган.

«Баъзиларнинг фикри шундайки, Арасту бир сандуққа тушиб, дарёда сузган. Бир неча кун дарёда бўлиб, ушбу ўн икки макомни

<sup>1</sup> Шу асар. – В. 15 б.  
<sup>2</sup> Шу асар. – В. 15 б.  
<sup>3</sup> Шу асар. – В. 15 б.  
<sup>4</sup> Шу асар. – В. 15 б.



яратиб чикқан»<sup>1</sup>. Марлумки, Арасту (Аристотель) мантик илимининг отаси, мусика борасида фикр юритган. Унинг илдам шоридлари-дан бири Аристаксенус (Аристоксен)нинг мусикага оид рисола-лари Царкнинг бобокалон мусикийшунослари Екуб Киндий, Форобий ва Ибн Синоларга тасвир утказган.

«Айримлар эса шунга боришганки, Хиндистонда қанчус номли куш бўлади. Тумшугида элликта тешиги мавжуд. Тумшугининг хар тарафида йипрма бир тешик бор экан. Биринчи мартабасида ун тешик, иккинчисида олти тешик, учинчи мартабасида эса ун икки тешик бор экан. Бошқа тарафи ҳам шу хилда эмиш. Ҳазрат Шайх Атор Ҷалайхирпайма айтуларки, қанқусдан олинганга шунинг ўзи далолат қилади: бир файласуф созини олиб, унинг овозидан му-сикий илимини яратиб олган»<sup>2</sup>.

«Баъзилар бундай фикрда: Ҳазрати Мусо Ҷалайхиссалом-нинг ҳасса зарбидан олинган. Нақилурки, ҳазрати Мусо Ҷалай-хиссаломга Бани Исроил қавми айтганлар: «Бадани шарифин-гизни биздан яширмоқдасиз?». Ҳазрат Мусо Ҷалайхиссалом Нил қирғоғи бўйида ўз либосларини юваётган эдилар. Харсанг тош устига ёйиб қўйгандилар. Фалакни айлантиривчи подшоҳ-нинг амри ила тош оқа бошлади. Ҳазрат қанчалик шошилини ҳаракат қилмасин, либосларини олиб қолшга улғура олмади. Ҳуллас, ўз қавми олдига чиқдилар, тошнинг изидан тўшдилар, у мавқиб олдига бориб тўхтади. Ҷазобланганларидан ўша тошни асолари ила ўн икки марта урдилар, харсанг тошда ўн икки те-шик пайдо бўлди. Аллоҳ таолонинг сўзи бор: «Ва из истаско Мусо ли-қавмиҳи фа-кулно изриб би-расока-л-ҳажар. Фа-на-фажарот минҳу иснато Ҷашарата Ҷайнан»<sup>3</sup>. Ҳар тешиқдан бир чашма хосил бўлди. Ҳар бир чашмадан эса овоз келар эди. Ушбу ўн икки мақом ўшандан олинди. Баллоху аълам! Гап қўл эди-ю, Ҳожа Абдулқодир Нойиний ва бошқа номдор ўстозлар амал қилган гаплар ёзилди, холос»<sup>4</sup>.

Биринчи бобнинг умумий шаклини қўз олдига келтирсак, у Аб-дулқодир Мароғийдан бошланиб, қўл илими ва афсонавий қараш-лардан хабар бериб, яна шу нуқтага келиб тамом бўлади. Бу эса, ўз навбатида, рисола муаллифи изчил мантиққа таъналган олим экан-лигини яна бир қарра намойиш этади. Шу ерда яна бир нозик си-фат – гап қўл, лекин номдор ўстозлар амал қилганларигина ёзилди,

<sup>1</sup> Шў асар. – В. 15 б.

<sup>2</sup> Шў асар. – В. 16 б.

<sup>3</sup> Оят маъноси: «Эсланг, (эй, Исроил авлоди!) Мусо ўз қавми учун сув сўраганида, «Асоингни тошга ури!» дедик. Бас, ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди» (Қуръони карим. Бақара сураси, 60-оят).

<sup>4</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусикий. ҲАР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 16 б.

деб таъкидланиши. Бу билан Дарвиш Али, амал билан исботланган илмий ҳақиқатни, айрим ривоят ва таги тубига етиб бўлмайдиган афсоналардан ажратади. Аслида ҳам шундай, чунки Абдулқодир Мароғий айни чоғда улуғ назариётчи ва забардаст амалиётчи бўлган. Унга пайравлик қилган устозлар, жумладан, Дарвиш Али эътиқод қилган устози Нажмиддин Кавкабийга ҳам дастлаб «ўз замонасининг Абдулқодир» деб нисбат берган унинг ўзи бўлади.

Усулга бағишланган кейинги бобнинг ҳам умумий тартиби шунга ўхшайди. Ҳаттоки унда асл назарий қонун-қоидалар билан бир қаторда, тубсиз афсоналардан кўра, ҳаётга яқинроқ ривоятларга кўпроқ ўрин ажратилади. Бизга яқин тарихий муҳит ва шахслар ижодидан маълумотлар берилади. Абдулқодир Мароғий, Улуғбек Кўрагон, Султон Ҳусайн Мирзо, Алишер Навоий, Нажмиддин Кавкабийлар ана шулар жумласидандир. Фикримизча, бунинг сабаблари шундаки, усул пардага нисбатан хусусиятлироқ жиҳат.

Нағма ва пардада умуммуסיқий тарафлар юқори турса, усулда маҳаллий сифатлар кўпроқ намоён бўлади. Рост, Ушшоқ, Наво, Сегоҳ ва бошқа мақомлар кўпроқ умумий аҳамият касб этса, Талқин, Чапандоз, Уфар, Мухаммас, Сақил каби усулларда минтақамиз жазми яққол сезилиб туради. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, гарчи Кавкабий ва Дарвиш Али рисолаларида «шашмақом» ибораси учрамаса-да, улар баён этган усул, нав (муסיқий нав – жанрнинг ўзига хослиги, энг аввало, усулда намоён бўлади, уларнинг номлари ҳам усулдан келиб чиқади!) ва шакллар (шакл навнинг сурат кўриниши), минтақамизга хос бу муסיқий мажмуанинг асосларини ташкил этади.

Энди Дарвиш Алига қайтадиган бўлсак, иккинчи бобда нақл қилинган: «Ўн етти баҳр-усул ва йигирма тўрт усул баёнида». Билгинки, ўн икки баҳр-усул қадимийдир. Ҳазрат Мулла Муфтий Сирож наввараллоху марқадаҳу айтурларки, ушбу ўн икки баҳр-усул Жамшиддан қолган. Унинг даврида пайдо бўлган. Баъзилар унинг ўзи яратган дейдилар. Жамшид ҳақим ва донишманд, илмлардан тамоман воқиф эди. Нақора яратилган вақтда нақоранинг усулларига биноан ўн икки баҳр пайдо бўлди. Нақоранинг усулларини яратган ҳақимлар унинг даврида яшаган. Унинг замонидаги нақорачиларнинг меҳтари ўн икки баҳр-усулни пайдо қилган Хожа Сафийуддин Абдулмуъмин ўз рисоласида буларни ёзган»<sup>1</sup>, деган фикр баён этилади.

Бунда воқеа баёни дунёвий ҳаётга яқин ривоятлардан бошла-ниб, аниқ илмий нуқтага, Сафийуддин Урмавийга олиб келинади. Жамшид, «Шоҳнома»га кўра, биринчи подшо. У дунёвий байрамлар ва урф-одатларни расм этган. Яна у барча илмлардан хабардор бўлган донишманд ва ҳақим (файласуф). Нақора очиқ майдонларда ўтади-

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи муסיқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 17 а.

ган маросим ва тантаналарда тартиб ва интизом ила садо берадиган чолғу асбоби. Қадимда унинг катта-кичик турлари кўп бўлган.

Девор билан қуршалган қадимий шаҳарларнинг катта дарвозаларининг тепасида махсус нақорахоналар қурилган. Бундай истеҳкомлар Бухоро Аркида ва Хиванинг Ота Дарвозасида ҳозир ҳам сақланган. Улардан маълум вақт ва маросимларнинг бошланишидан дарак берувчи махсус куйлар (мақом йўллари) сурнайлар жўрлигида ва нақораларнинг ўзида усул таснифотлари чалиниб турилган. Ана шу созанда гуруҳларининг раҳбарлари «меҳтар» (бошлиқ) дейилган. Бу ибора бизда XX асрнинг бошларигача истеъмол қилинган.

«Фойда. Зарб доиралари (адвори зуруб) санъат арбобларининг олдида арабларда олтига, бироқ ажамларда ўн бештадир. Сафийуддин Абдулмўъмин наздида ўн бир баҳрдир. Хожа Абдулқодир наздида эса ўн еттитадир. Бошқа устозлар йигирма тўртта деганлар»<sup>1</sup>.

Бу жумла икки жиҳатдан эътиборга лойиқ. Биринчидан, унда «билгинки» деб бошланиш ўрнига, «фойда» деган хулоса сўз қўлланилган. Зеро, бутун жумлани ўзида «дедукция», яъни умумийликдан хусусийликка қараб фикр юритиш услуби ишлатилган. Бошда «фойда – хулоса» шу дейилиб, кейин унинг мазмуни баён этилади, яъни усуллар олтига, ўн иккита, ўн еттита ва йигирма тўртта бўлиши айтилади. Сўнгра уларнинг юзага келиш сабаблари тушунтирилади.

«Энг аввал форсий тилда тараннум қилган кимса Баҳром Гўр бўлган. Сабаби шуки, унинг Дилором Чангий деган жуда гўзал, зийрак, нуктадон, таъби дуруст маҳбубаси бўлган. Чанг нағмаси билан Баҳромнинг дилини қўлга олган эди. Баҳром унга кўз тиккан ошиқ бўлади. Ўша канизакни Баҳром шикор тамошасига олиб чиқарди. Бир куни Баҳром ўша Дилоромни ҳузурида ўрмонда юрган шерни мўлжалга олиб, унинг икки қулоғидан отди ва ўқ билан бир-бирига бириктириб қўйди. Бундай шижоат ва ҳунаридан фахрланган Баҳромнинг тилидан мана бу мисра чиқди ва замзамага солиб, қўшиқ қилиб айта бошлади. Мисра:

Манам он пил-и дамону манам он шер-и пала!

Баҳромнинг оғзидан чиққан ҳар сўзга Дилором муносиб жавоб қайтарар эди. Баҳром унга: «Муносиб жавобинг борми?!» деди. Дилором унинг мисрасига мос равишда чанг нағмасида қўшиқ қилиб ушбу мисрани хиргойи қилади. Мисра:

Номи туро Баҳро-у кунийат Абу Дажла.

Уларнинг орасида мувофиқ равишда бу тарзда гап ўтиб турди. Мутрибларга бу ҳолни арз қилдилар. Мутриблар йиғилиб, ушбу икки мисра юзидан бир қанча таркиббандлар зиёда қилдилар. Зарб ва нутқ пайдо этдилар. «Шодёна»ни Баҳром, «Дуяк»ни эса Дилором Чангий

<sup>1</sup> Шу асар. – В. 17 а-б.

яратди. Бошқа тўрттасини ўша замондаги устозлар яратдилар ва «Олти усул» деб номладилар. Ушбу олти усулда бир неча нарсалар басталандилар. Энг аввал байтларни сўз билан тараннум қилган кимса Баҳром ва Дилором эди. Ушбу олти баҳр арабларда ниҳоятда машҳур бўлди»<sup>1</sup>. Бунда «араблар» деганда бутун ислом дунёси назарда тутилади.

Бу лавҳада дастлабки санъат муштараклигидан шеър ва мусиқани аста-секин ажралиб, мустақил турлар сифатида шаклланиш жараёни жозибали тилда чиройли ифодалар билан баён этилади. Бошда Баҳромнинг шеърий мисраси замзамага солиб, фақат овозда қўшиқ қилинади. Замзама оддий вазнга асосланган дастлабки қўшиқ турларидан бири. Кейин шу вазн иккинчи мисрада Дилором томонидан чанг нағмасига қўшиб хиргойи қилиб (ярим овозда) айтилади. Сўнг мутриблар (созандалар) унинг асосида таркиббандлар ишлайдилар. Таркиб – рукн. Банд – рукнлар туркуми: шеърда баҳр, мусиқада усул. Улардан зарб (вазн) ва нутқ (сўз нутқи – шеър, оҳанг нутқи – куй) юзага келади. Демак, олти вазн бирлиги муштараклигида олти баҳр-усул, алоҳида олганда олти шеърий баҳр ва олти мусиқий усул пайдо бўлади.

Ундан кейин бевосита мусиқий вазн кесимига ўтилади. «Зарб доиралари (адвори зуруб) санъат арбобларининг олдида олтидир. Аввалгиси Булужий, иккинчиси Шодёна, учинчиси Ахлоқий, тўртинчиси Табризий, бешинчиси Хвуразмий (Хоразмий), олтинчиси Даври Жалил. Аксар усулларни нақорачи устозлар ўз навбатларида қилардилар»<sup>2</sup>.

Бу ерда мусиқий кесимга ўтилганлиги усулларнинг номларидан ҳам сезилиб туради. Шеъриятга бундай баҳрлар хос эмас. Яна мусиқий усул таснифотларига оид иккита калит-тушунча берилади: навбат ва кор. Навбат (навбанинг кўплиги) – кўпқисмли мусиқий таснифот, тузилма. Кор (истилоҳий маъноси «ишлов берилган»), яъни яратилган яхлит асар. Кейинги жумлада ана шундай усул зарбларидан тузилган асарларнинг ижодкорлари ва уларга меҳр-мурувват кўрсатган ҳомийлар тилга олинади.

«Келтирибдурларки, нақорада чертиладиган аксар усулларни жаҳон султони Хоқон ибн ал-Хоқон, миллат ва исломнинг ҳомийси Мирзо Улуғбек Кўрагон пайдо қилган»<sup>3</sup>. Бу ерда «нақорада чертиладиган аксар усуллар», деганда юқорида айтиб ўтилган навбат ва корлар назарда тутилаётганига эътибор бермоқ лозим.

Кейинги жумлаларда «ўн етти баҳр-усул», деганда шеърият ва мусиқий вазнлар соҳасида ижод этганлар ҳақида сўз юритилади. Маш-

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 17 а-б.

<sup>2</sup> Шу асар. – В. 17-б.

<sup>3</sup> Шу асар. – В. 17-б.

хур ва маъруф бўлган ўн етти баҳрий усулни хоқонлар пешвоси, султонлар қаймоғи... Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо пайдо қилган.

Етти баҳрий усулни эса улуғлик осмонининг юлдузи Амири кабир Низом ул-ҳаққ ва-д-дин Амир Алишер пайдо қилган»<sup>1</sup>.

Бу ерда еттита баҳр-усул пайдо қилди деганда, «Мезону-л-авзон»да қайд этилган мумтоз аруз баҳрларидан ташқаридаги шеърий вазнлар назарда тутилаётганлигини инобатга олмоқ лозим.

Сўнгги нуқтада Дарвиш Али қарашларининг яна бир ажойиб фазилати, яъни мусиқий усулларни табиат ҳодисаларига боғлаб мутлааа этилиши алоҳида диққатга сазовор. «Билгинки, дуяк хўроз овозидан олинган. Фохта Зарбни кабутар навосидан олганлар. Даври сақилни тўтилар навосидан олганлар, у Ҳиндистондаги бир қушдир. Рамал усулини эса жул парвозидан олганлар. Воживожийни куданг садосидан олганлар... Даври шоҳийни каклик (кабук дарий) рафторидан олганлар. Булужий усулини эса мисгарлар дамнининг овозидан олганлар. Аксар усулларни қушлар навосидан олганлар. Уларни исмлашнинг сабаблари кўпдир. Агар уларни ёзаверсак, рисола кўтара олмайди»<sup>2</sup>.

Шу сабабдан ҳам гап қисқартирилиб, масала илмий томонга бурилади ва ўн икки асл мусиқий вазн мавзусига ўтилади. «Бу, камина ушбу мажмуада бир қанча шуҳрат қазонган баҳрларни зикр қилмоқчиман. Улар бу фанда устозлар тасниф қилганлари ва қилаётганлари. Аввалгиси Дуяк доираси бўлиб, уч зарбдан иборат. Иккинчиси Ҳазаж доираси бўлиб, у тўрт зарбдир. Учинчиси Турки Зарбдир, у ҳам тўрт зарб бўлади. Тўртинчиси Мухаммас бўлиб, у беш зарб ейди. Бешинчиси Авсат доирасидир, у тўрт зарб ейди. Олтинчиси Фохта зарб бўлиб, у уч зарб ейди. Еттинчиси Чанбари кабир доирасидир, у олти зарб ейди. Саккизинчиси Чанбари сағир доирасидир, у беш зарб ейди. Тўққизинчиси Авфар (Уфар) доираси бўлиб, уч зарб ейди. Ўнинчиси Сақил доирасидир, у саккиз зарб ейди. Ўн биринчиси Хафиф доирасидир, у олти зарб ейди. Ўн иккинчиси Рамал доирасидир, у тўрт зарб ейди. Хожа Абдулмўъмин айтганлари мана шудир.

Бошқа устозлар наздида эса йигирма тўрттадир. Аввалгиси Даҳяк. Иккинчиси Авфар. Учинчиси Ҳазаж. Тўртинчиси Фаръ. Бешинчиси Мухаммас. Олтинчиси Турки Зарб. Еттинчиси Фохта Зарб. Саккизинчиси Рамал. Тўққизинчиси Жувожий. Ўнинчиси Даври Шоҳий. Ўн биринчиси Даври Сақил. Ўн иккинчиси Фаръи Сақил. Ўн учинчиси Чамбари кабир. Ўн тўртинчиси Чамбари сағир. Ўн бешинчиси Дурафшон. Ўн олтинчиси Савдо...<sup>3</sup>. Йигирманчиси Зарб

<sup>1</sup> Шу асар – В. 18 а-б.

<sup>2</sup> Шу асар. – В. 18 а-б.

<sup>3</sup> Матнда ўн етти, ўн саккиз ва ўн тўққизинчи усулларнинг номлари тушиб қолган. Рисоланинг бошқа жойлари билан солиштирганда улар Хафиф, Авсат ва Булужий бўлиб чиқади.

ул-фатҳ. Йигирма биринчиси Миатайн. Йигирма иккинчиси Чанбар  
ри Хафиф. Йигирма учинчиси Чамбари Сақил. Йигирма тўртинчиси  
Зарб ул-қадим»<sup>1</sup>.

Бунда келтирилган иккита рўйхат, усул бобида зикр этилган  
ривоят ва нақлларга ўзига хос яқун вазифасини бажаради. Шу  
жиҳатдан уларни бирлаштириб, амалдаги усулларнинг умумий жад  
вали сифатида кўриш мумкин. Ваҳоланки, йигирма тўрт усулга оид  
иккинчи рўйхатни, олдингисининг тўлдирилган кўриниши. Дарвиш  
Али қайд этганлари амалдаги усуллар эканига эътибор қаратиш  
лозим. Ҳаттоки баъзи ўринларда, уларнинг юзага келиши машҳур  
олимлар номига ҳавола этилса-да.

Жумладан, биринчи рўйхатдаги ўн икки усул Сафийуддин номи  
дан берилган. Аслида Сафийуддин Урмавийда улар Сақили аввал,  
Сақили соний, Хафифи Сақил, Сақили Рамал, Хафифи Рамал, Ҳазаж,  
Фохитий каби атамалар билан белгиланади<sup>2</sup>. Сафийуддин Урмавий  
дан Дарвиш Алигача ўтган муддат ичида назарий атамалар ўрнига  
амалиётда гўзал бадиий номлар қарор топиб кетиши табиийдир.

Ҳар ҳолда бу моҳиятан жуда муҳим жадвал. Унинг бир томони  
илмий-назарий илдизларга тортса, иккинчи тарафи амалиётга то  
мир отган. Унда ийқоъ илмига оид ҳазаж, рамал, фаръ, мухаммас,  
сақил каби назарий иборалар билан бир қаторда, Турки Зарб, Фох  
та Зарб, Зарб ул-фатҳдек мажозий номлар аралашиб келади. Ай  
нан шу жиҳатдан мазкур жадвалнинг «Шашмақом»нинг усул тизи  
мига алоқадор эканлиги аён бўлади. Дарвиш Али жадвалидаги  
усулларнинг деярли барчаси «Шашмақом»да мавжуд.

Рисоланинг кейинги лавҳаларида назарий масалалар илгари  
сурилади. Бошидан айтиш керакки, Дарвиш Али янги назария яра  
тишга интилмади, балки салафлар илмий меросини оддий тилда  
тушунтириб, созанда аҳлига яқин бўлган мисоллар келтиришга ҳара  
кат қилади. Масалан, сабаб, ватад фосила мусиқий ва шеърий вазн  
нинг дастлабки тушунчалари. Лекин, уларнинг бу санъатларда амал  
қилишининг нозик томонлари мавжуд. Шунинг учун аруз ва му  
сиқий қоидаларини бир-бирига қиёслаб, ўзига хос сифатларини  
кўрсатиб боришга эътибор қаратади.

Жумладан, рукнларни тушунтиришда аҳли санъат орасида  
кўпдан маълум бўлган таъсирли иштибоҳларни келтиради. «Сабаб  
нима учун «сабаб» дейилади? Шул жиҳатданки, «сабаб» деб ар  
қонни ҳам айтурлар. Арқон билан эса нарсаларни боғлайдилар.

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В.  
18 а-б.

<sup>2</sup> Сафийуддин Абдулмўъмин ибн Юсуф Абу-л-Мафохир ал-Урмавий ал-  
Бағдодий. «Китоб ал-адвор фи-л-мусиқий» / Шарҳ ва таҳқиқ; ал-ҳож Ҳошим  
Муҳаммад ар-Ражаб. – Ироқ: Дор ар-Рашид, 1980. – Б. 145-153.

Таркиб топан бу икки харф (тан) ҳам кор ва амалларда савтларни боғлайди. Шу жиҳатдан «сабаб» деб аталади.

Ватад нима учун «ватад» дейилади? Шунинг учунки, «ватад» деб қозикқа айтилади. Қозикқа арқон боғланади. Ушбу уч харф билан (танан) «ватад»ни боғлайди. Шу жиҳатдан «ватад» дейди. Фосилани нима учун «фосила» дейди? Шу жиҳатданки, «фосила» деб палосга айтилади. Араблар болохонасига хароҳ қилиб, уни ташлаб қувяди. Уларнинг хонадонларининг энг улуғ ашеси мана шу палосдир. Бу ўринда ҳам ушбу тўрт харф (тананан) «фосила» деб аталган бўлиб, нақрларнинг устидир ва нарсапарнинг энг улуғидир. Шу жиҳатдан «фосила» деб атади.

Бобнинг охирига келганда арз ва мусика гўё бирлаштирилиб, муштарак қонунларнинг икки қўринишда намён бўлиши олдидан ва жозибали тарзда очиб берилди. «Бу илим барья жиҳатлардан арз ваазларга мувофиқдир. Шу тариқатаки, ҳеч бир наам сабаб, ватад ва фосилатан ташқари эмас. Мусикий илими ҳам ушбу мураккаботлардан холи эмас. Арз илимининг зарблари бор, бу илимининг ҳам зарблари бор. Унинг ўн етита «қулиётини усул» дейиладиган бахр-усуллари бор, бунинг ҳам худди шундай бахр-усуллари мавжуд. Устозлар бахрларнинг хар бирини қавл ва амаллар басталайдилар, бунда ҳам устозлар хар хил бахрларда наамлар боғлайдилар»<sup>2</sup>.

Мусиканинг пойдевори бўлмиш усулга бағишланган бор, наам-рия билан амалиёт (илим билан ижод) бу фаннинг муштарак икки даражаси эканлиги гўзал бир фалсафий мушоҳафата тугалланади. Биз ҳам мусика шинавандалари ва муҳлисларига ушбу наам-хатомуз фикрларни ўқиб ибрат олишлари учун келтириб, мавзунизга яқун ясамоқчимиз:

«Бирок, ушбу тартиб ва ушбу зарб доираларига риоя қилиш учун қомил қимсаннинг олдинда ўқиб-ўрганмаса, ҳеч қим бу илимин қўлга киритишга қодир бўлолмайди. Жидду жадд ва ривозат чекиши ла ушбу илимдан маълумот олиш мумкинлигини даво қилувчи соҳиб бундан мустасно. Зотан, бу илим ахлуллоҳга хос илимдир. Демак, сен ҳам ривозат тортмасанг, жидду жадд кўрсатмасанг, бу илимин ўргана олмайсан. Димо ривозат билан машгул бўлмоқ лозим, эр-тая қеч, балки қалатдавом устозларнинг тақбири таҳлилга инти-зор бўлмоқ, уллардан химмат ва ёрдан сўрамоқ керак. Шундангина фаҳминг очилгуси, сенга шоду хуррамлик қўл бергуси, инша Аллоҳ»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангй. Рисолаи мусикий. Ур ФАШИ қўлёзмаси. № 468/1. – В. 20-6.

<sup>2</sup> Шу асар. – В. 21 а-б.

<sup>3</sup> Шу асар. – В. 21-б.

## II БОБ

### «ШАШМАҚОМ» ТУШУНЧАСИ ЗОҲИР БЎЛИШИНING ИЛК ДАВРИ (1847 – 1920 йиллар)

Шашмақомнинг барқарор мусиқий нав сифатида шаклланишини таниқли мақомшунос Исҳоқ Ражабов тахминан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлашни таклиф этганлар<sup>1</sup>. Бу, ўша даврдаги шўро сиёсатининг азалдан расм этилиб келаётган урф-одатлар ҳамда улар билан боғлиқ тарихий матнларга бўлган салбий қарашларга қарши чиқиш имконияти бўлмаганлиги сабабидан қабул қилинган ва ноилоҳ билдирилган расмий муносабат эди. Аслида эса закий олимнинг мақом илдизларига муносабатлари нақадар кенг ва чуқур эканлиги тадқиқотларининг умумий руҳиятидан яққол сезилиб туради.

Ҳар ҳолда илмий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, «Шашмақом» ибораси биринчи марта 1847 йилда Бухорода ёзилган мусиқий рисолада қайд этилади<sup>2</sup>. Ана шу ҳужжатга асосан биз ҳам «Шашмақом» тушунчаси юзага чиққандан токи 1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилгунча ўтган муддатни, созанда ва мухлислар орасида мусиқий мажмуанинг мукаммал андозаси қарор топган давр сифатида назарда тутмоқдамиз.

Ундан кейин, шаклан яхлит тасаввур этиш мумкин бўлган «Шашмақом» тақдирида кескин бурилишлар рўй бера бошлади. Аввало, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) бўлиб турган пайтда, мусиқий меросга нисбатан анчагина хайрли ишлар қилинган. Жумладан, 1920 йилда «Шарқ мусиқа мактаби»<sup>3</sup> ташкил этилган. «Шашмақом»-ни нотага ёзиб олишлари амалга оширилган.<sup>4</sup> Аммо, кейинчалик бу саъй-ҳаракатлар аста-секин барҳам топа бошлаган.

<sup>1</sup> И.Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Тошкент, 1963; – Мақомлар. Тошкент. 2006.

<sup>2</sup> Ундан олдинги манбаларда биз «шашмақом» атамасини учратмадик.

<sup>3</sup> Бухоро «Шарқ мусиқа мактаби»да, 1918 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ консерваториясининг миллий шўъбасига ўхшатилиб миллий мусиқий кадрятларни ўзлаштириш назарда тутилган (бундаги «шарқ» ибораси ҳам айнан ислоний урф одатларга нисбатан ишлатилади).

<sup>4</sup> Успенский В.А. Шашмаком/ Шесть музыкальных поэм. Москва, 1924.



Гапнинг қисқаси, «Шашмақом» тарихининг биз кўзлаётган (1847–1920 йиллар орасидаги) даври ҳали етарли даражада очиб берилган эмас. Шу сабабдан, энг аввало, мазкур давр мусиқий муҳитини тўлароқ тасаввур этишга имкон берадиган асосий манбаларни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Агар уларни тартиб этадиган бўлсак, XIX асрда Бухорода яратилган «мусиқий рисола»ларни биринчи ўринга қўйиш лозим. Саройда, хослар даврасида расм қилинган асл «Шашмақом»га оид ишончли маълумотларни, энг аввало, айнан шу қўлёзмалардан топиш мумкин.

Улардан кейин, масала мазмунини тўлдирувчи қиёсий манбалар сифатида шу замин зиёлилари қаламига мансуб адабий ва илмий асарлар туради. Бу ўринда Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат каби ижодкорларнинг мулоҳазалари «Шашмақом»нинг мазкур даврдаги ижтимоий кўлами ва ҳаётий ришталарини кенгроқ тасаввур этиш имкониятини беради.

«Шашмақом» ва айниқса, унинг мазкур даврига оид яна бир муҳим манба – Хоразм танбур чизиги нусхаларида битилган мусиқий ва шеърий матнлардир. Маълумки, XIX аср бўсағасида «Шашмақом» Хоразмда ҳам ўзлаштирила бошланди. Бу жараённинг муҳим жиҳати шундаки, Хоразмда «Шашмақом»нинг асосан мусиқий андозаси, мусиқий ғояси (судури, ички шакли) қабул қилинди. Ташқи шакли (сурати) ва шеърий матнлар эса, айрим тарона ва таронасифат қисмлардан ташқари, Бухоро услубидан катта фарқ қиладиган бошқача тартибда ижод этилди. Демак, XIX асрда танбур чизигига битилган мусиқий матнларни Бухоро «Шашмақом»ининг ҳам мазкур пайтга оид тарихини ўрганишда муҳим манба дейиш мумкин.

Ниҳоят, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган сарой ҳофизи Левича ҳамда Домла Ҳалим ва Уста Шодиларга ўхшаган савтхонлар<sup>1</sup> ижросида овоз ёзувларига битилган «Шашмақом» намуналаридир. Гарчи бу ижроларнинг миқдори оз ва техник сифатлари заиф бўлса-да, улар «Шашмақом»нинг асл услуби (Сабки «Шашмақом»)дан дарак берувчи нодир ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Энди, бевосита «Шашмақом»га оид XIX аср қўлёзмалари тўғрисида. Сўнгги йилларда бу борада кўп изланишлар олиб борган А.Жумаевнинг ёзишига кўра, турли кутубхоналарда сақланаётган бундай қўлёзмаларнинг умумий сони йигирмага яқин<sup>2</sup>. Уларнинг айримларига «Рисолаи мусиқий» ёки «Дар баёни Шашмақом» деган сарлавҳалар қўйилган. Баъзиларининг эса номлари кўрсатилмаган. Бугунги кунда бу мавзуда унумли изланишлар олиб бораётган олим, тарих

<sup>1</sup> Хос сарой услубига муқобил равишда кенгроқ доирадаги мухлислар орасида расм этилган тартибга кўра ҳужжатларда Левича расмий равишда «сарой ҳофизи» деб эътироф этилади. Домла Ҳалим ва Уста Шодилар эса «савтхон» сифатида ном чиқарганлар. Бу устозлар ҳаётдан кўз юмиши ва замонлар ўзгариши билан, уларнинг ижро услублари ҳам барҳам топиб кета бошлади.

<sup>2</sup> А. Джумаев. Шашмақом на грани веков: историко-культурный и музыкальный феномен //Шашмақом сабоқлари. Иккинчи тўплам. Тошкент, 2005. С.167-187-б.

фанлари номзоди Ҳ.Аминов, манбаларнинг ички мазмунидан келиб чиққан ҳолда, уларни «муסיқий баёзлар» деб номлашни таклиф этади. Фикримизча, бундай ёндашиш ҳақли. Зеро, турли қўлёзмалар фондларида баёзларнинг сони ва хили кўп. Лекин, фақат айримларигина муסיқага алоқадор манбалар. Биз эса ана шулар ичидан, таркибида муסיқий маълумотлар кўп бўлган нусхаларга эътибор қаратдик. Шу йўсинда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фондида сақланаётган етти та муסיқий баёзни таянч манба сифатида танладик.

Уларда кўрсатилган тарихий саналардан келиб чиқиб, қуйидаги тартибда жадвал туздик:

Қўлёзмалар номи	Тартиб рақами №	Йили, ҳижрий ва милодий
—	1466 I/II	1264/1847
—	4544	1271/1854
«Дар баёни Шашмақом»	1428	1283/1866
«Дар баёни Шашмақом»	5734	1285/1868
«Рисолаи муסיқий»	7024	1297/1879
—	8827	—
—	3842	—

Мутолаа этилаётган муסיқий манбалар орасида №1466 I/II тартиб рақамли қўлёзма алоҳида ўринда туради. Қолган бошқа нусхалардан фарқли ўлароқ, у шаклан ва мазмунан нисбатан мустақил икки бўлақдан таркиб топади. Ўн саҳифадан иборат қўлёзманинг биринчи насрий қисмида мумтоз муסיқамизнинг узоқ ўтмишидан баён этувчи афсона ва ривоятлар, ўн икки мақом ва йигирма тўрт шўъба номлари, мақомларнинг пайғамбар ва саҳоба намлари билан боғлиқ шеърӣ қисса, танбур, чанг, най, қонун, барбат, руд, гижжак, шамома, рухафзо, арғанун созларнинг пайдо бўлиши ва камол топиши билан боғлиқ ҳангомалар, қадимда машҳур бўлган «Жомодарон», «Хоркаш», «Хусравоний», «Шабдиз» каби куй йўллари тилга олиниб, Фаридуддин Аттор, Низомий, Амир Хусрав шеърларидан уларни васф этувчи байтлар келтирилади. Асар охирида Бухоро гўзал санъаткорларининг ифтихори сифатида Мавлоно Кавкабий ижодини васф этувчи лавҳа берилади. Улкан муסיқашунос, бастакор ва шоир Кавкабийнинг шоҳ асари бўлмиш «Куллиёт» таърифланади. Ундан кейин, бевосита насрий баёнга уланган назмӣ қисмига ўтилади.

Музикий манбашунослик борасида йирик мутахассис А.А.Семёнов фикрига кўра, бу асар, асл нусхаси бизгача сақланмаган Кавкабийнинг «Куллиёт»идан дарак берувчи, XIX асрда номаълум муаллиф томонидан қайта кўчирилган рўйхат ҳисобланади<sup>1</sup>. «Куллиёт» матнлари орасига Кавкабийдан кейин яшаган шоирларнинг шеърлари киритилиши ҳам айнан шу сабаблар ҳамда давр эҳтиёжлари ва ҳукмронларнинг хоҳиши билан бўлганлиги қайд этилади.

Ҳар ҳолда, бу қўлёзма «Шашмақом» илми ва ижодиёти борасидаги ворисийлик ришталарини излаш, хусусан, Кавкабий ва Дарвиш Али илмий меросини XIX асрда Бухорода яратилган музикий рисола – баёзлар, «Куллиёт» ва «Шашмақом» ўртасидаги узвий алоқаларни ўрганишда жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу асарни эътиборга олмасдан, бошқа музикий баёзларнинг маъномазмунини тушуниш қийин.

Бу чигал масалага қўл урган ва Кавкабий «Куллиёт»ини амалдаги «Шашмақом»нинг сарҳисоб нуқтаси эканлигини исботлашга қаратилган фикрлар учун, ўз вақтида фидокор олим Александр Александрович Семёнов қаттиқ танқидга учраган эди. Масала шундай бўлганки, Ўзбекистон Санъатшунослик институтининг илмий ходими, профессор А.А.Семёнов 1947 йил 7 октябрда режа бўйича амалга оширилган «Мавлоно Кавкабий ва унинг «Куллиёт»и» номли илмий ишининг қўлёзмасини топширган<sup>2</sup>. Орадан кўп ўтмасдан, 1948 йилнинг февраль ойида РКПБнинг санъат соҳасида формализм ва космополитизмни бартараф этишга қаратилган Вано Мураделлининг «Улуғ дўстлик» операси ҳақидаги мудҳиш қарори эълон қилинади.

Тез орада бу Фармоннинг захарли зарбаси Ўзбекистонга ҳам етиб келади. Қарор юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилган тадбирлар қаторида энг намуналилари ижод соҳасида Тўхтасин Жалилов ва Собир Абдуллаларнинг «Тоҳир ва Зухра» операси бўлса, санъатшунослик борасида А.А.Семёновнинг мазкур илмий иши бўлди. Хуллас, туғма истеъдод соҳиблари яратган ва халқ назарига тушган, куй ва ариялари кўчаларда айтилиб юрган операга бўларбўлмас ёрликлар тақилиб саҳнадан четлаштирилди.

Чигал илмий масалаларни равшанлаштиришга бел боғлаган жафокаш олимнинг бошига ҳам ноҳақ кулфатлар солинди. Қўлёзма устига қизил қалам билан «Берилмасин!» деб ёзилиб, умуман илмий муомаладан четлаштирилди. Қандай бўлмасин, илмий ишнинг сунъий муҳокамасида юзага келган латифаомуз бир лавҳа диққатга са-

<sup>1</sup> ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. Инв. № 66 / I-II

<sup>2</sup> Семенов А.А. «Мовлана Каукаби и его «Коллийат». Научно-исследовательский институт искусствоведения Узбекистана. – Ташкент, 1947. Рукопись. МП С-30 Инв. 198 №107.

зовор. Г  
гизга и  
нов: «Ту  
қандай

Дар:  
ди кучли  
содиқ қ  
Бироқ «  
А.А.Сем  
қотчила  
лар. Фа  
риши би

А.А.С  
сан Кавк  
ниш, би  
саладир  
муаммо  
фақатги  
Осиё му  
(реформ  
лари, жу  
тожи бў  
татиби)

Бир  
иктибос  
халқлар  
дига Ка  
ларда яр  
кабий и  
ларни қа  
этишлар

«Кул  
аслида э  
нов кўзл  
асрга ма  
Кавкаби  
расида  
«Куллиёт  
муни «Ш

Ҳайр  
ижодий

<sup>1</sup> Бу ҳ  
ларда ҳам  
<sup>2</sup> Шу а

зовор. Мажлис охирида раислик қилувчи кекса олимга: «Хатоларингизга иқрор бўлдингизми?» деб мурожаат қилади. Унга А.А.Семёнов: «Туркистон Генерал Губернаторига котиблик қилган одамдан қандай етук марксист чиқиши мумкин», деб лутф қилган эканлар<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, шарқ ва ғарб тилларининг пухта билимдони, эътиқоди кучли олим марксизм кўчасига кирмади. Илмда танлаган йўлига содиқ қолиб, умрининг охиригача садоқат билан унга хизмат қилди. Бироқ «тарбиявий» тадбирнинг кучи шу қадар таъсир кўрсатдики, А.А.Семёнов воқеасидан кейин, яқин ўн йилликлар давомида тадқиқотчилар бу нуқтада эҳтиёткорлик билан фикр юритадиган бўлдилар. Фақат мустақиллик туфайли миллий меросга муносабат ўзгариши билангина масалага холисона ёндашиш имконияти очилди.

А.А.Семёновнинг Шарқ мусиқий манбаларини ўрганиш ва шахсан Кавкабий ижодини холис баҳолаш борасидаги хизматларини ўрганиш, бизнинг мавзу доирамиздан ташқаридаги мустақил илмий масаладир. Шунинг учун Кавкабий муносабати билан олим кўтарган муаммолардан, «Шашмақом» тарихи учун алоҳида аҳамиятли бўлган фақатгина иккита нуқтага тўхталиб ўтамиз. Биринчиси Кавкабий Ўрта Осиё мусиқий мафкурасининг тараққиётида бурилиш ясаган шахс (реформатор) эканлиги тўғрисида. Иккинчиси ўтмиш мусиқашунослари, жумладан, Дарвиш Али фикрига кўра Кавкабий ижодининг гултожи бўлмиш «Куллиёт», «Шашмақом»нинг ўзига хос бобо шакли (прототиби) бўлиши мумкинлиги борасидаги мулоҳазалар.

Биринчи масала муносабати билан олим қўлёзмасидан кичик иқтибос келтириш билан чекланамиз. «Ўйлаймизки, Ўрта Осиё ўтроқ халқларининг кейинги давр мусиқий мафкураси ва мусиқий ижодига Кавкабийнинг таъсири жуда сезиларли. Ҳолбуки, сўнгги даврларда яратилган илми мусиқийга оид маҳаллий рисоаларда Кавкабий ижодига мурожаатлар ва олдин расм этилган қонун-қоидаларни қайта кўриб чиқиш асносида унинг хизматларини эътироф этишлар кўп учрайди»<sup>2</sup>.

«Куллиёт» ва «Шашмақом» муносабатларига келадиган бўлсак, аслида зикр этилаётган қўлёзманинг туб маъноси ва ундан А.А.Семёнов кўзлаган мақсад ҳам шу. Хуллас, «Шашмақом» юзага чиққан асрга мансуб бу илк рисола узоқ тарихдан бошланиб, Мавлоно Кавкабий нафақат Бухоро, балки бутун Ўрта Осиё мусиқий мафкурасида бурилиш ясаган аллома ва унинг ижодининг шоҳ асари «Куллиёт» деган фикрга олиб келади. Шу нуқтада «Куллиёт» мазмуни «Шашмақом» тарихига уланиб кетади.

Ҳайратли томони шундаки, «Куллиёт»ни «Шашмақом»га дўниш ижодий жараёни бадиий (шеърий, пинҳоний) тилда нозик ишора-

<sup>1</sup> Бу ҳангома сўнгги пайтларгача институт ходимлари орасида етмишинчи йилларда ҳам гапириб юрилар эди.

<sup>2</sup> Шу асар. 3-б.

лар воситасида талқин этилади. Ундан олдинги насрий баён қуйидаги лутф билан тугалланиб, бевосита «Куллиёт»га уланади ва у тамом бўлган жойдан «Шашмақом»нинг таърифу тавсифи бошланади. Ушбу лавҳа келтирилган: «Агар сўзлайдиган бўлсак гап кўп, Ва лекин, рўзгор важҳидан Рост мақомида «Куллиёт» боғладики, бу санъат устозлари ҳайрондирлар»<sup>1</sup>.

Шундан сўнг «Куллиёт» будир, деган жумла билан қуйидаги ашъорлар зикр қилинган<sup>2</sup>:

Зи роҳи Рост гар оҳанг мекуни ба-Ҳижоз,

Зи Исфаҳон гузар жониби Ироқ андоз...

Ва бу шеърки, унинг ҳар байтида бир мақом ва икки шўъба юзага келади. Ҳиссиёт (табъ) натижасида улар:

Мақом андар бист омад чаҳор,

Ду шўъба ҳар мақоми рост ночор.

Мақоми Рост ганжи Панжгоҳ аст,

Зи Мураққаъ лозимаш чун Панжгоҳ аст.

Ҳижоз омад яке нахли самарвор,

Сегоҳ аст ҳисорон нахлро ёр.

Зи Исфаҳон касе ку гашт огоҳ,

Ба Найрез Нишобурак барад роҳ.

Ироқ ишратафзо аст маҳбуб,

Гаҳи рўйи Ироқ гоҳ Мағлуб.

Чу сози пардаи Ушшоқро соз,

Нағам дар Зобул-у дар Авж парвоз.

Ҳусайний гар мақомот аст бартар,

Дугоҳ омад қаринаш бо Муҳайяр.

Кушояд Бусалик ояд фаро чанг,

Аширо-у Саборо соз оҳанг.

Наворо кофтанд аз вай дар жаҳон шўр,

Навад Наврўзи Хоро фаръи Моҳур.

Бузруг омад чу чанг соз карда,

Ҳумоюн Нуҳуфт аз вай ду парда.

<sup>1</sup> Номалум муаллиф рисоласи. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. Инв. № 1466/1. – В. 46-5 а-б.

<sup>2</sup> Мазкур қўлёзманинг 5 а варақларидан то «Шашмақом» матнлари бошлангунча бўлган 6 а варақларигача «Куллиёт» матнлари берилган.

Бас аз Зангула андар нағмаи қаввол,  
Намояд Чаҳоргоҳ онгоҳ Уззол.

Мақоми Кўчак ар дони тавони,  
Ки дар закий Наботий Баёт хони.

Раҳовий шуд ба Наврӯзи Араб ром,  
Ба Наврӯзи Ажам гардад дилором.

Ду фаръ аз баҳри ҳар асли баён ёфт,  
Кунун бояд ба тадбираш аён ёфт.

Ҳазизи ҳаст бо ҳар асли авжи,  
Чу дарёкаш бувад қаъри авжи.

Ҳазизи фаръи аввалро бувад жой,  
Бувад фаръи дуввумро авжу мавой.

Бадин тартиб то охир навиштам,  
Баре бардор аз тухмики коштам.

(Мазмуни: мақомлар сони йигирма тўртта шўъба бўлиб келиши лозим. Рост мақомининг ҳазинаси Панжгоҳ бўлса, Панжгоҳнинг лозими Мубарқаъдандир. Ҳижоз бир мевали хурмо каби бўлиб, Сегоҳ ва Ҳисорон бу хурмога ёрдир. Агар бирор кимса Исфаҳондан огоҳ бўладиган бўлса, Найрездан Нишобуракдан йўл топилади. Ироқ гўзал ишратпараст маҳбуб каби бўлиб унга гоҳида Ироқ йўлида, гоҳида эса Мағлуб бўлиб эришилади. Агар пардани созламоқчи бўлсанг, Ушшоққа туз. Нағмалар Зобул ва Авжда парвоз қилади. Ҳусайний мақомлар ичида ортиқроқ, яъни мураккаброқ бўлса ҳам, Дугоҳ Муҳайярга яқин бўлиб келади. Бусалиқдан бошлаб очадиган бўлсанг, у чангда зўр чиқади. Бунинг учун Аширо билан Сабони оҳангига улаш керак. Наводан жаҳонга фарёдлар ёйилади, Наврӯзи Хоронинг фаръини Моҳур деб олганлар. Бузругда чанг ниҳоятда куйи созлаб ижро қилинади, Ҳумоюн ва Нухуфт ундан икки парда билан фарқланади. Қавволнинг нағмасидан Зангула чиқадиган бўлса, Чаҳоргоҳдан сўнг Уззол ҳам ижро этилади. Кўчак мақомини агар билишга эришсанг, закий бўлсанг Наботий билан Баётни ҳам айтасан. Раҳовий Наврӯзи Арабга ром бўлган, Наврӯзи Ажам билан эса диллар ром бўлган. Ҳар бир асл учун икки фаръ баён этилди. Унинг тадбири худди шундай аён этилди. Ҳар бир аслнинг авжи бўлганидек, пасти ҳам бўлади. Аввалги фаръ пастдан жой оладиган бўлса, иккинчи фаръ авждан паноҳ топади. Ушбу тартибда охиригача ёздим, энди мен сочган уруғдан ҳосил ол).

Ва Ироқ Мақомида «Чаҳор Зарб» басталадимки, шеъри будир.  
Валлоҳу Аълам:

Дийдаи бахт аз тахт пурнур бод,  
Чашми душман аз жамолат дур бод.  
Кавкабийро талъати зебойи ту,  
То ояд пеши назар манзур бод.

(Мазмуни: бахт кўзи тахтдан нурафшон бўлсин, душманнинг кўзи эса жамолинг олдидан узоқ бўлсин! Кавкабийни сенинг зебо кўри-нишинг олдида манзури назар қилсин!)

Бу мақомларнинг ҳар бири бир Пайғамбардан пайдо бўлганли-гининг воқиф бўлиши будир:

Мақоми Ростки бошад аз ҳазрати Одам,  
Зи журми хеш ба-Ҳақ нола кард ба дийдаи тар.

Фигони ҳазрати Нуҳ дар Мақоми Ушшоқ аст,  
Навид лутфу башорат, шинав азон дилбар.

Навойи ҳазрати Довуд ошкор шуди,  
Ки як навобадманди жон диҳад халқи аксар.

Раҳовийро ту яқин дон зи ҳазрати Мухтор,  
Ки бувад хондони худ ба-сўзи жигар.

Мақоми Бусалик аз нола яке асҳоб,  
Ки номи Бобо Умар буд гашти жадду акбар.

Ироқро ту бидони зи ҳазрати Айюб,  
Дар он замонки нидо дод Холиқи акбар.

(Мазмуни: Рост мақоми Одам Ато ҳазратларидан бўлади. Ул зот ўзининг гуноҳи учун нам кўзи ила Ҳақ таолога нола қилган. Нуҳ пайғамбар ҳазратларининг фигони Ушшоқ мақомида бўлган. Ўша дилбардан буни эшитсанг, бу лутф ва башорат бўлган. Довуд пай-гамбар навоси ошкор бўлганда, унинг битта навоси ижросига кўпги-на халойиқ жон берганлар. Раҳовийни сен Мухтор Муҳаммад Мус-тафо ҳазратларидан деб билгин. Ул зот ўзининг жигарларни куй-дирадиган айтимларини шу билан қиларди. Бусалик мақоми бир саҳобадан бўлган. Унинг номи Бобо Умардир, у катта бободир. Сен Ироқни Айюб пайғамбар ҳазратларидан деб билгин. У Холиқи Ак-барга нидо қилган вақтда шу мақомда қилганди).

Шундан сўнг: «Акнун даромади «Шашмақом»ки, ибтидо аз Ма-қоми Рост» («Энди, «Шашмақом»га киришки, Рост мақомидан бош-ланади»), деган жумла қайд қилинган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Номаълум муаллиф рисоласи. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. Инв. № 1466/1. – В. 6 а-б.

дир.  
кўзи  
ўри-  
нли-

Бу лавҳалардан «Шашмақом» тарихи, илми ва одобига тегишли жуда кўп ва пурмаъно маълумотлар олиш мумкин. Унда «Шашмақом» мажмуасининг асоси ва истилоҳлар тизими чуқур ва атроф-лича баён этилади. Мақом ва шўъба, асл ва фаръ, ост ва уст (авж), рост ва наво каби иборалари турлича жилоланиб, ўзгача маънолар касб этган. Хуллас, «Куллиёт»нинг мантиқий асослари алоҳида бир мусиқий тизим. Унга мувофиқлаштирилган шеърий матнлар эса, ана шу мусиқий тизимни созанда аҳли онгига тез сингадиган байтларда талқин этишга қаратилган. Бу илмий низомларни созандалар хотирасида сақлаш учун ҳам қулай услуб.

Энди асосий мавзуга қайтиб, фикримизни, «Мазкур рисоланинг «Шашмақом» асосларига оид томонлари нимада?» деган саволга жавоб ахтаришдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун, энг аввало, шеърий сарлавҳага чиқарилган иккита калит ибора – «шашмақом» ва «даромад»нинг истилоҳий маъноларини амалдаги урф-одатларга боғлаган ҳолда тушуниб олиш лозим. Қайд этилганидек, «шашмақом» атамаси, муайян мусиқий мажмуанинг махсус номи сифатида илк бор айнан шу манбада тилга олинади. Лекин, бу қўлёзмада ҳали «шашмақом» тушунчаси ҳақида гап-сўз йўқ. У фақат амалда мавжуд нарса сифатида эътироф этилади.

Ул  
Нух  
Ўша  
пай-  
пги-  
Лус-  
куй-  
бир  
Сен  
Ак-  
Ма-  
ош-  
а-б.

Бу ҳолатнинг негизини тушуниш учун, олдин улуғлар меросига, хусусан, Абдулқодир таълимотига мурожаат этишга тўғри келади. «Мақосид ул-алҳон»нинг биринчи бобида «Бу фаннинг негизлари» деган фасл мавжуд. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Аммо мусиқийнинг негизлари, баъзан ҳисоб илми (арифметика)дан келиб чиқади. Ваҳоланки, зул арбаъ, зул хамс ва бошқа бўёдларнинг чеккалари бир-бирига нисбат этилади. Баъзилари илми ҳандаса (геометрия)дан. Чунончи, деймизки, нағмаларнинг паст ва баландлиги, торнинг узун ва қисқалигига қараб ҳисоб этилади. Ва баъзан табиат илмидан. Чунки инсон иродасининг кучи унинг ҳис ва ҳаракатидан содир бўлади. Ва баъзилари илми мутаорифдан»<sup>1</sup>. Сўнггиси ўз-ўзидан урф-одат тусини олган (мутаориф) ҳодисаларни назарда тутди. Бу бугун биз «анъана» дейдиган аслида эса урф-одат иборага мос тушунча ўрнида ишлатилган атама.

Гап шундаки, «шашмақом» атамаси ҳам амалиётда урф этилган мутаориф тушунчадир. Биз кўраётган рисоладан бошқа қўлёзмаларнинг кўпчилиги саҳифанинг устига қизил сиёҳ билан ёзилган «Шашмақом»нинг қуйидаги таърифи билан бошланади: «Бу олдин ўтган азиз ва мукаррам устозлардан мерос қолган «Мусиқий «Шашмақом»дир»<sup>2</sup>. Жумланинг маъноси – қадимий (мутақаддим) устозлар ижодига мансуб мутаориф одат, яъни амалиётда пишиб етил-

<sup>1</sup> Абдулқодир Мароғий. «Мақосид ул-алҳон». – Техрон, 1344/1925.

<sup>2</sup> Муаллифи номаълум рисола. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 8827. – В. 1 а-б.



ган муқаддас мерос демакдир. Шу сабабдан, «шашмақом» – ҳисоб, ҳандаса ёки аниқ илмларидан эмас, балки илми мутаорифдан келиб чиқувчи тушунча дейишга ҳақлимиз.

Яна бир нозик жиҳат шундан иборатки, шеърӣ шиорда ёнма-ён турувчи даромад ва мақом («шашдаромад» ва «шашмақом») сўзлари, рисоланинг умумий мазмунига кўра маънодош тушунчалар ўрнида келади. Юқорида мазкур қўлёзманинг илк саҳифаси сақланмаган ва шунинг учун мазкур асарнинг сарлавҳага чиқарилган номи ҳам маълум эмас деган эдик. Бахтимизга, рисоланинг охирида қуйидаги ишора мавжуд – «Олти даромад ва барча на-срлар рисоласи тўла тамом бўлди» (Таммат тамом шуд рисолаи шаш даромад маъа насрҳояш)<sup>1</sup>. Бошқа мусиқӣ баёзларда ҳам «олти даромад» ва «шашмақом», шунингдек, алоҳида тарзда «даромад» ҳамда «мақом» атамалари бир хил маъноларда келади.

Бундан ташқари, рисола-баёзларда «шашмақом» ва «олти даромад»га баробар «олти сарахбор» ибораси ҳам қўлланилган. «Мақом», «даромад» атамаларига маънодош равишда «сарахбор» тушунчаси эса амалиётда ҳанузгача қўлланилиб келинмоқда. Муҳими, булар ҳаммаси «китобӣ» эмас, амалиётда қўлланилган атамалар. Бу эса, ўз навбатида, «Шашмақом» воқелиги ва тушунчаси амалиёт маҳсули дейдиган ғоянинг қўшимча исботи бўлиб хизмат қилади.

XX асрда мусиқӣ шарқшунослик, хусусан, унинг манбашунослик соҳасида унумли ижод қилган таниқли олимлардан бири Генри Жорж Фармер, бу ўринда «амалий назария» ва унга маънодош сифатида «оғзаки назария» деган атамалар ишлатади. Аслини оладиган бўлсак, Форобӣ қўллаган «амалий мусиқа санъати» (муқобили «назарӣ мусиқа санъати»), Мароғӣдаги «илми мутаориф» ва Фармер қўллаган «амалий назария»лар бир тоифага мансуб тушунчалардир. Демак, қадимий удумларга эътиборан, биз ҳам «мусиқӣ шашмақом» амалиётдан чиққан тушунча ва унинг негиздаги қонун-қоидалар оғзаки назарияга мансуб иборалар эканлигини эътироф этмоғимиз лозим.

Шунинг учун «Шашмақом» парда тизими ўн икки мақомнинг шунчаки олтига айлантирилгани эмас. Балки бир бутун тушунча сифатида турли давр ва шароитларда ҳамда ўзга маъноларда ишлатилган тизимларнинг умумий номларидир. Уларни тўғридан-тўғри бирига қовуштириш ҳам тарихга хилофдир. Бу мусиқӣ тизимларнинг ҳар бирини ўзига хос ички мантиқи ва тушунчалар доираси мавжуд.

«Ўн икки мақом» парда тизимининг илмий негизлари ва устувор тушунчалари тўғрисида юқорида айтиб ўтилган эди. «Шашмақом»га

<sup>1</sup> Муаллифи номаълум қўлёзма. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 1466/1. – В. 25-б.

келадиган бўлсак, у «олти даромад», «олти сарахбор»га маънодош «олти мақом» шаклида қарор топади. Унда ўн икки мақомдан фарқли ўлароқ, фақат олтига парда тузилмаси – Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқлар биринчи қаторга чиқарилган. Шу муносабат билан «Шашмақом» мусиқий тизимнинг номи сифатида тарихга киради.

«Мусиқий Шашмақом»га ички мантиқ тарафидан қарайдиган бўлсак, унда ҳар бир мақом (даромад)га, яна мустақил номлар билан юритиладиган учта парда тузилмаси эргашиб келади ва улар рисола баёзларда умумлаштирилиб «наср» деб юритилади. Масаланинг нозик томони шундан иборатки, ҳозирги ўзбек ва рус имлоларида бир хил талаффуз этиладиган «наср» сўзи, аслида (ص) «сод» ва (ث) «са» ҳарфлари билан икки хил ёзилиб, бошқача маънолар касб этади. «Са» билан ёзиладиган (نثر) «наср» луғатда «сочма», истилоҳда «аралаш» (проза) деганни билдиради. Бу ҳақда кейин батафсилроқ сўз боради.

«Сод» ҳарфи билан ёзиладиган (نصر) «наср» сўзининг луғавий маъноси «ёрдам», «қўмак» демақдир. «Шашмақом»нинг мусиқий истилоҳида у бош мақомга эргашиб келадиган «ёрдамчи парда тузилма» маъносини билдиради. Бунда «наср» Кавкабийнинг шеърий рисоласидаги «шўъба» тушунчасига мос келади. Умуман «мақом – наср» муносабати Кавкабийдаги асл (бутун) ва шўъба (бўлак) нисбатига маънодошдир.

Шундай қилиб, ҳар бир мақом туркумида бир асос (мақом) ва учтадан наср мавжуд. Улар жамланиб, умумий туркум – бош мақом номи билан юритилади. Демак, «Рост мақоми», «Бузрук мақоми», «Наво мақоми» дейилганда унинг алоҳида бир бўлаги (даромади) ҳамда шу ном билан юритилладиган бутун бошли туркумнинг парда тизими ҳам тушунилади. Ва умумун «Шашмақом»нинг «олти даромад ва барча насрлар» дейилиши ҳам шу тамойилга боғлиқ.

Айрим мусиқий баёзларда муайян мақом туркуми таркибидаги қисмлар умуман «шўъба» ҳам дейилган. Масалан, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 8827/II тартиб рақами билан сақланувчи рисола-баёзда ўзбек тилида шундай таърифомуз изоҳлар мавжуд: «Устоду ҳакимлар зеҳни комила ва фикри болиға юзасидан мазкур мақомга шўъбалар бериб, ажибу ғариб тароналарни кийинтириб қўйдилар. Ҳар бир шўъбани бир зарб муқобилида қилдилар. Агар бирор зарбдан ўтиб кетса, уни безътибор қолдирмаганлар»<sup>1</sup>.

Илми адвор таълимотида шўъба деганда асл ўн икки адвор (мақом)нинг икки бўлагидан бири назарда тутилган эди: ўн икки асл ва йигирма тўрт шўъба. Ундан олдин, Форобий қарашларида ҳар қандай бутун (асл)нинг бўлаги, ундан ташқари, жинс таркиби-

<sup>1</sup> ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 8827/II. – В. 458-б–459 а-б.

даги кичик бўъдлар – ўрта пардалар ҳам шўъба дейилган. Қизиги шундаки, мусиқий баёзларда қўлланилаётган шўъба атамасида эса умуман бутун бошли мақом туркумининг бўлаклари маъносида келади.

Турли илмларда кенг қўлланиладиган арабча «шўъба» иборасининг туб маъносини англаш ва унинг «Шашмақом»га нисбатан ишлатилган ўринларини тўғри талқин этиш учун, бир устувор фалсафий тушунчанинг негизларига назар солиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, қадимги юнон файдасуфи Платон қарашларида ва ундан кейин Шарқ мутафаккирларида «бутун ва бўлак» тамойили кенг ўрин тутаяди. Унга кўра, фақат боши, ўртаси ва охири аниқ бўлган нарсаларгина бутун ҳисобланади.

Мазкур удумга эътиборан, «Шашмақом» илмида бу ўринда туркум маъносидаги «мақом» ибораси бутунни (устозлар орасида «бутун бошли мақом» дейилишининг ҳам сабаби шунда), шўъба эса унинг таркибий бўлакларини билдиради. Умуман олганда, турли маъноларда ишлатиладиган мақом, шўъба каби ибораларга муайян ўринларда тегишли изоҳлар бериб қўлланилса, ноўрин чалкашликлардан холи бўлиш мумкин.

Энди асосий мавзу: «Шашмақом»нинг умумий тартиби ва таркиби масалаларига қайтадиган бўлсак, олдин шуни айтиш керакки, биз ўрганаётган рисола-баёзларда мақом туркумларининг измаиз келиши уч хил. Биринчиси зикр этилган 1466-рақам остидаги қўлёзмада кўрсатилган тартиб. Унда «Шашмақом» мажмуаси Рост мақомидан бошланади. Бу удумнинг илдизлари «илми адвор» таълимотининг асосчилари Сафийуддин Урмавий ва Абдулқодир Мароғийларга боради. Аслида эса, қадимий афсонавий қарашларга уланиб кетади. Уларга кўра Рост – мукамаллик, Ҳақ таоло ва ваҳдати вужуд рамзи.

Иккинчи андозасида Наво мақоми биринчи ўринга чиқарилади. Бу тартиб, зикр этилган 1466-қўлёзмасидан ташқари, қолган олти тараф рўйхатда ўз аксини топади. Наво мақомининг олдинга чиқарилиши сабабларини тушуниш учун, бу мусиқий ғоянинг таъсир кучи илми адвор мусиқий рисолаларида қандай талқин этилганлигини эслашга тўғри келади. Уларда «Наво» турк шижоатига хос мардлик ва матонат рамзи сифатида талқин қилинган. Бу ғоя 1756–1920 йилларда Бухоро тахтида ўтирган турк қавми Манғитлар сулоласининг давлат тепасига келиши нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этди. Шунга эътиборан «Наво» биринчи мақом сифатида қабул қилинганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Учинчи тартибга кўра, Бузрук мақоми биринчи ўринга чиқарилади. Бу андоза, А.Жумаев қайд этишига кўра, Ота Жалол Носир ўғли Бухоро саройи мақомчиларининг раҳбари (меҳтари) вазифасига тайинланганлигидан кейин юзага келган бўлиши эҳтимо-

ли бор<sup>1</sup>. Бу сиёсатнинг ҳам ғоявий асосларини тушуниш учун, мазкур замон қарашларидан келиб чиқишга тўғри келади. XIX асрнинг иккинчи ярми, Бухоро ижтимоий-сиёсий ҳаётида дунёвий ғояларга бир оз йўл очилган даврга тўғри келади.

Шу муносабат билан Бухоро донишмандлари ва «Шашмақом» устозлари ислом таянчи пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) номлари билан боғлиқ бўлган Бузрук мақомини биринчи ўринга чиқарган бўлишлари мумкин. Бузрук мақомини пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га икки тарафлама боғлаш мумкин. Биринчидан, амалдаги Бузрук мақоми таркибида бевосида Пайғамбаримиз номи билан боғлиқ Насруллоҳий Раҳовий шўъбаси мавжуд. Иккинчидан, Раҳовийнинг яна бир номи Бусалик бўлган. Бу ном Бухорода ва умуман Марказий Осиё мусиқий удумларида одат этилмаган. Ваҳоланки, Бусалик (Абу Салик) Пайғамбаримиз саҳобаларидан бири Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг ўзгарган шаклидир.

Ниҳоят, уч номнинг биринчи ўринга чиқарилиши – бу умумий анъанага хилоф нарса эмас. Балки муқаддас урф-одатларни, ҳар бир мактаб вакилларининг ижодий интилишларига қараб талқин этилган андозаларидир. Шунинг учун, Рост, Наво ёки Бузрук мақомларини биринчи ўринга чиқариш, уларнинг маъно-мазмунига ва мавқеига зиён келтирмайди. Фақат мусиқий удумлар жонли урф-одатлар инъикоси эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Таркибот масаласига келсак, мусиқий баёзлардаги маълумотларга кўра, Рост, Бузрук ва бошқа номлар билан юритиладиган бутун бошли туркумнинг парда асосини, мусиқий ўзагини бош мақом ва унга эргашган насрлардан иборат парда тизими ташкил қилади. Яъни, «Шашмақом» мусиқий мажмуасининг умумий парда тизими олти мақом ва ўн саккиз насрдан иборатдир. Мусиқий баёзларда гарчанд мақом туркумларининг тартиби ўзгарса-да, парда тизими қатъиян барқарор сақланганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу тартиб ва таркиб мезонлари ҳамда бугунги жонли анъаналарни инобатга олиб, «Шашмақом» парда тизимини қуйидаги жадвал тарзида кўрсатишни мақсадга мувофиқ топдик.

**Рост**, Ушшоқ Насри, Наврўзи Сабо, Панжгоҳ.

**Бузрук**, Раҳовий (Насруллоҳи), Уззол Насри, Чоргоҳ Муҳайяри.

**Наво**, Баёт Насри, Наво Дугоҳ Хусайниси Насри, Наво Орази Насри.

**Дугоҳ**, Чоргоҳ Насри, Дугоҳ Хусайний Насри, Дугоҳ Орази Насри.

**Сегоҳ**, Ҳижоз Насри, Ажам Наврўзи Насри, Хоро Наврўзи Насри.

**Ироқ**, Ироқ Муҳайяри Насри, Турк Наврўзи, Шаҳноз (Зебо пари).

<sup>1</sup> А. Джумаев. Шашмақом на грани веков: Историко-культурный и музыкальный феномен. // Шашмақом сабоқлари. – Тошкент, 2005. – С. 167; Культурная политика в Узбекистане: истоки и современная политика в Центральной Азии в переходный период. Алматы, 2003. – С. 17-18.

Бу андозадаги парда тузилмаларининг умумий тартиби ҳанузгача деярли барқарор сақланиб келмоқда. «Шашмақом» парда тизимининг бундай умумий кўлами мутаорифлик илми йўли билан расм этилганлиги туфайли, бир асрдан зиёд вақт ўтиши муносабати билан давр талаблари ва замон эҳтиёжларига қараб, унинг айрим жиҳатлари ўзгариб, бошқачароқ номланишлар одатга кирганлиги ҳам табиийдир. Хусусан, мусиқий баёзларда Бузрук мақомининг сўнгги наср қисми – «Чоргоҳ Муҳайяри» – «Чоргоҳи Муҳайяр намуди» деб кетилган. Сегоҳ мақоми таркибидаги «Ҳижоз Насри»ни эса «Сегоҳ Насри» деб аташ расм этилган. Худди шундай Ироқ мақомидаги «Турк Наврўзи»ни «Турк Авжи», «Шаҳноз»ни «Зебо Пари Авжи» дейиш одатга айланган.

«Шашмақом» таркиботи, яъни мақом туркумларининг таркибий қисмлари (шўьбалари) масаласида ҳам ана шундай ўзгаришлар рўй берган. Ушбу жараёни аниқроқ тасаввур этиш учун, аввало, дастлабки манба бўлмиш рисола баёзларда бу нуқта қандай ёритилганлигини кўз олдига келтирмоғимиз керак. Ана шу мақсадда Ҳамидулло Аминов юқорида зикр этилган еттита мусиқий баёздаги маълумотларни умумлаштириб, жадвал тузиб чиқди.

Масаланинг нозик томони шундаки, баъзи баёзларда мусиқий «Шашмақом» таркиби тўла берилмаган ва уларда мақом туркумлари ҳам турли тартибда келтирилади. Биз мақом туркумларининг тартибини 1466-рақамли илк қўлёзмада кўрсатилганидек, Ростдан бошлаб, қолганларини бугунги кунда расм этилган андозада беришни мақсадга мувофиқ кўрдик. Яна қўлёзмаларда тожикча ва ўзбекча атамалар аралашиб келганлиги сабабли, улар измини сақлаш мақсадида, биз ҳам атама сўзларни таржима қилмасдан асл ҳолатда келтиришни ўринли деб топдик.

Қуйида Ҳ.Аминов мусиқий баёзлар асосида тузган жадвални келтирамиз<sup>1</sup>.

### РОСТ

Сарахбори Рост (Даромад)

Тарона

Амалот

Амалот

Суворий

Таронаи Рост (Уфари сақил, Уфари вазмин ҳам дейилади)

Тарона (Чапандоз)

Талқини Рост

Тарона

<sup>1</sup> Ҳ.Аминов. Мусиқий баёзлар // «Шашмақом сабоқлари» (мақола ва маърузаларнинг иккинчи тўплами). – Тошкент, 2005. – Б. 38-б.

Насри Рост – Ушшоқ  
Даромади Сабо  
Насри Рост – Сабо (Наврўзи Сабо)  
Тарона  
Супориш  
Уфар

### БУЗРУК

Сарахбори Бузрук  
Таронаи аввал  
Соқийнома  
Таронаи дигар  
Тарона  
Тарона  
Тарона (Суворий)  
Суворий  
Тарона  
Амалот  
Амалоти дигар  
Таронаи хорижий  
Тарона (Гардон)  
Талқин  
Насри Бузрук – Насруллоҳий  
Тарона  
Амалот  
Тарона  
Насри Бузрук – Уззол  
Тарона  
Савт  
Чаҳаргоҳи Муҳайяр  
Супориш  
Уфар

### НАВО

Даромади Наво (Сарахбор)  
Аввалги тарона  
Тарона (Қўшсуворий)  
Суворий  
Суворий  
Амалот (Чапандоз)  
Таронаи Хоразмий  
Суворий  
Талқини Наво  
Фуроварди Талқин  
Насри Наво – Баёт

Амалот  
Амалоти дигар  
Насри Наво – Ораз  
Таронаи Ораз  
Савти Ҳусайний  
Суворийи Ҳусайний  
Супориш  
Уфар

### ДУГОҲ

Мақоми Дугоҳ (Сарахбор)  
Таронаи аввал (Суворий)  
Амалоти дигар  
Амалоти дигар  
Амалот  
Тарона  
Тарона  
Тарона  
Насри Дугоҳ – Чоргоҳ  
Амалоти Чоргоҳ  
Суворийи Чоргоҳ  
Суворий  
Таронаи Чоргоҳ  
Савти Чоргоҳ  
Савти Чоргоҳ  
Насри Дугоҳ – Ораз  
Савти Ораз  
Тарона  
Насри Дугоҳ – Ҳусайний  
Савтҳои Ҳусайний  
Суворий  
Супориш  
Уфар

### СЕГОҲ

Сарахбори Сегоҳ  
Тарона  
Амалоти дигар  
Амалот  
Талқин  
Насри Сегоҳ – Ҳижоз  
Тарона  
Наврӯзи Хоро  
Тарона (Суворий)

Амалот  
Амалоти дигар  
Насри Сегоҳ – Ажам (Наврӯзи Ажам)  
Тарона  
Амалот  
Амалоти дигар  
Амалот  
Савти Ажам  
Амалот  
Савти Ажам  
Супориш  
Уфар

## ИРОҚ

Сарахбори Ироқ  
Тарона  
Шўъба  
Таронаи дигар  
Тарона  
Тарона (Суворий)  
Амалот  
Амалоти дигар  
Амалот  
Тарона  
Насри Ироқ – Муҳайяр  
Тарона  
Амалот  
Тарона (Савти Муҳайяр)  
Савт  
Сувора  
Наврӯзи Турк  
Супориш  
Уфар

Демак, мажмуанинг умумий шакли юзага келишида иккита мусиқий омил парда ва усул устувор аҳамият касб этишини эътиборга оладиган бўлсак, унинг «Мусиқий Шашмақом» дейилиши бежиз эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Мусиқий мажмуанинг қарор топишида парда тузилмаси ва парда тизимлари жамловчи, усул бирликлари эса бўлакловчи омиллар эканлигини эътироф этмоғимиз лозим. Бирлашиш, жамланиш нуқтаи назаридан даромад ва насрлар мақом туркумининг таянч нуқталари бўлиб хизмат қилади.

Бўлиниш (навланиш) тарафидан эса усул ва вазн асосий вази-фани бажаради. Ана шундай муайян усуллар билан белгиланганла-



ри қаторида рисола-баёзларда, сарахбор ва насрлардан ташқари, чапандоз, талқин, нақш, суворий, савт, қашқарча, соқийнома ва уфарлар тилга олинади. Бундан ташқари, алоҳида усуллар билан юритилмайдиган қисмлар ҳам мавжудки, уларни кейинроқ изоҳлаймиз.

Ана шу устувор тамойилга асосан, аксарият ҳолларда, таркибий қисмларни белгилашда икки нарса парда ва усулнинг номлари бирлаштирилиб, сарлавҳага чиқарилади. Масалан, Мухаммаси Ушшоқ, Сақили Наво, Талқини Баёт, Уфари Баёт ва шуларга ўхшаш. Баъзи қисмларнинг номланишида учта белгига ишора этилади: бири зотга (тоифага, мақом ва насрга) тегишли, қолганлари усул ва шакл навларини назарда тутаяди. Сарахбори Наво таронаси, Насри Ушшоқ уфариси, Мўғилчаи Дугоҳ қашқарчаси, Савти Сабо соқийномаси ва бошқалар.

Айрим ҳолларда эса номлар усулга эмас, фақат шаклга ишора этади. Мусиқий баёзларда ана шундай атамалардан энг кўп учрайдиганлари «амалот» (бирлиги «амал») ва «тарона»дир. Аслида «амалот» деган усул бўлмаган ва бу атама кейинги даврларда умуман истеъмолдан чиқиб, ишлатилмайдиган бўлиб кетган. «Тарона» деган муайян усул мавжуд эмас. Кейинчалик, асосий сарахбор ва насрларга эргашган кўплаб қисмлар, жумладан, амалотларни ҳам тарона деб юритиш одатга кирган. «Муқаддима» ва «фуровард» (амалда «супориш»)лар ҳам худди шундай. Бу номлар билан юритилмайдиган алоҳида усуллар йўқ. Улар, асосан, сарахборлардан кейин, талқин ёки наср қисмларидан олдин ва кейин келади. Амалдаги андозаларда ҳам уларнинг усуллари шу қисмларникига мувофиқ юради.

Шу ерда, бошқа тоифадаги манбаларга ўтишдан олдин, таҳлил этилаётган «Шашмақом» асосларига яқин алоқадор бўлган бир қиёсий ҳужжат хусусида тўхталиб ўтиш лозим. У ҳам бўлса, танбур чизиги ва унинг воситасида нотага ёзиб олинган Хоразм Олти ярим мақомининг мусиқий матнларидир. Аслини олганда, Хоразм танбур чизиги ва Бухоро Шашмақомининг мусиқий баёзларини мазмун тарафидан яқин ва маълум жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи манбалар дейиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, Хоразм Олти ярим мақомининг мусиқий асоси учун XIX асрнинг бошларида Бухоро Шашмақомидан андоза олинганлигини ҳисобга олсак, бу манбаларнинг мазмунан яқинлиги янада аниқроқ намоён бўлади.

Қизиги шундаки, рисола баёзлар ва танбур чизиги нусхаларининг пайдо бўлиши вақт жиҳатидан ҳам ёнма-ён туради. Ихтиёризмиздаги нусхаларда, улар бириси тугаган жойдан иккинчиси бошланади. 49-бетдаги жадвалда кўрсатилганидек, етти мусиқий баёзнинг охиригиси 1879 йилда ёзилган. Танбур чизигида учрайдиган илк сана эса 1880 йил. Бизнинг учун, энг муҳими, бу тарихий ҳужжатларда келтирилган Бухоро Шашмақоми ва Хоразм Олти ярим мақомларининг парда тизимларидаги яқинлик ва ички таркиботларидаги ўхшашликлардир.

юр ва насрлардан ташқари, шқарча, соқийнома ва уфарлоҳида усуллар билан юриарни кейинроқ изоҳлаймиз. рият ҳолларда, таркибий қисм-усулнинг номлари бирлашти- Мухаммаси Ушшоқ, Сақили арга ўхшаш. Баъзи қисмлар-тилади: бири зотга (тоифага, ул ва шакл навларини назар-ри Ушшоқ уфариси, Мўғилчаи аси ва бошқалар.

эмас, фақат шаклга ишора атамалардан энг кўп учрай-«тарона»дир. Аслида «ама-кейинги даврларда умуман ўлиб кетган. «Тарона» деган асосий сарахбор ва наср-ан, амалотларни ҳам тарона ма» ва «фуровард» (амалда омлар билан юритиладиган ахборлардан кейин, талқин келади. Амалдаги андоза-арниқига мувофиқ юради. арга ўтишдан олдин, таҳлил яқин алоқадор бўлган бир лозим. У ҳам бўлса, танбур олинган Хоразм Олти ярим ини олганда, Хоразм танбур қий баёзларини мазмун та-бирини тўлдирувчи манба-ганидек, Хоразм Олти ярим срнинг бошларида Бухоро ҳисобга олсак, бу манба-роқ намоён бўлади.

танбур чизиги нусхалари-ёнма-ён туради. Ихтиёри-ан жойдан иккинчиси бош-ганидек, етти мусиқий ба-анбур чизигида учрайдиган нг муҳими, бу тарихий ҳуж-қоми ва Хоразм Олти ярим қинлик ва ички таркиботла-

Фикримизни далиллаш учун, Хоразм Олти ярим мақоми парда тизимининг қуйидаги умумий жадвалини келтирамиз. У танбур чизигининг Ўзбекистон Давлат консерваториясида сақланаётган Муҳаммад Камил Девоний нусхаси асосида тузилган<sup>1</sup>:

Мақоми Рост, Насри Ушшоқ Мақоми Рост, Насри Сабо Мақоми Рост, Рост – Панжгоҳ<sup>2</sup>.

Мақоми Наво, Насри Баёт Мақоми Наво, Насри Орази Мақоми Наво, Дугоҳ Хусайний Мақоми Наво.

Мақоми Сегоҳ, Насри Ҳижоз Мақоми Сегоҳ, Насри Наврўзи Хоррои Мақоми Сегоҳ, Насри Ажам Мақоми Сегоҳ.

Мақоми Дугоҳ, Насри Чаҳоргоҳи Мақоми Дугоҳ, Насри Ораз Мақоми Дугоҳ, Дугоҳ Хусайний Мақоми Дугоҳ<sup>3</sup>, Насри Дугоҳи Хусайний.

Мақоми Бузруг, Насри Насруллоҳий Мақоми Бузруг, Насри Ажам Мақоми Бузруг, Насри Уззол Мақоми Бузруг.

Жадвалдан кўриниб турибдики, унда насрларнинг номлари ҳар бирининг мазмунига мувофиқ аниқ ва муайян қилиб берилган. Хусусан, икки мақомда турлича кўринишда келадиган Ораз, Дугоҳ Хусайний, Насри Дугоҳ Хусайний ва Ажам насрлари бош мақомга ёрдамчи ўрнидаги парда тузилмаларининг номлари. Бу номлар парда тузилмаларининг ички мазмунига қараб белгиланганлигига эътибор бериш лозим.

Мақом туркумларининг таркиботи ҳам танбур чизигида худди шундай тартибда тизилган:

Мақоми Рост

Таронаи Мақоми Рост Мухаммаси

Суворий Мақоми Рост

Нақши Мақоми Рост

Талқини Мақоми Рост

Насри Ушшоқ Мақоми Рост

Насри Сабо Мақоми Рост

Ийфори Мақоми Рост

<sup>1</sup> Ўзбекистон Давлат консерваторияси. Қўлёзма №1. Мазкур қўлёзма факсимилеси «Хоразм танбур чизиги» китобида ҳам тўла берилган. Қаранг: О.Матякубов, Р. Болтаев, Ҳ. Аминов. Хоразм танбур чизиги. – Тошкент, 2010. – Б. 137-306-б.

<sup>2</sup> Рост Мақоми таркибидаги Панжгоҳ парда тузилмаси амалда Хоразм мақомларининг фақат чолғу бўлимларидагина намоён бўлади.

<sup>3</sup> Дугоҳ Хусайний Мақоми Дугоҳ қисми умумий «мақом-наsr» тамойилидан истиснодир. Бунга ўхшаш ҳолат «Шашмақом»да ҳам учрайди. Мисол сифатида «Даромади Ушшоқ» (амалда «Ушшоқи Калон» ёки «Самарқанд Ушшоғи» ҳам дейилади) деб юритиладиган машҳур мақом йўлини ҳавола этиш мумкин. Бундаги «даромад» ибораси, юқорида айтиб ўтилганидек, «мақом» тушунчасига маънодош сифатида ишлатилади. Демак, Хоразм йўлида Дугоҳ туркуми иккита мақомсифат таянчга эга: Мақоми Дугоҳ ва Дугоҳ Хусайний Мақоми Дугоҳ.

Мақоми Наво  
 Таронаи Мақоми Наво  
 Суворо Мақоми Рост  
 Талқини Мустаҳзод Мақоми Наво  
 Муқаддимаи Талқини Мақоми Наво  
 Талқини Мақоми Наво  
 Насри Таронаи Хоразм Мақоми Наво  
 Насри Баёт Мақоми Наво  
 Нақши Мақоми Наво  
 Муқаддимаи Насри Орази Мақоми Наво  
 Насри Орази Мақоми Наво  
 Муқаддимаи Дугоҳ Ҳусайний Мақоми Наво  
 Дугоҳ Ҳусайний Мақоми Наво  
 Суворий Дугоҳи Ҳусайний Мақоми Наво  
 Талқини Дугоҳ Ҳусайний Мақоми Наво  
 Бирланжи Ийфори Мақоми Наво  
 Иккиланжи Ийфори Мақоми Наво  
  
 Мақоми Сегоҳ  
 Таронаи Аввал Мақоми Сегоҳ  
 Иккиланжи Таронаи Мақоми Сегоҳ  
 Учланжи Таронаи Мақоми Сегоҳ  
 Талқини Мақоми Сегоҳ  
 Муқаддимаи Насри Ҳижоз Мақоми Сегоҳ  
 Насри Ҳижоз Мақоми Сегоҳ  
 Насри Наврӯзи Хорои Мақоми Сегоҳ  
 Суворий Мақоми Сегоҳ  
 Нақши Мақоми Сегоҳ  
 Таронаи Насри Ажам Мақоми Сегоҳ  
 Насри Ажам Мақоми Сегоҳ  
 Бирланжи Ийфори Мақоми Сегоҳ  
 Иккиланжи Ийфори Мақоми Сегоҳ  
  
 Мақоми Дугоҳ  
 Таронаи Дугоҳ  
 Иккиланжи Таронаи Мақоми Дугоҳ  
 Учланжи Таронаи Дугоҳ  
 Муқаддимаи Насри Чоргоҳи Мақоми Дугоҳ  
 Насри Чоргоҳи Мақоми Дугоҳ  
 Суворо Мақоми Дугоҳ  
 Талқини Мақоми Дугоҳ  
 Нақши Мақоми Дугоҳ ҳам Муқаддимаи Насри Ораз  
 Насри Ораз Мақоми Дугоҳ  
 Муқаддимаи Дугоҳ Ҳусайний Мақоми Дугоҳ

Му  
 ми ва  
 сарой,  
 тутад  
 чизиг  
 Хораз  
 далар  
 этилга  
 тизим  
 «Дуто  
 Шўъба  
 танбур  
 ланган  
 рига те  
 сифати  
 ниш, С  
 ларини

<sup>1</sup> Ф  
<sup>2</sup> Му  
 рихчиси.  
 - Б. 225

Дугоҳи Ҳусайний Мақоми Дугоҳ  
Насри Дугоҳи Ҳусайний  
Сувораи Дугоҳи Ҳусайний Мақоми Дугоҳ  
Талқини Дугоҳи Ҳусайний Мақоми Дугоҳ  
Аввалги Ийфори Мақоми Дугоҳ  
Иккинчи Ийфори Дугоҳ

Мақоми Бузруг  
Аввалги Таронаи Мақоми Бузруг  
Иккиланжи Таронаи Мақоми Бузруг  
Учланжи Таронаи Мақоми Бузруг  
Тўртланжи Таронаи Мақоми Бузруг  
Муқаддимаи Талқини Мақоми Бузруг  
Талқини Мақоми Бузруг  
Насри Насруллоҳий Мақоми Бузруг  
Насри Ажам Мақоми Бузруг  
Суворий Мақоми Бузруг  
Нақши Мақоми Бузруг  
Муқаддимаи Насри Уззол Мақоми Бузрук  
Насри Уззол Мақоми Бузруг  
Ийфори Мақоми Бузруг.

Муҳим бир жиҳатга эътибор бериш керакки, Бухоро Шашмақоми ва Хоразм мақомларининг зикр этилган муводил (модель)лари саройда, хослар даврасида расм этилган урф-одатларни назарда тутди. Уларнинг манба асосини эса, мусиқий баёзлар ва танбур чизифида келтирилган мусиқий матнлар ташкил этади. Бухоро ва Хоразмда мақом санъати саройдан ташқари, мухлис ва шинавандалар доирасида, зиёли ва ҳунармандлар орасида ҳам кенг жорий этилган. Улар аслида Шашмақоми Мусиқий ва Олти ярим мақом тизимидан фарқли равишда, Бухорода «шўбачалар»<sup>1</sup>, Хоразмда эса «Дутор мақомлари»<sup>2</sup> деган умумий номлар билан юритилади. Шўбача ва Дутор мақомларининг Асл Шашмақом ва Олти ярим танбур мақомларидан фарқли ўзига хос тартиб ва низомлари шаклланган. Халқ орасида кенгроқ тарқалган «Шашмақом» шўбачаларига тегишли маълумотларни кўпроқ, юқорида алоҳида манба тури сифатида тилга олинган адабиётдан топамиз. Хусусан, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат каби замона алломаларининг асарларида бу ҳақда қимматли фикрлар мавжуд.

<sup>1</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, 1993.

<sup>2</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девозода. Хоразм мусиқий тарихчиси. – Москва, 1925 (араб ёзувида); О. Матякубов. Мақомот. – Тошкент, 2004. – Б. 225-236-б.

Бухоро, аниқроғи бутун Ўрта Осиё XIX аср иккинчи ярми тарихида Аҳмад Дониш таниқли шахс. Энг аввало, у Бухоро маданий-маърифий муҳитида вояга етган ва мусиқа санъатига яқиндан алоқадор бўлган зиёли. Дутор, танбур чалиб завқ олиш унинг одатларидан бўлган. Ўзининг «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар») китобидаги фалсафий мушоҳадалардан бирида сурат (ташқи шакл, кўриниш) ва сийрат (ички шакл, мазмун) масалаларига тўхталиб, мусиқийдан қизиқ мисол келтиради: «Созанда ўртада ўтириб<sup>1</sup> чолғусига тортилган торга ёки симга нохун уради. Натижада, кишиларнинг қулоғига даранг-даранг, гинг-гинг овозлари эшитилиб туради. Ҳақиқатда эса бу овозларни таъсир этиб айтмайдилар. Ҳақиқий таъсирланиш юзага келганда чолғу ва чолғучи ҳамда унинг бутун ҳаракатлари эшитувчининг кўнглидан кўтарилади. Сўнгра нафис ва нозик нағманинг ҳайуласи кумуш сувидек ёки оппоқ сутдек сизилиб мисол олаמידан тушади. Том туйнугидан тушган қуёш нурининг найзаси каби ноқис нохун нозик торга етиб тўхтади. Узоқ-узоқлардан келган мунгли нола қулоққа урилади. Киши гоҳида хаёлан чолғу чалади. Аммо созанданинг ўзи кўринмайди, унинг устида бошқа бир чолғучи пайдо бўладиги, у эса Зуҳро юлдузининг руҳи ҳисобланади. Мана шундай таъсирлар кўпинча тиниқ, нафис кўнгиллардагина пайдо бўлади. Лекин уни сўз қилиб, қаламга келтириб ёзиб бўлмайди»<sup>2</sup>.

Садриддин Айнийнинг вафотидан кейин чоп этилган бир мақоласида «Шашмақом» ҳақида қуйидагилар маълум этилади: «XIX аср тожик классик мусиқасининг назарияси ва амалиётида Аҳмад Махдум Дониш (1827–1897), Исо Махдум (1827–1888), Абдулқодир Хўжаи Савдо (1823–1873) ва бошқалар катта муваффақиятларни қўлга киритиб, шуҳрат қозондилар. Савдо «Шашмақом»нинг барча шўъбаларини ўзгача қилиб ашула ва чолғу куйларини яратди. Исо Махдумнинг мусиқадаги хизмати шундан иборатки, у мазкур санъат илмига оид рисола яратди. Аҳмад Махдуми Дониш (Аҳмади Калла) эса мусиқийдан китобчалар тузиб, барча мақом ижроларини ўзича ишлаб чиқди ва иқтидорли ёшларни ўз атрофига тўплаб таълим берди. Раҳмат Хўжайи Фиждувоний, Қори Каромати Дилкаши Бухорий (1902 й. вафоти) ва бошқа мусиқийда камолотга эришиб ном чиқарганлар Аҳмад Донишнинг шогирдларидир»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бу ерда зиёлиллар орасида ўтадиган дунёвий мажлислар (базм ва зиёфатлар) назарда тутилмоқда. Зеро, сарой удумига кўра, созанда ҳеч қачон очиқ даврада, ўртада ўтирмайди. Саройдаги хос мажлисларда у албатта парда орқасида тиз чўкиб соз чалмоғи ва ашула айтмоғи лозим бўлган.

<sup>2</sup> Аҳмад Дониш. Наводирул вақое (Антиқа ҳодисалар). – Тошкент, 1964. – Б. 194-б.

<sup>3</sup> Садриддин Айний. Жамбастаи мувоҳиса доир ба масалаи инкишофи мусиқийи тожик // «Тожикистони Совети» газетаси, 1959. № 106.

Садриддин Айнийнинг 1904 йилда ёзилган «Базм» шеърида эса ўша даврда кўзга кўринган созанда ва чолғучилар номма-ном тилга олиниб, уларнинг феълу атворлари ва ижодий услублари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Унда нозик бадиий воситалар, киноя ва ўхшатишлар воситасида Бухоро зиёлилари орасида расм этилган базм урф-одатлари тасвирланган.

### Б а з м

Ба кунжи узлати мо ин замон ки ёр расид,  
Ки мебарад мўйи ёрони мо зи айши навид.

Зи савти дилкаш Қори Камолу Қори Нажм,  
Зи нағма булбули бечора инфиол кашид.

Дилам сиёҳ шуд аз гирди кори Ҳожихон,  
Кужост нағмаи жонпарвари Ҳалими сафед.

Ба маҳфили ки Атожон ба тор заҳма занад,  
Ба Зухра нест дар он жо мажולי гуфту шунид.

Ба як супориши Довуду Юсуфу Леви,  
Зи чарх рақскунон бар замин расид ноҳид.

Кифоя аст наво дутори Тоҳиржон,  
Набойд аз пойи Ҳожи Азиз ранж кашид.

Агар гуреҳта Яҳёи Мисгар аз ин шаҳр,  
Бинойи базми Амонхўжа медиҳад ташйид.

Нишаста бар сари манқал Кариму Тожиддин,  
Ҳазоро дойра аз зарби дасташон бикафид.

Раҳими қанд мебинад рўйи беҳбуди,  
Зи туршрўйи ў кайфи аҳли базм парид.

Чи шуд ки боз Ражабхон ҳарифи мажлис шуд,  
Ҳазор бор наё гуфта кардам таъкид.

Саломи аҳли тарабро ба Зикриёки барад,  
Ки ў зи анжумани зиндаги алоқа бурид.

Баён шуд ин ҳама асбоби хуррами зи хаёл,  
Ва гарна ҳужраи мо руйи базм ҳеч надид.

☞ (Мазмуни: Бизнинг бу узлат бурчагимизга ушбу замонда дўст келди. Ушбу дўстларимиз янгидан-янги айш-ишратлар ўйлаб топадилар. Қори Камол билан Қори Нажмнинг дилтортар савтидан бечора булбул нағмаси сусайиб қолди. Ҳожихоннинг ёмон ишидан дилим қора бўлди. Оппоқ Ҳалимнинг жонпарвар нағмаси қайда қолди?! Мажлисда Атожон агар заҳма урадиган бўлса, у ерда ҳатто Зуҳрага ҳам тинглашга мажол қолмайди. Довуд, Юсуф ва Леви-ларнинг битта супоришидан чархи фалак рақс тушиб, еру замин ларзага келади. Тоҳиржоннинг дуторидан битта наво кифоя, Ҳожи Азизнинг пойқадами асло ранжу аламлар тортмасин. Агар Яҳёи мисгар ушбу шаҳардан қочадиган бўлса, Амонхўжанинг базми биносига қувват берган бўларди. Карим билан Тожиддин манқалнинг бошида ўтириб олиб, минглаб доиралар қўлларининг зарбидан ёрилдилар. Раҳими қанд беҳуш бўлганини кўрсанг эди, унинг кўрс юзидан базм аҳлининг кайфи учарди. Яна Ражабхоннинг мажлисда улфат бўлганини эшитсанг эди, унга «Энди кела кўрма!» деб минг бор таъкидлаганимни билардинг. Тараб аҳлининг саломи Зикриёга айтиб юборилса, у тириклик анжуманидан алоқа узарди. Ушбу хуррамлик асбобларининг ҳаммаси хаёлдан баён этилди. Бўлма-са, бизнинг ҳужрамиз базм юзини асло кўрган эмасди).

Ҳазалга «Базм» деб сарлавҳа қўйилиши бежиз эмас. Дарҳақиқат, у Асл Шашмақомга назира сифатида ишланган ва томирлари халқ мусиқа ижодига уланиб кетган «шўъбачалар» қатламига қаратилган бадия. Агар унда Асл Шашмақом назарда тутилаётганида, одобга кўра шу замонда ижод чўққисида бўлган, «сарой услуби»нинг пешвозлари, пиру устозлар Ота Жалол ва Ота Гиёсларнинг номлари албатта айтилиши шарт эди. Ваҳоланки, ҳазалнинг иккинчи байти Бухоронинг машҳур савтхонларининг таърифига бағишланган.

Бунда «савтхонлик» алоҳида тоифа сифатида тилга олинишига эътибор бериш лозим. У айнан шу «шўъбача» қатламини назарда тутати. Эслайдиган бўлсак, Кавкабийга кўра, «савти амал» пухта ишланган «амал» шаклининг оддийлашган кўриниши. «Савтхон»лик эса етук устоз ҳофизлик даражасига эришишда шогирдлик босқичи. Байтнинг иккинчи мисрасида «савтхон»лар бухоролик Ҳожихон ва Домла Ҳалим ахлоқи ҳамда қиёфалари қарама-қарши қўйилади. Ҳожихон – ўзининг ножўя хатти-ҳаракатлари билан эл оғзига тушган созанда. Домла Ҳалим эса унинг мутлақо акси. «Ҳалими Сафед» – Домла Ҳалимнинг лақаблари. У кишининг чеҳраси жуда чиройли бўлганлиги туфайли, «Оқ юзли Ҳалим» деган лақаб олганлар.

Тўртинчи байтда «Шашмақом» дунёсининг алоҳида бир оламини ташкил этувчи мушкилотлар (чолғу йўллари) ҳақида сўз боради. Гап шундаки, «Шашмақом»нинг чолғу ва ашула йўллари алоҳида бир санъат навлари сифатида намоён этилади. Уларнинг устозлари ҳам, одатда,

ўз соҳала  
чўққилар  
Атожон –  
бурчиси.  
кийилади  
навий со

Кейин  
ташкил  
Довуд (Д  
ча) – XIX  
ҳофизла  
бўлган. Ё  
ни моҳир  
ларнинг  
нинг фа  
ҳаси) –  
раққосал

Олти  
жиҳати  
қасида  
хоро усл  
чи асбо  
жудлиги  
ҳукмдор  
аср «Ша  
дуторчи  
лан дут  
Мақом  
лазиз ҳа

Ниҳ  
қи» номи  
деб ата  
дейили

Шеъ  
солида  
забарда  
Ҳожи А  
алоқад  
мактаби  
қилган.  
диосид

1 Фи  
2 Хус

ўз соҳаларига ихтисослашган бўлади. Мушкилот соҳасида алоҳида чўққиларга эришган устозларга «тилло нохун» деб нисбат берилган. Атожон – Атожони Заргари тилло нохун – замонасининг машҳур танбурчиси. Заҳма – танбур ижросида ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийиладиган нохун. Зухра – «фалак торлари»да куй чаладиган афсонавий созанда, санъатда гўзаллик ва поклик тимсоли.

Кейинги байтда Бухоро услубининг ўзига хос бир тармоғини ташкил этувчи яҳудий санъаткорларга алоҳида таъриф берилади. Довуд (Довудча), Юсуф (Юсуфи Гург – Юсуф Бўри), Леви (Левича) – XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ўтган машҳур ҳофизлар. Улардан фақат Левича ҳофиз сарой услубига дахлдор бўлган. Бошқалари кўпроқ «Шашмақом»нинг савт ва мўғилчаларини моҳирона ижро этиб элга танилган. Шоир тилида бу санъаткорларнинг биргина супориши (яъни, салобатли мақом туркумларининг фақат «чеккаси», таронадан ҳам кичик якунловчи бир куй лавҳаси) – туширимиға, мажозий маънода осмондаги фалак раққосаларини ҳам ерга «туширади», деб таъриф берилади.

Олтинчи байтда эса, «Шашмақом» мулкининг бошқа бир муҳим жиҳатига эътибор қаратилади. У ҳам бўлса, минтақа мумтоз мусиқасида дутор чолғусининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида. Тўғри, Бухоро услубида, айниқса, Асл «Шашмақом» дастурларида танбур етакчи асбоб бўлиб хизмат қилади. Лекин, дуторнинг алоҳида ўрни мавжудлигини ҳам эсдан чиқариш керак эмас. Маълумки, сўнгги Бухоро ҳукмдори Амир Олимхон «дуторга, айниқса, ишқивоз бўлган»<sup>1</sup>. XX аср «Шашмақом» устозларидан бири Шоназар Соҳибов 12 ёшида дуторчи сифатида саройга жалб қилинган ва у Амир Олимхон билан дуторнавозлик қилганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>2</sup>. Мақом соҳасида алоҳида йўл яратган буюк санъаткор Ҳожи Абдулазиз ҳам кўп мумтоз йўлларни дутор жўрлигида айтганлар.

Ниҳоят, «Шашмақом» шўъбачаларининг эндиликда «Бухоро Ироқи» номи билан айтиладиган туркуми, Фитрат китобида «Дутор Ироқи» деб аталиши ҳамда Хоразмда бутун бошли нав «Дутор мақомлари» дейилиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Шеърда дутор мавзуси Тоҳиржон – Тоҳиржон Давлатзода мисолида баён этилади. Дарҳақиқат, Устоз Тоҳиржон – Бухоронинг забардаст дуторчиси, «Шашмақом» йўлларининг зукко билимдони, Ҳожи Абдулазизга муносиб ворис. У Амир Олимхон саройига ҳам алоқадор созанда бўлган. Кейинчалик Устоз Бухоро Шарқ мусиқа мактаби ва Самарқанд Мусиқа ва рақс институтида мураббийлик қилган. XX асрнинг ўттизинчи йилларининг бошида Тожикистон радиосида хизмат қилган. Шу ерда таниқли тожик шоири Мирзо Тур-

<sup>1</sup> Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Тошкент, 1930.

<sup>2</sup> Хусусан, бу тўғрида атоқли композитор Мутаваккил Бурҳонов кўп гапирар эдилар.



сунзодага шеър илмида устозлик ҳам қилган. Қатағонга учраб 1937 йилда қатл қилинган.

Сўнги мисраларда Бухоро маҳаллий мусиқасининг энг оддий тоифаси «ширинкор»лар ҳаётидан лавҳалар келтирилган. Ширинкорлар – ҳазил-мутойиба, ўйин-кулги қилиб халқ кўнглини оладиган созандалар тоифасидан. Яҳё Мисгар ва Амонхўжалар ана шу соҳада ном чиқарганлардан. Тожиддин – ғиждувонлик машҳур доирачи. Раҳим Қанд – гаждумаклик ўртамиёна танбурчи, хўмрайиб юрадиган одати бўлган. Ражабхон – жуда паст даражадаги афғон рубобчи, айтилмаган жойларга, базмларга кириб бораверадиган ҳамда таъмагирлик қиладиган бемаъни қилиғи бўлган экан.

Шеър мазмунидан яна иккита муҳим хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, базмда ижро этиладиган куй ва қўшиқларнинг ўзига хос ўрни, даража ва мавқеи бўлган. Шеърда баён этилган мусиқа тоифаларининг тартибига разм солсак, унда энг баланд нуқтада («Шашмақом»ни инобатга олмаган ҳолда, албатта) илоҳий мавзуларда айтадиган қори ва домлалар (илмлилар) туради (Қори Камол, Қори Нажм, Домла Ҳалим). Ундан кейинги даражада дунёвий тарздаги устоз чолғучи ва ашулачиларнинг номлари тилга олинади (Атожон, Ёқуб, Довуд, Леви, Тоиржон ва Ҳожи Азиз). Сўнгра кўнгилочар созандалар (ширинкорлар) ва улардан кейин авом халққа хизмат қиладиган уста кўрмаган ҳаваскор ижрочилар (бугунги кун созандалар шеvasи билан айтилганда «отарчилар») жой олади.

Иккинчидан, ҳофиз, созанда ва чолғучиларнинг тури-тоифасидан қатъи назар, уларнинг орасида мажлис одобларига риоя этувчи, олижаноб намояндалар билан бир қаторда назари паст вакиллар ҳам бўлган. Бундан чиқадики, созандаларнинг санъатига баҳо берилганда, уларнинг феълу атвори, жамиятдаги обрўсига ҳам эътибор берилган. Шундай қилиб, «Базм» ғазалини ўзига хос кичик бир рисолача дейиш мумкин. Мутаорифий андозаларга мос бундай асарнинг мумтоз намунаси сифатида Кавкабийнинг шеърий рисоласи қайд этилган эди.

Энди бевосита «Шашмақом» масаласига қайтадиган бўлсак, юқорида таҳлил этилган манбалардан маълум бўладики, унинг тарқалишида, ҳаётга жорий этилишида икки асосий удум қарор топганлиги кузатилади. Уларни умумлаштириб, «хос» ва «маъмулий» деб белгилаш мумкин. Биринчиси нуфузли мақом мухлисларининг диққатига ҳавола этиладиган қатъий қонунлар асосидаги ҳашаматли сарой услуби («рикобий» ҳам дейилган). Иккинчиси мақом йўлларини саройдан ташқарида ва кенг доирада, тўй-ҳашамлар, базму зиёфатлар, гапу гаштакларда эркин жорий этиладиган маъмулий, яъни амалдаги халқчил кўриниши. Бундай ижрочилар, маъмулий (халқчил) йўналиш, жумладан, «савтхонлик» (ашулачилик) деб ҳам юритилган.

Хоразмда эса хос ва маъмулий тоифадаги ижрочилар «сарой созандалари» ва «эл созандалари» номлари билан аталган.

Хос услуб, моҳиятан боши ва охири қатъий белгиланган «ёпиқ тизим». У, энг аввало, ҳар бир мақомнинг таркибий таянч ва шўъба қисмларини қонун-қоидаларга, яъни илмий асосларга мувофиқ равишда боши бутун яхлит туркум тарзида ижро этилишини назарда тутлади. Қолаверса, унинг бутуни ва ҳар бир бўлаги мустақил асар сифатида парда ва усул низомларига тўла-тўқис риоя этилган ҳолда, барча унсур ва амалларини жой-жойига қўйиб, юксак бадиий тарзда талқин қилишни тақозо этади. Хуллас, хос услубда нуқсон ёки камчиликка ўрин бўлмаслиги керак. Бу ишни юқори савияда удалаш учун эса ҳофиз ёки чолғучи, табиий имкониятларидан ташқари, тажриба, кўникма, маҳорат ҳамда уста кўрган ва мактаб ўтаган бўлмоғи зарур. Хос услуб тўғрисида рисола ва мусиқий баёзларга таяниб фикр юритиш мақсадга мувофиқ.

Муқобил маъмулий (амалдаги, кўпчиликни, яъни эгасиз халқ ижоди) эркин услуб «очиқ тизим». У мақом қисмларини алоҳида куй ва ашулалар сифатида ҳамда оддийроқ тарзда ижро этишга имкон беради. Бунда имконият ва маҳорати етмаган савтхонлар – ашулачилар (бу ўринда «ашула» халқ орасидан, созандалар шевасидан келиб чиққан ибора эканлигига ҳам эътибор бериш лозим) мақом йўлларидаги мураккаб авжларни бир оз ихчамлаштириб, энгилроқ вариантларда айтишлари ҳам мумкин. Айрим шароитларда савтхонлар мақом парчаларини якка доира жўрлигида ҳам ижро этганлар. Сарой услубида эса бунга йўл қўйилмаган<sup>1</sup>.

Маъмулий услубнинг ташқи хусусиятлари ҳақида Аҳмад Дониш ва Садриддин Айни асарларидан маълумотлар олинди. Энди шу таассуротларни «Шашмақом» шўъбачаларини эркин ижроларига хос бўлган ички мусиқий тарафларига тегишли тартиб ва низомларни Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» рисоласидан иқтибос келтириш билан тўлдирамиз:

«Бизда «Шашмақом»дан биртаси чалинмоқчи бўлганда, мажлисининг тубандаги йўсинда бориши лозим кўрилгандир: икки танбур, бир дугор ёхуд икки танбур билан бир қўбуз (қўбуз бўлмаганда учинчи танбур камонча билан чалинадир), икки ё уч ҳофиз ўтурадирлар, чолғулар ишга киришадирлар. Бир киши «чирманда» (доира – даф) билан усул сақлайдир. Чолғучилар чирманданинг кўрсатган усулга

<sup>1</sup> Умумий мусиқий муҳитни икки муқобил тоифага ажратиш қадимдан қўлланилиб келинаётган дастур. Европада у «мусиқа» ва «фольклор» («халқ ижоди») дейилган ва фольклор куй ва қўшиқлари мусиқа дейилмаган. Бугунги мусиқа ва «поп» (яъни «очиқ» тарздаги) мусиқа, биздаги «мумтоз» ва «эстрада» йўналишлари ҳам унга ўхшаш нарса дейиш мумкин. Мусиқа ва умуман санъат турларини турли ижтимоий қатламларга қараб бўлиниши алоҳида илмий мавзу.

эргашадирлар-да, исталган мақомнинг мушкилот бутоғини чалайдилар. Мушкилот битгач, тўхтамасдан, наср бутоғига ўтуладир.

Наср бутоғига ўтгач, шунда ҳозир бўлган икки ёхуд уч ҳофиз чирмандаларини олиб, баровар усул сақлайдирлар. Усул сақлаганда чирманда товушининг чолғу товушидан паст бориши, ҳар ҳолда чолғу товушини босмаслиги шартдир. Ҳофизларнинг бири бошлаб наср бутоғининг биринчи куйини ўқийдир. Биринчи куй битгач, иккинчи куйга ўтмоқ учун орада «нуб»<sup>1</sup> аталган бешта кичкина-кичкина куйчалар бор.

Булар нағмани биринчи куйнинг парда ва усулидан иккинчи куйнинг парда ва усулига ўтказишга хизмат қиладилар. Ҳофиз биринчи куйни битиргач, тароналарни бутун ҳофизлар қўшулушуб айтадирлар. Биринчи куйнинг тароналари битгач, иккинчи куйни бошлайдир. Ёлғиз ўзи ўқуйдир. Бунинг тароналарига келгач, яна ҳофизлар қўшулушуб айтадирлар. Мана шундай қилиб, «наср» бутоғини ҳам битирадирлар-да, сўнгра ўйун (танс) куйлари – уфарлар бошланадир. Ўйунни ёлғиз чолғу билан-да, чолғу, қўшук билан-да давом эттириш мумкиндир. Шуниси борким, уфарда қўшук бўлганда усулни икки-уч чирманда баравар сақлайдир»<sup>2</sup>.

Зикр этилган тарихий урф-одатлар қиёсланганда, шуни таъкидлаш лозимки, улар орасида катъиян чегараланган «девор» бўлган эмас. Аксинча, ягона «Шашмақом» тизимининг хос ва маъмулий кўри-нишлари мувозий (параллель) оқимлар сифатида доимо бир-бирини тўлдириб, бойитиб келган. Эл орасидан чиққан овоз ва истеъдод соҳиблари саройга таклиф қилинган, хос муҳитда тарбия топиб, санъатларини юксак чўққиларга кўтарганлар. Ўз навбатида эл созандалари моҳир устозлар ижодида сайқал топган мумтоз мақом йўллари асосида оммабоп куй ва қўшиқлар ишлаб, халқни ундан баҳраманд этганлар. «Шашмақом»нинг ҳар хил қатламларидан жой олган турли-туман асарларнинг ҳаётбахш кучи ҳам шундадир.

<sup>1</sup> Нуб (луғатда «навба»нинг кўплиги) – кўпқисмли мусиқий шакл, изма-из (навбат билан) келадиган куй ва ашулалар бирикмаси. Бунда асос куйлар – мақом ва насрлар орасидаги, уларга эргашувчан шоха – бўлақлар (амал, тарона, нақш, суворий ва бошқалар) назарда тутилади.

<sup>2</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, 1993. – Б. 12-б.

### III БОБ

#### МУСИҚИЙ «ШАШМАҚОМ»ДАН – БУХОРО ШАШМАҚОМИГА

XX аср тарихда бир тарафдан, озодлик ва мустақилликка интилишлар, илм-фан соҳасида буюк кашфиётлар, иккинчи томондан, қатағон, ижтимоий-сиёсий ғалаёнлар, қарама-қаршиликлар, давлат тўнтаришлари даври бўлиб из қолдирди. Ана шундай юксалиш ва тубанликлар алмашуви жараёнида мусиқий қадриятлар борасида ҳам сезиларли мафкуравий курашлар ва амалий ўзгаришлар рўй берди. Бизнинг мавзуга келадиган бўлсак, йигирманчи йиллар бошида миллий маърифатчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли амалдаги «Шашмақом»ни нотага олиш, унинг илмий асослари ва тарихий илдизларига оид тадқиқотлар яратиш каби хайрли ишларни юзага чиқаришга бел боғланди. Ўттизинчи йиллардан эса, бунинг аксига интилиш содир бўлиб, мусиқий меросга бўлган муносабат кўпроқ салбий томонга юз тутди бошлади.

XX асрнинг эллигинчи йилларига келиб, миллий сиёсат бир оз юмшаши муносабати билан, «Шашмақом» соҳасида янгидан бир кўтарилиш пайдо бўлди. Ана шу ижобат тўлқинида Ўзбекистон ва Тожикистонда «Шашмақом»нинг ўзига хос миллий шакллари юзага келди. Ўзбекистонда Юнус Ражабий, Тожикистонда Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов ва Фазлиддин Шаҳобов каби «Шашмақом»нинг миллий навларини яратишга бел боғлаган устозлар, аввалдан Бухоро, Хоразм ва Фарғона ва Тошкент воҳаларида илдиз отган урф-одатлардан сабоқ ва илҳом олдилар. Янги авлод устозлари расм этган йўллар қисқа муддат ичида мухлислар қалбидан жой олди. Радио тўлқинлари орқали элга тарқатилган ўзбек ва тожик «Шашмақом»ининг миллионлаган эшитувчилар доираси юзага келди.

Ана шу икки навнинг ҳаётга кириб келиши, бутун минтақадаги мумтоз мусиқа харитасининг ўзгаришига сабаб бўлди. Олдинлари уч асосий йўналишда кўрилиб келатган мақомларнинг<sup>1</sup> умумий қиёфаси ўзга-

<sup>1</sup> В.Успенскийнинг 1927 йилда нашр этилган мақоласида улар «Бухоро Шашмақоми», «Хоразм мақомлари» ва «Туркистон мақомлари» деб сарлавҳаланган. Қаранг: Успенский В.А. Классическая музыка узбеков. – Ташкент, 1927. Кейинчалик, Исҳоқ Ражабов тадқиқотларида, сўнггиси «Фарғона-Тошкент мақом йўллари» деб юритила бошланди. Қаранг: И.Ражабов. Мақомлар масаласига доир. – Тошкент, 1963; ўша муаллиф. Мақомлар. – Тошкент, 2006.

риб, беш тарихий навни ўз ичига олувчи муштарак мақомот тизими юзага келди ва шу муносабат билан, эскидан келаётган бобо шаклни, миллий ўзбек ва тожик андозаларидан фарқлаш учун, Бухоро Шашмақоми дейиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Демак, давр тақозоси билан, бир вақтлар «Муסיқий Шашмақом», ундан сўнг, шунчаки умумий тарзда «Шашмақом» дейилган мажмуа Бухоро Шашмақоми номини олди. Мақомотнинг бир бутуни эса, Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, ўзбек Шашмақоми ва тожик Шашмақоми дейиладиган навларда тасаввур этиладиган бўлди.

Бухоро Шашмақомининг XX асрнинг йигирманчи йилларидан эътиборан бугунги кунгача бошдан кечирган жараёнини кўз олдига келтириш учун, ана шу муддат ичида юзага келган учта асосий манба билан яқинроқ танишмоғимиз лозим. Улар: 1924 йилда чиққан «Шашмақом» нотаси<sup>1</sup>; 1927 йилда нашр этилган Фитратнинг «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» китоби<sup>2</sup> ва 2010 йилда Германияда Доктор Ангелика Юнг таҳрири остида чоп этилган Ари Бобохонов ноталаштирган «Бухоро Шашмақоми» тўплами<sup>3</sup>.

Шашмақомни В.А.Успенский томонидан европача тизимда нотага олиниши жуда катта тарихий воқеа. Олдинги бобда айтиб ўтилганидек, XIX асрнинг сўнгги чорагида «ичкаридан», яъни маҳаллий созандаларнинг ўз ихтиёри билан Хоразм мақомлари танбур чизиги тизимида хатга туширилган эди. Бу сафар эса, «ташқаридан» – рус санъаткори мақом аъёнларига хос бўлмаган европача нота тизимида Бухоро Шашмақомини ёзиб олди. Бу ҳодисанинг аҳамиятини тўлароқ тасаввур этиш учун, ушбу давр сиёсий вазияти тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш лозим.

1920 йилда амирлик тугатилгандан кейин, унинг ўрнида Бухоро Халқ Социалистик Республикаси ташкил этилди. Унда барпо этилган янги ўқув муассасалари қаторида «Шарқ муסיқа мактаби» ҳам бор эди. Бухоро Республикаси раҳбариятидаги Файзулла Хўжаев ва Фитрат каби узоқ истиқболни кўзлаган илғор фикрли маърифатпарварлар, «Шарқ муסיқа мактаби» талабаларига миллий мумтоз муסיқа асосларидан қўлланма сифатида «Шашмақом»нинг нота матнини яратишни кўзлаганлар. Ана шу эзгу мақсадни тегишли савияда амалга ошириш учун, бу ишга ўз соҳасининг етук билимдони В.А.Успенский жалб этилган. Ижодий жараёни мувофиқлашда мутасадди этиб Фитрат тайинланган.

<sup>1</sup> Шесть музыкальных поэм (маком), записанных В.А. Успенским в Бухаре. Под редакцией Фитрата и Н.Н.Миронова. Издание Народного Назарата Просвещения Бухреспублики. – Москва, 1924.

<sup>2</sup> Фитрат. Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи. – Самарқанд-Тошкент, 1927 (араб ёзувида).

<sup>3</sup> Der Shashmaqam aus Buchara uberliefert von den alten Meistern notiert von Ari Babakhanov. Angelika Jung (Hg). – Berlin, 2010.

Фитрат  
1923 йилла  
Шарқ муси  
даги «Карв  
рини олиб  
зодалар ўт  
туриб тушг

«Шашм  
сидаги му  
синга сазо  
шахсий ма  
ни хатга ту  
ни чуқур ҳи  
занди бўлг  
серватори  
мартабаси  
«Шашмақс  
акс эттири  
жуда яхши

XIX аср  
мутафакки  
нишмандли  
қилади, де  
чигал нуқт  
чик» парда  
Бу ҳавои,  
ҳайиқтири

В.А.Ус  
да муалли  
муסיқаси»  
Фитратга  
яда таҳси  
си, адаби  
уларнинг  
қатга зид  
Шарқ мус  
«кичик па

Бу ма  
са шуки,  
«Шашмақ  
дан завқ  
мумкин қ  
Бунинг уч  
Фиёс каби

Фитрат ва В.А.Успенский имзолаган шартномага кўра 1922–1923 йилларнинг баҳор ва ёз ойларида тадқиқотчи Бухорода яшаб, Шарқ мусиқа мактаби ҳовлисида (Хўжа Зайниддин масжиди ёнидаги «Карвонсарой» биносида) «Шашмақом»ни нотага олиш ишларини олиб борган. В.А.Успенский, Ота Жалол, Ота Фиёс ва Ражабзодалар ўтириб, Домла Ҳалим ва танбурчи Маъруфжонлар тикка туриб тушган машҳур сурат ҳам ана шу бино ҳовлисида олинган.

«Шашмақом»ни нотага ёзишда В.А.Успенский ва Фитрат ўртасидаги муносабатлар ахлоқий ва илмий-ижодий тарафлардан таҳсинга сазовор. Унда бу икки улкан санъаткор, ижод самарасини шахсий манфаатлардан устун қўйиб, «Шашмақом» мусиқий матнини хатга тушириш жаҳоншумул аҳамиятга молик тадбир эканлигини чуқур ҳис этганликлари сезилиб турарди. Ваҳолонки, Бухоро фарзанди бўлган, маърифатпарвар аллома Фитрат ва Петербург консерваториясини муваффақиятли тамомлаб, «озод санъаткор» мартабасига мушарраф бўлган моҳир композитор В.А.Успенский «Шашмақом» каби мўъжизакор мусиқий мажмуани нота ёзувида акс эттириш ўта мураккаб ҳамда масъулиятли вазифа эканлигини жуда яхши тушунганлар.

XIX асрда Европада айрим олимлар Форобий, Ибн Сино каби Шарқ мутафаккирларининг рисолаларидан лавҳалар таржима қилиб, бу донишмандларнинг қарашлари ғарб мусиқий назариясидан тубдан фарқ қилади, деган ғояларни олдинга сурадилар. Бундай баҳсларнинг энг чигал нуқтаси гўё Шарқ мусиқаси ғарб мусиқасига хос бўлмаган «кичик» пардалар тизимига асосланади, деган масалага бориб тақалган. Бу ҳавои, мавҳум ва ўринсиз назариялар ҳар қандай тадқиқотчини ҳам ҳайиқтириб, Шарқ мусиқасига қўл уришга журъат этишга қўймаган.

В.А.Успенский бундай қарашлардан хабардор бўлган. Бу тўғрида муаллиф ўзининг юқорида тилга олинган «Ўзбекларнинг классик мусиқаси» мақоласида ҳам тўхталиб ўтади. Бундай саёз фикрлар Фитратга ҳам таниш бўлганлиги аниқ. У 1909–1914 йилларда Туркияда таҳсил олган пайтларида, Европа олимларининг Шарқ мафкура-си, адабиёти ва санъати ҳақидаги қарашлардан хабардор бўлишга, уларнинг келиб чиқиш негизларини тушунишга интилади ва ҳақиқатга зид бўлган фикрларни танқид қилишдан қайтмайди. Бевосита Шарқ мусиқасининг европача нота ёзувда ифодалаб бўлмайдиган «кичик пардалар» ғоясига ҳам қўшилмайди.

Бу масалада Фитрат ва В.А.Успенскийларни яқинлаштирган нарсасуки, улар амалиётдан йироқдаги мавҳум ғояларга берилмасдан, «Шашмақом» таркибидаги куй ва ашулаларнинг бадиий салоҳиятидан завқ олишга ва бу етук санъатнинг парда ва вазн унсурларини мумкин қадар аслига яқин қилиб хатга тушириш устида ўйлайдилар. Бунинг учун «Шашмақом»нинг ишончли манбаига, Ота Жалол ва Ота Фиёс каби пири устозларга таянишни маъқул топадилар. Нағма (тон)

бирликларининг маҳражи (индекси)ни белгилашда эса, иложи бори-ча оддий ва содда услубларга мурожаат этишга ҳаракат қиладилар.

В.А.Успенский ёзувларидаги «Шашмақом» танбур созидан келиб чиққан ҳолда, унинг дастасидаги пардабандларда ифодаланган табиий диатоник товушқатор асосида ноталаштирилган. Хоразм танбур чизиги нота ёзуви ҳам худди шу аснода тартиб этилган эди. Аслида бу содда ва тўғри йўл. Дарҳақиқат, «Шашмақом» тизимида танбур етакчи соз. Бошқача қилиб айтганда, биз бугун «Бухоро танбури» дейдиган асбоб «Шашмақом» маҳсули, унинг асрлар давомида шаклланган парда тизимининг чолғу созида акс эттирилганлиги.

Ҳанузгача шундай. Ваҳоланки, танбурнинг тузилиши ва товуш кўлами, алоҳида номлар билан юритиладиган йигирма тўртта парда тузилмасидан иборат «Шашмақом» мусиқий тизимини ижрода тўлатўкис ифодалаш имконини беради. Жумладан, сарҳисоб этиш ва айниқса, ёзувда белгилаш амри маҳол ҳисобланувчи чигал («кичик») нозик пардаларни бадиий гўзал тарзда намойиш этиш мумкин. Най ва гижжакдан ташқари, амалдаги бошқа чолғу асбоблар бундай кўламга эга эмас. Лекин, «Шашмақом» куйларини бошдан охир найда, гижжакда чалиш ёки ашула йўлларида най ва гижжакни якканавоз сифатида ишлатиш бизда одат этилмаган. Энг муҳими, танбур садоси инсон овозига яқин турадиган, ижро ва эшитишга қулай келадиган фазилатларга эга. Шунинг учун, танбур товушқатори ва унга асосланган, парда тизимини Шарқ мусиқий тараққиётидаги энг эътиборли кашфиётлардан бири дейиш мумкин.

Парда асоси назаридан Европа мусиқасининг мезони бошқача. У сунъий, хроматик ярим парда маҳражи (индекси)дан келиб чиқувчи тенг тақсимланган (темперация) тизимига асосланади. Европа мусиқасида етакчи аҳамият касб этувчи фортепиано асбоби айнан шунга мосланган. Шунинг учун, европача температура созига одатланганлар Шарқ мусиқасига хос нозик пардаларни ҳис этиб, идроклашда қийналадилар. Шарқ ва ғарб мусиқалари қовушмайди, деган даъволарнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳам шунда деб ўйлаймиз. Аслида эса, бу мусиқий тафаккурларнинг негизи бир ва уларнинг орасида ўтиб бўлмайдиган тўсиқ йўқ. Лекин, урф этилган одатлари фарқ қилади. Фитрат уқтирмоқчи бўлган ва В.А.Успенский кўрсатган йўл-йўриқ ҳам шу.

Ўз даврининг манбаларида В.А.Успенский «созанда-этнограф» деб кўрсатилади. У пайтларда «этнография»га «илмлар онаси» деган нисбат берилган. Айниқса, ижтимоий соҳалардаги олимлар шаҳар ва қишлоқларда юриб, халқ хотирасида сақланиб келаётган маълумот, тушунча ва ибораларни тўплаб, ўрганар эканлар, текширишлардан ўтган хулосаларни кенгроқ илмий доирага тортишга ҳаракат этганлар. В.А.Успенский том маънодаги созанда-этнограф. У мавҳум олди-қочди гаплардан кўра, кўпни кўрган устоз созанда-

лар бисоти, рўёбга чиқа

Бизнинг пенский «м хотирага» э қатъи назар сақлаб қол муайян куй экан. Шунд эшитган на ярим соат- чалиб бери созанда қа этади. Бу са. Лекин, ди ва баъз

Парда В.А.Успенский қилиб, уни белгилари ларда эса Дугоҳ, На бемоль би дан ташқи нозик сиф Танбурда

Бу ама ва одат т бурнинг пардабан эса, ниҳо қўлнинг ди (бу ҳол кин). Шу бармоқ б ди. «Шау температура ихтисосл нинг ҳож сида ба ларга то гилари э

Хулл мусиқий

лар бисотидаги куй ва ашулалар қаърига бекитилган билимларни рўёбга чиқаришга интиланган.

Бизнинг мавзу учун яна бир нозик масала. Гап шундаки, В.А.Успенский «мутлақ эшитиш» (абсолютный слух) ва «мутлоқ муסיқий хотирага» эга бўлган. У бир эшитишда, куйнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, унинг тўла матнию нозик пардаларига қадар хотирада сақлаб қолган. Эски созандаларнинг эслашича, «Шашмақом»нинг муайян куй йўлини бир марта танбурда чалиб беришни илтимос қилар экан. Шундан сўнг созандани озод қўйиб, ўзи бир чеккада ўтириб, эшитган нарсасини нотага ёзишга киришар ва бу жараён баъзан ярим соат-бир соатгача давом этар экан. Одатда, иккинчи марта чалиб беришни сўрамаган. Мазкур услубнинг афзаллиги шундаки, созанда қайта чалиб берганда, у куйни албатта бошқачароқ ижро этади. Бу оғзаки жорий этиладиган муסיқаннинг табиатига хос нарсаси. Лекин, икки-уч вариант хотирага ўрнашса, тадқиқотчини чалғитади ва баъзи ҳолларда иккилантириб қўйиши мумкин.

Парда баландликларини белгилаш масаласига келадиган бўлсак, В.А.Успенский қандай эшитган бўлса, шундай ёзган. Куйни таҳрир қилиб, уни у ёки бу тизимга мослашни ўйлаб ўтирмаган. Альтерация белгиларини қанча лозим бўлса, шунча қўйиб кетаверган. Айрим ҳолларда эса тегишли мақом йўллари, масалан, Орази Наво ва Орази Дугоҳ, Наво ва Дугоҳ мақомларининг Ҳусайнийлари калитда тўрт бемоль билан ёзилган. Шунчаки Европа муסיқаси нуқтаи назаридан ташқи қарашда, бу ҳолат таажжубли туюлади. Лекин, аслида бу нозик сифатлар Ҳусайний ва Ораз парда тузилмаларига хос нарсаси. Танбурда улар табиий равишда ҳосил қилинади.

Бу амалларнинг моҳиятини тушуниш учун, танбурнинг тузилиши ва одат тусини олган ижро услубига эътибор бериш лозим. Танбурнинг харраки баланд. Дастадаги йўғон ичаклардан қилинган пардабандлар ҳам даста юзидан анча юқори туради. Мис торлар эса, ниҳоятда юмшоқ ва эгиловчан. Ижрода танбур пардалари чап қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан бараварига босилади (бу ҳолатни эски танбурчиларнинг суратларида яққол кўриш мумкин). Шунда кўрсаткич бармоқ билан парда асоси сақланса, ўрта бармоқ билан тор эзилиб, нозик пардаларни ўйнатиб «нола» қилади. «Шашмақом»нинг европача нота ёзувларидаги таажжубли альтерация белгилари ана шундан келиб чиқади. Мақом йўлларига ихтисослашган созандаларга уларни ортиқча тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Созанда дилларидаги ҳис-туйғулар, унинг хотирасида барқарор жойланган мантиққа кўра, ўз-ўзидан нозик пардаларга тортилиб бораверади. Нота аломатлари ва альтерация белгилари эса, бу фақат ташқи сурат.

Хуллас, танбур талқинидан келиб чиққан ҳолда «Шашмақом»нинг муסיқий матни нотага олинди. Танбур талқини муносабати билан,



нима учун ашула йўлларининг сўз матнлари ёзилмай қолди, деган табиий савол туғилади. Бу жумбоқни айрим тадқиқотчилар В.А.Успенский ўзбек ва тожик тилларини билмаган ёки бўлса европача нота тизими чапдан ўнга, араб имлоси эса ўнгдан чапга ёзилади, деган важлар билан тушунтиромоқчи бўладилар. Нотага олиш ишларига мутасаддилик қилган Фитратдек зукко донишманд, бундай қийинчиликларни бартараф этишни осонлик билан топган бўлар эди.

Фикримизча, масаланинг туб сабаблари бошқача бўлган. «Шашмақом»нинг одат тусини олган сўз матнлари асосан илоҳий мавзулар билан суғорилган тасаввуфона шеърлардан иборат бўлган. Диний мафкурадан холи бўлган шўро сиёсати бундай сўз матнларини тарғиб этишнинг тарафдори бўлмаган, албатта. Қисқа муддат ичида «Шашмақом»дек улкан мажмуага янги шеърлар манзума этишнинг ҳам имкони топилмаган. Борди-ю, топилганда ҳам, Фитрат ва В.А.Успенскийлар бундай тадбир одат ва одобга ҳилоф нарса эканлигини чуқур идроклаганлар. Шунга кўра, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, «Шашмақом»ни сўз матнларисиз ёзиш маъқул топилган.

Ҳақиқат юзасидан шуни айтиш керакки, В.А.Успенский Ота Жалол дастуридаги «Шашмақом»нинг сўз матнларини ёзиб қолдириш учун жуда кўп ҳаракат қилган. Бахтимизга, Ота Жалол баёзининг ўттизинчи йилларнинг бошида кўчирилган нусхаси сақланиб қолган<sup>1</sup>. Баёз мазмуни, асл матнларга кўра анча қисқартирилган. Фикримизча, бу ҳам айнан шу илоҳий мавзудаги ҳамду сано, наъат, дурд ва муножатларни қисқартириб, фақат ишқий ва дунёвий шеърлар қолдирилган. Шундай бўлса-да, ундан Ота Жалол мактаби олдинги удумлардан фарқли эканлиги маълум бўлади. Шунингдек, Бухоронинг ўзида қайта тикланган матнлар Ота Жалол баёзига жуда яқинлиги ҳам сезилиб туради.

В.А.Успенский нотага олган «Шашмақом» нашрида «Шашмақом» мундарижаси баробарига араб ва кирилл имлоларида берилган. Араб ёзувида қисмларнинг номлари, албатта, аслига кўпроқ мувофиқ келтирилади. Шунга кўра, биз иккала имлони ёнма-ён келтиришни мақсадга мувофиқ кўрдик.

БУЗРУК بزرک

|

Тасниф تصنيف

Таржия ترجمه

Гардун گردون

<sup>1</sup> А.Джумаев. Шашмақом на грани веков: историко-культурный и музыкальный феномен //Шашмақом сабоқлари. 2-тўплам. – Тошкент, 2005.

Мухаммас **مخمس**

Мухаммаси Насруллоҳий **مخمس نصر اللهی**

Сақили Ислимий **سقیل اسلمی**

Сақили Султон **سقیل سلطان**

II

Сарахбор **سر اخبار**

5-тарона **۵ ترانه**

Талқини Уззол **تلقین عزال**

2-тарона **۲ ترانه**

Насруллоҳий **نصر اللهی**

4-тарона **۴ ترانه**

Насри Уззол **نصر عزال**

Сипориш **سپاریش**

III

Уфар **افر**

Сипориш **سپاریش**

РОСТ **راست**

I

Тасниф **تصنیف**

Гардун **گردون**

Мухаммаси Рост **مخمس راست**

Мухаммаси Ушшоқ **مخمس عشاق**

Мухаммаси Панжгоҳ **مخمس پنجگاه**

Сақили вазмин **سقیل وزمین**

Сақили раг-раг **سقیل رگ رگ**

II

Сарахбор **سر اخبار**

4-тарона **۴ ترانه**

Талқини Ушшоқ **تلقین عشاق**

Тарона **ترانه**

Ушшоқ **عشاق**

Тарона **ترانه**

Сабо **صبا**

Талқинча **تلقینچه**

Сипориш **سپاریش**

III

Уфар **افر**

НАВО نوا

I

Тасниф تصنیف

Таржиъ ترجیع

Гардун گردون

Нағмаи Ораз نغمه عارض

Мухаммас مخمس

Мухаммаси Баёт مخمس بیات

Мухаммаси Хусайний مخمس حسینی

II

Сарахбор سر اخبار

3-тарона 3 ترانه

Талқинчаи Баёт تلقینچه بیات

2-тарона 2 ترانه

Баёт بیات

3-тарона 3 ترانه

Ораз عارض

4-тарона 4 ترانه

Дугоҳ Хусайний دوگاه حسینی

Сипориш سپاریش

III

Уфар افر

Сипориш سپاریش

ДУГОҲ دوگاه

I

Тасниф تصنیف

Таржиъ ترجیع

Гардун گردون

Пешрав پیش رو

Самои سماعی

Мухаммаси Дугоҳ مخمس دوگاه

Мухаммаси Чоргоҳ مخمس چارگاه

Муҳаммаси Хожи Хўжа مخمس محی مجا

Мухаммаси чор сархона مخمس چار سرخانه

Сақили Ашқулло سقیل عشق الله

II

Сарахбор سر اخبار

8-тарона 8 ترانه

Талқини Чоргоҳ تلقین چارگاه

Тарона ترانه

Насри Чоргоҳ نصر چارگاه

5-тарона ۵ ترانه

Ораз عارض

4-тарона ۴ ترانه

Хусайний حسینی

2-тарона ۲ ترانه

III

Уфар افر

Сипориш سپاریش

СЕГОҲ سه گاه

I

Тасниф تصنیف

Таржиъ ترجیع

Хафиф خفیف

Гардун گردون

Мухаммаси Сегоҳ مخمس سه گاه

Мухаммаси Ажам مخمس عجم

Мухаммаси Мирзаҳаким مخمس میرزا حکیم

Сақили Бастанигор سقیل بسته نگار

II

Сарахбор سر اخبار

7-тарона ۷ ترانه

Талқини Сегоҳ تیقین سه گاه

Тарона ترانه

Насри Сегоҳ نصر سه گاه

Хоро خارا

5-тарона ۵ ترانه

Ажам عجم

2-тарона ۲ ترانه

Сипориш سپاریش

III

Уфар افر

Сипориш سپاریش

ИРОҚ عراق

I

Тасниф تصنیف

Таржиъ (қовуз) ترجمیع

Чамбар (сурнай) چمبر

Фаръ фари (сурнай) فرغ فرعی

Мухаммас مخمس

Сақил سقیل

Сақил سقیل

Калон Сақил سقیل کلان

II

Сарахбор سر اخبار

6-тарона ٦ ترانه

Муҳайяр محیر

Сипориш سپاریش

III

Уфар افر

Сипориш سپاریش

Мазкур мундарижага кўра, В.Успенский нотага олган Шашмақом таркиботи мусиқий баёзларда келтирилган андозадан бирмунча фарқ қилади. Ташқи фарқларни, яъни баёзларда Мусиқий Шашмақом яхлит туркум, В.Успенский нота китобида эса уч бўлакка ажратилган тузилма сифатида берилишини изоҳлаш учун, аввало, бу манбалар олдида турган мақсадларни эсга олмоғимиз лозим. Юқорида айтилганидек, баёзлар – биринчи навбатда, урф этилган сўз матнларини хотирада сақлаш учун қўлланиладиган дастак, «ён дафтари» (ёрдамчи восита) эканлигини инобатга олиш зарур. Шу сабабдан унга чолғу йўллар мундарижаси, барқарор сўз мантларисиз ва бевосита ижро бадиҳасида тўқиб кетиладиган уфар қатлами кирмай қолган. Мақом туркумининг учга бўлиниши эса олдин айтиб ўтилганидек, хос мухлислар мажлисларида расм этилган тартиб ва низомлардан келиб чиқади<sup>1</sup>.

Шашмақом туркумларининг ички таркиботидаги фарқларни тушуниш эса алоҳида эътибор ва изоҳлар талаб қилади. В.Успенский нота ёзувидаги Шашмақомни шартли равишда чолғу қисмини Ота Фиёс, ашула бўлимани Ота Жалол андозалари дейиш мумкин. Мушкилотлар борасида, Хоразм танбур чизигидан ташқари, бошқа ишончли маълумотларга эга бўлмаганимиз учун, уларнинг олдинги ва кейинги шакллари тўғрисида аниқ фикр юритиш қийин. Лекин,

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Иккинчи боб, 73–74-бетлар.

ашула йўлларининг олдинги таркиботи қайси мантиққа асосланганлиги ва кейинги Ота Жалол андозасида қандай ўзгаришлар юз берганлигини далиллар асосида кўриб чиқиш мумкин.

Мусиқий Шашмақомнинг ички таркиботи мусиқий мантиқ, яъни мақом, даромад ёки сарахбор деб номланувчи бош парда тузилмаси ва унга эргашган наср («сод» ҳарфли) қисмларининг парда тузилмаларидан ҳосил бўлувчи муштарак «мақом» парда тизимига асосланади, деган эдик. Шу аснода, мусиқий баёзлар мазмунига кўра Шашмақом мажмуасининг умумий парда тизими олти мақом ва ўн еттита наср парда тузилмаларидан (охирги «Шаҳноз» – «Зебопари»-ни ҳисобга олмаганда) ташкил топади, деб хулоса қилинганди.

В.Успенский ёзувида эса «наср» ибораси фақат тўрт марта учрайди: Бузрук мақомида Насруллоҳий ва Насри Уззол, Дугоҳ мақомида Насри Чоргоҳ ва Сегоҳ мақомида Насри Сегоҳ (?). Қолган ёрдамчи парда тузилмалар Ушшоқ, Сабо, Баёт, Ораз, Хоро, Ажамлар наср дейилмайди. Мусиқий баёзларда мавжуд бўлган яна учта наср Бузрукдаги Муҳайяри Чоргоҳ, Сегоҳдаги Ҳижоз ва Ироқдаги Наврўзи Турклар умуман тушиб қолган. Бу ҳолатларни фақат доимо ўзгариб турадиган жонли аъёнлар ва уларнинг истилоҳий тизими ҳисобига тушунтириш мумкин.

Худди шунингдек, В.Успенский жадвалида талқин ва талқинчаларни, мақом туркумининг таянч нуқталари бўлган сарахбор ва насрлар орасидаги тарона ҳамда таронасифат қисмлар тоифасидан чиқариб, етакчи аҳамият берилганлигини ҳам жонли аъёнлар эвазига содир бўлган, деб қараш мумкин. Олдин қайд этилганидек, сарахбор ва насрларга эргашиб келадиган ҳамда мустақил парда тузилмаларига эга бўлмаган, ўртадаги қисмчаларнинг тур ва кўри-нишлари кўп учрайди. Уларнинг шакли ҳам баъзан тароналарга ўхшаб кичик ва ихчам келса, айрим ҳолларда насрлар каби тўла бўлган.

Аслида талқин ва талқинчалар ҳам шундай ўртада келадиган қисмлар туркумидан ҳисобланади. Лекин, Ота Жалол андозасида ўртадаги қисмларнинг барчасини – амал, нақш, сувора, жумладан, талқин, талқинча, чапандоз усулларида келадиганларини ҳам умумлаштириб тарона дейиш одат қилинган. Шулардан фақат иккитаси – талқин ва талқинча усулидагиларининг шаклини насрлар андозасида каттайтириб, олти-етти байтли ғазаллар манзума этиб, катта қисмлар қаторига қўйиш расм этилган.

Лекин бундан талқин ва талқинчаларнинг мусиқий моҳияти ўзгарган эмас. Бу номлар байроғи остида мақом туркумларининг парда тизимларининг таркибига янги парда тузилмалари жорий этилмайди. Азалий парда тизимлари қандай бўлса, шундайлигича сақланди. Яъни, талқин ва талқинчалар бош мақом ёки насрлардан бирининг парда тузилмаларининг номига қўшиб айтилганича шундай қолди. Демак, бу тоифадаги ўзгаришлар моҳиятга эмас, кўпинча, фақат ташқи сифатларга, ном-нишонларга тегишли.

XX аср Шашмақом тарихида В.Успенский хизматларига кичик бир хулоса ясайдиган бўлсак, энг аввало, у ўз бурчи ва вазифасини юқори малакада ва сифатли амалга оширди, дейишимиз мумкин. Ўз вақтида В.Успенский китоблари қатағон этилиб, омборхоналарга бекитиб қўйилди. Шу муддат ичида жонли удумларда узилиш юзага келди. Натижада, Шашмақом толиблари ва кенг мусиқий жамоатчилик бу манбадан унумли фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Лекин, асл қадриятнинг баҳоси ҳеч қачон камаймайди деганидек, замонлар ўтиши билан мустақиллик шарофати ила бу манба яна ҳаётга қайтарилди. Унинг бисотидаги маълумот ва илмлар, мазкур давр Шашмақом андозасини тиклашга ҳамда унга таяниб олдинги ва кейинги пайтларда юзага келган манба ва матнларнинг мазмунини чуқурроқ идроклашга хизмат этмоқда.

Абдурауф Фитрат (1886–1938) – ўз замонасининг йирик давлат арбоби, илғор фикрли мутафаккир, миллат тақдири йўлида жон фидо этган маърифатчи, закий олим ва мураббий, истеъдодли адиб ва шоир сифатида XX аср тарихида алоҳида ўрин тугади. У Бухорода зиёли оиласида туғилган. Абдурауфнинг онаси Мустафбиби зиёли аёл бўлганлиги учун ўғлини ёшлигидан савод чиқаришга, адабиёт ва шеърятга изчил қизиқиш уйғотишга даъват этган. Бухородаги машҳур Мирараб мадрасасида таҳсил кўриб юрган пайтларидаёқ Абдурауф ўзининг ноёб истеъдоди, диний ва дунёвий билимларни ўзлаштиришдаги муваффақиятлари билан элга танила бошлаган.

Сўнгра у 1909–1914 йиллар давомида Туркияда яшаб, Европа маданияти ҳамда замонавий ижтимоий-сиёсий оқимлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Уларни миллий мафкура билан қиёслаш борасида сезиларли ютуқларни қўлга киритади ва мутафаккир сифатида кенг танила бошлайди. Хуллас, Абдурауф Фитрат ёрқин истеъдод соҳиби. У қайси соҳага қўл урмасин, ҳақиқат тарафдори бўлиб, юзакилик, сохтагарчилик, тор фикрлаш каби иллатларга қатъий қарши туриб, миллат манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйишга интилади. Шунинг учун унинг ҳаёт ва ижод йўли ноҳақ айблар, тазйиқ ва таъқибларга тўлиб-тошиб, охирида фожиали қатағон билан тугади.

Фитратнинг миллий мусиқамиз тараққиёти ва унинг илмий асосларини тадқиқ этиш борасидаги хизматлари ҳам жуда катта. Унинг бу соҳадаги серқирра ва сермазмун фаолиятини учта асосий кесимда – давлат арбоби, мутафаккир ва бевосита мусиқашуностадқиқотчи сифатида кўриш мақсадга мувофиқ. Фитратнинг давлат арбоби тариқасида миллий мусиқа тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида, юқорида, В.Успенский фаолияти муносабати билан қисқа айтиб ўтган эдик.

Зикр  
ишлари  
ланиб т  
лига ни  
ривожл  
таъмин  
йилнин  
доир» д  
Я.Е.Руд  
собик ж  
сабини  
га йўл  
лардан  
жумхур  
олинди  
вақтли  
тиллари  
фессор  
Фит  
ғул бўл  
дил (Би  
тоннинг  
ги Мос  
Иқт  
кин, ҳоз  
саласи  
ҳам бўл  
Фитрат  
кил Бур  
суҳбатл  
ло пул т  
да, улар  
токи «Т  
Фит  
фалсаф  
«Бедил  
лумки,

<sup>1</sup> Бол  
ган асар

<sup>2</sup> Му  
хотинлар  
қилиниш  
қилган д  
машҳур т

Зикр этилганларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, Шашмақом ишлари муваффақиятли ниҳоясига етиб, нота китоби нашрга ҳозирланиб турган пайтда, Бухоро ҳокимиятининг кўзга кўринган вакилига нисбатан қаттиқ тазйиқ бошланди. Бухоро гўё тезлик билан ривожланиш йўлига ўтиб олиб, марказни дон ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини иккинчи ўринга суриб қўйгани учун 1923 йилнинг 12 июнида Москвада РКП(б) МҚнинг «Бухоро масаласига доир» деган қарори қабул қилинди ва унга биноан қўмита котиби Я.Е.Рудзутак Бухорога келиб, давлат ишларига ўралашиб олган собиқ жадидларни тозалашга киришди. Худди шу даврда «ўз мансабини суиистеъмом қилгани ва молиявий жиҳатдан камчиликларга йўл қўйгани учун» Фитрат ўзи бошқараётган масъул вазифалардан четлатилди. Тез орада у шўро ҳукумати ҳузуридаги Бухоро жумҳуриятининг мухтор вакиллиги томонидан Москвага чақириб олинди ва у ерда чиқаётган «Учқун» ҳамда «Бухарская жизнь» каби вақтли нашрлар ишларига жалб қилинди, Лазаревлар жонли Шарқ тиллари институтига маърузалар ўқиш учун таклиф қилинди ва профессор унвонига сазовор бўлди.

Фитрат Москвадалик даврида кўпроқ бадиий ижод билан машғул бўлди. Айни шу йилларда унинг «Абулфайзхон» фожиаси, «Бедил (Бир мажлисда)» номли илмий бадиҳаси ва «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» каби асарлари ёзилди, уларнинг кўпчилиги Москвада, сўнгги шеърий драма эса Тошкентда нашр қилинди»<sup>1</sup>.

Иқтибос олинган лавҳа мазмунига кейинроқ яна қайтамиз. Лекин, ҳозир мулоҳаза юритилаётган Шашмақомни ноталаштириш масаласи юзасидан бир нуқтага алоҳида эътибор қаратиш лозим. У ҳам бўлса, гўё Фитрат йўл қўйган молиявий камчиликлар ҳақида. Фитрат оиласига яқин алоқада бўлган атоқли композитор Мутаваккил Бурҳонов (1916–2002)<sup>2</sup> ўз вақтида тор доираларда бўладиган суҳбатларда «В.Успенскийга Шашмақомни нотага олдириш учун тилло пул тўлагани сабабли Фитрат ноҳақ тухматга тушди, шундай бўлсада, улар умрининг охиригача садоқатли дўст бўлиб қолдилар ва ҳаттоки «Тўлқин» деган опера ёзмоқчи эдилар», деб таъкидлардилар.

Фитратнинг мутафаккир сифатида Шашмақом мусиқасининг фалсафий асосларига бўлган муносабати маълум даражада унинг «Бедил (Бир мажлисда)» илмий бадиҳасида ўз аксини топган. Маълумки, Фитрат мадрасада таҳсил топаётган пайтлариданоқ Бедил

<sup>1</sup> Болтабоев Ҳ. Фитрат ва истиқлол маънавияти. // Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент, 2000. – Б. 5-30.

<sup>2</sup> Мутаваккил Бурҳоновнинг опалари Фотима Бурҳонова (1908–1978) Фитратнинг хотинлари бўлган. Саидлар авлодидан бўлган Мутаваккилнинг мусиқа соҳасига жалб қилинишида асосан Фитрат сабабчилик қилган. Ёш Мутаваккилдаги иқтидорни ҳис қилган донишманд, унинг учун махсус болалар танбурчаси ясаиб, совға этган ва машҳур танбурчи Мулло Абдурахмон (Абдурахмон Умаров)га шогирдликка берган.



ижодига яқин муносабат билдириб, шу пайтда ҳунарманд ва зиёллар аҳли орасида кенг расм этилган «бедилхонлик» анъаналарини ёшлигидан яхши биларди. Бухоронинг «бедилхонлик» мунозаралари ва уларнинг мусиқага алоқадор томонларини тўлароқ тасаввур этиш мақсадида Фитратнинг мазкур асаридан лавҳа келтирамиз: «Бухоро муллолари орасида форсча гўзал шеърлар ёзмоқ билан машғул бўлган Мулло Қурбон, ёш тараққийпарварлардан Ҳалимбой Қутлуғнинг мактаб ўқувчилари бўлган Шариф билан Эгамберди ҳаммалари Қутлуғ билан кўришдилар. Қутлуғ бу эски танишлари билан кўришиб сўрашгандан сўнг, тубанда қўл қовуштириб турган, ёнларида узаниб тиклаб ёстанган танбур, даф, рубобдан чолғучи онглашилган кишиларга салом берди-да, ўтиб жойига ўтирди.

– Ҳамид ўртоқ, мен бу кеча сизнинг уйингизда ўзимнинг тарихим билан кўришдим, жуда қувондим. Буларнинг ҳаммалари менинг эски танишларим, – деб қўйди.

Ҳамид «хуш келдингиз», дегандан сўнгра қўноқларга чой берди. Чолғучиларга қараб:

– Бизнинг қўноқларга биринчи зиёфатни сиз берасиз дегач, узунча соқоли оқарган, бутун ҳаракатларидан Бухорода мусиқийнинг буюк устозларидан бўлгани онглашилган бир чол танбурни олди, қулоқларини юқори, тубан бураб қўйди. Бир-икки йўла чертиб-да тинглади. Сўнгра танбурнинг чаноғини қўйди-да, кўзларини юмиб, бошини кўкрагига тўғри букиб «Ироқ»нинг «буюк сақили»ни чала бошлади.

Танбур адабий, ишқий бир рўмон ўқир экан каби оғир бир муқаддимага киришди. Унинг титрак товуши ёлғуз ҳавони эмас, сингирларни-да, юракларни-да титратиб ойнинг соф, тиниқ нурига аралашиб йўқолар эди. Чолнинг ўйноқи бармоқлари танбурнинг авж пардаларига яқинлашгач, рўмоннинг фожиали ёнуқ бўлими бошланди. Танбур ўзини бутунлай йўқотди, қийнади, ингради, толпинди, ялинди. Ондан сўнг юқори пардаларга чиқди-да, ўз-ўзини бир оз овутиди, сўнгра тўхтаб қолди.

Букулган бошлар кўтарилди. Юмилган кўзлар очилди.

– Раҳмат ота, раҳмат, – деб чолни мақтаб-да қўйдилар.

Қутлуғ ўртоқ, қалай Шарқ мусиқийсини ёқтирасизми?

– Албатта, ёқтираман. **Шарқнинг қайғусинда виқор, виқоринда ҳасрат борлиғини бизга мусиқийси онглатадир** (таъкид бизники – М.О.). Шарқ мусиқийсини ёқтирмай бўладирми?

– Кечирасиз, ўртоқ, бизнинг мажлисининг иккинчи бўлumi бошланади. Ул ҳам «бедилхонлик»дир. Биласизким: Бедил Шарқнинг энг буюк шоирдир. Биз ҳафтада бир кеча шунда тўпланиб, бир оз мусиқий тинглагандан кейин Бедил ўқиймиз. Сизга оғирлик қилғудек бўлса, айтингиз, бу кеча «бедилхонлик»ни қолдирамиз.

– Йў  
дилни с  
Мен жу  
Бу л  
доирас  
бир сўз  
мажози  
лашдан  
ши, тан  
ши ва у  
(рамзи  
қайта ў  
рат, нас  
жумлад  
эканлиг  
Фит  
аввало  
бўлмиш  
этилган  
бадиҳа  
ломани  
Гап  
да сур  
хос ол  
олим ў  
турган  
дан, ки  
гидан  
РКП(б)  
ликни  
сий зу  
зулла  
Уларни  
«Ўз  
ўзбек  
муҳим  
тақа ў  
амери  
шаҳар  
бири.  
маъна  
қўйил

– Йўқ ўртоқ, йўқ. Менга сира оғирлик қилмайдир. Ўзим ҳам Бедилни сева, сева ўқийман. Ўтунаман, Бедилни келтириб ўқингиз. Мен жуда шодлиқ билан тинглайман...»<sup>1</sup>.

Бу лавҳаларни изоҳлаш узоқ вақт талаб этувчи ва бизнинг мавзу доирасидан чиқувчи алоҳида масала. Бу лавҳадаги деярли ҳар бир сўз, жумла, мусиқий иборалар, Бедил шеърляти каби рамзий-мажозий маънолар билан тўлдирилган: «бедилхон»лик мусиқий тинглашдан бошланиши, меҳмонхонада танбур, доира ва рубоб бўлиши, танбурнинг созланиши, кекса устознинг «Сақили Калон» чалиши ва уни рўмонга қиёсланиши, чолғучи ва тингловчиларнинг хаёл (рамзият) оламига чўмилиши ва бошқалар. Илмий бадиҳани қайта-қайта ўқиб, ундан олам-олам маъно кашф этиш мумкин. Ундан, Фитрат, нафақат сўз устаси, истеъдодли адиб ва шоир, турли илмларга, жумладан, фалсафа ва мусиқа соҳаларига чуқур киришган олим эканлиги аён бўлади.

Фитратнинг мусиқийшунослик меросига келадиган бўлсак, энг аввало шуни айтиш зарурки, бу соҳадаги ягона мустақил намунаси бўлмиш «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи»ни, юқорида зикр этилган «Абулфайзхон» фожиаси, «Бедил (Бир мажлисда)» илмий бадиҳаси, «Шайтоннинг тангрига исёни» шеърый драмаси каби, алломанинг шоҳ асарлари қаторига қўйиш мумкин.

Гап шундаки, жафокаш Фитратнинг Москвада, бундай қараганда сургунда ўтган умри, ижодий самарадорлик тарафидан, ўзига хос олтин давр бўлди. Мусиқий рисола ҳам 1926 йилда, таниқли олим Ўзбекистонга қайтгач ва ҳали ҳурмат ҳамда эътиборда бўлиб турган пайтда ёзилган нодир асар. Ваҳоланки, орадан сал ўтмасдан, китобча энди нашрдан чиққан вақтда Фитратнинг бошига янгидан кулфатлар ёғила бошлайди. 1927 йилда бўлиб ўтган РКП(б)нинг XIV съезди минбаридан Файзулла Хўжаев жадидчиликни идеаллаштиргани учун миллатчиликда айбланади. Бу сиёсий зулмат 1937 йилда кўплаб миллатпарварлар, жумладан, Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат қатағони билан тугалланади. Уларнинг асарлари таъқиб остига олиниб, ман этилади.

«Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» рисоласи, нафақат ўзбек мусиқаси, балки бутун минтақа маданиятига тегишли жуда муҳим илмий манба. Ўзбекистон – жуғрофий жиҳатдан бутун минтақа ўзагини ташкил этувчи диёр. Маданий-маърифий тарафдан, америкалик олим Фридрих Старр таъбири билан айтганда, «минг шаҳар воҳаси»: жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири. Ўзбек классик мусиқаси эса ана шу заминда камол топган маънавий жавоҳир. У моҳиятан Шарқ мусиқа илмининг пойдевори қўйилган Форобий, Хоразмий, Ибн Синолардан тортиб, сўнгги аср-

<sup>1</sup> Фитрат. Бедил (Бир мажлисда). – Тошкент, 1996. – Б. 15-16.

ларда минтақада юзага келган Кавкабий ва Дарвиш Алиларнинг рисоалари ва янги давр миллий мусиқашунослиги ўртасидаги муҳим кўприк вазифасини бажаради. Китобча муқаддимасида шундай дастурий фикрлар бор:

«Ўзбек мусиқасининг асосларини белгилаш, уни ташкил этган унсурларни аниқлаш, кечирган даврларини, бутун сабаблари билан очиқ тайин этиш ва натижада объектив, илмий хулоса чиқариш, ўзимиздан олим – мусиқашунослар етишмагунча мумкин эмас. Шу билан баробар, бизда олим-мусиқашунослар йўқ деб, миллий мусиқа соҳасида илмий ва тарихий татаббуъотга киришмасдан тура олмаймиз, мумкин бўлган даражада бу соҳада ишлаш, тўпланган ва ишланган маълумотларни матбуотга чиқариш лозимдир. Ҳозир тўпланган материалларда илмий усул ёғидан камчиликлар бўлса-бўлар, лекин ўз вақтида тўпланган бу материаллар келгусидаги илмий ишлар учун кўп ёрдам берур, биз бунга ишонамиз.

Бу тақдим этилган «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг сипоришига кўра ўртоқ Фитрат томонидан тузилгандир. Қўмитамиз бу асарни ўзбек мусиқасининг тарихи сифатида ўқуғувчиларга тақдим эта олмаса-да, ўзбек мусиқаси тарихининг маълум бир даврини ўрганиш учун қийматли материал деб айта олади.

*Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси,  
сентябрь, 1926 йил, Самарқанд»<sup>1</sup>.*

Фитрат асари онгли равишда ўтмишдаги мусиқий рисоалар андозасида ишлаган. У икки асосий назарий ва тарихий бўлимлардан иборат. Лекин, шу замонда Бухорода қарор топган чолғу асбобларининг таъриф тафсиллари, тарих қисмида эмас, назарий бўлимнинг охирида берилади. Бу айнан шу мусиқий рисоалар дастуридан қолган одат. Олдинлари, бугунгига ўхшаб муайян назарияларни нота мисоллари билан исботлаш имконияти бўлмаганлиги сабабли, уламо-лар ўз рисоаларида илмий қарашларни сўз воситасида ифодалаб бўлгач, чолғуларнинг товуш тизимлари ва уларда қарор топган унсурларни ўрганувчи бобга ўтганлар. Жумладан, Форобийнинг «Катта мусиқа китоби»да мусиқийнинг бошланғич асослари – илми таълиф ва илми ийқоълар баён этилгандан сўнг, ана шу назарий қарашларнинг амалдаги исботи сифатида чолғу асбобларига оид бўлим келади. Ундан сўнг илми мусиқийнинг олий мақоми бўлмиш ижод (куй яратиш) босқичига ўтилади. Фитрат ҳам ана шу одатга мувофиқ, чолғуларнинг нозик сифатлари ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

<sup>1</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи / А.Рустамов шарҳлари билан нашрга тайёрловчи К.Ҳасан. – Тошкент, 1993. – Б. 3-4.

Рисол  
Шу боис  
чиқарили  
ниши бе  
тушунчал  
«мусиқа»  
тушунча.  
сик муси  
намунал  
бўлим ўз  
рини бел  
жасига (

Бу са  
бўлишга  
ланиши  
эканлиги  
этилиши  
мусиқас  
қарашла  
рат муло

Хусус  
бошлайд  
нисбатла  
батларга  
нинг бўл  
чизиб кў  
салани б  
р»да риё  
рини ҳар  
раж»лари

Ўзбе  
жойида,  
лаб кўрс  
ни эътир  
ги бу «о  
шеърлар  
да кўрил  
йўлида к

Бу хи  
қўлимда  
ман. Ме  
мизни сё

Рисоланинг ҳажми кичик бўлса-да, у моҳиятан фундаментал асар. Шу боисдан ҳам унда илмий-назарий, яъни туб масалалар олдинга чиқарилиб, «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» деб номланиши бежиз эмас. Айтиш мумкин, маънавий ва маърифатий универсал тушунчаларга урғу берилишининг сабаби ҳам шунда. Ваҳоланки, «мусиқа» Шарқ ва Ғарб тафаккурига қадимдан хос бўлган устувор тушунча. Фитрат учун, Шарқ мусиқасининг туб моҳияти унинг классик мусиқасида. Ўзбек классик мусиқасининг шу даврдаги ёрқин намуналаридан бири эса Шашмақомдир. Шунинг учун назарий бўлим ўзбек классик мусиқасининг туб (фундаментал) тамойилларини белгилаш билан бошланиб, амалдаги Шашмақом мундарижасига (тарҳига-чизмасига) келиб тўхтади.

Бу саъй-ҳаракатлар йўлида Фитрат нақадар холис ва объектив бўлишга интилангани яққол сезилиб туради. Мусиқа илмининг бошланиши макон ва замон жиҳатидан муайян бўлган нағма-парда эканлигини ва уларнинг махражлари риёзий услубларда сарҳисоб этилишини Фитрат жуда яхши тушунади. Рисоланинг Шашмақом мусиқасининг умумназарий масалаларга оид қисмида бундай қарашларга аниқ ва равшан изоҳлар берилган. Бу борадаги Фитрат мулоҳазалари, бугунги мусиқашунослар учун ҳам ибратли.

Хусусан, парда масалаларига оид фаслни аллома қуйидагича бошлайди: «Шарқ мусиқий олимлари «нағма»ларнинг бир-бирига нисбатларини шул «нағма»ларнинг «махраж»лари орасидаги нисбатларга кўра белгилайдилар, «нағма»ларнинг махражлари инсоннинг бўғозидир. Бироқ бўғоздаги «нағма» махражларини қоғозга чизиб кўрсата олмаганлари учун улар (мусиқий олимларимиз) масалани бўғоздан «тор»га кўчирадилар. «Нағма» махражларини «тор»да риёзий бир йўлда, жуда ингичка ҳисоб ила белгилаб, ҳар бирини ҳарф билан кўрсатадилар. Шундай қилиб, белгиланган «махраж»ларни мусиқий «парда»лари деб атайдилар»<sup>1</sup>.

Ўзбек классик мусиқасининг бевосита Шашмақомга ўтадиган жойида, Фитрат парда (нағма) назариясини амалий илмларга боғлаб кўрсатишда ожиз эканлигини очиқ тан олади ва қуйидагиларни эътироф этади: «Эсизларким, эл ашулаларимиз, эл куйларимиздаги бу «оҳанг» бизнинг томонимиздан текширилмаган. Ҳатто халқ шеърларидаги бармоқ вазнининг турли шакллари белгилаш йўлида кўрилган аҳамиятсиз бир хизмат ҳам, эл куйларимизнинг оҳанги йўлида кўрилмаган.

Бу хизматни мен ҳам ваъда қила олмайман. Чунки бу тўғрида қўлимда бир восита йўқ, ўзим чолғучи, мусиқийшунос ҳам эмасман. Мени мусиқий билан муносабатим шудир: ўзимизни мусиқамизни севаман, кўбда тинглайман, мусиқамизга бўлган шу муҳаб-

<sup>1</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, 1993. – Б. 8.

батимнинг буйруғи билан бу тўғрида ёзилган эски-янги асарларни ахтариб топиб, текшираман. Бундан ортиқ бир нарсам йўқ. Шу қадаргина бир ҳозирлик билан эл куйларимизнинг оҳангини текшириш йўлида, албатта, иш кўра олмайман. Буни мендан кутиш ҳам бўлмайдир. Эмди келайлик усулли, (бунда асос, илдиз маъносида – М.О.) классик мусиқамизга. Бизнинг классик мусиқамиз «Шашмақом» исми билан юргизилган олти қатор куйлардан иборат»<sup>1</sup>.

Сўнгги жумла мазмунидан маълум бўладики, Фитрат Шашмақом мажмуасини урф этилган одат деб тушунади. Олдинги даврдаги рисола-баёзларда ҳам Мусиқий Шашмақом худди шундай расм-русм сифатида таърифланган эди. Лекин, бу икки тартиб бошқа-бошқа даврларда, ўзга тарихий шароитларда расм этилган дастурлар. Уларни бир-бирига қарши қўйиш ёки тўғридан-тўғри солиштириш, илмий мантиққа хилоф нарса. Урф-одат шунинг учун ҳам урф-одатки, у амалда қандай воқеъ бўлган бўлса, тушунчада ҳам шундай қабул қилинади. Урф этилган нарсага нисбатан нима учун ундай ёки бундай, деган савол қўйилиши ноўрин.

Фитрат Шашмақомнинг олдинги дастурларига қараб ўтирмайди. У рисола муқаддимасида белгиланган асосий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ва ўтмишга қараганда кўпроқ истиқболни кўзлаб, Шашмақом мажмуасининг мумкин қадар тўлароқ мундарижасини тузишга киришади. Шунга кўра муаллиф, олдин баёзларда қўлланилган Шашмақомнинг ички (мусиқий) мантиғига доир «мақом» ва «наسر»дек (ёрдамчи парда тузилмалари маъносидаги) калит-ибораларни қўлламасдан, «куй», «асосий куй» каби амалий тушунчаларни ишлатишга уринади.

Шашмақомнинг Фитрат тузган умумий жадвалини келтиришдан олдин, шуни айтиш керакки, «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи»нинг 1993 йил кирилл имлосидаги иккинчи нашрида мақом таркибий қисмларининг номлари бир сидра кичик ҳарфлар билан ёзилган. Эндиликда қабул қилинган тартибда, мақомлар таркиботида сарлавҳага чиқарилган номлар устувор парда, усул ва шаклга оид атамалар билан боғлиқлиги учун, уларни исм сифатида катта ҳарфлар билан ёзиш расм этилган. Биз ҳам шу дастур йўлидан боришни маъқул кўрдик. Бундан ташқари, Фитрат мундарижасининг айрим нуқталарида батафсил изоҳлар берилган. Мундарижани ихчамлаштириш мақсадида уни изоҳлардан холи қолдирдик ва рисолада келтирилган умумий рўйхатни қуйидагича баён этдик<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Шу асар. – Б. 10.

<sup>2</sup> Ушбу асар. – Б. 15-24.

1 – Ё  
 I. Му  
 1 – Т  
 2 – Т  
 3 – Г  
 4 – I  
 5 – M  
 6 – C  
 7 – C  
 II. На  
 1 – C  
 2 – E  
 3 – V  
 4 – Y  
 5 – T  
 6 – E  
 7 – T  
 8 – I  
 9 – H  
 10 – E  
 11 – V  
 12 – Y  
 13 – T  
 14 – H  
 15 – C  
 III. Ус  
 Уфар  
 мақомни  
 уфар ус  
 ўйун ма  
 2 – I  
 I. Му  
 1 – T  
 2 – Г  
 3 – I  
 4 – M  
 5 – I  
 6 – C  
 7 – C  
 II. На  
 1 – C

## **1 – Бузрук мақоми**

### **I. Мушкилот булоғи**

- 1 – Тасниф
- 2 – Таржиъ (иккаласи ҳам тасниф усулидадир)
- 3 – Гардун (гардун усулидадир)
- 4 – Муҳаммас (муҳаммас усулида)
- 5 – Муҳаммас-и Насруллоҳий (муҳаммас усулида)
- 6 – Сақийл-и Ислимий (сақийл усулида)
- 7 – Сақийл-и Султон (сақийл усулида)

### **II. Наср булоғи**

- 1 – Сарахбор (сарахбор усулида)
- 2 – Биринчи тарона (18-рақамдаги усулда)
- 3 – Иккинчи тарона (19-рақамдаги усулда)
- 4 – Учинчи тарона (яна 18-рақамдаги усулда)
- 5 – Тўртинчи тарона (20-рақамдаги усулда)
- 6 – Бешинчи тарона (талқин усулида)
- 7 – Талқин-и Уззол (талқин усулида)
- 8 – Биринчи тарона (19-рақамдаги усулда бошланиб, бора-бора наср усулига кирадир)
- 9 – Насруллоҳий (наср усулида)
- 10 – Биринчи тарона (саворий усулида)
- 11 – Иккинчи тарона (чапандоз усулида)
- 12 – Учинчи тарона (20-рақамдаги усулда)
- 13 – Тўртинчи тарона (наср усулида)
- 14 – Наср-и Уззол
- 15 – Сипориш (сарахбор усулида)

### **III. Уфар (ўйин) булоғи**

Уфар учун белгили сон йўқдир. Устод мусиқийшунослар бир мақомнинг мушкилот ҳам насрида бўлган куйларнинг ҳаммасини уфар усулида чаладилар. Шунинг учун мажлисининг истагига қараб, ўйун мажлисини давом эттира биладилар.

## **2 – Рост мақоми**

### **I. Мушкилот булоғи**

- 1 – Тасниф (бунинг усули «бакка бум»дир)
- 2 – Гардун (гардун усулида)
- 3 – Муҳаммас (муҳаммас усулида)
- 4 – Муҳаммас-и Ушшоқ
- 5 – Муҳаммас-и Панжгоҳ (муҳаммас усулида)
- 6 – Сақийл-и вазмин
- 7 – Сақийл-и раг-раг (сақийл усулида)

### **II. Наср булоғи**

- 1 – Сарахбор (сарахбор усулида)

- 2 – Биринчи тарона (мухаммас усулида)
- 3 – Иккинчи тарона (саворий усулида)
- 4 – Учинчи тарона (чапандоз усулида)
- 5 – Тўртинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 6 – Талқин-и Ушшоқ (талқин усулида)
- 7 – Бир тарона (наср усулида)
- 8 – Наср-и Ушшоқ (наср усулида)
- 9 – Бир тарона (19-рақамдаги усулда)
- 10 – Наср-и Сабо (наср усулида)
- 11 – Талқинча (талқин усулида «ист»сиз айланадир)
- 12 – Сипориш  
Бундан сўнг уфар (ўйин) булоғи бошланадир

### 3 – Наво мақоми

#### I. Мушкilot

- 1 – Тасниф
- 2 – Таржиъ (тасниф усулида)
- 3 – Гардун (гардун усулида)
- 4 – Нағма-йи Ораз (тасниф усулида)
- 5 – Мухаммас-и Наво
- 6 – Мухаммас-и Баёт (мухаммас усулида)
- 7 – Мухаммас-и Ҳусайний
- 8 – Сақийл (сақийл усулида)

#### II. Наср

- 1 – Сарахбор (ўз усулида)
- 2 – Биринчи тарона (наср усулида)
- 3 – Иккинчи тарона (саворий усулида)
- 4 – Учинчи тарона (талқин усулида)
- 5 – Талқин-и Баёт (талқин усулида)
- 6 – Бир тарона (талқин усулида бошланиб, наср усулида битадир)
- 7 – Наср-и Баёт (наср усулида)
- 8 – Биринчи тарона (19-рақамли усулда)
- 9 – Иккинчи тарона (яна 19-рақамли усулда бўлиб, энг охирида наср усулига кирадир)
- 10 – Наср-и Ораз (наср усулида)
- 11 – Биринчи тарона (19-рақамли усулда)
- 12 – Иккинчи тарона (20-рақамли усулда)
- 13 – Учинчи тарона (талқин усулида бошланиб, охирида наср усулига кирадир)
- 14 – Наср-и Ҳусайний (наср усулида)
- 15 – Сипориш (сарахбор усулига қайтадир)  
Ундан кейин уфар (ўйин) булоғи бошланадир

4 -  
I. I  
1 -  
2 -  
3 -  
4 -  
5 -  
6 -  
7 -  
8 -  
9 -  
II.  
1 -  
2 -  
3 -  
4 -  
5 -  
6 -  
7 -  
8 -  
9 -

1 Ф  
тасида  
Биз  
ган. Ян  
килотла  
лабки у  
кўра, б  
Муסיқ  
Гиёс да  
шундай  
унинг к  
беради  
ги изоҳ  
в Бухор  
«Мураб  
надиган  
исботи  
Чунки у  
да сакл  
дир. Ма  
усулида  
кичик п  
ҳида қи

#### **4 – Дугоҳ мақоми**

##### **I. Мушкилот**

- 1 – Тасниф. Бунинг усулида умумий тасниф усулидан «бум» (бир «бум» – М.О) йўқдур: бакка бум бум бак
- 2 – Пешрав<sup>1</sup> (тасниф усулида)
- 3 – Таржиъ (яна тасниф усулида)
- 4 – Гардун (гардун усулида)
- 5 – Самоъий (самоъий усулида)
- 6 – Мухаммас-и Дугоҳ
- 7 – Мухаммас-и Чоргоҳ
- 8 – Мухаммас-и Хожи Хўжа
- 9 – Мухаммас-и чорсархона

##### **II. Наср буюғи**

- 1 – Сарахбор (сарахбор усулида)
- 2 – Биринчи тарона (саворий усулида)
- 3 – Иккинчи тарона
- 4 – Учинчи тарона (18-рақамли усулда)
- 5 – Тўртинчи тарона
- 6 – Бешинчи тарона
- 7 – Олтинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 8 – Еттинчи тарона
- 9 – Саккизинчи тарона (талқин усулида)

<sup>1</sup> Фитрат изоҳи: Бу иккинчи таснифдан бошқа нарса эмасдир. Шашмақом но-тасида буни гардундан сўнгра ёзиш тўғри бўлмаган.

Бизнинг изоҳ: Бу қисм Хоразм танбур чизигида «Пешрави Гардун» деб берилган. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, танбур чизиги матнларида барча муш-килотларнинг бошланғич қисми мазкур мақом номи билан юритиладиган ва даст-лабки усул «зарбу-л-қадим»га асосланган салобатли шаклда берилади. Мантиққа кўра, бу одат Бухорода ҳам бўлган бўлиши керак. Чунки Хоразм мақомлари Бухоро Муסיқий Шашмақомидан улги олганлиги тарихий фактдир. Эҳтимол, мушкилотчи Ота Фиёс даврига келиб, мураккаб шаклдаги чолғу йўллари эсдан чиқа бошлагандир. Ана шундай мураккаб шакллардан бири «Сақил-и Ишқуллоҳ»ни нотага олиш пайтида унинг куйини Ота Фиёс эслаш олмаган. Бу тўғрида В.А.Успенскийнинг ўзи гувоҳлик беради (В.Успенский. Шесть музыкальных поэм. Москва, 1924, 54 «Р» бетда қўйида-ги изоҳ мавжуд: «Сақил Ашқулло расшифрован мною с хорезмийской нотации т.к. в Бухоре он не сохранился. В.У.»). Бундан ташқари, Хоразм танбур чизигида мавжуд «Мураббаъ», «Мусаббаъ», «Мусаддас», «Ним Сақил», «Чор усул», «Се усул» деб номла-надиган мураккаб қисмларнинг Бухорода сақланмагани ҳам фикримизнинг қўшимча исботи бўлиши мумкин. Фитратнинг таснифни пешравга тенглашида ҳам жон бор. Чунки уларнинг усули бир. Бухоро йўлида «пешрав» атамаси биргина Дугоҳ мақоми-да сақланган. Бошқаларида, эҳтимол, «пешрав»ни «тасниф» дейиш одатга кирган-дир. Мазкур мақомда изма-из учта қисм тасниф, пешрав ва таржиълар бир тасниф усулида келади. Ҳар ҳолда, танбур чизигида бош чолғу қисмдан кейин келадиган кичик пешравлар кўп миқдорда берилади (айрим мақомларда 4-5 тадан). Лекин, ало-ҳида қисм маъносидаги «тасниф» сўзи унда учрамайди.



- 10 – Талқин-и Чоргоҳ (талқин усулида)
- 11 – Бир тарона (наср усулида)
- 12 – Наср-и Чоргоҳ (наср усулида)
- 13 – Биринчи тарона (саворий усулида)
- 14 – Иккинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 15 – Учинчи тарона (чапандоз усулида)
- 16 – Тўртинчи тарона (чапандоз усулида «ист»сиз чалинадир-да, охирида наср усулига айлантирилиб, «Ораз»га ўтиладир)
- 17 – Ораз (наср усулида)
- 18 – Биринчи тарона (19-рақамли усулда)
- 19 – Иккинчи тарона (21-рақамли усулда)
- 20 – Учинчи тарона (талқин усулида)
- 21 – Тўртинчи тарона (19-рақамли усулда бошланиб, охирида наср усулига кирадир)
- 22 – Наср-и Ҳусайний
- 23 – Биринчи тарона (саворий усулида)
- 24 – Иккинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 25 – Сипориш (сарахбор усулида)

Ундан кейин уфар (ўйун) қисми бошланадир

## 5 – Сегоҳ мақоми

### I. Мушкилот

- 1 – Тасниф
- 2 – Таржиъ (тасниф усулида)<sup>1</sup>
- 3 – Хафиф
- 4 – Гардун (гардун усулида)
- 5 – Мухаммас-и Сегоҳ
- 6 – Мухаммас-и Ажам (мухаммас усулида)
- 7 – Мухаммас-и Мирзаҳаким (мухаммас усулида)
- 8 – Сақийл-и Бастанигор (сақийл усулида)

### II. Наср бутоғи

- 1 – Сарахбор (сарахбор усулида)
- 2 – Биринчи тарона (20-рақамли усулда)
- 3 – Иккинчи тарона (18-рақамли усулда)
- 4 – Учинчи тарона (18-рақамли усулда)
- 5 – Тўртинчи тарона (суворий усулида)
- 6 – Бешинчи тарона (19-рақамли усулда)

<sup>1</sup> Бухорода «хафиф» ҳам тасниф усулида чалинадир. «Хоразм тарихчаси»да хафиф усули мана бундайдир: бака бака бум бум бака бака бум бум бака бака бум бум бака. Умумшарқ мусиқийсида хафиф исмли айрича бир усул борлигини назарда тутсак, «тарихча»да ёзилганнинг тўғрилиги лозим келадир. Ушбу асар. – Б. 19.

- 7 – Олтинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 8 – Талқин-и Сегоҳ (талқин усулида)
- 9 – Бир тарона (наср усулида)
- 10 – Насри Сегоҳ (наср усулида)
- 11 – Насри Хоро (наср усулида)
- 12 – Биринчи тарона (суворий усулида)
- 13 – Иккинчи тарона (талқин усулида)
- 14 – Учинчи тарона (20-рақамли усулда)
- 15 – Тўртинчи тарона (яна шул 20-рақамли усулда чалиниб, охирида наср усулига айлантириладир)
- 16 – Наср-и Ажам (наср усулида)
- 17 – Биринчи тарона (чапандоз усулида)
- 18 – Иккинчи тарона (чапандоз усулида бошланиб, охирида озгина ўзгариш билан сарахбор усулига ўтадир-да, сипориш чалинадир)
- 19 – Сипориш (сарахбор усулида)  
Бундан кейин уфар (ўйун) қисми бошланадир.

## **6 – Ироқ мақоми**

### *I. Мушкилот*

- 1 – Тасниф (тасниф усулида)
- 2 – Таржиъ (тасниф усулида)
- 3 – Чанбар (тасниф усулида)
- 4 – Фарфар (чанбар усулида)
- 5 – Мухаммас-и Ироқ (мухаммас усулида)
- 6 – Сақийл-и Ироқ (сақийл усулида)
- 7 – Сақийл-и Ферузшоҳий (сақийл усулида)
- 8 – Сақийл-и Калон (сақийл усулида)

### *II. Наср буюғи*

- 1 – Сарахбор-и Ироқ (сарахбор усулида)
- 2 – Биринчи тарона (суворий усулида)
- 3 – Иккинчи тарона (суворий усулида)
- 4 – Учинчи тарона (18-рақамли усулда)
- 5 – Тўртинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 6 – Бешинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 7 – Олтинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 8 – Наср-и Муҳаййар (наср усулида)
- 9 – Биринчи тарона (19-рақамли усулда)
- 10 – Иккинчи тарона (суворий усулида)
- 11 – Учинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 12 – Тўртинчи тарона (19-рақамли усулда)
- 13 – Сипориш (сарахбор усулида)

Бундан кейин уфар (ўйун) қисми бошланадир.

Шашмақомнинг айрича шўъбачалари бор. Бу шўъбача мақомлар билан бирга эмас, айрича ижро этиладир (чалинадир), бироқ булардан ҳар бири бир мақомнинг пардасидан бошланиб, шунга ўхшаб юргани учун, шу мақомнинг шўъбачаси саналадир. Шу шўъбачаларнинг ҳаммаси ашулалидир.

### Бузрук мақомининг шўъбачалари

I. Савт-и Сар- виноз (савт усулида)	II. Мўғулча (савт усулида) <sup>1</sup>	III. Дутор Ироқи (бака бум бум	IV. Бебокча (уфар усулида) <sup>2</sup>
Талқин (талқин усулида)	Талқин (ўз усулида)	бак*бум) Талқин	V. Сийнахарош (сарахбор усулида) <sup>3</sup>
Қошғарча (қош- ғарча усулида)	Уфар (ўз усулида)	Тушурма Талқин	Талқин (ўз усулида)
Соқийнома (ўз усулида)	Уфар	Уфар	Қошғарча (ўз усулида)
Уфар (ўз усулида)			VI. Рок (талқин усулида)
			Рок тушурмаси (бум бака бум бака бум бак)

<sup>1</sup> Аслида, амалда савт ва мўғулча усуллар бошқача: талқинча ва чапандоз усулларининг муносабатига ўхшаб, боши охирга олинганлиги билан фарқ қилади. Назарий жиҳатдан Фитрат ҳақли. Чунки ўтмиш мусиқашунослари бундай фарқланувчи вариантларни бир усул деб олганлар. Айнан шу сабабдан мўғулча усули, алоҳида тузилма сифатида Фитрат тузган умумий усул жадвалига кирмай қолган.

<sup>2</sup> Аслида Бебокча ҳам бир туркум бўлган. Лекин ундан фақат уфар қисми сақланиб қолган. А.Бобохонов уни тўлалигича тиклаган. Der Shashmaqam aus Buchara uberliefert von den alten Meistern notiert von Ari Babakhanov. Angelika Jung (Hg). – Berlin, 2010.

<sup>3</sup> Улуғвор икки зарбли усулнинг халқчил ва тезлаштирилган варианты эканлигини эътиборга олиш лозим.

### Рост мақомининг шўъбачалари

I. Савт-и Ушшоқ	II. Савт-и Сабо
Талқин	Талқин
Қошғарча	Қошғарча
Соқийнома	Соқийнома
Уфар усуллари	Уфар
юқоридаги каби- дир, бундан ке- йин усулларни кўрсатмаймиз. Ўзидан англашиладир.	

### Наво мақомининг шўъбачалари

I. Савт-и Наво (Савт-и Калон ҳам дейилади)	II. Наво Мўғулчаси Талқин Уфар	III. Каримқулбек Мўғулчаси Талқин Ним чўпоний (талқин усулида) Талқин Уфар	IV. Наво Мус- тазоди (муста- зод усули «бум бак бум бак*»дир Талқин Уфар
--	---	---	---

### Дугоҳ мақомининг шўъбачалари

I. Савт-и Чор- гоҳ биринчи (бака бак бум бум бак усулида)	II. Дугоҳ Мўғулчаси Қаланда- рий Саманда- рий Талқин Уфар	III. Сарахбор-и Оромижон (сарахбор усулида) Оромижон (бум бак бака бум бак*) Уфар	IV. Хуноб (усулсиздир) Талқин Уфар
---	--	--	---

### Сегоҳ мақомининг шўъбачалари

I. Савт-и	II. Сегоҳ	III. Сегоҳ	IV. Гирёнқозоқ
Жалолий	Мўғулчаси	Мустазоди	Талқин
Талқин	Талқин	Талқин	(талқин усулида)
Кошғарча	Уфар	Уфар	Талқин
Соқийнома			Уфар
Уфар			

### Ироқ мақомининг шўъбачалари

Муҳайяр Савти  
Талқин  
Қошғарча  
Соқийнома  
Уфар  
Ироқнинг катта уфари

Фитрат жадвали юзасидан хулосалар қиладиган бўлсак, энг авало, у замон талабларидан келиб чиққан ва олдинги Мусиқий Шашмақом низомларига юзаки эргашмасдан қилинган мустақил дастур эканлигини инобатга олмоғимиз зарур. Шу нуқтаи назардан, биринчи навбатда, кўзга ташланадиган нарса, Мусиқий Шашмақом қарашларида устувор аҳамият касб этувчи «мақом» (маънодошлари «даромад» ва «сарахбор») ҳамда ёрдамчи «парда (лад) тузилмалари» аҳамиятидаги наср («сод» ҳарфи билан ёзиладиган) ибораларнинг бошқача талқин этилишидир.

Бунда «мақом» атамаси, асосан, бутун бошли мусиқий мажмуани англатади ва «парда», «парда тузилмаси» ёки «парда тизими» маъноларидан кенг равишда ишлатилади. Фитрат қарашларида устувор мақом иборасининг «парда (лад)» ва «парда (лад) тузилмалари» тарафига деярли эътибор берилмайди. Ёрдамчи «парда (лад) тузилмалари» маъносидаги «наср» атамаси эса умуман истилоҳдан туширилиб, унинг ўрнига башқа имло ва маънодаги «наср» ибораси ишлатилади.

Юқорида қайд этилганидек, наср сўзи араб имлосида икки хил ёзилади, яъни «сод» (ص) ва «са» (ث) ҳарфлари билан. «Сод»ли «наср» луғатда «ғалаба», «кўмак» деганни англатади, мусиқий истилоҳда эса бош «мақом»га ёрдамчи вазифасини билдирувчи парда (лад) тузилмаларини назарда тутати. «Са»ли «наср» эса луғатда «сочма» (проза) маъносида келиб, Шашмақом тизимида «Мушкилот»га муқобил равишда ашула йўлларининг умумий номини билдиради, дейилади. Шашмақомнинг таркибий қисмларга нисбатан, Фитрат кенг

маънодаги «куй» ва «асосий куй» атамаларини ишлатади. Ваҳоланки, «куй» муштарак «мақом» тушунчасининг фақат бир жиҳати.

Атоқли мақомшунос Исҳоқ Ражабов таърифига кўра, «Мақом маълум лад асосига мос келадиган ва муайян пардалардан бошланадиган куй ва ашулалар мажмуасидир»<sup>1</sup>. Мақом бир, лекин унинг асосида ишланган куй ва ашулалар кўп бўлиши мумкин. Бундан шундай хулоса чиқадики, мусиқий истилоҳда мақом – муштарак тушунчанинг мантиқий тарафи. Мусиқий асарни хаёлда йиғма шаклда товушқатор, жадвал сифатида тасаввур этиш мумкин. Ўтмиш мусиқа манбалари, жумладан, XIX аср Бухоро мусиқий баёзларида ҳам худди шундай. Шашмақом мажмуаси ва унинг таркибидаги ҳар бир туркумнинг лад (парда) асоси бош мақом ва уларга ёрдамчи насрлар («сод»ли) билан сарҳисоб этилган. Ана шу ладлардан ўнланган чолғу ва ашула куйлари келиб чиқади.

Фитрат Шашмақомни «олти қатор куйлардан иборат», деб таърифлайди. Бундаги «қатор» ибораси мақом ва умуман Шашмақом таркиботига кўра жуда тўғри. Дарҳақиқат, «мақомнинг мана шул уч бутоғидан ҳар бири биргина куй эмас, бир «қатор куй»дир»<sup>2</sup>. Лекин, муаллиф Шашмақомнинг ашула йўллари «наср бутоғи»нинг таркиботини тушунтиришда «тарона»га муқобил равишда «асосий куй» тушунчасини киритади: «ҳар бир мақомда асосий куй сарахбор, талқин ва насрдир. Масалан, рост мақомининг наср бутоғида асосийлар: 1) сарахбор; 2) талқин-и ушшоқ; 3) наср-и ушшоқ; 4) наср-и сабо; 5) талқинча куйларидан иборатдир.

Булардан ҳар бирини бир ҳофиз ўқийдир. Булар орасидаги тароналар асосий куйлар саналмайдилар. Тарона мажлисдаги бутун ҳофизларнинг қўшилиши билан ўқиладир»<sup>3</sup>.

Бу ерда мақом-парда ва куй тушунчалари ажратилмаганлиги сабабли чалкашликлар пайдо бўлади. Мусиқий Шашмақом тизимида сарахбор ва насрларга эргашиб келадиган талқин ва талқинчалар асос куйлар қаторига чиқиб қолади. Фитрат жадвалининг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, талқин ва талқинчалар доим сарахбор ёки насрларга эргашиб келади. Ваҳоланки, Шашмақом таркибида «талқин» номи билан юритиладиган мустақил парда тузилмаси (лад) йўқ.

Энди «наср» масаласи хусусида. Олдинги манбаларда, жумладан, Бухоро мусиқий рисоалари ва баёзлари ҳамда Хоразм танбур чизиги нусхаларида, у икки хил ёзувда келади: «Сод»ли наср ёрдамчи парда тузулмалари маъносида, «са»лиси эса ашула бўлимининг умумий номи аҳамиятида. Фитрат эса бу иккала маънони умумийлаштириб, имлода «син» (س) билан ёзиладиган шаклни ишлатган.

<sup>1</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. – Тошкент, 1963. – Б. 33.

<sup>2</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, 1993. – Б. 11.

<sup>3</sup> Шу асар. – Б. 21.

Фитратдек саводхон томонидан бундай «хатога» йўл қўйилиши, биринчи қарашда таажжуб уйғотади, албатта. Ваҳоланки, Насруллоҳий, Насри Уззол, Насри Ушшоқлар олдинги манбаларда доим «сод» билан ёзилган! Гап шундаки, Фитрат рисоласи нашр этилган пайтда, эски ўзбек ёзувини ислоҳ этиш даври бўлган. Шунга кўра имлони мумкин қадар оддийлаштириш мақсадида учта ҳарф ўрнига фақат биттасини қолдириш қабул қилинган. Натижада, юқоридагига ўхшаган англашилмовчиликлар рўй берган. Мақом истилоҳида бунинг асорати ҳанузгача сезилади.

Аллома кашф этган иборалардан яна бири «шўъбача». Олдинлари бундай ибора истеъмолда бўлмаган. Чунки авваллари Шашмақом мажмуаси Фитрат кўзлаган миқёсда ҳеч қачон жамланмаган. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ва бу туб миллий санъатнинг истиқболини кўзлаб у Шашмақомнинг барча қатламларини бир бутун шаклга тўплаб, халқ орасида томир отган йўлларни «шўъбача» номи остида умумлаштиради. Бу мантиқан ва амалий тарафдан чуқур ўйлаб топилган тушунча ва у алломанинг ҳақиқий донишмадлигидан нишона. Олдинлари кенг ишлатиб келинган «шўъба» сўзига биргина «ча» қўшимчасини қўшиш билан масаланинг моҳиятини аниқ ифодалаб беради. Ва шу муносабат билан, Шашмақом бир бутун мусиқий тизим эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Бобнинг бошида қайд этилганидек, Бухоро Шашмақомининг учинчи асосий манбаи – бу Ари Бобохоновнинг нота тўпламидир. Бу китоб В.Успенский ва Абдурауф Фитрат асарларидан деярли 90 йил кейин нашр этилди. Унинг руҳида замонавий мақомшуносликда кечаётган оқимларнинг таъсири яққол сезилиб туради. Ари Бобохонов (1934) Бухоронинг таниқли мақомчилар авлодининг вакили, машҳур Левича (Леви Бобохон)нинг невараси. Унинг отаси Левичанинг илк ўғил фарзанди Моше Бобохонов (1909–1983) ҳам ўз даврининг етук Шашмақом билимдони, ҳофиз ва танбурчиси бўлган.

Ари (тўлиқ исми Ариэл) Моше Бобохоновнинг биринчи ўғли бўлганлиги учун оилада ардоқланиб тарбияланди. Ёшлигидан танбур чалиш ва ашула айтиш унинг севимли машғулотига айланди. Отаси эл-юртда обрўли санъаткор бўлганлиги учун, фарзандининг тарбиясига алоҳида аҳамият бериб, Шашмақом илмини мунтазам ўзлаштириб боришини кузатиб юрди. Арининг ёши етганда, умумтаълим мактаби билан бир қаторда, уни мусиқа мактабига бердилар. У пайтларда, болалар мусиқа мактабида кўп қўлланиладиган миллий чолғу асосан қашқар рубоби эди.

Ари Бобохонов давлат мусиқа таълимининг барча (бошланғич, ўрта ва олий) босқичларини рубобчи сифатида ўтади ва 1959 йилда Тошкент Давлат консерваториясини катта муваффақиятлар билан тугаллади. 1950 йилларда халқ чолғуларида миллий куйлардан кўра, скрипка ва бошқа асбоблар учун мўлжалланган европача

асарлар  
ланти  
бохон  
бўлиб  
ренц  
бобид  
бу ми  
Кс  
фаоли  
торла  
1970  
гулар  
ланди  
росиг  
ватор  
ижрок  
вом  
дан т  
А  
лай м  
та та  
назар  
лаб  
клас  
бўлди  
ришг  
Ўзбе  
тинка  
лил  
М  
йўл о  
тадқ  
танқ  
даво  
лар  
шоги  
шу ал  
фаси  
унда  
А  
била  
дан б  
қот м

асарларни чалиш деярли мажбурий равишда давлат сиёсатига айлантирилган пайтлар эди. Қандай бўлмасин, ана шу йўлда Ари Бобохонов кўп ютуқларга эришди. Хусусан, 1957 йилда Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва талабаларнинг VI Жаҳон фестивалида Ференц Листнинг 6-рапсодиясини фортепиано жўрлигида қашқар рубобида ижро этиб олтин медаль совриндори бўлди. Ўз даври учун бу мислсиз ғалаба эди.

Консерваторияни тугаллаб, Бухоро мусиқа билим юртида меҳнат фаолиятини бошлаган даврда ҳам, у энг аввало, рубобда композиторлар асарларини маҳоратли ижрочиси сифатида танилди. Фақат 1970 йиллар бошига келиб, умуман мусиқий мафкурада ва халқ чолғулар ижрочилигида аста-секин миллийлик тарафига силжиш бошланди. Ари Бобохоновнинг ҳам тафаккури ўзгариб, ота-боболар меросига қайтадан меҳр уйғонди. 1981 йилда Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида Ари Бобохоновнинг якка рубоб ижросидаги концерти муваффақиятли ўтди. Уч соатдан кўпроқ давом этган концерт дастури тўла-тўқис Шашмақом мушкилотларидан тузилган эди.

Ана шу бурилиш нуқтасидан эътиборан Ари Бобохонов бутунлай мақомшуносликка берилди. Биринчи навбатда у отасидан қайта таълим ола бошлади. Шу билан бирга Шарқ мусиқа илмининг назарий асосларини амалдаги Шашмақом йўллари билан қиёслаб жиддий ўрганишга киришди. Бу борада Фитратнинг «Ўзбек класик мусиқаси ва унинг тарихи» рисоласи унга катта мактаб бўлди. Бу рисола қайта-қайта ўқиб, ундан кўп натижалар чиқаришга эришди. Шу билан бирга Шашмақомнинг В.А.Успенский, Ўзбекистон ва Тожикистон нашрларини қунт билан ўрганиб, пластинкаларга ёзишдан ҳамда амалдаги жонли ижроларга қўшиб таҳлил этишдан тўхтамади.

Мустақиллик даврига келиб, мусиқий мерос асосларини ўрганишга йўл очилгач, илмий ва ижодий тажрибаси маълум даражаларга етган тадқиқотчи созанда Ари Бобохонов Бухоро Шашмақомининг илмий-танқидий матнларини яратишга киришди. Ари Бобохонов бутун умри давомида мураббийлик билан шуғулланиб келмоқда. У доим шогирдлар қуршовида. Тадқиқотчи сифатида, у нотага олинган матнларни шогирдларига ўргатиш йўли билан доим амалда синаб борди. Ва ана шу алфозда, шошилмасдан, 2002 йилда Германияга кўчиб кетиш арафасигача Шашмақом ёзувларининг етти вариантини ишлади ва ундан нусха олиб яқин ҳамкасбларига тарқатди<sup>1</sup>.

Ари Бобохоновнинг нота китоби, биринчидан, ўзининг кўлами билан ажралиб туради. Ундан В.Успенский ва Фитрат асарларига

<sup>1</sup> Ари Бобохонов ёзувларининг еттинчи вариантининг икки жилдли нусхаларидан бири Ўзбекистон Давлат консерваториясининг Ихтисослашган илмий-тадқиқот марказида сақланади.



кирмай қолган кўплаб қисмлар жой олади. Айниқса, шўбачалар қатламига мансуб савт ва мўғулчалар туркуми, Ушшоқ, Дугоҳ ва Ироқ мақомларининг асосий куй йўлларида ишланган қатор назираларнинг бир жойга жамланиши, умумий Шашмақом мажмуасининг шакл-шамойилини тўлароқ тасаввур этишга имкон яратди.

Иккинчидан, Ари Бобохонов китобида Шашмақом сўз матнларига асл Бухоро услубига хос бўлган ўзбек ва тожик тилларидаги мумтоз адабиёт намуналари, шунингдек, ўзбекча-тожикча муламма услубидаги шеърларнинг киритилгани алоҳида диққатга сазовордир. 1920 йилларда турли баҳоналар билан азалдан расм этилган матнлар умуман четга чиқарилган эди. 1950 йилларда Душанбе ва Тошкентда Шашмақомнинг миллий андозалари ишланиши муносабати билан, бошқа тилдаги шеърларни киритиш расм бўлмади. Ари Бобохонов эса бобоси ва отаси ён дафтарлари (дастаклари)дан олинган икки тилдаги матнларни аслига қайтарди.

Учинчидан, «Бухоро Шашмақоми» мажмуасининг ички қонунқоидаларини изчил сақлаб келаётган нарса – унинг негизидаги мусиқий мантиқдир. Шунинг учун олдинлари бу мажмуа «Мусиқий Шашмақом» дейилгани ва ундаги «мусиқий» тушунчаси илмий («академик») деганга маънодош эканлиги бежиз эмаслигини айтган эдик. Ари Бобохонов қўллаган илмий ёндашиш Шашмақомнинг бир бутуни (мажмуа кўламида) ва унинг бўлаклари даражасида ҳам намоён бўлади. Умумий миқёсда – бу парда тизими мантиғи. Шашмақом парда тизими азалдан урф этиб келаётган, ҳар бир туркумнинг барқарор негизини ташкил этаётган мақом (асосий) ва наср (ёрдамчи) парда тузулмаларининг ички мувофиқлигидир. Бўлақлар, яъни Шашмақомнинг ҳар бир алоҳида қисми даражасида, ана шу парда тузилмаларининг ички низомлари сақланиб, ҳар бир асарни махсус иборалар билан белгиланган таркибий бўлақларга ажратиб чиқилганидир. Ҳозирда, Шашмақомнинг Ари Бобохонов китобидаги умумий мундарижасини келтириш билан кифояланамиз.

### **Бузрук мақоми**

Бузрук Мушкилоти

Бузрук Таснифи

Бузрук Таржиъи

Бузрук Гардуни

Бузрук Мухаммаси

Насруллоҳий Мухаммаси

Ислимий Сақили

Султон Сақили

Бузрук Сарахбори  
 Бузрук Сарахборининг 1-таронаси  
 Бузрук Сарахборининг 2-таронаси  
 Бузрук Сарахборининг 3-таронаси  
 Бузрук Сарахборининг 4-таронаси  
 Бузрук Сарахборининг 5-таронаси  
 Бузрук Сарахборининг 6-таронаси  
 Уззол Талқини  
 Уззол Талқининг таронаси  
 Насруллоҳий  
 Насруллоҳийнинг 1-таронаси  
 Насруллоҳийнинг 2-таронаси  
 Насруллоҳийнинг 3-таронаси  
 Сипориш  
 Уззол Насри  
 Уззол Насрининг 1-Уфари  
 Уззол Насрининг 2-Уфари

Сарвиноз Савти  
 Сарвиноз Савтининг Чапандози  
 Сарвиноз Савтининг Талқини  
 Сарвиноз Савтининг Қашқарчаси  
 Сарвиноз Савтининг Сақийномаси  
 Сарвиноз Савтининг 1-Уфари  
 Сарвиноз Савтининг 2-Уфари

Бузрук Мўғулчаси  
 Бузрук Мўғулчаси (2-вариант)  
 Бузрук Мўғулчасининг Талқини  
 Бузрук Мўғулчасининг Қашқарчаси  
 Бузрук Мўғулчасининг Сақийномаси  
 Бузрук Мўғулчасининг 1-Уфари  
 Бузрук Мўғулчасининг 2-Уфари

Рок Мустазоди  
 Рок Мустазодининг 1-таронаси  
 Рок Мустазодининг 2-таронаси  
 Рок Мустазодининг Уфари

Бебокча  
 Сийнахарож

## **Рост мақоми**

Рост Мушкилоти

Рост Таснифи

Рост Гардуни

Рост Мухаммаси

Ушшоқ Мухаммаси

Панжгоҳ Мухаммаси

Вазбин Сақийл

Рак – рак Сақийл

Рост-Панжгоҳ Сарахбори

Рост-Панжгоҳ Сарахборининг 1-таронаси

Рост-Панжгоҳ Сарахборининг 2-таронаси

Рост-Панжгоҳ Сарахборининг 3-таронаси

Рост-Панжгоҳ Сарахборининг 4-таронаси

Рост-Панжгоҳ Сарахборининг 5-таронаси

Ушшоқ Талқини

Ушшоқ Талқининг таронаси

Ушшоқ Насри

Ушшоқ Насрининг 1-таронаси

Ушшоқ Насрининг 2-таронаси

Наврӯз-и Сабо

Наврӯз-и Сабо Талқинчаси

Ушшоқнинг 1-Уфари

Ушшоқнинг 2-Уфари

Сипориш

Панжгоҳ Савти

Панжгоҳ Савтининг Чапандози

Панжгоҳ Савтининг Қашқарчаси

Панжгоҳ Савтининг Соқийномаси

Панжгоҳ Савтининг Уфари

Ушшоқ Савти

Ушшоқ Савти Чапандози

Ушшоқ Савтининг Қашқарчаси

Ушшоқ Савтининг Соқийномаси

Ушшоқ Савтининг Уфари

Ушшоқ Савтининг 2-Уфари

Сабо Савти

Сабо Савтининг Чапандози

Сабо Савтининг Талқини	1
Сабо Савтининг Қашқарчаси	2
Сабо Савтининг Соқийномаси	3
Сабо Савтининг Уфари	4
Баёт Мустақодининг Талқини	5
Панжгоҳ Мўғулчаси	6
Панжгоҳ Мўғулчасининг Чапандози	7
Панжгоҳ Мўғулчасининг Талқини	8
Панжгоҳ Мўғулчасининг Қашқарчаси	9
Панжгоҳ Мўғулчасининг Соқийномаси	10
Панжгоҳ Мўғулчасининг Уфари	11
Наво Саёти Қаландарининг Чапандози	12
Қўқон Ушшоғи	13
Қўқон Ушшоғининг Талқини	14
Қўқон Ушшоғининг Қашқарчаси	15
Қўқон Ушшоғининг Соқийномаси	16
Қўқон Ушшоғининг Уфари	17
Баёт III	18
Даромад-и Ушшоқ	19
Дучаа Мўғулчаси	20
Катта Ушшоқ	21
Дучаа Мўғулчасининг Соқийномаси	22
Самарқанд Ушшоғи	23
Содирхон Ушшоғи	24
Дугоҳ мақоми	25
Ушшоқ I	26
Дугоҳ мушкилоти	27
Ушшоқ II	28
Дугоҳ Таржиъи	29
Дугоҳ Гардуни	30
Дугоҳ Пешраи	31
<b>Наво мақоми</b>	
Дугоҳ Мухаммаси	32
Наво Мушкилоти	33
Наво Таснифи	34
Наво Таржиъи	35
Наво Гардуни	36
Нағма-и Ораз	37
Наво Мухаммаси	38
Баёт Мухаммаси	39
Хусайний Мухаммаси	40
Наво Сақийли	41
Дугоҳ Сараҳборининг Соқийномаси	42

Наво Сарахбори  
 Наво Сарахборининг 1-таронаси  
 Наво Сарахборининг 2-таронаси  
 Наво Сарахборининг 3-таронаси  
 Наво Сарахборининг 4-таронаси  
 Баёт Талқини  
 Баёт Талқининг таронаси  
 Баёт Насри  
 Баёт Насрининг 1-таронаси  
 Баёт Насрининг 2-таронаси  
 Наво Орази  
 Наво Оразининг 1-таронаси  
 Наво Оразининг 2-таронаси  
 Наво Оразининг 3-таронаси  
 Наво Хусайнийси  
 Баётнинг 1-Уфари  
 Баётнинг 2-Уфари  
  
 Наво Савти (Савт-и Калон ҳам дейилади)  
 Наво Савтининг Талқини  
 Наво Савтининг Чапандози  
 Наво Савтининг Қашқарчаси  
 Наво Савтининг Соқийномаси  
 Наво Савтининг 1-Уфари  
 Наво Савтининг 2-Уфари  
  
 Баёт Савти  
 Баёт Савти Чапандози  
 Баёт Савти Қашқарчаси  
 Баёт Савти Соқийномаси  
 Баёт Савтининг 1-Уфари  
 Баёт Савтининг 2-Уфари  
  
 Наво Мўғулчаси (Карйимкулбеги)  
 Наво Мўғулчасининг Талқини  
 Наво Мўғулчасининг Чапандози  
 Наво Мўғулчасининг Соқийномаси  
 Наво Мўғулчасининг Уфари  
  
 Баёт Мўғулчаси  
 Баёт Мўғулчасининг Чапандози  
 Баёт Мўғулчасининг Талқини  
 Баёт Мўғулчасининг Қашқарчаси  
 Баёт Мўғулчасининг Соқийномаси

Баёт Мўғулчасининг 1-Уфари  
Баёт Мўғулчасининг 2-Уфари

Баёт Мустазоди  
Баёт Мустазодининг Чапандози  
Баёт Мустазодининг Талқини  
Баёт Мустазодининг Қашқарчаси  
Баёт Мустазодининг Соқийномаси  
Баёт Мустазодининг Уфари

Наво Савти Қаландари  
Наво Савти Қаландарининг Чапандози  
Наво Савти Қаландарининг Талқинчаси  
Наво Савти Қаландарининг Қашқарчаси  
Наво Савти Қаландарининг Соқийномаси  
Наво Савти Қаландарининг Уфари

Баёт III

Дучава Мўғулчаси  
Дучава Мўғулчасининг Чапандози  
Дучава Мўғулчасининг Соқийномаси  
Дучава Мўғулчасининг Уфари

### **Дугоҳ мақоми**

Дугоҳ мушкилоти  
Дугоҳ Таснифи  
Дугоҳ Таржиъи  
Дугоҳ Гардуни  
Дугоҳ Пешрави  
Дугоҳ Самойиси  
Дугоҳ Мухаммаси  
Чоргоҳ Мухаммаси  
Ҳожи Хўжа Мухаммаси  
Чорсархона Мухаммаси  
Ашкуллоҳ Сақийли

Дугоҳ Сарахбори  
Дугоҳ Сарахборининг 1-таронаси  
Дугоҳ Сарахборининг 2-таронаси  
Дугоҳ Сарахборининг 3-таронаси  
Дугоҳ Сарахборининг 4-таронаси

Дугоҳ Сарахборининг 5-таронаси  
 Дугоҳ Сарахборининг 6-таронаси  
 Дугоҳ Сарахборининг 7-таронаси  
 Дугоҳ Сарахборининг 8-таронаси  
 Чоргоҳ Талқини  
 Чоргоҳ Талқининг таронаси  
 Чоргоҳ Насри  
 Чоргоҳ Насрининг 1-таронаси  
 Чоргоҳ Насрининг 2-таронаси  
 Чоргоҳ Насрининг 3-таронаси  
 Чоргоҳ Насрининг 4-таронаси  
 Чоргоҳ Насрининг 5-таронаси  
 Дугоҳ Орази  
 Дугоҳ Оразининг 1-таронаси  
 Дугоҳ Оразининг 2-таронаси  
 Дугоҳ Оразининг 3-таронаси  
 Дугоҳ Хусайнийси  
 Дугоҳ Хусайнийсининг 1-таронаси  
 Дугоҳ Хусайнийсининг 2-таронаси  
 Чоргоҳнинг 1-Уфари  
 Чоргоҳнинг 2-Уфари  
 Чоргоҳ 2-нинг Савти  
 Чоргоҳ 2 Савтининг Чапандози  
 Чоргоҳ 2 Савтининг Қашқарчаси  
 Чоргоҳ 2 Савтининг Соқийномаси  
 Чоргоҳ 2 Савтининг 1-Уфари  
 Чоргоҳ 2 Савтининг 2-Уфари  
 Дугоҳ Мўғулчаси  
 Дугоҳ Мўғулчасининг Чапандози  
 Дугоҳ Мўғулчасининг Талқини  
 Дугоҳ Мўғулчасининг Қашқарчаси  
 Дугоҳ Мўғулчасининг Соқийномаси  
 Дугоҳ Мўғулчасининг 1-Уфари  
 Дугоҳ Мўғулчасининг 2-Уфари  
 Дугоҳ Қаландари  
 Дугоҳ Самандари  
 Чоргоҳ I нинг Савти

Оромижон Сарахбори	Сегох 2-Уфари
Оромижон	Шароф
Оромижоннинг 1-Уфари	
Оромижоннинг 2-Уфари	Жалол
Оромижон Сарахборининг Талқини	Жалол
Айлансин Қулинг Мўғилчаси	Жалол
Айлансин Қулинг Мўғилчасининг Талқини	Жалол
Ироқ Сарахборининг 2-таронаси	Сегох 2-Уфари
Ироқ Сарахборининг 3-таронаси	Сегох 2-Уфари
Ироқ Сарахборининг 4-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Ироқ Сарахборининг 5-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Ироқ Сарахборининг 6-таронаси	Сегох Мўғилчаси
<b>Сегох мақоми</b>	Сегох Мўғилчаси
Сегох мушкилоти	Сегох Мўғилчаси
Сегох Таснифи	Сегох Мўғилчаси
Сегох Таржиъи	Сегох Мўғилчаси
Сегох Хафифи	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сақийли	Сегох Мўғилчаси
Сегох Мухаммаси	Сегох Мўғилчаси
Ажам Мухаммаси	Сегох Мўғилчаси
Мирзаҳаким Мухаммаси	Сегох Мўғилчаси
Бастанигор Сақийли	Сегох Мўғилчаси
Мухаммад Саъди	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахбори	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахборининг 1-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахборининг 2-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахборининг 3-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахборининг 4-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахборининг 5-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахборининг 6-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Сарахборининг 7-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Талқини	Сегох Мўғилчаси
Сегох Талқининг таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегох Насри	Сегох Мўғилчаси
Хоро Наврўзи	Сегох Мўғилчаси
Хоро Наврўзининг 1-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Хоро Наврўзининг 2-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Хоро Наврўзининг 3-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Хоро Наврўзининг 4-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Ажам Наврўзи	Сегох Мўғилчаси
Ажам Наврўзининг 1-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Ажам Наврўзининг 2-таронаси	Сегох Мўғилчаси
Сегохнинг 1-Уфари	Сегох Мўғилчаси



Сегоҳнинг 2-Уфари  
Сипориш

**Жалолий Савти**

Жалолий Савтининг Талқини  
Жалолий Савтининг Қашқарчаси  
Жалолий Савтининг Соқийномаси  
Жалолий Савтининг 1-Уфари  
Жалолий Савтининг 2-Уфари

**Сегоҳ Мўғулчаси**

Сегоҳ Мўғулчасининг Чапандози  
Сегоҳ Мўғулчасининг Талқини  
Сегоҳ Мўғулчасининг Қашқарчаси  
Сегоҳ Мўғулчасининг Соқийномаси  
Сегоҳ Мўғулчасининг 1-Уфари  
Сегоҳ Мўғулчасининг 2-Уфари

**Сегоҳ Мустанзоди**

Сегоҳ Мустанзодининг Чапандози  
Сегоҳ Мустанзодининг Талқинчаси  
Сегоҳ Мустанзодининг Талқини  
Сегоҳ Мустанзодининг Қашқарчаси  
Сегоҳ Мустанзодининг Уфари

**Гиря Савти**

Гиря Савтининг Чапандози  
Гиря Савтининг Талқинчаси  
Гиря Савтининг Талқини  
Гиря Савтининг Қашқарчаси  
Гиря Савтининг Соқийномаси  
Гиря Савтининг Уфари

Фигон I (Фарёд)

Фигон II

**Ироқ мақоми**

Ироқ Мушкилоти  
Ироқ Таснифи  
Ироқ Таржиъи  
Ироқ Чамбари

Ир  
Ир  
Ир  
Фе  
Кат

Ир  
Ир  
Ир  
Ир  
Ир  
Ир

Му.  
Му.  
Му.  
Му.  
Му.

Му.  
Ир  
Му.  
Си  
Му.  
Му.

Му.  
Му.  
Му.  
Му.

Чал  
Чал  
Чал  
Чал

Тўл  
Тўл  
Тўл  
Тўл  
Тўл

Ироқ Фаръ фари  
Ироқ Мухаммаси  
Ироқ Сақийли  
Ферузшохий Сақийли  
Катта Сақийл

**Ироқ Сарахбори**

Ироқ Сарахборининг 1-таронаси  
Ироқ Сарахборининг 2-таронаси  
Ироқ Сарахборининг 3-таронаси  
Ироқ Сарахборининг 4-таронаси  
Ироқ Сарахборининг 5-таронаси  
Ироқ Сарахборининг 6-таронаси

**Муҳайяр**

Муҳайярнинг 1-таронаси  
Муҳайярнинг 2-таронаси  
Муҳайярнинг 3-таронаси  
Муҳайярнинг 4-таронаси  
Ироқ Уфари  
Муҳайяр Уфари  
Сипориш

**Муҳайяр Савти**

Муҳайяр Савтининг Чапандози  
Муҳайяр Савтининг Қашқарчаси  
Муҳайяр Савтининг Соқийномаси  
Муҳайяр Савтининг 1-Уфариси  
Муҳайяр Савтининг 2-Уфариси

**Чамбарий Савти**

Чамбарий Савтининг Чапандози  
Чамбарий Савтининг Соқийномаси  
Чамбарий Савтининг 1-Уфари  
Чамбарий Савтининг 2-Уфари

**Тўлқин Савти**

Тўлқин Савтининг Талқини  
Тўлқин Савтининг Соқийномаси  
Тўлқин Савтининг 1-Уфари  
Тўлқин Савтининг 2-Уфари

Бухоро Ироқи I  
 Бухоро Ироқи II  
 Бухоро Ироқи III  
 Бухоро Ироқи IV

Бухоро Ироқи  
 Бухоро Ироқининг Чапандози  
 Бухоро Ироқининг Талқини  
 Бухоро Ироқининг Қашқарчаси  
 Бухоро Ироқининг Соқийномаси  
 Бухоро Ироқининг 1-Уфари  
 Бухоро Ироқининг 2-Уфари

Гулёр Чапандози

Мазкур жадвалга Шашмақом негизидаги мусиқий мантиқ, яъни парда тузилмалари ва улардан таркиб топадиган парда тизимлари ҳамда шу асосдаги таркибот нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унинг умумий тарҳини қуйидаги чизма шаклида ифодалаш мумкин (олдинги 115- ва 116-бетларга қаралсин)<sup>1</sup>.

Ана шу умумий асосда мақом туркумлари муайян, яъни бош мақом ва ёрдамчи насрлардан иборат, яхлит парда тизими сифатида намоён бўлади. Ҳар бир мақом туркуми эса ижрочилик ва ҳаётга жорий этиш одатларига кўра, учта нисбатан мустақил бўлимлардан таркиб топади. Иккитасида мақом парда тизими бутун ҳолатда, яъни боши, ўртаси ва охири мавжуд тарзда ва биттасида унинг айрим бўлаклари шаклида ифодаланади. Ари Бобохонов жадвалида биринчисига мушкилот деб, иккинчи ва учинчисига «наسر» ва «шўъба-ча» ёки «терма» каби сарлавҳалар қўйилмаган.


Гиря Савтнинг Талқини  
 Гиря Савтнинг Қашқарчаси  
 Гиря Савтнинг Соқийномаси  
 Гиря Савтнинг Уфари  
 Фигон I (Фарёд)  
 Фигон II

Ироқ мақоми


Ироқ Мушкилоти

<sup>1</sup> Чизманинг умумий тарҳини мусиқий баёздаги андоза билан солиштириш қулай бўлиши учун Шашмақом амалиётида сўнгги вақтларда фақат номлари четда қолиб, жонли амалиётда асли мавжуд бўлган «Чоргоҳ-Муҳайяр», «Ҳижоз», «Турк» ва «Гулёр»ларни қавс ичида бердик.

ШАШМАҚОМ ПАРДА ТИЗИМИ



МАҚОМ ТАРКИБИДАГИ ТУРКУМЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ



Ша  
этилиб  
амалий  
таъри  
мида  
вишда  
матла  
тилоҳ  
атама  
мидди  
бот» е  
Ю  
мақом  
билан  
нуқта  
диган  
нинг  
К  
олиб  
рига  
қий  
шаш  
Дарх  
вор  
да у  
L  
қисм  
У, ас  
бўли  
мур  
ди.  
ман

#### IV БОБ

### БУХОРО ШАШМАҚОМИНИНГ ТАРКИБОТИ

Шашмақомнинг амалдаги шаклини, жумладан, Бухорода ижро этилиб келинаётган андозасига ҳам, биз «жонли мусиқий мерос», амалиётда пишиб етилган мўътабар урф-одат (мутаориф удум) деб таърифладик. Ана шу мутаориф удумлар атрофида асрлар давомида юзага келган ибора ва тушунчалар мажмуасини шартли равишда Шашмақомнинг «оғзаки» ёки «амалий» назариясининг аломатлари деб белгиладик. Асрлар давомида шаклланган мазкур истилоҳий жамғармадан иккита калит-иборани бугунги «шашмақом» атамасига маънодош сифатида қиёслаш мумкин. У ҳам бўлса Нажмиддин Кавкабийнинг илмий рисоласида қўлланилган «мураккабот» ва «куллиёт» ибораларидир.

Юқорида зикр этилганидек, «мураккабот» Кавкабий истилоҳида мақом, шўъба ва овозларнинг йиғиндиси сифатида муайян номлар билан белгиланган парда тузилмаларини назарда тутган. Ана шу нуқтаи назардан Шашмақомнинг амалдаги урф-одатларига қиёс этадиган бўлсак, мураккаботни мазмунан бутун бошли мақом туркумининг парда тизимига мос келадиган тушунча дейишимиз мумкин.

Куллиёт эса мусиқий нав ва шаклга оид тушунча. Мазмунан олиб қарайдиган бўлсак, куллиёт ва шашмақом, аслида, бир-бирига яқин маъно касб этади ва йирик ҳажмдаги кўп қисмлик мусиқий шаклни назарда тутди. Шунинг учун ҳам илмий асарларда шашмақом ёнига мажмуа сўзини қўшиб айтиш кўпроқ одат бўлган. Дарҳақиқат, моҳиятан, Шашмақом ўз ҳажми ва кўламига кўра улғувор мусиқий иншоот-мажмуа ва ўз тоифасидаги мусиқа амалиётида унга қиёс топиш қийин.

Шашмақом – кўп қисмликнинг оддий изма-излиги эмас, балки қисмларнинг мантиқан пухта ишланган ва мураккаб кўринишидир. У, аслида, нисбатан мустақил шаклдаги қисмлар яхлит бўлимларга, бўлимлар эса йирикроқ тузилмаларга ва улар, ўз навбатида, янада мураккаброқ таркиботларга уйғунлашган яхлит мажмуани англатади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Шашмақом – қатъий мусиқий мантиқ, яъни парда, усул ва шаклланиш қонун-қоидалари асосида

таркиб топган изчил мусиқий мажмуа. Жумладан, Ари Бобохонов ноталаштирган Бухоро Шашмақоми тўпламида бутун мажмуа 350 га яқин таркибий қисмлардан иборат. У ҳар бири чолғу (мушкilot) ва ашула (насп) жиҳатларига ажратилган қанотлардан, бу тарафлар эса, ўз навбатида алоҳида бўлим, туркум ва қисмлардан иборат олти мақом доираси – Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқларни ўз ичига олади.

Бутун мажмуанинг яхлит мусиқий тизим сифатида таркиб топишида парда, усул ва мусиқий шакл омиллари етакчи аҳамият касб этади. Улар изчил равишда бир-бирини тўлдириб, умумий мажмуанинг мусиқий тизим сифатида уйғунлашувига хизмат қилади. Ва энг муҳими, бу ўзаро қарама-қаршилиқдаги (диалектик) уйғунлашувдир. Ана шу қарама-қаршилиқ нуқтаи назаридан, парда-мақом (лад) асоси бирлаштирувчи, жамловчи, усул (ритм) бўлакловчи, бир-биридан ажратувчи аҳамият касб этади. Шу ўринда қисмларнинг бўлимларга уйғунлашувида мустақил номлар билан юритиладиган лад тузилмалари, чолғу ва ашула тарафларини, бўлим ва айрим тузилмаларнинг бир бутун туркум тарзида жамланишида ҳар бир мақомнинг умумий парда тизими етакчи омил бўлиб хизмат қилади.

Мақом сўзининг луғатда «ўрин», «жой», «мақом», «даража» ва шуларга ўхшаш маънолари бор. Мусиқий истилоҳда у «парда», «лад» тушунчаларини англатади ва моҳиятан «мусиқий» атамасига маънодош ўрнида келади. Парда-лад мусиқий тафаккурнинг устувор ва кенг маъноли тушунчаси бўлганлиги сабабли, истилоҳий қулайлик пайдо қилиш учун, одатда, у муайян даражаларга бўлиб истеъмол этилади.

Шашмақом амалиётидаги парда-лад бирликларини учта асосий даражага ажратиш мумкин. Улар бирламчи лад тузилмаларининг ўзи, ушбу дастлабки лад тузилмаларидан таркиб топадиган мураккаб парда бирликлари ва ниҳоят, мураккаб лад бирликлардан иборат яхлит парда тизими. Мусиқий рисоаларда дастлабки парда ҳужайралари «жинс» дейилган. Шашмақом амалиётида бу ўринда «мақом», «даромад», «намуд» каби атамалар қўлланилган. Ари Бобохоновнинг Шашмақом тўпламида ўн саккизта намуднинг номи келтирилади: Намуди Рост, Намуди Ушшоқ (ундан ташқари яна алоҳида «Авжи Ушшоқ» ҳам бор), Намуди Панжгоҳ, Намуди Сабо, Намуди Бузрук, Намуди Насруллоҳий, Намуди Уззол, Намуди Муҳайяри Чоргоҳ (эътибор берайлик, Муҳайяри Чоргоҳ қисми амалдан чиқиб кетиб, унинг фақат намуди сақланиб қолган), Намуди Наво, Намуди Баёт, Намуди Орази Наво, Намуди Ҳусайний Наво ва ҳоказо. Аслида эса Шашмақом тизимида бирламчи лад ҳужайраларининг умумий сони йигирма тўртта (59-бетдаги жадвалга қаранг).

Муайян лад бирликлари ўтмиш рисоаларида «доира», «парда», «мақом» дейилган ва махсус номлар билан аталган. Бу удум амалда-

ги Ша  
лар би  
(мунд  
Турк в  
Па  
рук, Н  
Ма  
ла-ла  
ри ва  
налар  
Ус  
лабки  
«фаръ  
билан  
дан та  
эга. М  
«Зара  
Ан  
омил  
Масал  
қили  
қалар  
тарон  
XIX ас  
шиб  
ган. Д  
ва ус  
нинг  
лиги  
Ш  
мони  
тун ту  
нинг  
га му  
бошқ  
қисми  
оддий  
яхлит  
ликни  
лоҳда  
амал  
зили  
асос  
икки-  
зида

ги Шашмақомда ҳам сақланган ва унинг таркибида мустақил номлар билан белгиланган йигирма иккита парда тузилмаси мавжуд (мундарижаси юқорида зикр этилган 59-бетдаги жадвалда: Авжи Турк ва Зебо Парилардан ташқари).

Парда тизимлари эса олтита. Улар маълум ва машҳур Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ туркумларини ташкил қилади.

Мақом қисмларининг таркибий бўлақларга, дастлабки куй жумла-ларига бўлинишида вазн ўлчови, усул таркибидаги зарб рукнлари ва умумий куй шаклининг (таснифотини) айрим бўлак ҳамда хоналарга ажратилишида эса усул ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Усул таркибини ҳам уч асосий даражага ажратиш мумкин: дастлабки ийқоъ (ритм) бирликлари, рисоаларда улар «нақорат», «жуз», «фаръ», «рукн», «бахр» ва «зарб» деб юритилган; мустақил номлар билан юритиладиган яхлит усуллар; алоҳида усуллар бирикмасидан таркиб топувчи мураккаб усуллар. Улар ҳам махсус номларга эга. Масалан, «Се усул» деган тузилма «Мухаммас», «Ним сақил» ва «Зарафшон» дейдиган бўлақлардан иборат.

Ана шу устувор тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, иккита бош омил – парда ва усул номлари асар сарлавҳасига чиқарилади. Масалан, Таснифи Рост, Таржеъи Бузрук, Мухаммаси Ушшоқ, Сақили Наво, Сарахбори Дугоҳ, Насри Чоргоҳ, Талқини Уззол ва бошқалар. XX асрдан эътиборан одат этилган тартибга кўра, фақат тароналарда парда ва усулнинг номи сарлавҳага чиқарилмайди. XIX аср баёзларида айрим таронасифат, яъни асосийларга эргашиб келувчи қисмларда ҳам парда ва усул белгилари кўрсатилган. Демак, аслини олганда, Шашмақом таркибида ўзининг парда ва усул билан белгиланмаган бирорта қисм йўқ. Мана шу жиҳатнинг ўзиёқ Шашмақом асослари пухта ишланган илмий тизим эканлиги намоён бўлади.

Шашмақомнинг ички муносабатлари ҳам унинг ижодкорлари томонидан ҳар томонлама ўйлаб, пухта ишлангандир. Мақом бир бутун тузилма сифатида ўнлаган таркибий қисмлардан иборат. Уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси мавжуд ва улар бир-бирига мувофиқ равишда ишланган. Таркибий қисмларнинг ҳар бири бошқалари билан турли муносабатларда бўлади ва шу аснода кўп қисмликнинг хилма-хил кўринишлари юзага келади: очиқ тарздаги оддий қаторлашув ёки боши, ўртаси ва охири аниқ белгиланган яхлит бўлимлар. Ёзма манбалар ва мусиқий рисоаларда кўп қисмликнинг биринчи нави «навба» (луғатда қатор, изма-из) ва истилоҳда оддий қаторлашув ва тизилишни назарда тутати. Навбанинг амалдаги кўринишига Шашмақомнинг чолғу йўлларининг ички тизилиши мисол бўлиши мумкин. Чунки уларнинг таркибида бир усулга асосланган тасниф ва таржеъх, шунингдек, ягона усул асосидаги икки-уч, ҳаттоки тўрт мухаммас ёки сақил изма-из оддий навба тарзида тизилиб келиши мумкин.



Шашмақомнинг ашула йўлларида қисмларнинг кичик (оддий) ва катта (мураккаб) бўлимларга жамланиши кузатилади. Унда ҳар бир қисм ўз ўрни ва вазифасига эга. Бошқача қилиб айтганда, улар бошланғич, ўрта ва якунловчи қисмлар вазифасини бажариши мумкин. Шунга ўхшаган кўп қисмликлар тоифаси ўтмиш муסיқий рисо- лаларида «навбати мураттаб», яъни «тартиблашган навба» дейил- ган. Навбати мураттаб мазмунан қисмлари даражаланган кўп қисм- ликнинг мураккаб кўриниши. Чунки унда қисмлар изма-излиги маълум тартибга ва мантиққа бўйсундирилган.

Асосий (етакчи) ва уларга эргашган қисмларнинг оддий муно- сабатларига, ашула йўлларининг сарахбор ва уларнинг таронала- ри, талқин ва наср жуфтлашуви, наср ҳамда унинг тароналари, шу- нингдек, савт, мўғулча, мустазод ва уларга эргашиб келадиган ча- пандоз, талқин, талқинча, қашқарча, соқийнома, уфар ёки турли уфарлардан иборат бўлимларни мисол келтириш мумкин.

Бир қанча оддийлардан тузилган мураккаб бўлимларга асл Шашмақомнинг ўзагини ташкил қилувчи «Сарахбор» қатлами ми- сол бўлиши мумкин. Эски Бухоро мактаби вакиллари «сарахбор» атамасини икки-уч маънода ишлатганлар. Биринчиси, юқорида қайд этилганидек, мақом туркумининг бошланғич қисми ўрнида. Бунда сарахбор атамаси «мақом» ва «даромад» тушунчаларига маъно- дош бўлиб келади. Иккинчиси, бошланғич қисм ва унга эргашган тароналарни умумлаштирувчи бўлим маъносида. Ва ниҳоят, учин- чиси, Сарахбор ва тароналари, шунингдек, насрлар ва уларнинг та- роналари ҳамда якунловчи Уфар қисмини ҳам ўз ичига оладиган яхлит бир тузилма маъносида. Ари Бобохонов ёзувларида Бухоро Шашмақомининг ашула йўллари айнан шу алфозда берилган. Ушбу шаклни маълум даражада Абдулқодир Мароғий ва Нажмиддин Кав- кабий рисолаларида таърифланган «навбати мураттаб»нинг амал- даги кўриниши дейиш мумкин.

Ашула йўллари таркибидаги оддий ва мураккаб шакллардаги бўлим ҳамда гуруҳлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, уларнинг ичи- даги қисмларнинг ўзаро муносабатлари билвосита ва бевосита бўлишлари мумкинлигига эътибор қаратмоқ лозим. Кўп қисмликнинг оддий шаклларида таркибий қисмлар бошдан охиригача шунчаки изма-из тиркалиб келаверади. Мураккаб шаклларда эса маълум масофадаги қисмлар ўртасида билвосита алоқалар бўлади.

Масалан, бир мақом туркумининг ичида маълум масофада жой- лашган бошланғич Сарахбор, ўртадаги Наср ва якунловчи Уфор қисмлари орасида парда тузилмалари нуқтаи назаридан узвий боғ- ланишлар бўлиши мумкин.

Дейлик, бошдаги Сарахбори Бузрук, бошқа лад тузилмаларига асосланган Насруллоҳий, Насри Уззол қисмларидан ўтиб, бевосита Уфари Бузрукка боғланиб кетади. Ёки ўртадаги Насри Уззол якун-

ловчи Уфари Уззол билан уланади. Бошқа бир кўринишда, Сарахбор фақат охирдаги Сипориш қисми билан боғланиб, боши охирига уланган ўзига хос айлана ҳосил қилади ва шу билан мантиқий жиҳатдан асл Шашмақомни, яъни унинг ўзак доирасини бошқа қатламларидан ажратиб туради.


Шашмақомнинг таркиботини кўз олдига келтириш учун унинг турли қатламларга ажратилган умумий муводили (модел)нинг тарҳи (схемаси)ни келтирамиз (кейинги 122- ва 123-бетларга қаранг).


Келтирилган чизма, Шашмақомнинг мураккаб ва серқирра тарҳиботи ҳақида фақат умумий таассурот беради, албатта. Зеро, ҳар бир мақом бадиий асар сифатида ўзига хос сифатлар билан бойитилган. Ва бу жиҳатлар унинг лад тизими ва таркиботида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, амалдаги Рост, Наво, Дугоҳ ва Сегоҳ мақомларида учтадан ёрдамчи лад тузилмалари мавжуд, Бузрукда – иккита, Ироқда эса биргина. Аслида, уларда ҳам учтадан ёрдамчи парда тузилмалари бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Лекин амалиёт тақозоси бошқача. Бори шу!

Ёки бўлмаса, Наво Мақомининг Мушкilotида асосий Наво ва ёрдамчи Баёт, Ҳусайний ва Ораз парда тузилмалари негизидаги тўртта Мухаммас мавжуд ва улар парда ва усул зотига қараб Наво Мухаммаси, Баёт Мухаммаси, Ҳусайний Мухаммаси ва Ораз Мухаммаси деб номланади. Дугоҳ Мақомида ҳам тўртта Мухаммас бор. Лекин улардан фақат иккитаси Дугоҳ Мухаммаси ва Чоргоҳ Мухаммаси қатъий тизим доирасидаги парда тузилмаларининг номлари билан юритилади. Учтинчиси Хожи Хўжа Мухаммаси (бу бастакорнинг исми ҳам бўлиши мумкин) ва тўртинчиси Чорсархона Мухаммаси номаълум ижодкор маҳсули бўлиб, унда асар шаклига ишора этилган.

Ашула йўлларида, айниқса, уларнинг эркинлик қатламида жойлашган бўлим, гуруҳ ва қисмларда асосий парда тизимидан ташқаридаги антиқа номлар билан юритиладиган ёрдамчи парда тузилмалари кўп учрайди. Масалан, ана шундай ўзига хос шакл навларидан бири «Мустазод»дир. Аслида, бу мақом тафаккури доирасида бор нарса. Хусусан, Абдулқодир Мароғий ўз даврида расм этилган тўрт қисмли «Навбати мураттаб»га қўшимча сифатида бешинчи қисм «Мустазод»ни дарж этганлиги тўғрисида маълумот беради. Лекин Шашмақом таркибида асосий низомдаги бўлим эмас (балки бир вақтлар шундай бўлгандир ҳам), ўзига хос бўлим сифатида Бузрук, Наво ва Сегоҳ мақомларидан ўрин олган.

Ана шундай ўзига хос бўлимлардан яна бири Дугоҳ Мақомидаги Сарахбори Оромижондир. Бунда «Оромижон» бўлимнинг умумий парда тузилмасига берилган антиқа ном. У ҳам бўлса, аслида, ашулада кўп такрорланадиган «оромижон» сўзидан келиб чиқади. Сарахбор эса мақом тизимининг ўзагини ташкил қилувчи калитибора бўлганлиги учун, туркумнинг эркин қатламига тушиб қолган-





лиги бир оз таажжуб уйғотади. Лекин ибтидосида «сарахбор» тушунчаси «мақом» ва «даромад» атамаларига маънодош бўлиб, парда тузилмасининг дастлабки ўзак ҳужайрасига нисбатан ишлатилган ибора эканлигини инобатга олмоғимиз лозим. Шунда, парда тизими нуқтаи назаридан сарахбор ва даромад деганлари маънодош сўзлар эканлигининг гувоҳи бўламиз ва Сарахбори Оромижон ҳамда Даромади Ушшоқларнинг бошланишида келадиган парда ҳужайралари бир тоифага мансублигини тушунишимиз мумкин.

Шашмақом таркиботининг антиқа жиҳатларидан яна бошқа бири Рост Мақомидаги Ушшоқлар ва Ироқ Мақомидаги қўшимча Ироқлар гуруҳларидир. Рост Мақомида Қўқон Ушшоғи бўлимидан ташқари яна Даромади Ушшоқ, Катта Ушшоқ, Самарқанд Ушшоғи, Ушшоқ I ва Ушшоқ II номлари билан юритиладиган алоҳида қисмлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси аслида асосий Насри Ушшоқ парда тузилмасига назира (вариация) сифатида ишланган асарлардир. Шундан фақат Қўқон Ушшоғи савт ва мўғулчалар андозасида ишланган яхлит бўлим. Қолганлари эса ўзига хос жилолар билан бойитилган антиқа ижод намуналаридир.

Худди шундай Ироқ мақомининг таркибида ҳам асосий Сарахбори Ироқ ва Мухайяри Ироқлардан ташқари эркинлик қатламидан яна бешта Бухоро Ироқи жой олган. Уларнинг тўрттаси бир қисмли асар ва тартиб рақамлари билан белгиланади. Ва битта Бухоро Ироқи мўғулча ва савт тоифасида ишланган етти қисмдан иборат яхлит бўлимни ташкил қилади.

Шашмақом таркибидаги ҳар бир туркумнинг ички тузилиши ҳақида яхлит таассурот пайдо этиш учун ундаги бўлим, туркум ва алоҳида қисмларнинг умумий миқдорини кўрсатувчи қуйидаги жадвални таклиф қиламиз:

Мақом номлари	Мушкilot	Сарахбор	Талқин Наср	Наср	Наср	Уфарлар	Эркинлик доира-сидаги ёрдамчи гуруҳ ва қисмлар	Жами
Бузрук	7	7	4	3	–	2	21	44
Рост	7	6	3	5	–	2	34	57
Наво	8	5	4	5	2	2	44	70
Дугоҳ	10	9	5	8	3	2	27	64
Сегоҳ	8	8	5	3	3	2	28	57
Ироқ	8	7	–	6	–	2	29	52

Ҳар бир мақомнинг ички тузилиши ўзига хос ва бадиий жиҳатдан мустақил. Ана шу қарама-қаршиликлардан ташкил топган уйғунликда Шашмақом воқелигининг яна бир бетакрор сифати намоён бўлади. У ҳам бўлса, бу юксак санъатнинг пойдеворини ташкил этувчи эҳтиёж (яъни қатъий низомлар) ва эркинлик (шу низомларнинг ижодий ифодаси) муносабатларидир. Шу нуқтаи назардан, нафақат олти мақомнинг шакли шамойилинини, ҳаттоки иккита мақомнинг ички тузилишини ҳам умумий андозага келтириш амри маҳол. Ҳар бир мақомнинг таркиботини унинг ички хусусиятларини инобатга олган ҳолдагина таърифлаш мумкин.

Муסיқий мантиқ нуқтаи назаридан ҳар бир алоҳида мақом туркуми яхлит муסיқий тузилма сифатида амалиётда пухталанган барқарор парда тизими асосида таркиб топади. Ҳар бир мақомнинг парда тизими ва унинг негизидаги тамойилларни бугунги ўқувчиларга тушунарли бўладиган замонавий тилда ифодалаш учун, энг аввало, Шашмақомнинг серқирра ва кўп қатламли парда тизимининг айрим ўзига хос жиҳатларини изоҳлаб ўтиш лозим.

Биринчидан, одатга кўра, устозлар асрлар давомида мақом парда тизимини танбур торларининг созланиши ва дастасидаги пардабандлардан ҳосил бўладиган товушқатор асосида сарҳисоб қилишни расм этиб келганлар. Шу муносабат билан парда тизимини ифодалашда ишлатиладиган тушунча ва атамалар йиғиндиси юзага келган. Жумладан, Бузрук мақомининг парда тизими зул арбаъ (кварта, созандалар тилида «икки қўл» дейилади) созига созланади ҳамда дастадаги тўртинчи пардадан бошланиб ва яна шу жойга келиб тугалланади. Товушшунослик (акустик) нуқтаи назардан бу парда биринчи октава «ре» товушига тўғри келади. Созандалар уни оддий қилиб «бузрук сози», «бузрук пардаси» деб юритадилар.

Бундан ташқари, бошқа мақомларда бўлганидек, Бузрукнинг ҳам ўзига хос парда-оҳанг жиҳатлари мавжуд. Созандалар тилида улар «ним парда» (ярим парда, яъни парданинг аниқ ярми эмас, балки тўлиб етмаган, чегаралари шаклланмаган маъносида) ва «миён парда» (ўрта парда, яъни икки тўлиқ парда ўртасидаги ҳали шаклланиб етмаган деганни билдиради) деб юритилган. Бундай беқарор пардаларнинг барқарор парда бирликларидан асосий фарқи, муайян ўлчовга эга бўлмаганлигидадир. Шунинг учун ҳам улар умумий парда тизимида маълум вазифага эга эмас. Ва фақат, барқарор пардалар ёнидаги қўшимча ва безак ўрнида келади.

Аммо, шунга қарамасдан, нозик оҳанглар мақом парда тизимининг жуда муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади ва муайян мақомнинг тимсолини тасаввур этишда ўзига хос аҳамият касб этади. Уларни ёзувда белгилар билан ифодалаш амри маҳол. Лекин амалда нозик пардаларни созандалар ҳис этиш йўли билан табиий ра-

вишда ўзлаштириб бораверадилар. Танбурнинг тузилиши – торларнинг юмшоқ маъдан жездан ишланганлиги ва йўғон ичакдан қилинган пардабандларининг даста сатҳидан баланд жойлашганлиги ҳам нозик пардаларга зеб бериб ишлатиш учун мос келади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, беқарор нозик пардаларни ёзувда кўрсатиш ва сарҳисоб этиш қанчалик мушкул бўлмасин, улар мақом тафаккурининг узвий жиҳатларидан бирини ташкил қилади. Масаланинг чигал томони ҳам шунда.

Иккинчидан, бошқа бир қийин масала шундан иборатки, бугунги кунда ижодий жамоалар ҳамда ўқув муассасаларида қўлланилаётган европача нота ёзуви ягона маҳраж (индекс)дан келиб чиқадиган тенг тақсимланган ўн икки босқичли товушқаторга асосланади. Жумладан, мақомларнинг мусиқий матнлари битилган тўпламлар ҳам айнан шу ёзувда амалга оширилган. Демак, масаланинг чигал нуқтаси ҳам шу нозик пардаларнинг ифодасига келиб тақалади. Чунки мақом куйларини ёзишда айрим нозик пардаларни ифодалаш учун муаллифлар «диез», «бемоль» каби альтерация белгиларидан фойдаланганлар. Бу ҳолат эса баъзан масаланинг моҳиятидан беҳабар бўлганларни чалкаштириб қўйиши ҳам мумкин.

Олдинлари китоб муаллифининг ўзи ҳам ана шундай чалкашликларга гирифтор бўлган. Хусусан, мақом матнларидаги тасодифий альтерация белгиларини «масофадаги хроматизм» («хроматизм в разбивку» – рус фольклоршуноси А.Кастальский ибораси) деб тушунтиришга уринган эди. Аслида эса «масофадаги хроматизм» ва «нозик парда»лар бошқа-бошқа нарсалар бўлиб чиқди.

Шу билан бирга, мақом парда тизимида «масофадаги хроматизм» ҳақиқатан ҳам мавжуд нарса. Юнончада хроматизм («хромос») тобланиш деган маънони билдиради. Шарқ олимлари бу ўринда арабча «мулавван» (унинг маъноси ҳам тобланиш) деган ибора ишлатадилар. Шарқ мусиқасида, хусусан, мақомларда таянч пардаларнинг мунтазам алмашиб туриши, унинг парда асосининг энг хусусиятли жиҳатларидан бири. Мутахассислар Европа мусиқасининг лад тизимини икки асосий тоифага ажратиб, уларни «тонал» ва «мадал» деб белгилайдилар. Ана шу таянч пардалар мунтазам алмашувида асосланган бизнинг мусиқамизга хос тизим, айнан шу «модал» дейдиган тоифага мос келади. Шунга эътиборан, мақомларда таянч парда ўзгариши муносабати билан пайдо бўладиган ҳақиқий масофадаги хроматизмга тегишли нуқталар ҳам учрайди. Уларни ўрни ва вазифасига қараб ажратиб бориш эса созанда ёки тадқиқотчининг диққатига ҳавола қилинадиган жиҳат.

Учинчидан, мақом йўллари нотага ёзиш муносабати билан яна бир муҳим масала юзага келади. У ҳам бўлса, мақом куй ва ашуларларини бошқа пардаларга кўчириш (транспозиция қилиш) билан боғ-

лиқ. Яъни, муайян барқарор куй матнини чолғучи ўз асбобига, ашулачи ўзининг овоз кўлами (диапазони)га мослаб, сал пастроқ ёки баландроқ пардадан туриб ижро этиши мумкинлиги. Бу табиий ва амалда бор ҳолат. Шу билан бирга, ҳар бир алоҳида асбоб ва овознинг ўзига яраша табиий товуш кўлами мавжуд. Шунинг учун ҳам мақом куйларини ижро этишда, уни ўзининг овози ёки чолғу созига мослашга ҳаракат қилинади. Мақом йўлларини нотага олиш масаласига келсак, уларнинг турли пардалардан ижро этилганлиги, умумий парда тизимини сарҳисоб этишда юзаки жиҳатдан (яъни ёзувга кўра) сохта таассуротлар пайдо этиши мумкин.

Мақомларни нотага ёзиш тарихига назар соладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларнинг гувоҳи бўламиз. Хоразм танбур чизғиларида мақом туркумларининг парда тизимлари қандай урф этилган бўлса, шундай нотага тушган. Бунинг бош сабаби: амалда ҳам, назарда ҳам танбур парда тизимини белгиловчи асосий асбоб қилиб олинганлигидадир. Танбур нотасини илмий ва ихтисосий жиҳатдан афзал тутишимизнинг сабаби ҳам шу.

В.А.Успенский ёзувларида ҳам танбур Шашмақом парда тизимини ифодалашда етакчи асбоб бўлиб майдонга чиқади. Устозлар деярли барча мақом йўлларини ўз пардасидан ижро этиб берганлар. Фақат айрим ҳоллардагина танбурни сал пастроқ созлаганликлари кўзга ташланади. Мутлақ эшитиш қобилиятига эга бўлган В.А.Успенский эса, куй йўли қандай ижро этилган бўлса, айнан шундай ёзиб олишга ҳаракат қилган, худди «фотоаппаратда суратга туширгандек», яъни «тахрир» қилиб ўтирмасдан.

В.А.Успенский нота тўплами ҳам баъзи ташқи камчиликлардан холи эмас. Масалан, сўз матнлари ҳисобга олинмаганлиги ёки айрим вазн ўлчовларининг бошқачароқ тушиб қолганлиги каби. Лекин, асосий мусиқий мантиқ моҳиятига келганда, биринчи навбатда, парда ва усул тизимлари аниқ ифодаланганлиги билан алоҳида илмий аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, аслига яқин қилиб пухта ишланган нота ёзуви муҳим тарихий ҳужжат эканлигининг амалдаги исботи бўлиб хизмат қилади.

Нотага олишда амалдаги куй йўлини мумкин қадар аслига яқин қилиб хатга тушириш тарих олдида ва илмий ҳақиқат нуқтаи назаридан нақадар муҳим эканлигини яна бир марта таъкидлаш мақсадида В.А.Успенский ёзувларида тахрир қилинмасдан, холисона (объектив) акс эттирилган айрим мусиқий матнларни изоҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Наво мақомининг чолғу йўлларида икки ва ҳаттоки тўрт бемоль билан ёзилган куйлар мавжуд. Бу танбур созининг диатоник табиати нуқтаи назаридан ақлга тўғри келмайдиган ҳолат. Танбурнинг пардабандларида, фортепианога ўхшаб, диез ёки бемолларга ишора этувчи босқичлар йўқ. Шунга қарамасдан, В.А.Успенский қандай эшитилаётган бўлса, шундай ёзган!




Масаланинг туб моҳияти шундаки, Сарахбори Наво ижро этилганда, танбур аслидан бир парда паст созланган бўлган. Натижада, калитга икки бемоль қўйиб ёзишга тўғри келган. Ҳусайний Наво ижросида эса танбур бир ярим парда паст созланганлиги туфайли калитга тўрт бемоль қўйилган. Бу вазиятда, энг муҳими, қанча бемол ўқилганлиги ёки ўқиш учун қулай ва ноқулайлиги эмас, балки куй матнини ва унинг парда тизимини тўғри хатга туширишда. В.А.Успенский ёзувида куй матни бузилмада («тахрир» этилмади), фақат бугунги ижрочилар нуқтаи назаридан, ноқулай пардаларда хатга туширилди.

Шашмақомнинг кейинги ёзувларида, жумладан, Ари Бобохонов тўпламида ҳам ана шундай парда тузилмаларини паст-баладликларга силжитиш учраб туради. Бунинг асосий сабаби, танбурни товуш тизимидан четлашиш билан боғлиқ. Хусусан, Ари Бобохонов танбурчи эмас, рубобчи. Бундан ташқари, ашула йўлларини шогирдларига ўргатаётган пайтда, куй матнини уларнинг овоз қўламларига мослашга ҳам тўғри келган. Ва бу мослашувлар, бориб-бориб одат тусига айланиб кетган. Ари Бобохонов ёзувларидан унумли фойдаланиш учун ана шундай паст-баландликларни изоҳлаб ўтиш зарур.

Мисол тариқасида Бузрук Мақомини олиб кўрайлик. Ари Бобохонов тўпламида Сарахбори Бузрук «до» товушидан ёзилган. Аслида эса Бузрукнинг бош пардаси танбурнинг тўртинчи пардасига тўғри келадиган «ре» товуши ҳисобланади. Ана шунда Бузрук Мақомининг парда тизимига хос бўлган беқарор пардалар, танбурни тегишли ҳолатларда силжитиш мумкин бўлган VI ва IX пардабандларга тўғри келади (кейинги бетда танбур парда тизимининг шакли келтирилган). Танбур ижрочиси учун бу муаммо туғдирмайди, чунки у ижродан аввал силжитиладиган пардабандларни тегишли жойига ўрнатиб олиши мумкин. Бироқ, Ари Бобохонов ёзуви танбур товуш тизимига мўлжалланмаганлиги сабабли ёзувда «ми бемоль» ва «ля бемоль» аломатлари пайдо бўлади. Бу ҳолат, Шашмақом парда тизимининг аслидан беҳабар тадқиқотчиларни чал-ғитиб қўйиши турган гап. Демак, масала ташқи кўринишда – хат ёзувида эмас, балки ички маъно, ички моҳиятда.

Сарахбордан кейинги Насруллоҳий ҳам «до» товушидан ёзилган. Лекин бу Насруллоҳийнинг ўзининг асл пардаси. Гап шундаки, Насруллоҳийнинг парда тузилмаси, бош – «қарор» (куй жумлаларининг келиб тўхтайдиган, яқунланадиган нуқтаси) пардаси, одатдагидек, товушқаторнинг пастида эмас, тепасида жойлашган (бу тоифадаги парда тузилмалар ғарб мусиқасида «гиполад» деб юритилади).

Мақомларнинг умумий парда тизимини сарҳисоб этишда, «қарор» парданинг аҳамияти жуда катта. Улар жой-жойига қўйиб чиқилганда, умумий парда тизими яхлит ва аниқ намоён бўлади. Акс холда, Ари Бобохонов ёзувидагидек, аслида ягона парда тизимининг таркибий бўлаклари бўлган Сарахбор (мақом) ва Насруллоҳий (наср)лар бош-



қа-бошқа тизимларга алоқадордек бўлиб кўринади. Демак, барча англашилмовчиликлар оддийгина сабаб – Сарахборнинг бир парда паст нотага олинганлигидан келиб чиқади.

Кейинги Уззол парда тузилмасига асосланган Талқини Уззол ва Насри Уззоллар ҳам, Насруллоҳийга ўхшатиб, асл пардаси силжитилмасдан нотага ёзилган ва шунинг учун уларда тасодифий альтерация белгилари учрамайди. Ундан сўнг келадиган Мўғулчаи Бузрук эса Сарахборга ўхшатилиб бир парда пастдан ёзилган. Табиийки, шунга эътиборан, калитда «си бемоль» ва матнда тасодифий «ми бемоль» ва «ля бемоль»лар учрайди (бу эса ғайритабиий).

Тўртинчи муаммоли масала, муסיқий асарнинг парда тузилиши ва унинг таркиб топиши (тасниф этилиши) орасидаги муносабатларнинг «иккиламалиги» (европача истилоҳда «амбивалентность» дейилади) билан боғлиқ. Гап шундаки, олдин қайд этилганидек, парда асоси ва куй, аслида, бир нарсанинг, умумий жараёнинг икки жиҳати. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, парда тузилмаси – куйнинг йиғилган шакли, куй эса – парда тузилмасининг ёйиқ кўриниши. Масалага мавҳум, назарий жиҳатдан ёндашганимизда шундай. Лекин, амалда, парда тушилмасининг шаклланиш жараёнида муסיқий асар (шакл, таснифот)нинг қиёфаси (фактураси, юзи, кўриниши) асар моҳиятининг юзага чиқиши ҳам намоён бўлиб боради.

Парда тузилмаси дегани – қиёфаланиш, гавдаланиш демакдир. Худди шунингдек, муסיқий асарнинг шаклланиши ҳам муайян жараёни назарда тутади. Куй таркиботи ҳам ана шундай бирламчи оҳанг, жумла ва хоналарнинг тўқимасидан пайдо бўлади. Мақом тизимига кирган парда тузилмалари дастлабки ҳужайраларининг боғланишидан юзага келади. Айтиб ўтилганидек, парда тизими хилма-хил парда тузилмалари, парда тузилма-

лари эса ўз навбатида турли дастлабки парда бирликларини ўз ичига олувчи серқатлам таркиботни ташкил қилади. Мунозара юритишни осонлаштириш учун уни учта асосий даража – дастлабки ҳужайра, лад тузилмаси ва лад тизимига ажратган эдик. Шу муносабат билан алоҳида диққатга сазовор жиҳат – турли даражалардаги парда бирликларининг бир хил ном билан юритилишидир. Масалан, бир туркум ичидаги ҳужайра, тузилма ва тизим мақом номи билан келади: Рост, Бузрук, Наво ва ҳоказо.

Шашмақомнинг XX асрнинг ўрталарида Ўзбекистонда Юнус Ражабий ва Тожикистонда Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов ва Фазлиддин Шаҳобовлар томонидан нотага олинган кўп жилдли ва мукамал нота тўпламларида чолғу йўлларининг таркиботи хона – бозғўй тартибида, ашула қисмларининг ички тузилиши шеърий матнлардан келиб чиққан ҳолда белгиланиб чиқилган. Ўзбек нашрида сўнгилари бир сидра мисра ва байтларга қиёсланиб ним хат ва хатлар деб кўрсатилган. Шу алфозда хатлар рим рақамлари I, II, III, ним хатлар эса араб рақамлари 1, 2 билан ажратилган<sup>1</sup>.

Кейинчалик, Исҳоқ Ражабов тадқиқотларида ашула йўлларининг таркиботини тушунтиришда кўчиб юрадиган «намуд» ва «авж»лар тамойили ишлаб чиқилган ва шу аснода мақом мусиқий мафкура-сида лад (парда тузилмалари) ва куй шакли ўртасидаги узвий алоқалар мақомшуносликда илк бор таҳлил этила бошланди<sup>2</sup>.

Ўтган асрнинг 60-йилларининг бошларида тожик нашрининг муаллифларидан бири Фазлиддин Шаҳобов республика телевидениеси орқали туркум кўрсатувлар қилиб, «Шашмақом машғулотлари»ни олиб борди. Бахтимизга бу кўрсатувларнинг устоз қўллари билан ёзилган дастур (сценарий)лари сақланиб қолган ва кейинчалик улар чоп этилган<sup>3</sup>. Ушбу маълумотларга кўра, ашула йўлларининг ички тузилиши ғазал матнига қараб белгиланган ва улар биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва ҳ.к. байтлар қилиб кўрсатилган. Байтларнинг мусиқий асосларини ифодалашда, Исҳоқ Ражабов талқинидан фарқли равишда, умуман парда тузилмасининг бирлиги маъносида «намуд» ибораси ишлатилган. Ва намудларнинг узвий бўлакларига нисбатан «ранг», «аз» («дан» қўшимчаси, фалон намуддан деган маънода) ва «андак» («озгина», яъни бўлакча, лавҳача маъноларида) деган тушунчалар қўлланилган.

<sup>1</sup> Шашмақом. Нотага олувчи Юнус Ражабий. Олти жилдли. – Тошкент, 1966 – 1975.

<sup>2</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. – Тошкент, 1963; Мақомлар. Тошкент, 2006.

<sup>3</sup> Фазлиддин Шаҳобов. Баёзи Шашмақом. Рисолаи мусиқи (Антология Шашмақом. Музыкальный трактат). – Душанбе, 2007.

Ари Бобохонов тўпламида эса, Шашмақом таркиботини белгилашда Бухоро устозлари томонидан азалдан қўлланилиб келинган ва одат тусини олган атама ва ишоралар қайта тикланиб, парда ва шакл унсурларини белгилашда тизим сифатида қўлланилган. Бир сўз билан айтилганда, парда тизими ва шаклга тегишли муштарак мақом ва уларнинг унсурларининг номлари: Рост, Ушшоқ, Сабо, Панжгоҳ, Бузрук, Насруллоҳий, Уззол, Муҳайяри Чоргоҳ, Наво, Баёт, Орази Наво, Ҳусайний Наво, Дугоҳ, Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Дугоҳ Ҳусайний, Сегоҳ, Ажам, Наврўзи Хоро, Ироқ, Муҳайяри Ироқ, Авжи Турк, Авжи Зебо Пари, Авжи Ушшоқ ва шунингдек, намуд, ранг, замзама, ханг, думча, миёнхат, дунастра ва фурувард каби ибораларни аслига қайтаришга ҳаракат қилинган.<sup>1</sup>

Ва ниҳоят, бешинчидан, Шашмақом истилоҳида айрим иборалар, нафақат икки (амбивалент), балки ундан ҳам кўп (поливалент) маъноларда ишлатилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, «мақом» ва «сарахбор»га ўхшаган атамалар. Масалан, мақом тушунчаси парда бирлиги сифатида даражасига қараб учта маънода (ҳужайра, тузилма, тизим) ва уларга мос келадиган мусиқий асар (таснифот, шакл)лар ҳам назарда тутилади. Демак, олтита маъно бўлиб чиқади. Худди шунингдек, «сарахбор» сўзи ҳам уч даражадаги парда бирлиги ва уларнинг асосидаги мусиқий тузилма (шакл)ларни англатади.

Ёки бўлмаса, бир номдаги парда-мақом асосида хилма-хил ва мазмунан мустақил асарлар юритилади. Юқорида зикр этилган Ушшоқ ва Ироқи Бухоро назиралари бунга мисол бўлиши мумкин. Шунинг учун, серқатлам мажмуа сифатида асрлар давомида шаклланиб келаётган Шашмақом таркиботини мутолаа қилаётганимизда, бир тарафдан, сўз ва иборалар ташқи сифат ҳамда мусиқий асарнинг моҳияти, унинг «ички маъносида» эканлигини унутмаслигимиз зарур. Шарқ шеърлятига оид илмий рисоаларда «маъно ал маъно» (яъни «маъно маъноси») деган тушунча ишлатилган ва у «ташқи шакл» (сурат) ичидаги «ички шакл» (сийратни) англатган. Фикримизча, мусиқийдек нозик туйғуларни ифодалашга қаратилган санъат нави учун жуда мос келадиган тушунчалар.

Бошқа томондан, Шашмақом таҳлилида, унинг қаърида бир йўсиндаги атамалардан кўра, кўп маъноли (амбивалент ва поливалент) иборалар кенгроқ ўрин олганлигини назарда тутмоғимиз зарур.

<sup>1</sup> Der Shashmaqam aus Buchara uberliefert von den alten Meistern notiert von Ari Babakhanov. Angelika Jung (Hg). – Berlin, 2010.

## Бузрук Мақоми

Олдин қисқа айтиб ўтганимиздек, Бузрук Мақоми Шашмақом тизимида XIX асрнинг охирларидан эътиборан биринчи мақом ўрнида қарор топа бошлади. XIX аср Бухоро мусиқий рисола-баёзларида биринчи ўринда Рост Мақоми кўрсатилади<sup>1</sup>. Кейинроқ тузилган рисола-баёзлардаги маълумотларда, биринчи ўринга Наво Мақоми чиқарилган. Бу масаланинг мазмунини тўғри талқин қилиш учун фикримизча, бир тарафдан, мусиқий манбаларда Наво Мақомининг таъсир қуввати (этоси) қандай таърифланганлиги, иккинчи томондан, мазкур даврда Бухоро ҳукмронининг мусиқийга ва хусусан, Шашмақомга бўлган муносабатини инобатга олишга тўғри келади. Гап шундаки, XIX аср охирлари – XX аср бошларида тахтда ўтирган Амир Абдулаҳадхон Ожиз тахаллуси билан девон битган шоир ва нозик таъбли мусиқа ихлосманди бўлган. Шашмақом йўлларида унинг шеърлари ҳам ўрин олган<sup>2</sup>.

Баъзи бир тарихий маълумотларга кўра, Амир Абдулаҳад даврида (1885–1910) ва Амир Олимхон замонларида (1910–1920) сарой созандаларига Ота Жалол (1845–1928) меҳтар (раҳбар)лик қилган. Одатга кўра, сарой кўрки бўлган ҳар бир нарса, бу ўринда Шашмақом, давлат раҳбарининг истак ва эҳтиёжи билан амалга оширилган. Демак, Амир Абдулаҳадхон ва Амир Олимхон<sup>3</sup> «сарой кўрки» сифатида Шашмақомнинг нуфузини оширишда рағбат кўрсатганлар. Меҳтар Ота Жалол эса, Шашмақомнинг янги андозасини шакллантиришда уларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олган, албатта. Бузрук Мақомининг олдинги қаторга чиқарилиши ҳам на шундай ижодий жараёнда юз берганлиги эҳтимолдан холи эмас.

<sup>1</sup> Амир Насруллохон замонида 1847 йилда ёзилган илк мусиқий рисола-баёз. Қўлёзманинг бошланғич саҳифалари сақланмаган. Шунинг учун ҳам манбанинг асл номи ва муаллифи маълум эмас. Бироқ сўнгги саҳифада «Олти даромад ва барча насрлари ҳақида рисола» («Рисолаи шаш даромад маъа насрҳояш») дейилган. Мазкур жумланинг маъноси ҳар томонлама жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу рисоланинг асл номи бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Айтиб ўтилганидек, ҳужжатнинг ўзи икки қисмдан иборат. Унинг мазмунига аниқлик киритиш учун қўлёзма манбашунослик ва матншунослик тарафларидан янада чуқурроқ таҳлил этилмоғи зарур. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 468 I/II.

<sup>2</sup> Ари Бобохонов тўпламида Уфари Мустазод қисми Ожиз шеъри билан берилган. Баёзлардаги маълумотларига кўра унинг бошқа газаллари ҳам Шашмақом матнларида кўп ишлатилган.

<sup>3</sup> Амир Олимхон ҳам отаси каби шеърият ва мусиқийга зўр ихлос ва илтифот билдирган. Фитрат ёзишига кўра, Олимхон Қарши ҳокими бўлиб турган пайтда мусиқийдан таълим ва дотор чалишда устоз тутиб сабоқлар олган. Атрофидаги бой ва зодагонлар унга ҳурмат ва иззат билдирмоқчи бўлса, машҳур ҳофиз ва созандалар иштирокида зиёфат уюштириб, меҳмондорчиликка даъват қилар эканлар. Абдурауф Фитрат. «Таърихи ҳузни Бухоро» («Бухоронинг ҳасратли тарихи»). – Душанбе, 1931.

«Бузрук» калимаси (луғатда «улуғ», «буюк») икки хил талаффуз этилади: ўзбек-тожикчада «бузрук», форсийда «бузург» шаклида. Муסיқий ибора сифатида у ўн икки мақом истилоҳий тизимининг доирасига киритилган эди. Шашмақомнинг маъно доирасида «бузрук» рамзи Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) тимсоли билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Бузрук бир бутун мақом рамзи сифатида Пайғамбаримиз (с.а.в.)га боғлиқ яна бир ном-нишона Насруллоҳий (у зотнинг сифатларидан бири) билан тўлдирилган. Шашмақом тизимида Бузрук ва Насруллоҳийлар парда тузилмаларининг номлари.

Насруллоҳийнинг эски номи Раховий бўлган ва у ҳам мумтоз ўн икки доира (мақом) тизимига кирган. Кавкабий, Дарвиш Али ва уларнинг издошлари ўз рисоаларида Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) Раховий мақоми-пардаларида нола қилганликлари ҳақидаги ривоятларни келтирадилар. Давр талабларига қараб, Шашмақом тизимида «раховий» атамаси «насруллоҳий»га алмаштирилган. Шундай қилиб, маъно тарафидан «бузрук» ва «насруллоҳий»лар бир-бирини тўлдиради.

Бузрук Мақомининг амалдаги парда тизими, зикр этилганлар билан бир қаторда, яна Уззол парда тузилмасини ўз ичига олади. Аммо тўлалик нуқтаи назаридан бир савол туғилади. Бошқа мақом туркумлари тўрттадан парда тузилмасини ўз ичига олади-ю, Бузрукники нега учта бўлиб қолган? Дарҳақиқат, мавжуд нота тўпламлари ва Фитрат китобида ҳам Бузрук таркибида фақат учта парда тузилмаси Бузрук, Насруллоҳий ва Уззоллар тилга олинади. Буни шунчаки урф-одат ҳисобига йўғириб ўтиш ҳам мумкин. Лекин, юқорида зикр этилганидек, XIX аср рисола-баёзларига мурожаат қиладиган бўлсак, Бузрук таркибида «Муҳайяри Чоргоҳ» деган қисм ва унга мувофиқ парда тузилмаси бўлганлиги қайд этилади. «Муҳайяри Чоргоҳ» намуд сифатида Шашмақом амалиётида ҳанузгача мавжуд нарса. Демак, Муҳайяри Чоргоҳ парда тузилмаси, Бузрук таркибидаги тўртинчи унсур эканлиги шубҳа қолдирмайди.

Шундай қилиб, бошқа мақом туркумлари каби Бузрук ҳам, тўрт унсурли тўла ва барқарор парда тизимига асосланганлиги аён бўлади. Ва у бутун мақом туркумининг парда тизимининг асосий ўзак қисмини ташкил қилади. Фитрат назарида «Асл Шашмақом» деганда айнан шу қатлам кўзда тутилган. Шу билан бирга, Мақом туркуми доирасида бошқа тоифадаги парда тузилмалари ва улар асосидаги бўлим, туркум ва қисмлар ҳам борки, улар эркинлик доирасидаги шўъбачалар қатламини ташкил қилади.

Бу икки қатлам лад бирликларининг моҳиятини тушуниш учун, уларни алоҳида «tizимдаги» (систематик, яъни қатъият, эҳтиёж доирасидаги) ва «tizимдан ташқаридаги» (носистематик) парда тузилмалари тоифаларига ажратиш мақсадга мувофиқ. Амалдаги Бузрук Мақоми туркумининг лад асосини тизимдаги Бузрук, Нас-

руллоҳий ва Уззол парда тузилмалари (қатъият доираси) ва тизимдан ташқаридаги Сарвиноз, Рок, Бебокча ва Синахарож номли парда тузилмалари (эркинлик доираси) ташкил қилади. Қатъият доирасидаги парда тузилмаларининг ички тартибини қуйидаги устунда кўрсатамиз.

Сарахбори Бузрук	Тарона
	Тарона
	Тарона
	Тарона
	Тарона
Талқини Уззол	Тарона
Насруллоҳий	Тарона
	Тарона
	Тарона
Насри Уззол	Тарона
	Тарона
Уфари Уззол I	
Уфари Уззол II	
	Супориш

Муайян мақом туркумининг парда тизими ва таркиботи ҳақида сўз борганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Гап шундаки, мақом туркумининг қатъият ва эркинлик доиралари шакл тарафидан бир-биридан яққол ажралиб турса-да, парда тарафидан улар орасида узвий боғланиш бўлиши мумкин. Яъни, эркинлик қатламидаги Мўғулча, Савт ва Мустазод бўлимлари тизим доирасидаги парда тузилмаларига назира сифатида ишланган. Масалан, таҳлил этилаётган туркумда бундай муносабатлар Сарахбори Бузрук ва Мўғулчаи Бузрук бўлимлари орасида кузатилади.

Сарахбори Бузрук ва Мўғулчаи Бузрук парда тузилмаларининг орасидаги яқинлик алоқалари уларнинг номланишидан ҳам кўришиб турибди. Шу билан бирга, Сарахбор ва Мўғулча қисмлари нафақат усул тарафидан, балки уларнинг ички сифатидан ва ўхшаш парда бирликларининг турлича мазмун билан тўлдирилганидан ҳам фарқ қилади. Бу ҳолатнинг мағзини чақиш учун, эски авлод Бухоро устозлари қўллаган «сер кор» ва «кам кор» тушунчаларига мурожаат этмоқ лозим.

Кор – мусиқий шакл соҳасига оид тушунча. Олдинги бобларда зикр этилганидек, у ўзининг маънодошлари «амал» ва «иш»га ўхшаб, бир қисмли (муфрад) асарларнинг мураккаб шаклини назарда тутди. «Сер» (кўп) ва «кам» (оз) ана шу мураккаб шаклнинг пухта ва кам ишланганлигини англатади. Зикр этилган Сарахбори Бузрук ва Мўғулчаи Бузруклар зотан бир парда тузилмасини пухта, мукамал ва оддий, камишлов берилган кўринишларига мисол бўлиши мумкин. Ана шу жиҳатларни намоиш этиш учун уларнинг ичидаги бирламчи парда ҳужайраларнинг таркиб ва тартибини қиёслаб кўрсатамиз.

#### Сарахбори Бузрук

1. Намуди Бузрук
2. Замзамаи Бузрук
3. Миёнхат
4. Замзамаи Бузрук
5. Фурувард
6. Ханг
7. Замзама
8. Намуди Уззол
9. Миёнхати Намуди Уззол
10. Авжи Чоргоҳ Муҳайяр
11. Миёнхати Авжи Чоргоҳ Муҳайяр
12. Ханг
13. Фурувард
14. Ханг
15. Замзама

#### Мўғулчаи Бузрук

1. ... (номсиз ҳужайра)
2. Миёнхат
3. Фурувард
4. Намуди Уззол
5. Миёнхати Намуди Уззол
6. Намуди Ушшоқ
7. Авжи Чоргоҳ Муҳайяр
8. Намуди Ораз (ранг)
9. Миёнхати Авжи Чоргоҳ Муҳайяр
10. Фурувард

Бўлим сифатида эса Сарахбори Бузрук ва Мўғулчаи Бузрукларнинг шакл кўриниши умуман тубдан фарқ қилади.

#### Сарахбори Бузрук

- Тарона
- Тарона
- Тарона
- Тарона
- Тарона
- Тарона

#### Мўғулчаи Бузрук

- Талқини Мўғулчаи Бузрук
- Қашқарчаи Мўғулчаи Бузрук
- Соқийномаи Мўғулчаи Бузрук
- Уфари Мўғулчаи Бузрук

Савти Сарвиноз номи остида «сарвиноз» парда тузилмаси асосида ички тузилиши мўғулчалар андозасидаги бутун бошли бўлим ишланган. Бўлим бошида келадиган Савти Сарвиноз қисмининг парда тузилмаси ва энг муҳими, куй йўли мазмунан Насруллоҳийга



ўхшаб кетади. Айнан шу сифатларига кўра уларнинг ягона мақом туркумидан жой олганлигини тушунтириш мумкин.

#### Насруллоҳий

1. Намуди Насруллоҳий
2. Миёнхат I
3. Миёнхат II
4. Фурувард
5. Дунасраи Насруллоҳий
6. Дунасраи Миёнхати I Насруллоҳий
7. Авжи Турк
8. Миёнхати Авжи Турк
9. Фурувард
10. Миёнхат II

#### Савти Сарвиноз

1. ...
2. Фурувард
3. Намуди Ушшоқ
4. Миёнхати Намуди Ушшоқ
5. Фурувард
6. Авжи Турк
7. Миёнхати Авжи Турк
8. Фурувард

Мустанзоди Рок номи остидаги тўрт қисмли бўлим Бузрук Мақомининг ўзига хос жиҳатларидан бирини ташкил қилади. Мустанзод аслида шеъриятдан кириб келган бир ярим мисрали навни англа-тувчи ибора. Рок эса, Фитратнинг доно фикрига кўра ҳинд мусиқий удумларининг таъсири остида юзага келган. Дарҳақиқат, ҳинд мусиқасининг мақомга ўхшаган мумтоз нави «рага» дейилади. Мақом ва рага тушунчаларининг истилоҳий маънолари ҳам бир хил ва у парда тузилмасини билдиради. Рок эса раганинг тилимизга мослаштирилган шакли. Хуллас, икки қўшни минтақа маданий алоқаларининг самараси. Рокнинг парда тузилмаси таркибида Намуди Уззол аломатлари кенг ишлатилганлиги туфайли Бузрук Мақомининг парда тизимига алоқадорлиги таъкидланади.

Қолган иккита бир қисмли Бебокча ва Сийнахарожларда Авжи Туркнинг куй йўли ва оҳанглари ишлатилганларидан ташқари, бошқа бирон бир парда тузилмаларига хос унсурлар учрамайди. Ҳар ҳолда, Бебокча ва Сийнахарожларнинг Бузрук туркуми доирасида барқарор ўрнашганлиги амалдаги бор нарса ва шунга эътиборан уларни мазкур мақом туркумининг таркибий қисмлари сифатида кўришимиз ҳақли.

Шунга ўхшаш манзара чолғу йўлларида ҳам кузатилади. Унинг таркибий қисмларида баъзан умумий парда тизими доирасидаги парда тизимларининг номлари (Бузрук, Насруллоҳий), айрим ҳолларда асарларни ижод этган бастакорларнинг исми шарифу тахаллуслари (Сақили Ислимий, Сақили Султон) сарлавҳага чиқарилади (чизмаси кейинги бетда).

**БУЗРУК МАҚОМИ  
Пардалар тизими**

Бузрук      Насруллоҳий      Уззол      Сарвиноз      Рок      Бебокча      Сийнахарож

**Таркиботи  
(қатъийлик доираси)**

Таснифи Бузрук  
Таржеи Бузрук  
Гардуни Бузрук  
Мухаммаси Бузрук

Сақили Ислими  
Сақили Султон  
Мухаммаси Насруллоҳий

Сараҳбори Бузрук  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III  
Тарона IV  
Тарона V  
Тарона VI

Талқини Уззол  
Таронаи Уззол  
Насри Уззол  
Уфар I Уззол  
Уфар II Уззол

**(эркинлик доираси)**

Мўғулчай Бузрук  
Талқини Мўғулчай Бузрук  
Қашқарчай Мўғулчай Бузрук  
Соқийномаи Мўғулчай Бузрук  
Уфар I Мўғулчай Бузрук  
Уфар II Мўғулчай Бузрук

Савти Сарвиноз  
Талқини Савти Сарвиноз  
Қашқарчай Савти Сарвиноз  
Соқийномаи Савти Сарвиноз  
Уфар I Савти Сарвиноз  
Уфар II Савти Сарвиноз

Муस्ताзоди Рок  
Талқини Муस्ताзоди Рок  
Тарона I  
Тарона II  
Уфари Муस्ताзоди Рок

Сийнахарож

Бебокча

МУШКИЛОТ

НАСР

## Рост – Панжгоҳ Мақоми

«Рост» сўзи луғатда «ҳақ», «мукаммал», «тўғри» «ўнг» каби маъноларга эга. Истилоҳда, хусусан, Шашмақом тизимида эса зикр этилган луғавий маънолар уйғунлашиб, мақом (парда тузилмаси) зотининг мукаммал ва устувор бирлиги сифатида ишлатилади. «Рост» калимасининг муסיқий тушунча сифатида маъно-мазмунини тушуниш учун, уни икки диний-афсонавий ва илмий мусиқий мантиқ жиҳатлардан мутолаа этиш мақсадга мувофиқ.

Диний жиҳатдан, Рост мусиқий тафаккурнинг ибтидо нуқтаси, ҳаққонийлик, тўғрилиқ ва мукаммаллик жиҳатларига кўра мақомлар сарвари маъносида келади. Рамзий маънода Ҳазрати Одам Ота тимсоли билан боғлиқ. Юқорида Кавкабий ва Дарвиш Али асарларидан бу ҳақдаги ривоятларни келтирган эдик.

Мусиқий мантиқ тарафидан бу масала тўлиқ равишда илк бор «илми адвор» асосчиси Сафийуддин Урмавий асарларида ўз ифодасини топади. Унда Рост, ўз зотида энг мукаммал деб топилган ўн икки доира (мақом)нинг биринчилари қаторида қуйидаги тартибда қайд этилади: Ушшоқ, Наво, Рост, Абу Салик, Ироқ, Исфахон, Зерафқанд, Бузрук, Зангула, Раховий, Ҳусайний, Хижоз<sup>1</sup>. Нима учун Ушшоқ биринчи ва Рост учинчи эканлигини тушуниш учун, бир масалага эътибор бериш керак. Биринчидан, қадимда мақом-ладлар, эндиgidан фарқли равишда пастдан юқорига эмас, аксинча, юқоридан пастга қараб тузилган.


Иккинчидан, муайян жинснинг кичик пардаси («бақия» бўъди)нинг ўрнини алмашлаш ҳисобига унинг турлари ҳосил қилинган. Сафийуддин Урмавий назариясида ҳам Ушшоқ, Наво, Рост доиралари дастлабки парда ҳужайраси бўлмиш диатоник жинс (жинсал-қаввий – қаттиқ диатоника) таркибидаги кичик парданинг ўрнини ўзгартириш йўли билан тузилади. Қуйида мисол тариқасида қаттиқ жинс таркибини алмашлаш йўлини намоиш этамиз:<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Сафийуддин Урмавий. Китаб-ал-адвар фи-л-муסיқа. Форсийга Эйру Рустамий тажимаси. – Техрон. 1380/1966.

<sup>2</sup> Бунда Т ва Б бош ҳарфлари «таниний» ва «бақия»(бўъд)ларига ишора.

Бу ҳолатда ҳосил этилган товушқатор турлари, аслида ягода «қаттиқ жинс» тоифасига мансуб парда ҳужайрасининг таркибини алмаштириш йўли билан пайдо этилганлигига эътибор бериш лозим.

Қаттиқ жинснинг ярим пардаси тепада жойлашган навининг иккитаси уланишидан Рост Мақомининг товушқатори ҳосил бўлади. Умумий товушқатор бир октава кўламида бош пардага қайта уланиб айлана (доира) ҳосил қилиниши учун икки жинс орасида бир бутун парда қолдирилиб ўтилиши талаб қилинади. Ана шу алфоздаги Рост парда тузилмасининг товушқатори бутун минтақа мақомотида ҳанузгача ўз кучини сақлаб келмоқда.



Абдулқодир Мароғий ва Нажмиддин Кавкабий рисолаларида Рост тўртинчи ўринда келади. Бунда қарама-қаршилик йўқ, албатта. Чунки илми адвор таълимоти ўн етти поғонали умумий (универсал) тизимга асосланади. Демак, мақом доиралари қай тартибда сарҳисоб этилишига қарамасдан, уларнинг парда тузилмасининг моҳияти ўзгармайди. Бунда модал ладларнинг яна бир хусусияти, яъни уларда товушқатор ҳал қилувчи аҳамият касб этиши намоён бўлади. Шунга эътиборан мақом доираларининг изма-излиги, ҳаттоки, бир муаллифнинг ўзида ҳам турли тартибда келиши мумкин. Жумладан, Кавкабийда шундай. Фикримизни далиллаш учун, рисо- ланинг уч жойидан мисол келтираемиз:

Ушшоқ, Наво, Бусалик, Рост, Ироқ...

Наво, Бусалик, Рост, Ироқ, Ушшоқ...

Ушшоқ, Бусалик, Рост, Ироқ, Исфохон...<sup>1</sup>

Аммо бу билан парда тузилмасининг мазмуни ўзгармайди. Шу муносабат билан, Кавкабий Рост мақомининг моҳиятини изоҳлар экан, Сафийуддин Урмавий ва Абдулқодир Мароғийларнинг фикрини такрорлаб, қуйидагиларни баён этади: «Бу мақом шунинг учун ҳам Рост дейиладики, унинг таркибидаги барча парда оралиқлари (авсатлар) рост (тўғри) муносабатларга эга. Шунга эътиборан уни «доиралар онаси» («умму-л-адвор») дейдилар»<sup>2</sup>. Шу фикр Кавкабийдан кейин Дарвиш Алида ҳам бир неча марта такрорланади<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, Дарвиш Али рисоласида яна бир лавҳа мавжудки, у «Рост»ни ўн икки доира (мақом) тизимидаги ўрни ва аҳамиятини кенгроқ тушунишга ёрдам беради. У ёзади: «Мавлоно Кав-

<sup>1</sup> Кавкабий Нажмиддин. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 468.

<sup>2</sup> Кавкабий Нажмиддин. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 468.

<sup>3</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 468. В.11-б.

кабий рост (тўғри – М.О.) пардаларни назм (тартиб, шеър) ипига тизиб, шундай бир «Куллиёт» (асар, таснифот номи – М.О.) яратдиларки, ўз замонасининг илми адвор мусанниф ва наққошлари унинг қилган ишидан ҳайратга келдилар ва таҳсинлар айтдилар. Билгинки, бу назм шундай»<sup>1</sup>. Ундан сўнг, «назм» сарлавҳаси остида Кавкабий «Куллиёт»идан машҳур ғазал келтирилади (қаранг, 31-бетда).

Ғазалда «ийҳом» санъати (маъно ичида маъно бекитиш) йўли билан назм (интизом, тартиб) ва рост (ҳақ, тўғри, мукамал) парда калималари юзасидан нозик «сўз ўйини» қилинади. Бундан, «рост» икки хилма-хил маъно касб этади: илми адвор доираларининг бошида келадиган «Рост пардалари» ва умуман, «рост» мукамал бўьдлардан таркиб топувчи парда тузилмаларининг барчаси, яъни ўн икки доира (мақом) тизимининг ҳаммаси.

Яна бир муҳим жиҳат. Сафийуддин Урмавий таълимотидан эътиборан (эҳтимол, илдизлари ундан ҳам олдинроқдир) мақомлар таснифотида Рост ва Ушшоқ доим ёнма-ён юради. Мусиқий мантиқ тарафидан буни тушунтирдик: улар ягона илдиз – қаттиқ жинсдан келиб чиқади. Инсон ақли ва иродасидан ташқарида бўлган илоҳиёт тарафидан ҳам бунга асос топиш мумкин. Исломиё қарашларга кўра «Рост» Ҳақ Таоло – Ваҳдати Вужуд рамзи. Ушшоқ эса Ҳазрати Инсон – Одам Ато тимсоли, мажозда эса у яна илоҳий ишқ белгиси, Аллоҳ ишқида унга сингиб кетиш<sup>2</sup>.

Шашмақом ва Хоразм Мақомларида Ушшоқ Рост Мақомининг таркибий қисми. Бухоро Шашмақомида эса, Ушшоқ парда тузилмаси сифатида иккита мустақил шаклда келади. Намуди Ушшоқ – Ушшоқ парда тузилмасининг ўзак ҳужайраси ва Авжи Ушшоқ – Намуди Ушшоқдан бирмунча фарқ қиладиган баланд авжларда мақомма-мақом кўчиб юрадиган белгили парда тузилмаси авж – намуд. Рост Мақомининг эркинлик доирасида ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларида энг сертармоқ соҳани ҳам «Ушшоқ» номи остида юрадиган куй ва ашулалар ташкил қилиши ҳам фикримизнинг қўшимча далили бўлиб хизмат қилади.

Рост Мақомининг парда тизимида яна икки парда тузилмаси Наврўзи Сабо (ёки Сабо) ва Панжгоҳлар киради. Энг қизиқарли томони шуки, тўртала парда тузилмалари орасида нафақат яқин парда ва оҳанг алоқалари, балки номлар рамзиятида ҳам узвий боғланишлар мавжуд. Мантиқий тарафдан Сабо ва Панжгоҳларнинг боғланиши шундан иборатки, бу икки белги дини ислом устунларидан бири бўлмиш тоат-ибодат билан боғлиқ.

<sup>1</sup> Ушбу асар. В.11.

<sup>2</sup> Илоҳий ишқнинг батафсилроқ тавсифи Алийбек Рустамий рисоаларида берилган. Қаранг: Алийбек Рустамий. Ҳазрат – «Навоийнинг эътиқоди», – Тошкент, 2010; Ҳазрати Навоийнинг маънавий ва суворий шароблари. – Тошкент, 2013.

Маълумки, беш вақт фарз намозининг ҳар бирининг ўз вақти-соати бор. Манбаларда қайд этилишича, ўтмишда қалъа дарвозаларининг устида махсус наққорахоналар бўлган. Бундай наққорахоналар эндиликда Бухоронинг Катта Арки, Хиванинг Ота Дарвозалари тепасида сақланиб қолган. Бир вақтлар ана шу наққорахоналарда сурнайчилар ногоралар жўрлигида беш вақт намоз пайтига тегишли мақом йўлларини чалиб ўтирганлар. Бу куйлар «соати» деб ҳам юритилган. Куй йўлларини одат этган аҳли ислом, уларга қараб ўз ибодатларини вақтида амалга ошириб борганлар.

Шашмақом таркибидан жой олган Сабо ва Панжгоҳлар ҳам, фикримизча, ана шу «соатий»лар одобидан қолган нишонлар. Уларда беш вақт намознинг биринчи (Бомдод) ва бешинчи (Хуфтон)ларига ишора этилган. Уларда ҳам, Рост ва Ушшоқларга ўхшатиб, ийҳом санъатида назокат билан ифодаланган. Биринчиси тўғридан-тўғри Бомдод дейилмасдан, лутф ила «Сабо», яъни худди шу Бомдод пайтида эсадиган ёқимли майин шамол номи билан аталган. Ҳофиз Шерозий мисрасидаги каби «Сабо ба лутф бигуй ин ғазали раъноро». Дарвоқе, Ростнинг Сабоси рисола-баёзларда айнан шу шеър билан берилади.

Панжгоҳда эса бошқа бир тартибга риоя қилинган. Гап шундаки, истилоҳда соатийга маънодош сифатида «гоҳ» (луғатда «жой», «пайт») тушунчаси ҳам ишлатилган. Шашмақом таркибидаги «дугоҳ», «сегоҳ», «чоргоҳ», «панжгоҳ» атамалари бунинг далили. Мантиққа кўра, биринчиси «якгоҳ» дейилиши керак. Лекин Шашмақомда бу ўрин «Рост» ибораси билан банд. Шунинг учун ҳам якгоҳ тушунчаси тизимдан ташқарида қолиб кетган. Панжгоҳ эса, мантиқан ва мазмунан тегишли жойга қўйилган. Бутун туркумни боши-охирига уланган доира шаклида тасаввур этиб Рост-Панжгоҳ дейилиши ҳам шундан.

Рост-Панжгоҳ мақом туркумининг асрлар давомида шаклланган умумий андозаси, унинг ички тартибининг қатъийлиги билан хусусиятланади. Унинг таркибида асосий парда тизимидан, яъни Рост, Ушшоқ, Сабо ва Панжгоҳлардан ташқарида, антиқа номлар ёки ижодкорлар исми билан белгиланган бўлак ва қисмлар учрамайди. Юқорида таҳлил этилган Бузрук Мақомидан фарқли равишда, Рост-Панжгоҳ байроғи остида бирлашган 57 қисмининг барчаси асосий қатъий тизим доирасидаги парда тузилмаларидан келиб чиқади. Рост-Панжгоҳнинг парда тизими ва ички таркиботининг ўзига хос томони ҳам шунда (чизмаси кейинги бетда).

### Наво Мақоми

Рамзият бобида «Наво» мақомининг афсонавий ўқ илдизлари оҳангсоз ва ҳунармандлар пири комили Ҳазрати Довудга бориб тақалади. Олдинги бобларда мақомлар тарихининг турли масалаларига мурожаат этиб Мақом Наво рамзияти билан боғлиқ турли

**РОСТ-ПАНЖГОҲ МАҚОМИ**

**Пардалар тизими**

Рост-Панжгоҳ — Ушшоқ — Наврӯзи Сабо — Панжгоҳ

**Таркиботи**

(қатъийлик доираси)

Таснифи Рост-Панжгоҳ  
Гардуни Рост-Панжгоҳ  
Муҳаммаси Рост  
Муҳаммаси Рост  
Саҳили Ваэмин  
Саҳили Рақ-Рақ

Муҳаммаси Ушшоқ

Сараҳбори Рост  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III  
Тарона IV  
Тарона V  
Замзамаи Рост

Талқини Ушшоқ  
Тарона  
Насри Ушшоқ  
Тарона I  
Тарона II  
Уфари Ушшоқ I  
Уфари Ушшоқ II

Наврӯзи Сабо  
Талқинчи Сабо

**(эркинлик доираси)**

Савти Ушшоқ  
Чапандози Ушшоқ  
Қашқарчаи Ушшоқ  
Соқийномаи Ушшоқ  
Уфари Ушшоқ

Ушшоқи Қўқон  
Талқини Ушшоқи Қўқон  
Қашқарчаи Ушшоқи Қўқон  
Соқийномаи Ушшоқи Қўқон  
Уфари Ушшоқи Қўқон

Савти Сабо  
Чапандози Савти Сабо  
Талқини Савти Сабо  
Қашқарчаи Савти Сабо  
Соқийномаи Савти Сабо  
Уфари Савти Сабо

Савти Панжгоҳ  
Чапандози Панжгоҳ  
Талқини Панжгоҳ  
Қашқарчаи Панжгоҳ  
Соқийномаи Панжгоҳ  
Уфари Панжгоҳ

МУШКИЛОТ

НАСР

афсона, ривоят ва халқ оғзига тушган байт ва мисралар келтирган эдик. Уларнинг маъно-мазмунни, «Наво» мақоми Ислом дунёсида улуғ зотлар қаторида тилга олинадиган Ҳазрати Довуд мероси, деган ғояни исботлашга қаратилган.

«Наво» сўзининг маъно доираси жуда кенг. У «куй», «куй йўли» деганни англатади ва аслида мазмунан бизнинг соҳа учун устувор бўлган «муסיқий» калимасига маънодош сифатида ишлатилади. Шу муносабат билан бир нозик нуқтага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Гап шундаки, «муסיқий» Ислом дунёсига юнончадан кириб келган сўз. Юнон маданиятида «мусиқа» умуман нафис санъат (мусиқа, шеърият, рақс) парилари ҳунарига оид тушунча. Шунга эътиборан, илмий рисолаларда бу калиманинг арабча маънодошини кўплик сонидан «алхон» (бирлиги «лаҳн») шаклида ишлатиш расм бўлган ва у юнонча «мелос» (бирлиги «мелодия») тушунчасига айнан мос келади.

Абу Наср Форобийнинг «Катта мусиқа китоби» арабча «алхон» ва юнонча «мусиқий» сўзларининг маънодошлигини тушунтиришдан бошланади. Абдулқодир Мароғийнинг мусиқий илмига оид умумлаштирувчи асари «Мақасиду-л-алҳан» («Куйдан мақсад») деб, биргина «куй» эмас, «куйлар» маъносидан келади. Кавкабий рисоласида ҳам «алхон» айнан шу кўплик сонини билдиради. Унда «алхон» устувор тушунча сифатида ишлатилиб, мусиқий навларнинг тоифасини англатади ва улар «алҳану-л-жирмий» (олий нав, «муқаммал куй»), «алҳану-л-босити» (ўрта нав, «ёйиқ куй») ва «алҳану-л-хаттий» (оддий нав, «чизиқ куй») деб юритилади. Масаланинг муҳим нуқтаси, жойига қараб «лаҳн» ва «алҳан» икки маънода ишлатилишидир.

Ўзбек мумтоз адабиётида «алҳон» ва «мелос»ларнинг маънодошлари бўлган «наво» ва «куй» сўзларини кўплик сонидан («наво-лар», «куйлар» шаклида) ишлатишга одат қилинмаган. Лекин амалда «наво» калимаси нафис санъатларнинг кўплигини, хусусан, мусиқий ва шеърият уйғунлигини назарда тутиши аксарият ҳолларда яққол намоён бўлади. Бунга мисол сифатида Ҳазрат Навоийнинг тахаллусларини келтиришимиз мумкин. Унинг негизидаги «наво» сўзи нафис санъатлар муштараклиги билан бир қаторда, ҳақиқат йўлини назарда тутаётганлиги шубҳа қолдирмайди.

Шундай қилиб, Ажам халқларида «наво» сўзи арабча «алхон»дан ҳам кўра кенгроқ маъно касб этиши кўзга ташланади. Мусиқий тарафдан, наво – нафис санъатлар муштараклиги, маънавий томондан, наво – йўл. Оддий йўл эмас, Ҳак Таолога интилган Тариқат йўли. Энг муҳими, инсон ҳаётида бу икки жиҳат дунёвий (алҳан) ва илоҳий (наво) йўллари узвий боғланган бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб байтида бундай дунёқараш жуда гўзал ифодаланган:

Дунёдан беҳабар қалби бенаво,  
На ўлик, на тирик, дарди бедаво.



Ҳазрат Навоийнинг мақом йўлларида кўп айтиладиган «айласанг» радифли газалида «наво мавзуси» янада кенг ва чуқурроқ ўз ифодасини топган. Асарнинг мусиқий ва фалсафий изоҳи, алоҳида масала. Биз бунда, фақат, мусиқийга алоқадор сўзларни қора сиёҳ билан ажратиш билан кифояланамиз.

**Эй муғанний, ёр базмида наво соз айласанг,  
Жон фидонг бўлсун, ғамим шарҳидин оғоз айласанг.**

**Уддек куймаклигим шарҳ эт забони ҳол ила,  
Нағмада удинг лисонин сеҳрпардоз айласанг.**

**Ўзга оламдин хабар, деб бизни тирғуздинг, не тонг,  
Бу рисолат бирла гар изҳори эъзоз айласанг.**


**Розим ар созинг лисонидин баъидул-фаҳм эса,  
Анга руҳафзо унимни доғи ҳамроз айласанг.**

**Отланиб бошимни рахшингни аёғин остига,  
Тийғ бирла солгудек, масти сарандоз айласанг.**

**Парда ёп роз узраю, доҳил бўл ушбу базм аро,  
Ким эрур ҳориж агар бепарда овоз айласанг.**

**Чекмадинг лахне, Навоий, кўнгул истаб, айб эмас,  
Англаб ўзингни наво аҳлига шаҳноз айласанг.**

Шарқда илми адвор таълимоти қарор топиши муносабати билан, Наво мумтоз мақомлар тоифасининг таркибий қисми сифатида ундан жой олди. Ўн икки доира (мақом) туркумидаги Наво мақомига жинсу-л-қаввийнинг ярим пардаси ўртада жойлашган нави асос қилиб олинади.



Ана шу жинснинг қуйидаги тартибда изма-из уланишидан Наво доирасининг товушқатори таркиб топади.



Илми адвор удумларига кўра, ҳар бир мақом-парда тузилмаси, нафақат ўзининг таркиби, балки таъсир кучи (этоси) билан ҳам хусусиятланади. Шу нуқтаи назардан Наво мақомига Абдулқодир Ма-

роғий қуйидагича таъриф беради: «Ушшоқ, Наво ва Бусалик куй доираларининг таъсир кучи мардлик ва шижоат уйғотади ҳамда турклар, ҳабаш ва қора танлиларнинг табиатига мос келади»<sup>1</sup>.

Марказий Осиё, жумладан, Бухоро мусиқий муҳитида Наво мақоми, юқорида қайд этилганидек, Довуд пайғамбар тимсоли билан боғланади. Бу борада Дарвиш Али рисоласида қуйидаги нақл мавжуд: **«Наво мақоми Ҳазрат Довуд ғалайҳиссаломдан қолган.** Нақлдурки, қачон Ҳазрат Довуд ғалайҳиссалом лаҳн (алҳон, илҳон) қилсалар, муборак ҳалқумидан етмиш хил лаҳн чиқар эди. Қушлар, ваҳшийлар, йиртқичлар келар, беҳуш бўлар ва йиғилар эдилар. Ўша мақом Наво бўлган»<sup>2</sup>.

Парда тузилиши нуқтаи назаридан, амалдаги Наво йўли Бухоро Шашмақомининг истилоҳида «Намуди Наво» деб номланадиган бирламчи ҳужайрадан келиб чиқади. Уч даражада (ҳужайра, лад тузилмаси ва лад тизими) ҳам «Наво» деб юритилади. Парда тизими даражасида у, Наводан ташқари яна Баёт, Ҳусайний ва Ораз номли тузилмаларини ўз ичига олади. Ана шу тўртта тузилмадан иборат тизим асосида Наво Мақоми туркумининг етмиш қисмли таснифоти юзага келади. Амалдаги Шашмақомнинг етмиш қисми билан, юқорида зикр этилган Довуд қалбидан таралган етмиш куй орасида бевосита қандай алоқа мавжудлигини айтиш қийин? Аммо, амалда мавжуд нарса: муҳим далил! Ҳар ҳолда, Наво Мақоми номи остида турли бўлим, туркум ва алоҳида чолғу ва ашула асарларидан иборат мажмуани узоқ муддат давомида яшаб келаётганлиги бор ҳақиқат.

Энди асосий масалага қайтадиган бўлсак, парда тизими ва бутун бошли Мақом сифатида Наво қандай хусусиятларга эга, деган саволга жавоб ахтармоғимиз лозим.

Бунинг учун, биринчидан, Наво Мақомининг парда хусусияти билан боғлиқ бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш керак. Юқорида такрор қайд этганимиздек, Шашмақомнинг парда тизими танбурга мосланган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, танбур – Шашмақом парда тизимининг инъикоси! Бу жиҳатдан танбурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг ҳар бир мақомга қараб ўзгариб турадиган олтинчи пардаси (пардабанди) билан боғлиқ. Созандалар тилида у «шайтон парда» дейилади. Шу маънодаки, олти мақомнинг ҳар бирида у ўзига хос баландликда соланади.

Рост ва Ироқларда олтинчи парда асосий ўзак ҳужайра доирасидан ташқарида бўлганлиги учун, махсус созланиб ўтирилмайди. Танбурнинг тўртинчи пардасидан бошланадиган Бузрук, Дугоҳ ва Сегоҳ мақомларида «шайтон парда» махсус созланиши керак. Сабаби тўртинчи ва олтинчи пардалар орасида ҳосил бўладиган парда (вусто –

<sup>1</sup> Мароғий Абдулқодир. Мақосиду-л-алхан. – Техрон. 1966. Б.111.

<sup>2</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 468. В.10 а.

учинчи бармоқ пардасининг вариантлари) мазкур мақомларнинг ўзига хослигини билдирадиган омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Европача температурали парда тизимида уларнинг баландлиги бир хил ва умумлаштирилиб «кичик терция» деб юритилади. Шарқ тизимида ҳам улар умумлаштирилиб «вуста» (ўрта бармоқ пардаси) дейилган. Аммо, ғарб температурасидан фарқли равишда, шарқона вусталарнинг баландлиги турлича бўлган ва улар махсус номлар билан аталган. Шашмақом тизимидаги кичик терцияларнинг баландлиги ҳам турлича, лекин уларнинг аниқ миқдорини белгилайдиган назария ишланмаган. Шашмақом асослари амалий илм бўлганлиги сабабли, бундай назарий аниқликларга эҳтиёж ҳам бўлмаган. Устозлар, ўз салафларидан олган таълимга ва ички ҳис-туйғуларига таяниб, ўзича созлаб кетаверганлар. Бироқ амалда уларнинг ўзига хос нишонлари бўлиб, тегишли мақом номи билан айтилиб кетилаверган: Бузрук пардаси, Дугоҳ пардаси, Сегоҳ пардаси ва ҳ.к.

Навонинг энг ўзига хос жиҳатларидан бири – у айнан шу «шайтон пардадан» сарҳисоб этилади. Унинг атрофидаги пардалар ҳам шунга қараб созланади. Энг чигал жойи шундаки, унга боғлиқ ораликларни кичик терция ёки катта терция деб ҳам бўлмайди. Уларнинг битта номи бор – наво пардаси. Бузрук пардага, Дугоҳ пардаси ва Сегоҳ пардаси унинг хусусияти, бошқа мақомлар билан алмаштириб бўлмайдиган садоларда.

Наво Мақомининг иккинчи хусусиятли томони шундаки, унинг иккала қатлами, яъни қатъият ва эркинлик доираларида жойлашган бўлим, туркум ва қисмлар Рост Мақомига ўхшаб асосий тизим доирасидаги парда тузилмалар Наво, Баёт, Ораз ва Ҳусайнийлар асосида амалга оширилади. Ҳаттоки лад тузилмалари таркибига жорий этиладиган намуд, авж ва ранглар ҳам асосий парда тизими доирасидан жалб этилади. Бу ҳам Наво мақомининг тизими шайтон пардадан сарҳисоб этилиши билан боғлиқдир. Чунки ташқаридан олиннадиган авж ва намудларни наво пардаларидан улаш амри маҳол.

Наво тизимининг учинчи ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унинг таркибида таянч нуқтаси бош мақомнинг асосий пардасидан пастда жойлашган парда тузилмалари мавжуд. Хусусан, Навонинг асосий таянчи «фа» товуши (танбурнинг олтинчи пардаси) бўлса, Баётники ундан пастда жойлашган «ре» (тўртинчи)га тўғри келади. Бундай муносабатдагилар европача назарияда «плагал» (пастки таянч) ладлари дейилади.

Эътиборга лойиқ тўртинчи жиҳат: Намуди Навода бошқа парда тузилмаларида кам учрайдиган хусусиятлар кузатилади. Шулардан бири – таянч интервал кварта оралиғи тўртта эмас, учта товуш билан тўлдирилганлигидадир. Иккинчиси – худди шу кварта орасидаги куй ҳаракатларида ярим пардалар ташлаб ўтилганлигидир. Намуди Навонинг бошланишида ми-фа муносабати, асосий таянч (фа товуши)ни безаш учун шунчаки жуда қисқа ўткинчи ҳаракат

тарзида келади. Бундай тоифадаги тузилмалар илмда «ангемитон», яъни ярим пардасиз ладлар деб юритилади ва улар мусиқий тафаккурнинг қадимий қатламларига мансуб деб топилади.



Ангемитонлик хусусиятлари Бузрук Мақомининг намудида ҳам учрайди. Лекин улардаги ярим пардани бекитишлар бир-биридан фарқ қилади.



Ва ниҳоят, бешинчи эътиборли томони. Наво Мақомининг парда тизимининг ичидаги парда тузилмаларининг бир тоифага мансублиги. Яъни, унга тизимдан ташқаридаги парда тузилмалари хос эмаслиги (чизмаси кейинги бетда).

### Дугоҳ Мақоми

«Дугоҳ» сўзи луғатда юқорида қайд этилган «гоҳ»лар қаторида иккинчи ўринда туради ва шунга эътиборан «икки пайт», «икки ҳолат» маъноларини билдиради. Аммо Шашмақом истилоҳида у бутун бошли парда тизими ҳамда унга мувофиқ Мақом мажмуасини англатади. Дугоҳнинг маънавий илдизлари, Бузрук, Рост ва Наволарга ўхшаб, узоқ афсонавий тарихга эга эмас. Сабаби: қадимиятга вобаста умумшарқ аҳамиятига молик мумтоз ўн икки доира тизимида «дугоҳ» номли парда тузилмаси унинг чекка бир жиҳатини ифодалаган, холос.

Зикр этилганидек, «ўн икки мақом» моҳиятан парда тизими. «Ўн икки мақом» дейиладиган мусиқий тур (жанр) ва шакл (таснифот, асар) мавжуд эмас. Ўн икки мақом парда тузилмаларини таркибий бўлақларга ажратиш йўли билан, унинг тармоқ (шоҳобча)лари юзга келади. Ҳар бир мақомнинг икки (пастки ва юқори жинси) бўлагидан бири алоҳида «шўъба» (бўлак, қисм) деб юритилади. Турли хил икки бўлакнинг қўшилишидан «овоз»лар ҳосил бўлади. Ўн икки

**НАВО МАҚОМИ  
Пардалар тизими**

Наво — Баёт — Орази Наво — Хусайни Наво — Қаландари — Дучава

**Таркиботи  
(қатъийлик доираси)**

ТАСНИФИ НАВО  
Таржеъи Наво  
Гардуни Наво  
Муҳаммаси Наво  
Сақили Наво

САРАҲБОРИ НАВО  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III  
Тарона IV

ЗАМЗАМАИ НАВО

САВТИ НАВО  
Талқини Савти Наво  
Чаландози Савти Наво  
Соқийномаи Савти Наво  
Уфари I Савти Наво  
Уфари II Савти Наво

МУҲУЛЧАИ НАВО  
Талқини Мӯулчаи Наво  
Қашқарчаи Мӯулчаи Наво  
Соқийномаи Мӯулчаи Наво  
Уфари Мӯулчаи Наво

МУҲАММАСИ БАЁТ

ТАЛҚИНИ БАЁТ  
Таронаи Баёт

НАСРИ БАЁТ  
Тарона I  
Тарона II

УФАРИ ТАЛҚИНИ БАЁТ I  
Уфари Талқини Баёт II

САВТИ БАЁТ  
Чаландози Баёт  
Қашқарчаи Баёт  
Соқийномаи Баёт  
Уфари I Савти Баёт  
Уфари II Савти Баёт

МУҲУЛЧАИ БАЁТ  
Талқини Мӯулчаи Баёт  
Чаландози Мӯулчаи Баёт  
Қашқарчаи Мӯулчаи Баёт  
Соқийномаи Мӯулчаи Баёт  
Уфари Мӯулчаи Баёт I  
Уфари Мӯулчаи Баёт II

МУСТАҲЗОДИ БАЁТ  
Чаландози Мустваҳзоди Баёт  
Қашқарчаи Мустваҳзоди Баёт  
Соқийномаи Мустваҳзоди Баёт  
Уфари Савти Мустваҳзоди Баёт  
Баёт III

МУҲАММАСИ ХУСАЙНИ

ОРАЗИ НАВО  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III

**(Эркинлик доираси)**

САВТИ ҚАЛАНДАР  
Чаландози Савти Қаландар  
Талқини Савти Қаландар  
Қашқарчаи Савти Қаландар  
Соқийномаи Савти Қаландар  
Уфари Савти Қаландар

МУҲУЛЧАИ ДУЧАБА  
Чаландози Мӯулчаи Дучаба  
Соқийномаи Мӯулчаи Дучаба  
Уфари Мӯулчаи Дучаба

<sup>1</sup> Форобийнинг «Катта мусика китоби». – Қоҳира. 1961. Б.59.  
<sup>2</sup> Бу Ҳазрат Алишер Навоий илтифоти билан яратилган Атоллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадоний-у-саноний» асарининг бош форсидир. Қаранг: Атоллоҳ Ҳусайний «Бадоний-у-саноний». Алиббек Рустамий таржимаси. – Тошкент, 1981.

Дора (мақом) тизмида «Дугоҳ» илгирма турта шўбанинг бор-  
йўти икки товўшдан иборат кичик бир нави.  
Шашмақом тизмида эса, «Дугоҳ» олти асосий мақомнинг бири,  
бўтин бошли парда тизми ва унинг негизда ташкил топган Ма-  
ком жамуаси. Демак, ўн икки дора (мақом) ва Шашмақом тизим-  
ларида «дугоҳ» атамаси бугундай бошқа маъноларни англатади.  
«Ўн икки дора – мақом» моҳиятан мавҳум назарий тизим бўлса,  
Шашмақом эса унинг акси, яъни мутаорифий илмлар асосида му-  
айян мақом байроғи остида тулланган чолғу ва ашула бўлим, тур-  
кум ҳамда алоҳида асарлар жамуаси. Қиска қилиб айтганда  
бўласа, Шашмақом қадимий мўтвоз урф-одатларнинг Бухоро за-  
минида қайта туқилган «гилами» – матоси. Дарвоқе, муסיкий асар-  
ни «мато» (матн, туқима) дейиш улғу муסיкийшунос Форобийдан  
қолган одат<sup>1</sup>. Ана шу тамойилга эътиборан, «Дугоҳ Мақом»ни тула-  
туқис «Шашмақом форси»нинг маҳсули дейишимиз мумкин. Ва унинг  
тарихини, фикримизча, «Шашмақом форси»нинг ибтидоси Кавкабий-  
нинг «Куллиёти»дан бошлаш мақсадга мувофиқ.  
Дугоҳ Мақом бадиий асар сифатида ўзига хос шаклга эга.  
Парда тизими сифатида у турта Дугоҳ, Чоргоҳ, Ораз ва Ҳусайний  
парда тизимларини ўз ичига олади. Қизил шундаки, ички мазму-  
нига кўра улар ҳам икки та-иккитадан жўфтланган. Бу ҳам «иккила-  
ниш» («дугоҳланниш»)нинг шарқона бадиийятдаги ажойиб бир кўри-  
ниши. Улғулар улғу этишича, «назария мазмунан тузал (бадиий),  
бадиий асарнинг назарий асослари мукаммал (тузал) бўлмоғи ло-  
зим»<sup>2</sup>. Ана шундай иккиланнишда Дугоҳ-Чоргоҳ бир томон, Ораз-  
Ҳусайнийлар бошқа жўфтликни ташкил қилади.

Даржақикат, Дугоҳ ва Чоргоҳ парда тизимлари ўрасида му-  
хим ўзвий алоқалар мавжуд. У ҳам бўлса, Шашмақом парда тизим-  
ининг энг нозик нуқталаридан бири, танбўрнинг бекарор олтинчи  
«шайтон» пардаси билан боғлиқлигидир. Юқорида айтиб ўтилган  
ниддек, Дугоҳ парда тизимаси туртинчи «ре», Чоргоҳ эса олтинчи  
«фа» товўшдан бошланади. Масаланнинг чигал жойи шундаки, Дугоҳ  
ва Чоргоҳларнинг бошқа ҳамма пардалари ўхшаш, лекин ана шу  
ери фарқ қилади. Бу сифатни ёзувда, белгида ифодалаш амри  
маҳол, лекин ижрода яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам Дугоҳ  
ва Чоргоҳлар мўстакил парда тизимлари хисобланади. Лекин улар  
мўстаккам жўфтланган.

Ораз ва Ҳусайнийларнинг жўфтланиши бошқа тарафлама. Ҳар  
шундаки, айнан шу номлар билан юритилган парда тизимлари  
Наво туркумида ҳам мавжуд. Бундай парда муносабатлари бошқа

парда тизимлари орасида учрамайди ва мазкур мақомлар бадиия-тининг ўзига хос томонларидан бирини ташкил қилади. Бу услуб ҳам бадиий тарафдан пухта ишланган. Чунки икки мақомдаги Ораз ва Ҳусайнийнинг фақат бир бўлаги ўхшаш бўлиб, қолгани ушбу мақом унсурларига уланган. Шунга эътиборан, улар Орази Наво, Ҳусайний Наво ва Орази Дугоҳ, Дугоҳ Ҳусайний деб юритилади.

Дугоҳ Мақомининг ўзига хос жиҳатларидан бири, унинг эркинлик доирасидаги ашула йўлларида тизимдагилар билан бир қаторда, антиқа парда тузилмалари ҳам жой олганлигидир. Биринчи тоифага Мўғулчаи Дугоҳ ва Савти Чоргоҳ бўлимлари мисол бўлиши мумкин. Иккинчисига ёрқин далил «Сарахбори Оромижон» деб номланган беш қисмли бўлим. Эл орасида жуда машҳур бўлиб кетган бу асарнинг ички мазмунининг талқин этилиши борасида, турли мулоҳазалар мавжуд. Ўз даврининг таниқли мақом билимдони Илёс Маллаев бу асарни, ҳаттоки, «Еттинчи Мақом» деб исботлашга уринган эди<sup>1</sup>.

Бу ерда, Шашмақом асосларидан беҳабар тадқиқотчиларнинг фикрини чалғитиб турган нарса «сарахбор» иборасининг асар сарлавҳасига чиқарилганидир. Амалдаги Шашмақом одатларига мувофиқ, кўпчилик «сарахбор» тушунчасини ашула йўлларининг бошланғич қисми ўрнида кўришга ўрганган. Ваҳоланки, XIX аср рисола ва баёзларида «сарахбор» «мақом» ва «даромад» атамаларига маънодош сифатида мақом парда тизимининг ибтидоси, бошланғич унсури маъносига эга эканлиги қайд этилади. Мазкур удумга эътиборан, Шашмақом таркиботининг бошқа жойларида ҳам бошланғич парда ҳужайраси «мақом», «даромад» (Даромади Ушшоқ) ва «сарахбор» (Сарахбори Оромижон) деб юритилади.

«Оромижон» эса матн нақаротида мунтазам такрорланиб келадиган ёрқин сўзлардан бири «оромижон»нинг сарлавҳага чиқарилганидан бошқа нарса эмас. Ички тузилишига кўра, у савт ва мўғулчалар услубида тасниф этилган асар. Бошидаги қисмлар Сарахбори Оромижон ва Оромижон дейилади. Улар мазмунан «нақш» усулига асосланган равон тароналарни эслатади. Аҳамиятли жиҳатлардан яна бири, бу қисмларда сўзсиз оҳангга солиб («о»лаб) айтиладиган «замзама»ларга кенг ўрин берилганлигидир. Мақомларнинг асосий сарахборларига хос бўлган «замзама» лавҳаларининг ишлатилиши ҳам асарнинг «Сарахбори Оромижон» дейилишига сабаб бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Кейинги икки қисми «уфар» усулида келади ва «Уфари Оромижон» деб номланади. Уларнинг бири «оғир», иккинчиси «енгил» уфар вазифаларини бажаради. Уфарлардан сўнг кутилмаганда «Талқини Сарахбори Оромижон» қисми келади. Бу ҳам асар таснифотининг антиқа жиҳатларидан биридир.

<sup>1</sup> Матякубов Отаназар. «Беседы с Ильясом». – Нью-Йорк, 2010.

Умуман олганда, «Сарахбори Оромижон» номи остида беш қисмли яхлит таснифот юзага келади. Унинг парда асоси ички мазмунига кўра Чоргоҳ тузилмасига ўхшайди. Бу асарни яратган устозлар, унинг ёнида яна Чоргоҳ номи билан бошқа қисм (Савти Чоргоҳ, Чоргоҳ I, Чоргоҳ II, Чоргоҳ III)лар борлигини инобатга олиб, уни алоҳида ажратиш учун «Сарахбори Оромижон» деган бўлсалар керак.

Ана шу мантиқдан келиб чиққан ҳолда, устозлар кейинги таснифотга «Айлансин қулинг Мўғулчаси» деб берган бўлишлари мумкин. Бундай дейишимизнинг сабаби, асарнинг биринчи қисми «мўғулча» ва тартибга мувофиқ иккинчиси «талқин» усулида келади. Қолган қисмлари эсдан чиқиб кетган ёки умуман ишланмаган. Аммо асарнинг парда тузилмаси «Дугоҳ»нинг ўзгинаси. Демак, умумий тизимда бир Мўғулчаи Дугоҳ борлигини ҳисобга олиб, унинг «Айлансин қулинг» дейилганлиги ўз исботини топади.

Шу билан бирга, Дугоҳ Мақоми туркуми таркибидаги талқинча ва талқин усулларига асосланган Қаландари Дугоҳ ва Самандари Дугоҳлар ҳам бошқа мўғулчалардан қолган асоратлар бўлиб чиқади (чизмаси кейинги бетда).

### С е г о ҳ   М а қ о м и

Сегоҳ Мақомининг келиб чиқиши ва умумий андозасининг шаклланиши Дугоҳникига ўхшаб кетади. Лекин бу ерда Дугоҳ тарихидан фарқли бир гап бор. Айрим устозлар, жумладан, домла Исҳоқ Ражабов ҳам, Ҳижоз Сегоҳнинг эски номи деб ҳисоблайдилар. Бунда маълум ҳақиқат бор, албатта. Лекин масаланинг ечими бошқа тарафда (мавзуга кейинроқ қайтамиз).

Ҳар ҳолда, манбаларда Ҳижоз ҳақида Дарвиш Али шундай нақл келтиради: «**Ҳижоз мақоми Ҳазрат Сулаймон** (ъалайҳиссалом)-дан қолган. Нақлдурки, Ҳазрат Довудъалайҳиссалом вафот қилганларидан сўнг подшоҳлик Ҳазрат Сулаймонга ўтди. Аллоҳ таоло айтган: «Ва вариса Сулаймона Довуд», яъни Сулаймон Довуддан мерос олди. Ҳазрат Сулаймон Худой таолодан мулк талаб қилган эди, унга ер юзининг жами мулклари инъом қилинди. Сурур ва шодликдан Ҳижоз мақомида лаҳнлар қилдилар»<sup>1</sup>.


Шашмақомнинг кейинги амалиётида ва барча нота тўпламларида бу ном учрамайди. Ҳижоз атамаси Сегоҳ Мақомининг таркибий бўлаги сифатида фақат Хоразм танбур чизиги нусхаларида сақланиб қолган. Демак, Хоразм мақомлари Бухородан андоза олинганлигини ҳисобга олсак, бу парда тузилмаси Шашмақом таркибида қачонлардир бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Ҳижоз Шашмақомнинг Ари Бобохонов томонидан тузилган танқидий матнларида ҳам тушиб қолган. Ваҳоланки, нота тўпламлари-

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 468. В.10 а.



**ДУГОҲ МАҚОМИ  
Пардалар тизими**



**Таркиботи  
(қатъийлик доираси)**

Таснифи Дугоҳ  
Таржеи Дугоҳ  
Гардуни Дугоҳ  
Пешрави Дугоҳ  
Самои Дугоҳ  
Мухаммаси Дугоҳ

Саҳили Ашулло

Сараҳбори Дугоҳ  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III  
Тарона IV  
Тарона V  
Тарона VI  
Тарона VII  
Тарона VIII

Замзамаи Дугоҳ

Талҳини Чоргоҳ  
Тарона I  
Чоргоҳ  
Насри Чоргоҳ  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III  
Тарона IV  
Тарона V

Орази Дугоҳ  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III

Хусайни Дугоҳ  
Тарона I  
Тарона II

Мухаммаси Хусайний

Мухаммаси Чоргоҳ

Мўғулчай Дугоҳ  
Чаландози Мўғулчай Дугоҳ  
Талҳини Мўғулчай Дугоҳ  
Қашқарчай Мўғулчай Дугоҳ  
Соқийномаи Мўғулчай Дугоҳ  
Уфар I Мўғулчай Дугоҳ  
Уфар II Мўғулчай Дугоҳ

Савти Чоргоҳ  
Чаландози Савти Чоргоҳ  
Қашқарчай Савти Чоргоҳ  
Соқийномаи Савти Чоргоҳ  
Уфар I Савти Чоргоҳ  
Уфар II Савти Чоргоҳ  
II Савти Чоргоҳ  
III Савти Чоргоҳ

Қалаңдарий  
Самандарий

Сараҳбори Оромижон  
Оромижон  
Уфар I Сараҳбори Оромижон  
Уфар II Сараҳбори Оромижон  
Талҳини Оромижон


Мўғулчай Айлансин кулинг  
Талҳини Мўғулчай Айлансин кулинг

да «Насри Сегоҳ» дейишга одатланган бўлим Ҳижознинг ўзидир. Мантиққа кўра, Сарахбори Сегоҳ (Мақом Сегоҳ) бор жойда Насри Сегоҳнинг пайдо бўлиши таажжубли, чунки бундай ҳолат бошқа Мақом туркумларида учрамайди.

Бундай чалкашлик, икки томонлама мантиқий ноўринлик пайдо қилади. Биринчидан – туркум таркибида Сарахбори Сегоҳ номи билан юритиладиган Сегоҳ парда тузилмаси мавжуд. Иккинчидан, бошқа биронта туркумда ҳам Талқин ва Наср қисмлар бошланғич мақом номи билан юритилмайди. Шунга кўра, Сарахбор ва Талқин-Насрларни бир парда тузилмасига боғлаш Шашмақом одатларидан ташқаридаги нарса бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, Ҳижоз номини тиклаб Шашмақом парда асосини Сегоҳ, Ҳижоз, Наврўзи Хоро ва Наврўзи Ажамлардан иборат тўлиқ тўрт унсурлик парда тизими сифатида кўриш умумий Шашмақом мантиғига мос келади. Ана шу парда тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг негизидаги танбурнинг шайтон пардаси билан боғлиқ Сегоҳнинг бетакрор «кичик вусто пардаси»дир. У Бузрук ва Дугоҳ мақомларининг танбурнинг худди шу пардасидан чиқадиган вустолардан айнан шу кичик (тор) пардаси билан яққол ажралиб туради.

Сегоҳни ушбу тор терцияси, унинг турли хилдаги уч поғоналик ҳаракатларида мазкур мақомнинг хусусиятли оҳангларини бериб туради. У Сегоҳнинг бош оҳанги (лейтинтонация) сифатида бошланғич жинснинг ўзидаёқ икки мустақил бўғинда намоён бўлади:




Аслини олганда, бунга ўхшаган тўрт товушли жинс ичидаги уч босқичли куй ҳаракатлари Намуди Бузрук ва Намуди Наволарда ҳам учрайди. Лекин учлардаги уч босқичли ҳаракатлар кварта оралиғида, яъни ярим парда ташлаб ўтилган ҳолда келади. Сегоҳда эса аксинча, шу кичик ярим парда доим таъкидланиб туради. Демак, бу жиҳатдан Сегоҳни Бузрук ва Наволарнинг муқобили (қарама-қаршиси) дейишимиз мумкин.

Тор кичик уч пардаликка асосланган куй ҳаракатлари Сегоҳ парда тузилмасининг бошқа таркибий бўлақларида ҳам кенг ишлатилади. Масалан, миёнхат қисмининг парда тузилмасида у уч кўринишда келади:



Думча (каданс) лавҳасида ҳам худди шу тор уч пардалик ўзига хос жилоларда намоён бўлади ва асар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга яқунловчи унсурнинг ўзагини ташкил қилади:



Шундай қилиб, Сегоҳнинг асл ўзакларидан бирини ташкил қилувчи «учлик» куй ҳаракати, унинг намуд, миёнхат, думча ва бошқа таркибий бўлакларда изчил бир оҳангни ташкил қилиб боради. Эҳтимол «Сегоҳ» дейилиши шу билан боғлиқдир. Лекин биз буни аниқ айтишга ожизмиз. Чунки «сегоҳ»нинг яна бошқа луғавий маънолари ҳам бор. Масалан, Рост, Наволардан сўнг келадиган учинчи ёки Дугоҳ (иккинчи)дан сўнггиси (учинчиси)ни билдириши мумкин. Бу гўзал бадииятнинг сир-асрори фақат хосларга аён!

Учлик куй ҳаракати муносабати билан, Сегоҳ парда тизимида хос яна бир жиҳат. У ҳам бўлса, айнан шу ўзак оҳанг – учлик куй ҳаракати туфайли Сегоҳ таркибидаги парча-парча парда тузилмаларини ягона тизимга уйғунлашганлиги. Балки шунинг учун ҳам Шашмақом тизимида Ҳижоз номи четроққа олиниб, Сегоҳ рамзи сарлавҳага чиққандир? Ҳар ҳолда, айнан шу сифат, эркинлик доирасидаги барча тузилмаларнинг Сегоҳ асосида уйғунлашганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим: Савти Жалолий (Сегоҳ). Мўғулчаи Сегоҳ, Мустазоди Сегоҳ, Савти Гиря (Сегоҳ), Фигон I (Сегоҳ), Фигон II (Сегоҳ) (чизмаси кейинги бетда).

#### Ироқ Мақоми


Ироқ Мақомининг афсонавий илдиэлари Ҳазрати Аюбга боради. Бу тўғрида Дарвиш Али қуйидаги нақлни баён этади: **«Ироқ мақоми Ҳазрат Айюб ʻалайҳиссаломдан қолган.** Ҳақ таоло Ҳазрат Айюб ʻалайҳиссаломни қуртлар заҳматига мубтало қилди. Ун саккиз йил қуртлар меҳнатига гирифтор бўлдилар. Ун саккиз йилдан кейин тузала бошладилар. Бир қурт муборак баданидан ерга тушди, шунда уни олиб жойига қўйдилар. Қурт инсон баданини тишлаган эди, беихтиёр нола қилиб юбордилар. Рабб аларбобдан покиза хитоб келди: «Эй, Айюб! У бизнинг фармонимиз билан ерга тушган эди. Хуллас, унинг ўша фиғони Ироқ мақомида бўлган»<sup>1</sup>.

Бухорода Исмоил Сомоний мақбарасининг ёнида Ҳазрати Аюб номлари билан боғлиқ муқаддас қадамгоҳ мавжуд. Ёнида булоқ ҳам бор. Халқ тилида уни Чашмаи Аюб дейдилар. Хуллас, Бухорои Шарифда Аюб Пайғамбар номлари алоҳида эътиқод қилинади...

Ироқ парда тизими иккита номдан иборат парда тузилмалари билан белгиланади. Лекин улар аслида бир нарса. Шу жиҳатдан, биз Ироқ парда тизимининг таркибий бўлаклари деб қараётган Авжи Турк (рисола-баёзларда Наврўзи Турк) ва биз асл номини «Шаҳноз» деб фараз қилаётган Зебо Пари Авжлари ҳам таркибига кўра Ироқ пардалари атрофидаги нарсалар.

<sup>1</sup> Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 468. В.10 а.

## СЕГОҲ МАҚОМИ Пардалар тизими



Устозлар таъбирига кўра, Ироқ якунига етмаган ҳисобланади. Ва бу, фикримизча, ташқи сифат эмас, балки мақом тафаккурининг кўпроқ ички жиҳатлари риёзий (математик) тарафдан эса симметрия (мувофиқлик) талаблари билан боғлиқ. Охириги Мақом тарзидан, у азалдан шундай ўйланган. Чунки куй-оҳанг илоҳий руҳ рамзи сифатида якунланмайди, фақат ҳаракатдан тўхтайдди! Шунинг учун ҳам улар тархи (товушқатори) боши охирига уланган доира шаклида ифодаланган. Илми адвор (доиралар илми) дейилишининг сабаби ҳам шундан.

Эътибор берайлик: Ироқ чолғу йўлларининг охирида Катта Сақил ва ашула йўлларининг сўнгида Катта Уфар келади. Мажозда «катта» нарсанинг боши дегани билдиради. Бунинг рамзий маъноси Шашмақом шу ердан бошқатдан бошланади, яъни «доира» каби охири бошига уланиб кетади демакдир.

Ироқ мақомида яна бир диққатга сазовор белги бор. У ҳам бўлса Бухоро. Бу ўзига хос «тахаллусга» ишора. Тахаллус Шашмақомнинг эркинлик доирасидаги қисмида келади. Бу ерда мақом рамзиятининг яна бир нозик сифатига эътибор бериш лозим. Чунки қатъият доираси муқаддас ва унга кўшимча киритиш одобдан эмас. Шунинг учун ҳам тахаллуснамо Ироқи Бухоролар эркинлик доирасидан жой олади.


Ироқи Бухоролар муносабати билан яна бир изоҳ. «Ироқ» – мамлакат номидан ташқари, «нақш услубини» ҳам англатади (Бухоро ва Самарқанд воҳаларида одат этилган, рангли бўёқлар билан безалган юмшоқ дўппи – «ироқи» дейилади). Назаримизда, «Бухоро Ироқи» дейилганда мамлакатдан кўра (Бухорода қандай Ироқ бўлиши мумкин?) айнан шу маҳаллий услуб назарда тутилади ва у «Бухоро нақшлари» дегани англатади. Муסיқийни «нақш»га қиёслаш эса бор нарса. Шашмақом таркибидаги нақш ибораси бунинг гувоҳи.

Ироқ Мақомининг таркибот тафсилотини якунлар эканмиз, унда асар номи сифатида келаётган Чапандози Гулёр сўз бирикмасига ҳам диққат қаратиш лозим. Чапандоз усулнинг, Гулёр парда тузилмасининг номи. Фитрат маълумотларига кўра, «чапандоз»нинг тарихий илдизлари Турк хоқонлари саройларида ижро этиладиган нуфузли йўлларга хос бўлган «асланчап» усулига боради. Дарҳақиқат, «чап усул» деган усул бизда ҳанузгача маълум. Чапандоз ҳам шу тоифадаги усулларнинг мумтоз кўриниши.

Гулёрнинг бошқа бир шакли «Гулёр-Шаҳноз». Бу иборалар илми адвор истилоҳидан. Унда шаҳноз – овоз, гулёр – шўъба номлари. Шунга эътиборан, эндиликда «Зебо Пари» деб юритилаётган парда бирлигининг номи «Шаҳноз» бўлганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас (чизмаси кейинги бетда).

Шундай қилиб, Шашмақомнинг асосий тамойилларини назарга келтириш учун, унинг таркиботи ва маъно оламига оид тушунчалар билан қисқа танишиб чиқдик. Шашмақом – бу ажойибот ва сирасрор олами. Ҳар бир созанда ёки тадқиқотчи унга қанчалик самимий ва чуқур киришса, у ўз бадиият дурларидан шунчалик кўп баҳраманд қилаверади. Биз ҳам унинг тартиб ва низомлари тўғрисида фақат билганимизча сўз юритдик. Қолганлари эса Шашмақом бадииятининг ҳали очилмаган сир-асрорларидир.

**ИРОҚ МАҚОМИ  
Пардалар тизими**



Таснифи Ироқ  
Таржеъи Ироқ  
Гардуни Ироқ  
Фаръ-фари Ироқ  
Мухаммаси Ироқ  
Сақили Ироқ  
Сақили Ферушшоҳий  
Сақили Калон

Сараҳбори Ироқ  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III  
Тарона IV  
Тарона V  
Тарона VI

Уфари Ироқ  
Сулориши Ироқ

Ироқи Бухоро I  
Ироқи Бухоро II  
Ироқи Бухоро III  
Ироқи Бухоро IV

Ироқи Бухоро  
Талқини Ироқи Бухоро  
Қашқарчаи Ироқи Бухоро  
Соқийномаи Ироқи Бухоро  
Уфар I Ироқи Бухоро  
Уфар II Ироқи Бухоро

Мухайяри Ироқ  
Тарона I  
Тарона II  
Тарона III  
Тарона IV  
Уфари Ироқ

Савти Мухайяр  
Чапандози Савти Мухайяр  
Қашқарчаи Савти Мухайяр  
Соқийномаи Савти Мухайяр  
Уфар I Савти Мухайяр  
Уфар II Савти Мухайяр

**(эркинлик доираси)**

Савти Чамбар  
Чапандози Савти Чамбар  
Қашқарчаи Савти Чамбар  
Соқийномаи Савти Чамбар  
Уфар I Савти Чамбар  
Уфар II Савти Чамбар

Савти Тўлқин  
Талқини Савти Тўлқин  
Қашқарчаи Савти Тўлқин  
Соқийномаи Савти Тўлқин  
Уфар I Савти Тўлқин  
Уфар II Савти Тўлқин

Чапандози Гулёр

Устозлар таъбирига кўра, Ироқ яқинида ёлмаган ҳисобланади. Ва бу, фикримизча, ташқи сифат эмас, балки маком тираккурнинг кўроқ ички хўрақлари ривжий (математик) тарафдан эса симметрия (мувофиқлик) талаблари билан бўлиб, Олиғи Макром тарафдан, у азалдан шундай уйланди. Чунки кўроқнинг илҳомий руҳ раъзи сифатида жўнлангандай, фақат хўрақдан тўхтайдил! Шунинг учун ҳам улар тарихи (товуқдори) бундан охирига уланган доира шаклида ифодаланган. Илми ақдор (доғдўра илми) дегилганининг сабаби ҳам шундан.

Эътибор берилсинки, Ироқ чўлу йўллариининг бажирда Сатта Сақил ва ақдор йўллариининг бажирда Уфур келали Шажола «сатта» илҳомининг бажирда дегилганини билдириши мумкин. Бунинг раъзи мана шундай:

### СЎНГСЎЗ

Тадқиқотимизнинг калит тушунчаси бўлмиш «шашмақом»ни урф этилган амалдаги «жонли мусиқий удум» деб қабул қилдик ва у ҳақиқатан ҳам оғзаки (мутаорифий) тафаккур маҳсули деган хулосада тўхтадик. Бу беназир тарихий воқеликнинг макони азим Бухоро эканлиги шубҳасиз. Лекин замон жиҳатидан унинг бошланғич нуқтаси қачон ва ким томонидан қўйилганлигини топишда ожизлигимизни ҳам эътироф этдик.

«Оғзаки урф» дейилганда, одатда, қатъий белгили қоидаларга эга бўлмаган, қандайдир эркин дастурлар хаёлга келади. Лекин асрлар давомида айнан шу оғзаки равишда ривожланиб келаётган Шашмақом тизимининг негизида изчил қонуниятлар ётиши ҳам мавжуд ҳақиқат. Унинг сурати (ташқи шакли) ҳамда қиёфасининг айрим унсурлари доим ўзгариб турса-да, сийрати (ички шакли) ва умумий маъно-мазмуни барқарор сақланиб келаётган ижодий жараён эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Ушбу устувор муштарак эҳтиёж ва эркинлик тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, биз Шашмақом тарихини шартли равишда XVI асрдан сарҳисоб эта бошладик. Аслида эса, Шашмақомнинг ўқ илдизлари, асрлар қаърига, бизнинг заминда қадим замонлардан урф этилиб келаётган мусиқий маросимларга бориб тақалади. Шашмақомнинг жонли удумларида муштарак соз ва сўз санъатининг «замзама», «тарона» каби бошланғич тушунчалари, шеър матнларида эса юксак аруз санъати билан бирга қадимий сажъ ва бармоқ аломатлари мавжудлиги фикримизнинг далили бўлиши мумкин. Афсуски, Шашмақом тарихининг бундай қоронғи тарафлари илмда ҳали жуда кам ўрганилган.

XVI асрдан эътиборан, Шашмақом мусиқий тизимига билвосита алоқадор ёзма манбаларга эгамиз. Шу даврларда яратилган Кавкабий ва Дарвиш Алиларнинг рисоалари, Самарқанд ва Ҳиротнинг биродар вориси бўлган Бухоро мумтоз мусиқий удумларга ҳам боғлиқлиги шубҳа туғдирмайди. Уларда тўғридан-тўғри «шашмақом» иборасининг учрамаслиги эса фикримизча, бу тушунчанинг мутаорифийлик табиати билан боғлиқдир. Кейинги пайтларда Кав-

кабий ва Дарвиш Али меросини XIX асрда Бухорода ёзилган мусиқий рисолалар ҳамда Шашмақомнинг жонли мусиқий одатлари билан қиёсий ўрганиш, бу манбаларнинг ягона тизимга мансуб эканлигини тобора аниқ кўрсатиб бермоқда<sup>1</sup>. Ари Бобохоновнинг сўнги тадқиқотлари маҳсули бўлмиш Шашмақомнинг танқидий мусиқий матнининг яратилиши бу фикрни янада мустаҳкамроқ тасдиқлаб, янги далил ва маълумотлар билан бойитмоқда.

XXI асрда мақомшунослик ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўя бошлади. Ана шу янгиланиш жараёнининг нишонларидан бири, ўз даврида ноҳақ топталган нота тўпламлари ва қўлёзма китобларнинг ҳаётга қайтарилишидир. Улар қаторида, энг аввало, В.А.Успенскийнинг «Шашмақом» нота тўплами<sup>2</sup>, Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси»<sup>3</sup> ва Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобларини тилга олиш лозим. Ёки бир вақтлар етарли эътибор қаратилмаган атоқли мақомшунос Исҳоқ Ражабовнинг фундаментал асари «Мақомлар»<sup>4</sup> ва тожикистонлик устоз Фазлиддин Шаҳобовнинг мақола ва маърузалар тўпламини, атоқли олим В.М.Беляев, йирик шарқшунос А.А.Семёновларнинг қўлёзма аҳволида қолиб кетган асарларини тилга олиш мумкин.

Шу билан бирга, шўро давридан эътибордан қолиб кетган айрим фикр ва мулоҳазаларни ўзгартириш ҳамда умуман мақом тафаккурининг илдизларига бошқача назар билан қараш имкониятини берадиган устувор манбалар бўлмиш танбур чизиги нотаси ва унинг воситасида ёзиб олинган Хоразм мақомлари<sup>5</sup> ва ўзак нав Бухоро Шашмақомининг илмий-танқидий матнларининг чоп этилганлигини<sup>6</sup> эътироф этиш мумкин.

Ана шундай илмий изланишлар жараёнида мақом истилоҳига янги тушунча ва атамалар ҳам кириб келмоқда. Тадқиқотимизнинг «Бухоро Шашмақомига янги бир назар» дейилишининг сабабларидан бири ҳам шундаки, минтақамиз мақомот тизимининг ўқ илдизини ташкил қилувчи бу нав кўпдан буён алоҳида мавзу сифатида ўрганилмасдан, умумий шашмақом кўламининг бир чеккасида қолиб келаётган эди. Ваҳоланки, XX асрнинг ўрталарида Душанбе ва Тошкентда юзага келган янги тарихий шакллар, Бу-

<sup>1</sup> Низомов А. Таърих ва назарияи Шашмақом. – Душанбе, 2003; Матякубов О. Бухарский Шашмақом. – Ташкент, 2011.

<sup>2</sup> Успенский В.А. Шесть музыкальных поэм. – Москва, 1924.

<sup>3</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. – Москва, 1925.

<sup>4</sup> Ражабов И. Мақомлар. – Тошкент, 2006.

<sup>5</sup> Матякубов О., Болтаев Р., Аминов Ҳ. Хоразм Танбур чизиги. – Тошкент, 2010.

<sup>6</sup> Der Shashmaqam aus Buchara uberliefert von den alten Meistern notiert von Ari Babakhanov. Angelika Jung (Hg). – Berlin, 2010.



хоро Шашмақомидан фарқли навлар эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Тўғри, мақомотнинг турли тармоқлари – Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, ўзбек Шашмақоми ва тожик Шашмақоми барчаси умумий негизлардан келиб чиқади. Лекин, турли макон ва замонларда, ҳар хил ижтимоий сабаблар асосида юзага келган тарихий навларнинг ўзлигини инкор этиш ҳам илмга ҳилоф нарса. Бухоро Шашмақоми, ўзбек Шашмақоми ва тожик Шашмақоми шунчаки бир-бирига юзаки тенглаш ҳам тўғри эмас.

Хуллас, муштарак мақомот тизими – доимий ривожланишдаги ижодий жараён. Бу мўътабар санъат истиқболи эса соҳа аҳлининг билим ва савиясига боғлиқ. Унинг ҳар бир алоҳида навини улкан муз қояси – айсбергга қиёс қилиш мумкин. Шу маънодаки, айсберглarning фақат кичик бўлаги, яъни тўққиздан бир қисмигина сув устида кўриниб туради. Мақом куй ва ашулаларини тинглаганда оддий мухлис, одатда, ташқи шакли (ижроси)дан манфаатдор бўлади. Ҳақиқий созанда кўпроқ ички маъносига эътибор беришга ҳаркат қилади ва шу оламга ақл ҳамда заковат билан қанчалик чуқур кириша олса, ўз ижросида шунчалик таъсирли бадий асар яратишга муяссар бўлади.

Қадимда илм ва санъат маънодош тушунчалар сифатида ишлатилган. Мақом – юксак санъат. Айни чоғда унинг илми ҳам чексиз. Ундан ҳар бир авлод янгиликлар кашф этиб бораверади. Биз ҳам тадқиқотимизга шу ерда нуқта кўямиз. Лекин Шашмақом ҳақидаги изланишлар ҳали ҳар авлоднинг савияси ва эҳтиёжига яраша давом этаверади.



Бухоро манзараси. XX аср бошлари

---

Ўзбекистан Ғли Мەركەزлик Өзбекларنى Өргөنىш Өмдәسى  
\* \* \* \* \* تەدرىج شەخۇمەدىنى \* \* \* \* \*

---

فیترات .

Фитратнинг «Ўзбек классик музикаси ва унинг тарихи» китобининг муқоваси.  
Самарқанд-Тошкент. 1927

Ўзбек Ғдлассиқ Мۇвсдақабسى

ۋە ئۇنىڭ

تەدرىخى




Ўзбекستان دەۋلەت نەشرىياتى  
سامەرقەند-تاشكەنت، 1927 نەپى بىل.

---



Левича  
(Леви Бобохонов)



Чапдан ўнгга: Ф. Зафарий, В. Успенский, Ҳожи Сиддиқ



Чапдан ўнгга: Ниёз Ражабзода, Ота Гиёс, Ота Жалол, В.А.Успенский.  
Иккинчи қатор: Маъруфжон Тошпўлотов, Домла Ҳалим

Чапдан ўнгга биринчи қатор: Домла Ҳалим, Матюсуф Харратов, Николай Миронов,  
Абдурахмон Умаров, Абдиқодир Исмоилов.  
Иккинчи қатор: Фулом Зафарий ва Музаққир Бурхонов



Юнус Ражабий



Исҳоқ Ражабов



Моше Бобохонов



Ари Бобохонов



Чапдан ўнгга: Ари Бобохонов,  
Тўймурод Қодиров, Гулнора  
Яхшибсева,  
Толиб Темиров, Матлуба Ёқубова



Т.Темиров шогирдлари К.Рахмонов ва И.Исмоилов билан

Чапдан: Рустам Абдуллаев,  
Ўлмас Расулов,  
Ўлмас Оллоберганов, Ўктам  
Расулов, Соибжон Ниёзов



Бухоро. Шашмақом ансамбли. 2001 й.

Чапдан: Ф.Гулов, Ш.Шарипов, Р.Иноятов, Э.Ортиқов, Т.Темиров,  
А.Бобохонов, Ў.Расулов, М.Самандарова, О.Темиров, Г.Яхшибсева, Т.Қодиров.






Бухоро Шашмақом ансамбли. 2011 й.  
 Чапдан ўтирганлар: Т.Темиров, М.Аббасов, Ж.Мухамедов, Г.Садриддинов,  
 Н.Тошев, И.Искандаров, О.Темиров, Ф.Гулов  
 Турганлар: И.Исмоилов, К.Рахмонов, Ж.Хофизов, С.Жумаева, М.Самиева, Э.Ортиқов,  
 Р.Иноятлов, Х.Убайдуллаева, Д.Ражабова, Р.Набиев, Т.Қодиров




«Der Shashmaqam aus Buchara.  
 Beitrage zum Verstandnis der klassischen Musik Mittelasiens»  
 ва О.Матякубов «Бухарский Шашмаком» (биринчи нашр)  
 китобларининг тақдимоти.  
 1-5 ноябр, 2011 йил Веймар (Германия)












**РОСТ-ПАНЖГОҲ МАҚОМИ**

(Ари Бобохонов нотага олган)



# Таснифи Рост





# Гардуни Рост

The musical score for "Гардуни Рост" is written on ten staves. The first staff is a grand staff with a treble clef on the upper staff and a bass clef on the lower staff. The time signature is 2/4, and the key signature has one sharp (F#). The melody in the treble clef consists of eighth and sixteenth notes, with some rests. The bass clef part provides a simple accompaniment. The subsequent nine staves continue the melody in a single treble clef. The piece concludes with a double bar line and repeat dots.

A page of musical notation, likely a score for a single melodic line. The page is numbered 165 at the top center. It contains ten staves of music, each beginning with a treble clef. The notation is written in a single system, with each staff containing a sequence of notes and rests. The music appears to be in a common time signature, possibly 4/4 or 3/4. The notes are primarily eighth and sixteenth notes, with some quarter notes. There are several repeat signs (double bar lines with dots) throughout the piece, indicating repeated rhythmic patterns or phrases. The overall style is that of a classical or romantic-era melodic exercise or short piece.

# Мухаммаси Рост

The musical score is written in 4/4 time and consists of ten staves. The first two staves are marked with a '1.' above the first measure, indicating the first ending. The third and fourth staves are marked with a '6.' above the first measure, indicating the sixth ending. The fifth and sixth staves are marked with a '2.' above the first measure, indicating the second ending. The seventh and eighth staves are marked with a '6.' above the first measure, indicating the sixth ending. The ninth and tenth staves are marked with a '3.' above the first measure, indicating the third ending. The music is written in a single melodic line on a treble clef staff.

4.

Мухаммаси Ушшоқ






1.

6.





Мухаммади Рогъ




The musical score consists of ten staves of music. The first five staves are in a common key signature (one sharp, F#) and feature a variety of rhythmic patterns, including eighth and sixteenth notes, and rests. The sixth staff begins with a key signature change to two sharps (D major). The seventh and eighth staves continue with complex rhythmic figures. The ninth and tenth staves conclude the piece with more rhythmic activity, including a flat accidental (b) in the ninth staff. The score is marked with numbers 2, 3, 4, and 5, likely indicating specific measures or sections.










Мухаммаси Панжгоҳ







Сақили вазбин













6.

3.

4.









# Сараҳбори Рост-Панжгоҳ

М.М. ♩ = 100

Ҳофиз

Намуди Рост

То со - я - и му - бо - ра - кат аф - тод бар са - рам

Дав - лат ғу - ло - ми ман шу - ду иқ - бол чо - ка - рам

Миёнхати I

То со - я - и му - бо - ра - кат аф - тод бар са - рам

Дав - лат ғу - ло - ми ман шу - ду иқ - бол

Замзамаи Рост

чо - ка - рам о - о - о -

Миёнхати II

жо - ни - мо Шуд сол - хо ки

Фуровард


аз са - ри ман бахт раф - та буд аз дав - ла - ти ви

Замзама

со - ли ту боз о - мад аз да - рам о -

о - о - жо - ни - мо

о - о - о - о -



Дунасра  
 жо-ни-мо хай ё - ра Бе - дор дар за - мо-на на - ди-ди

ка-се ма - ро - е лар хоб а - гар ха - ё - ли ту гаш

Дунасраи замзама  
 ти му - сав-ва-рам о - - -

о - - - жо - ни - мо о - - -


о - о - о - о - о - о -

о - о - о - - - жо-ни-мо хай ё -


Авжи Ушшок  
 ра Бе - дор дар за - мо-на на - ди-ди ка-се ма - ро -

-е о - р - эй ё - ра до - де дар

хоб а - гар ха - ё - ли ту гаш - ти му - сав - ва-рам




ёр ёр ё - ра о - - - ё-ра-ма-по




о - - - хай во-е

Намуди Уззол




Ман умр дар ға - ми ту ба по - ён ба-рам ва-ле - ё




бо - вар ма-кун ки бе-ту за - мо-не ба сар ба-рам о -


Авжи Чоргоҳ-мухайяр



-о - хай во-е Зон шаб боз бар ди-ли тан-




гам да - ро - ма - ди сад шамъ дар ги рифт ди




мо-ги му - ат - та - рам о - о - о -


Миёнхати авжи Чоргоҳ-Мухайяр




-ё - ра-мо Зон шаб боз бар ди-ли тан - гам да



ро-ма-ди ё о - - - о - о -



- эй ё - ра - мо о - - -



хай ё-ра сад шамъ дар ги рифт ди - мо -




-ги му - аг - та - ра - мо о - - - о - -



-о - - о - хай жо - ни - мо а-си-ра




то о - о - о - о - о - о - о -



Ханг

ё - ра - мо жо-но - на - мо о - о -



- о - о - о - хай ё - ра



Хар кас гу - ло-ми шо-хи-анд мам - лу - ки со-хи-бест



Хо - физ ка - ми - на бан-да-и сул - то-ни киш-ва-рам



Замзама

о - - о - о - о - о - жо -

- ни - мо  
 жо-ни-мо хай ё - ра

## Таронаи 1 Сарахбори Рост-Панжгох

Халкий

Сай-ри гу-лу гул-шан ё - ра  
 Усули Мухаммас  
 бе ту бе - ту ха - ром аст  
 бс ла-би лаъ-лат ё - ра хун  
 дил - хун ди-лу ком аст зон ки ру - хи  
 туст вой ё - ра мо - хи мо - хи жа - хон -


Таронаи 3 Сарахбори Рост-Панжгоҳ

тоб рав - ша-ши дил-вой ё - ра аз  
 ту аз ту му - дом аст гуф - та-и меҳ-мон ё -  
 -ра ме - ша-вам им - рӯз о - жон ба фи  
 до - ят вой ё - ра ин чи ин чи ка -  
 лом аст жон ба фи - до - ят вой ё -  
 ра ин чи ин чи ка - лом аст


### Таронаи 2 Сарахбори Рост-Панжгоҳ

Машраб


Со - ки-ни ку - ниш-там кард ё - ра  
 Сувори  
 хуш-хи-ро - ми май-нӯ - ши сар ба пеш




аф - кан - дам      ғ - ра      бо ҳа - ғ      ҳам - о - го - ши




ғ - ди иш - ки ў      Маш - раб      ғ - ра




бар ди - лам      на - шуд мах - фи      хар - дам аз      на - во чун



соз      ғ - ра      ме - за - нам      ба худ жў      ше



хар - дам аз      на - во чун      соз      ғ - ра



ме - за - нам      ба худ жў - ши

# Таронаи 3 Сараҳбори Рост-Панҷгоҳ

Жомий

Дар киш - ва - ри хус-ни ва - фо эй мо - хи

кап - о-ни би - ё мап зар - ра - и сар-ғант - та

ам хур-ше - ди то - бо-ни би - ё

шуд кул - ба - ам бай-тул - ах - зан аз ҳаз - раг эй

гул пе - ра - хан ё жон да - ро дар мул - ки тан

аз ғайр пин - ҳо-ни би - ё танг ҳаст хил -

ват-хо - на - ам эй мо - хи ман тан-ҳо би - ё

танг ҳаст хил - ват - хо - на - ам

эй мо - хи ман тан - хо би - ё



# Таронаи 4 Сараҳбори Рост-Панжгоҳ

